https://buxdu.uz

БОШ МУХАРИР МИНБАРИ

Маълумингизким, бугунги кунда Ўзбекистонда психология илми ва унинг амалётига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондириш учун эса муайян даражадаги фундаментал тадқиқотлар, илмий-амалий тажрибалар ва юзлаб забардаст психолог олимлар керак бўлади. Ушбу ижтимоий воқеликни бундан ярим аср илгариёқ англаб ҳис этиб ўзининг бутун умрини мазкур муаммога бағишлаб ўзидан кейин ўнлаб салоҳиятли шогирдлар қолдирган ва юзлаб илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб келган барчамизнинг энг самимий, энг фидоий, энг севимли ва энг эъзозли устозимиз Давлетшин Муҳаммад Габдулгалимович таваллудининг 96 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар барчамизни қувонтиради ва психология фани осмонида янада юксакроқ парвозлар сари етаклайди. Зеро, инсон умри унинг ўз ҳаёти давомида қилган ишлари, эзгу амаллари, қолдирган салоҳиятли шогирдлари, ёзган китоблари, мангуликка дахлдор илмий мушоҳадалари билан белгиланади ва баҳоланади. Шу маънода биз таниқли психолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ажойиб инсон, устоз-мураббий М.Г.Давлетшин билан қанчалик фахрлансак арзийди. Қолаверса, бу фахр туйғуси бизни янада кўпроқ ишлашга, илм қилишга ва жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти учун жуда кўплаб эзгу амалларни алоҳида масъулият билан астойдил бажаришга чорлайверади. Албатта, шундай ажойиб, бағрикенг устозлар таълимидан баҳраманд бўлган Ўзбекистон психологлари ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаган.

Журналимизнинг мазкур сони, ҳар йилги анъаналаримизга мувофиқ таниқли олим ва Давлат арбоби М.Г Давлетшин домланинг ёрқин хотираларига бағишланадаи. Зеро, Хитой файласуфи Лао-Цзи айтганидек “Вафот этган, аммо унутилмаганлар тирикдир” .

Устоз М.Г. Давлетшин домламиз эса қалбимизда ҳамиша тирик ва абадийдир. Шу боис устоз асарларини ўрганамиз, мутолаа қиламиз ва илм чўққилари сари дадил қадам ташлайверамиз.

Баротов Ш.Р – Психология фанлари доктори, профессор

https://buxdu.uz

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ...

М.Г.ДАВЛЕТШИН – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Ҳар бир кишининг ҳаёт йўли қандай бўлиши унинг ўша йўлда қандай вазиятларга, кимларга дуч келишига, бу вазиятлар ва инсонлар одам ҳаётида қандай аҳамият касб этганлигига жуда боғлиқ бўлади. Ўша вазиятлар ва одамларнинг таъсиридан тўғри хулоса қилиш, учраган яхши инсонларга эргашиш одамнинг ҳаёт йўлини белгилаб беради. Одамлар ҳаётида шундай яхши хулоса қилиш ва яхшиларга эргашиш учун жуда кўп имкониятлар яратадиган инсон, ҳурматли устоз – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, психология фанлари доктори, профессор Мухамед Габдулгалимович Давлетшиндир.

Муҳаммад Габдугалимович Давлетшин 1923 йил 11 ноябрда Россия Федерациясининг Оренбург шаҳрида таваллуд топган. Уларнинг оталари ўз даврининг машҳур зиёлиларидан бири бўлиб, мадраса мударраси бўлиб фаолият кўрсатганлар. У II-жаҳон уруши бошланган йили, яъни 1941 йил Тошкентдаги 42-мактабни тамомлаган.

Бу даврда М.Г.Давлетшин ўз фаолиятини Тошкент авиация корхонасининг кадрлар тайёрлаш бўлимида шогирд-слесарь лавозимидан бошлаб, 1942 йил мастер инструктор лавозимида фаолият юритган. М.Г.Давлетшин 1946-1948 йилларда Тошкент шаҳрининг Шайҳонтоҳур туманида депутат лавозимида ўз фаолиятларини олиб борганлар. Ўша йилларнинг ўзида "Ўзбекистон маориф аълочиси" белгиси, "Фахрий белги" ордени билан мукофатланган.

Шунингдек, жамоатчилик асосида М.Г.Давлетшин 1991 йилдан 1999 йилгача Низомий номидаги ТДПУ қошидаги психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ишлари ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш раиси ва ҳаётининг охиригача унинг аъзоси сифатида, 1968 йилдан 1999 йилгача Ўзбекистон Республикаси психологлар жамияти (уюшмаси) раиси ва президенти бўлиб фаолият кўрсатди.

М.Г.Давлетшиннинг Республикада илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссини эътиборга олиниб, олим 1975 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони билан тақдирланган. "М.Г.Давлетшин илмий мактаби" тарихий тараққиётида икки йўналишни ажратиш мумкин:

Биринчи йўналиш, асосан мустақилликка бўлган даврга тўғри келиб, бу даврда кўпроқ қобилият, техникавий иқтидор, турли техникавий касб эгалари психологияси, меҳнат фаолиятининг психологик асослари, касбий фаолиятга психологик тайёрлаш муаммоларини ўрганишга эътибор қаратилган.

Иккинчи йўналиш, мустақиллик йилларида ривожлантирилиб, бунда психология фанининг турли соҳаларига оид тадқиқотларни жадаллаштириш, мамлакатга психологиянинг хилма хил тармоқлари бўйича ихтисослашувга эга кўплаб юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга қаратилди.

У 1956 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг психология кафедрасида педагогик фаолиятини бошлаган. 1960 йилда олимга психология кафедраси доценти илмий унвони берилган. М.Г.Давлетшин 11 йил (1957-1968) мобайнида Низомий номидаги ТДПИ да ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатган, университетдаги ўқув-тарбия жараёнини шакллантириш, такомиллаштириш бўйича катта иш олиб борди.

М.Г.Давлетшин педагогик ва раҳбарлик фаолиятини жамоатчилик ишлари билан уйғун ҳолда олиб борган. Бунга 1960-1991 йилларда психологлар жамиятининг Республика бўлими раёсат раиси бўлиб фаолият кўрсатганлиги ёрқин мисол бўла олади. 1988 -1993 йилларда Низомий номидаги ТДПИ қошидаги педагогик фанлар бўйича номзодлик ва докторлик илмий даражасини бериш бўйича ихтисослаштирилган Кенгаш аъзоси сифатида фаолият юритган.

М.Г.Давлетшин 1968 йилдан 2001 йилгача Низомий номидаги ТДПИнинг психология кафедрасига мудирлик қилган. У бошқарув ва раҳбарлик психологияси асосларини яхши билгани учун кафедрани моҳирона бошқара олган ҳамда кафедра институтдаги, 1998 йилдан университетдаги энг илғор кафедралардан бири бўлган. М.Г.Давлетшин 50 га яқин илмий

https://buxdu.uz

даражали фан номзодлари ва докторларига илмий раҳбарлик қилиб, республикамизда психология фанининг ривожланишига каттта ҳисса қўшган, шундай етук олим бизнинг университетда фаолият юритганидан фахрланамиз.

Қадимдан “Устоз-отангдек улуғ”, – деб бежиз айтишмаган. Агар ҳозирги ёшлар устозни этагидан маҳкам тутиб, қимматли маслаҳатларини олсалар, “игна билан қудуқ қазишга” тайёр бўлсалар, албатта Ватанимиз келажагини уларнинг қўлига ишониб топширса бўлади. Зеро, Президентимиз ёшларнинг келажаги ва бугуни учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Ёшлар бу шароитлардан тўлақонли фойдаланишларида устозларнинг фидоийлиги зарур бўлади. Барча устозлар бизнинг устозимиз Ўзбекистонда психология фанига жуда катта ҳиссасини қўшган олим, психология соҳасида бир неча олимларни етиштирган, буюк асарлар яратган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, психология фанлари доктори, профессор М.Г.Давлетшин каби фидойи, масъулиятли, шогирдларига ғамхўр бўлишларини тилаб қоламан.

Шарипов Шавкат Сапарович,
ТДПУ ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

М.Г.ДАВЛЕТШИН - ОБРАЗЕЦ ДЛЯ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ

М.Г.ДАВЛЕТШИН - ОБРАЗЕЦ ДЛЯ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ

Все мы плоды своих предков, в том числе и Мухаммад Габдулгалимович Давлетшин. Фамилия Давлетшин из тюркского языка означает «чистое богатство», «истинная ценность».

Это свидетельствует о том, что он из рода знатных, богатых не только и не столько материально, сколько генетически из рода духовно и интеллектуально богатых людей. Это же подтверждается образованием и статусом его отца и матери.

Мухаммад Габдулгалимович – достойный продолжатель своего рода, прекрасно презентовал генетические корни и весьма продуктивно прожил свою жизнь.

Он, как личность, утверждался жаждой к знаниям, интеллектуальным духовным, профессиональным и научным ростом.

Он всю жизнь прожил в скромной квартире, где двери его дома, благодаря личностным качествам его супруги Мафтуха – опы, всегда были гостеприимно открыты для его коллег и сотрудников, учеников и последователей.

С молодых лет проявились его организаторские качества, благодаря которым он возглавлял комсомол (молодежную организацию) в Республике и в последующем занимал ряд руководящих постов.

Человек небольшого роста ставил перед собой весьма высокие планки и достиг больших высот как в науке, так и в карьере.

Человек с небольшим физическим весом имел очень большой вес в обществе, особенно в научном мире. Его хорошо знали и уважали во всех 15 Республиках (ныне СНГ) бывшего Союза. Людям после ухода из жизни стараются выделить большие метражи (иногда до шести соток площади) на местах упокоения, ставить дорогие надгробные камни, плиты и делать красивые записи. Это знак уважения, почитания и чувства долга близких.

Совершенно адекватно воспринимая это, следует отметить, что Мухаммад Габдугалимович не нуждается в этом, поскольку его имя, фамилия и память о нем как личности ученого, руководителя, психолога, лектора, учителя навечно запечатаны в душах и памяти его учеников, сотрудников, студентов, руководящих работников министерств и ведомств. Человек, имеющий с рождения склонности к точным наукам, посвятил свою жизнь науке о человеке, психике, психологии – гуманитарной науке.

https://buxdu.uz

Большинство людей имеют одну Родину, он же имел три Родины: этническую Родину-Башкирию, Советский Союз и Узбекистан. При этом основной Родиной считал Узбекистан, где прошло становление его личности, выбор профессии, его профессиональная научная и административная деятельность.

Его лекции могли служить методическим, дидактическим образцом для молодых преподавателей. Все собрания, которые он проводил, не превышали 40 минут и проходили весьма конструктивно.

Он и в жизни, и в науке, руководительской и профессиональной деятельности всегда был собран, аккуратен, лаконичен, точен, политически грамотен, логичен и мудр. Этого же он требовал от окружающих. Он оставил глубокий продуктивный научный след в психологической науке. Память о нем и есть материал для подражания молодым ученым.

Он не создал научную школу, но ему удалось вырастить плеяду молодых перспективных психологов, кандидатов и докторов наук, которые продолжают его дело. Надо отметить, что на протяжении 19 лет М.Давлетшин оставался единственным доктор психологических наук в Узбекистане и тянул большой научный груз психологии в республике.

К тому же он внес определенный вклад по подготовке научно-педагогических кадров высшей квалификации для Таджикистана и Кыргызстана. Его ученики на сегодняшний день успешно продолжают свою научную, педагогическую и административную деятельность и за пределами Узбекистана (Россия, Германия, Татарстан, Башкыртыстан, Таджикистан, Кыргызстан).

Жизнь и деятельность М.Давлетшина могут служить образцом для молодых независимо от избранных ими профессий.

Г.Б.Шоумаров[1] – доктор психологических наук, профессор.
Советник министерство Народного образования Республики Узбекистан.

М.Г. Давлетшин “Хотира ва қадрлаш куни” да ҳамкасблар ва шогирдлар даврасида. Чапдан ўнгга – У.М.Умаров, Ғ.Б.Шоумаров, Н.С.Сафаев (2010)

[1] Редакция просит извинения за технические ошибки на стр. 5-6, допущенные в сигнальном экземпляре журнала “Psixologiya” № 3, 2019 г.

https://buxdu.uz

Давлетшин Муҳаммад Габдулгалимович,
Психология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

(11.11.1923 - 24.01.2011)

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар
Ҳаёт ҳам бўлмасди, гўзал бу қадар
(А.Жомий)

Дарҳақиқат, буюк мутафаккир А.Жомий таъкидлаганларидек, муаллим, устоз бўлмаса болалар таълими, тарбияси нима бўларди? Ҳаётимиз гўлаллиги, турмушимиз фаровонлиги, иқтисодиётимизнинг юксалиши, маънавиятимиз буюклиги худди шу устозлар туфайлидир. “Устоз отангдан улуғ” – деган халқ мақоли бежиз айтилмаган. Чунки ота-она фарзандини осмондан ерга олиб тушиб, дунёга келтиради, тарбиялайди, яхши устоз қўлига бериб, ҳеч кимдан кам қилмасдан тарбиялашга қўлидан келганча ҳаракат қилади.Устоз эса шогирдларини осмонга олиб чиқади, ўз билимини шогирдларига бериб, уларда касбий, ҳаётий малака ва кўникмаларни шакллантиради. Ҳар бир устоз ўзига ўхшаган шогирдни тарбиялайди....

Ўз шогирдларини осмонга олиб чиққан устозлардан бири Мухаммад Габдулгалимович Давлетшиндир. Устоз 50 га яқин фан номзодлари ва докторларининг илмий ишига раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилган. Ўзбекистон психология фани тараққиётига катта ҳисса қўшган, психологлар илмий жамоатчиликда ўзининг алоҳида салобатли ўрнига эга олим Муҳаммад Габдулгалимович Давлетшиндир. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, психология фанлари доктори, профессор М.Г.Давлетшин Ватанимиздаги психология фанининг ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган олимдир.

М.Г.Давлетшин 50 йилдан ортиқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТДПУ)да педагогик фаолиятини олиб борган. У талабаларга психологик билимларни бериш билан бирга республикамизда илмий салоҳиятли кадрларни етиштиришда улкан ҳисса қўшган. Бу билан республикамизда психология фанининг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган.

Ўрта Осиёда биринчи фан доктори ҳисобланган М.Г.Давлетшин “Ўқувчиларда техник қобилият психологияси” мавзусида докторлик диссертацияни ёқлаган. М.Г.Давлетшин докторлик диссертациясини Ленинград Давлат Университетида Б.Г.Ананьев раҳбарлиги остида муваффаққиятли ёқлаган.

Профессор М.Давлетшинда комил инсонга хос барча ижобий хислатлар мужассам бўлган. Улар орасида юксак маънавият, гуманизм, альтруизм, мақсадга интилувчалик, меҳнатсеварлик, кучли ирода, сабр-тоқатлилик каби хислатлар устозда яққол намоён бўлган.

Устознинг яна бир сай-ҳаракатлари ҳақида тўхмалмай иложимиз йўқ. Умрларининг сўнгги йилларида барча шахсий кутубхоналаридаги нодир китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, журналларини кафедрага совға қилдилар. Ундан ташқари шогирдларига, барча

https://buxdu.uz

кафедра аъзоларига илмий мавзуларидан, қизиқишларидан, дарс берадиган фанларидан келиб чиқиб, турли дарслик, монография, ўқув қўлланмаларни совға қилдилар.

Профессор М.Г.Давлетшиннинг умрларини охирига қадар интеллектуал фаолият билан шуғулланишларига рафиқалари Мафтуха аянинг хизматлари беқиёс. Аёлларнинг юксак муваффақиятларга эришишларида забардаст турмуш ўртоқлари камарбаста, мотиватор, ҳомий бўладилар. Аксинча, эркакларнинг хизмат фаолиятида юксак чўққиларни забт этишида, меҳрибон рафиқаларининг меҳнатлари юксак бўлади. Мафтуха ая кафедранинг фаолияти, домла шогирдларининг оилавий аҳволи ҳақида батафсил маълумотга эга. Ҳар бир шогирднинг, кафедра аъзосининг илмий ишига домладан ҳам кўп қайғурадилар, чин дилдан шу ишлар амалга ошишини истайдилар. Бунга бир мисол келтираман. Фарғона давлат университетида фаолият юритган шогирлари, психология фанлари номзоди, доцент Мамлакат Абдуллажонова билан бир йилда 1998-2001 йилларда докторантурада таҳсил олдик. Кейин билсам, ўша пайтларда Мамлакатхон оғир касалликка чалинган, врачларнинг кўригида тез-тез бўлиб туриш учун Тошкентга докторантурага кирган экан. Докторантура муддати ҳам тугаб, анчадан кейин бир домланинг уйларига кўришга борганимизда, Мафтуха ая: “Мамлакатхон ишларини кафедрада муҳокамага қўйса бўлар эди. Чунки у касал билан курашиб, ўзини чалғитиш учун диссертацияни ёзган эди. Диссертация ҳаётининг мазмунига айланиб қолган эди, унинг руҳи таскин топар эди” – деб қолдилар. Лекин минг афсус, бунда Мамлакатхон ҳаётининг сўнгги кунларини яшаётган эди.... Ана шу яққол мисолнинг ўзи Мафтуха аянинг шогирдлари ҳақида қанчалик ғамхўрлик қилишларидан далолат беради.

М.Г.Давлетшин 1923 йил 11 ноябрда таваллуд топган. 11 ноябрь ҳар йили психологларнинг катта байрами сифатида нишонланган ва нишонламоқда. Ҳар йили домланинг таваллуд айёмлари билан табриклаб борганимизда, дастурхондаги барча таомларни, ширинликларни, тузламаларни Мафтуха ая ўз қўллари билан тайёрлар эдилар, жуда пазанда ширин қўлли аёл эдилар. Мафтуха ая жуда меҳмондўст, уйларига борган барча инсонларни, шогирдларни бир пиёла чой узатмай жўнатмасдилар.

М.Г.Давлетшинни кўпчилик Ўзбекистон психология фанининг отаси деб айтишади. Чунки у кишининг шогирдлари катта устоз бўлиб, кўпгина шогирдлар етиштирмоқдалар. Устознинг қилган ишлари, олиб борган фаолиятлари ҳақида ёш психологларда тасаввур ҳосил қилишга ҳаракат қилдик. Устознинг, рафиқаларининг руҳлари шод айласин, охиратлари обод бўлсин...

Замира Нишанова,
психология фанлари доктори, профессор

М.Г. Давлетшин энг яқин маслакдоши ва барча шогирдларининг иккинчи онаси рафиқаси Мафтуха ая билан (2008)

https://buxdu.uz

Каримова Васила Маманасировна,
ТДПУ профессори, психология фанлари доктори
Байкунусова Гулмира Юлдибаевна,
ТДПУ ўқитувчиси

М.Г.ДАВЛЕТШИН ИЛМИЙ ИЖОДИДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎРНИ

Аннотация: *Мақолада профессор М.Г.Давлетшиннинг ҳаёт ва ижод йўли ҳамда у яратган психология фанларини ўқитиш концепцияси акс этган. Шунингдек, талаба шахсини ривожлантириш соҳасида психологияни ўқитишнинг мақсадлари аниқ ифодаланган.*

Калит сўзлар: *илмий ижод, ўқитиш, психология, концепция, методика.*

Аннотация: *В статье освещена жизненный и творческий путь профессора М.Г.Давлетшина и созданный с его стороны концепция преподования психологических наук. Вместе с тем выражены цели преподования психологии в развитии личности студента.*

Ключевые слова: *научное творчество, преподование, психология, концепция, методика.*

Abstract: *The article highlights the life and career of Professor M.G. Davletshin and the concept of teaching psychological sciences created on his part. At the same time, the goals of teaching psychology in the development of the student’s personality are expressed.*

Key words: *scientific creativity, teaching, psychology, concept, methodology.*

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида ёш авлод учун ўз тарихий ўтмиши ҳақидаги билимларнинг аҳамиятини, баъзи машҳур шахсларнинг унутилиш даражасига борган номларини қайта тиклашнинг бугунги кун учун заруратига алоҳида урғу берадилар. У ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида, бу ҳақда тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган: “Мустақил фикрга эга, илмий ҳақиқат йўлида керак бўлса энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни айта оладиган, адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар олим инсонлар ҳаёти бизга ибрат бўлмоғи керак”.

Шундай тарихий шахслардан бири, Ўзбекистон психология фани тараққиётига катта ҳисса қўшган, психологлар илмий жамоатчилигида ўзининг алоҳида салобатли ўрнига эга олим Муҳаммад Габдулгалимович Давлетшиндир. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, психология фанлари доктори, профессор М.Г.Давлетшин Ватанимиздаги психология фанининг ривожланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган олимдир. У 1957 йил “5-7 синф ўқувчиларида техник қизиқишларни шакллантириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган. Олим 1971 йил “Ўқувчиларда техник қобилиятларнинг психологияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

М.Г.Давлетшин Низомий номидаги ТДПУ да 11 йил (1957-1968) мобайнида ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатган. Университетдаги ўқув-тарбия жараёнини шакллантириш, такомиллаштириш бўйича катта иш олиб борди. 1968 йилдан 2001 йилгача Низомий номидаги ТДПУнинг психология кафедрасига мудирлик қилган. Профессор М.Г.Давлетшиннинг илмий ижодида психология фанларини ўқитиш муаммоларини ўрганиш илмий мақола мавзуимизнинг долзарблигини белгилайди.

Метод. Тадқиқ этилаётган муаллифнинг ғояларини тизимлаштириш методидан ушбу мақолани ёзишда фойдаландик.

Профессор М.Г.Давлетшин меҳнат таълими ва касбга йўллаш муаммоларига, техник қизиқиш ва техник қобилиятларни шакллантиришнинг психологик хусусиятларига, Республикамиздаги педагогика олий ўқув юртлари ва университетларида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш муаммоларига кўп эътибор беради. М.Г.Давлетшиннинг илмий қизиқишлари асосан олий мактабларда психологияни ўқитиш самарадорлигини ошириш

https://buxdu.uz

муаммоларига қаратилган эди. Олим томонидан Ўзбекистон мактабларида психологик хизматни ташкил қилиш ва бошқаришнинг шакл ва тизими ишлаб чиқилди. Профессор М.Г.Давлетшин ҳозирги замон талабларини назарда тутиб, асосий эътиборни Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашларини ўрганиш масалалари билан мактабларда психологияни ўқитишда ва Республика психологларининг илмий тадқиқот ишларида бу бой меъросдан фойдаланиш масаласига қаратган.

М.Г.Давлетшин Ўзбекистон педагогика олий ўқув юртларида психология фанларини ўқитиш янги концепциянинг муаллифидир. Олимнинг таъкидлашича, ҳозирги даврда олий ўқув юртларида психология фанларини ўрганишнинг асосий мақсади талабаларнинг бўлғуси касбий фаолиятга назарий ва амалий тайёрлашнинг аниқ вазифаларини ҳал қилишдир. "Умумий психология", "Ёш даврлари ва педагогик психология" фанларини ўрганиш талабаларнинг руҳий дунёсини бойитиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўз тарихий ўтмиши ва буюк келажаги учун фахрланиш, янгича фикрлашни шакллантириш, бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар психологиясининг ўзгариши каби мақсадларни кўзда тутади.

М.Г.Давлетшиннинг концепциясига кўра, психология фани дунё психология фанининг замонавий ютуқларини акс эттириши лозим. Олимнинг таъкидлашича, бу муаммони ҳал қилиш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

1. Ўқув курси концепциясини қайта қуриш (асосий мақсад, вазифа, билим ва кўникмалар даражаси, мустақил ижодий тафаккурни ривожлантириш).
2. Педогогик фаолиятнинг асосий бирликларини ажратиш.
3. Психология курсида мотивация ва мақсадга йўналганлик.
4. Умумий дидактик тамойиллар – илмийлик, тарихийлик, тизимлилик, кетма-кетлик ва бошқаларни амалга ошириш.

Давлетшин фикрига кўра юқорида келтирилган умумметодологик талабларга таяниб, психология ўқитиш методикаси муаммоларини ҳал қилиш мумкин.

Шу билан бирга, устоз маъруза машғулотларига тайёргарлик ва уни ўтказишга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди. Маърузанинг турли шакллари – муаммоли маъруза, монолог маъруза, аудио-визуал воситалардан фойдаланилган монолог, эвристик суҳбат, баҳс мунозазарали маъруза ва бошқалардан фойдаланишни тавсия этган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, М.Г.Давлетшин психология курсларида семинарларни ташкил этишни ҳам тубдан ўзгартириш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, семинар машғулотлари ўқув билиш ҳамкорлиги ва ўзаро таъсир мактаби бўлиши зарур. Семинар дарсларда талабалар гуруҳларга бўлиниб ишлашининг самарадорлигини таъкидлаган. Бу эса шундан далолат берадики, устоз ҳозирги вақтда олий таълимда кенг фойдаланилаётган замонавий янги педагогик технологияларнинг самаралигини олдиндан кўра билган.

М.Г.Давлетшиннинг таъкидлашича, бўлғуси педогогларнинг касбий кўникмалари соҳасида психология ўқитишнинг мақсади қуйидагиларда намоён бўлади:

А) Таълимга тайёрликни, ўқув ҳаракатларининг англанганлиги ва эгалланганлиги даражасини билиш фаолияти даражасини диагностика қилиш.

Б) Аниқ ўқув фанини ўқитиш метод- воситалари, мақсадларини такомиллаштириш йўналишларини таҳлил қилиш;

В) Ўқувчи шахси ва синф жамоасини диагностика қилиш ва психологик тавсифнома тузиш;

Г) Мактабдаги таълим жараёнини такомиллаштириш йўналишларини таҳлил қилиш, низоли вазиятларни бартараф этиш воситаларини таҳлил қилиш, ўқув тарбия жараёнида шахслараро муносабат ва ўқув ўзаро таъсири;

Талаба шахсини ривожлантириш соҳасида психология ўқитишнинг мақсадларини М.Г.Давлетшин қуйидагиларда деб белгилаган:

А) Бўлғуси ўқитувчи шахсининг илмий дунёқарашини, эътиқодини ва йўналганлигини ривожлантириш;

Б) Талабаларда янгича тафаккурни шакллантириш;

В) Талаба шахсида онглилик ва ўз-ўзини ташкил этишни шакллантириш;

Г) Психологик-педагогик тактни ривожлантириш;

Д) Коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш.

https://buxdu.uz

Юқорида устоз таъкидлаган талаба шахсини ривожлантириш бўйича тавсиялар ҳозирги кунда олий ўқув юртларида ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялайдиган замонавий ўқитувчилар томонидан кенг фойдаланилмоқда.

Давлетшин концепциясига кўра, психология ўқитиш методикасининг асосий вазифаси талабаларда маъруза, семинар, амалий машғулот ва мустақил ишларни ўзига хос метод ва воситалар ёрдамида психологик билим ва ҳаракатларни ўзлаштиришни назорат қилиш, қайта ишлаш ва тушунтириш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, устознинг фикрича, талабалар психологияни ўрганиш давомида нафақат назарий билимларни эгаллабгина қолмасдан, балки олинган билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ҳам шакллантириш муҳимлигини қайта-қайта таъкидлаган.

М.Г.Давлетшиннинг таъкидлашича, психология фанларини ўқитишда талабаларни мулоқотга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Таълимнинг янги услуби ҳамкорликка асосланиши лозим. Инсон қаерда ишламасин бизнесдами ёки ҳокимиятдами, мактабдами ёки касалхонадами – ҳамма биргаликда ишлаши лозим. Инсонларнинг муваффақиятли рақобат қилиши эмас, балки уларнинг муваффақиятли ҳамкорлиги муҳим муаммо ҳисобланади. Бу янгича ёндашувни талабаларга психология фанини ўқитиш жараёнида амалга ошириш зарур .

Хулоса. Шундай қилиб, устозларнинг устози Мухаммад Габдулгалимович Давлетшин Ўзбекистонда психология фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган, забардаст олим. Олим раҳбарлигида республикада 3 нафар фан доктори, 50га яқин фан номзодлари тайёрланган. Республикамизнинг барча олий ўқув юртларида у раҳбарлик қилган шогирдлари олий таълимни ривожлантиришга, устоз илгари сурган психология фанларини ўқитиш концепциясини амалга татбиқ этишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Республиканинг барча олий ўқув юртларида М.Г.Давлетшиннинг ўқув ва услубий қўлланмалари талабалар томонидан севиб ўрганилмоқда. Устоз илгари сурган психология фанларини ўқитиш концепцияси ҳозирги кунда республика психология фанлари ўқитувчилари учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ.1998.- 31 б.
2.Давлетшин М.Г “Ўзбекистонда психологик хизматнинг аҳволи ва вазифалари. (Ғ.Ф.Шоумаров билан ҳамкорликда. Илмий-амалий конференция тезислари. – М.:.1987 й.
3. Давлетшин М.Г “Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларида психологиянинг ривожланганлиги.”//Вопросы психологии .1987. №4.4. 4. 4. Давлетшин М.Г. Танланган асарлар. – Т. 2009.
5. Давлетшин М.Г “Иродавий хислатлар ва техника қобилиятларининг ўзаро боғлиқлиги”
6. Давлетшин М.Г Ўқувчиларда қобилият таркиб топиши. – Т. : Ўқитувчи 1965. - 48 б.
7. Давлетшин М.Г., Ковалев Г., Крутецкий В. Қобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи. 1979. 134 б.
8. Давлетшин М.Г Вопросы психологии обучении и воспитания. Сборник научных трудов. – Т., 1976.

https://buxdu.uz

Қодиров Хаёт Шарипович,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети,
Педагогика ва психология факультети декани, PhD, доцент

ТАЛАБАЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг замонавий долзарб масалалари ёритилган. Мавжуд манбалар таҳлили асосида талабалар касбий компетентлигининг педагогик-психологик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Зарурий кўрсатма, тавсиялар, илмий-назарий қарашлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар*: касбий кўникма, касбий компетенция, касбий компетентлик, билим, малака, амалий компонент, касбий фаолият турлари.*

Аннотация: *В данной статье освещаются современные проблемы подготовки учителей профессионального образования. На основе анализа имеющихся ресурсов изучены педагогические и психологические особенности профессиональной компетентности студентов. Выдвигаются необходимые инструкции, рекомендации, научные и теоретические рекомендации.*

Ключевые слова: *профессиональные навыки, профессиональная компетенция, профессиональная компетентность, знания, навыки, практическая составляющая, виды профессиональной деятельности.*

Abstract: *This article highlights the current problems of training teachers in vocational education. Based on the analysis of available resources, the pedagogical and psychological features of students' professional competence are studied. The necessary instructions, recommendations, scientific and theoretical recommendations are put forward.*

Key words: *professional skills, professional competence, professional competence, knowledge, skills, practical component, types of professional activity.*

Мавзунинг долзарблиги: Олий таълим муассасаларида малакали мутахассислар, хусусан, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни уни максимал даражада амалиётга, келгусида мутахассислар меҳнат фаолиятларини амалга оширадиган ўқув юртларидаги мавжуд шарт-шароитларга яқинлаштиришни кўзда тутади. Олий таълим муассасаси таълим жараёнига илғор техника ва технологиялар ишлаб чиқаришда оммавий тарзда ўзлаштирилишидан илгарироқ татбиқ этилиши керак. Шу боис, бугунги кунда талабаларнинг билим ва кўникмаларини, уларнинг амалий тайёргарлигини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Касбий кўникмалар касбий компетентлик таркибига киради. ***Касбий компетентлик*** тушунчаси педагогикада тажриба, назарий билимлар, амалий кўникмалар ҳамда инсоннинг касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлигини кўрсатувчи муҳим шахсий сифатларнинг интеграцияси асосидаги мураккаб индивидуал-психологик тузилма сифатида талқин қилинади (А.Л.Фатыхова. Касбий маънода кўникма кўпинча малаканинг асоси сифатида қаралади. Худди ана шу сабабли илмий адабиётларда ҳозиргача шахсий ва касбий тажрибани шакллантириш асоси сифатида "билим - кўникма – малака" учлиги етакчилик қилиб келмоқда. Бизнинг нуқтаи назаримизча, "касбий кўникма" тушунчасини дастлаб инсоннинг касбий фаолиятни у ёки бу даражада бажара олиш қобилиятини белгилаб берувчи махсус билимлар, касбий фаолият тўғрисидаги тасаввурлар сифатида талқин қилиш мумкин. Касбий кўникмалар кўникмаларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Т.В.Кудрявцев касбий кўникманинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида қайд этиб, қуйидагиларни кўрсатиб ўтади. Биринчидан, улар ўзига хос ишлаб чиқариш масалаларини ечишга йўналтирилган; иккинчидан, ечимларнинг кўп вариантлилиги ва афзал вариантни танлаш мумкинлиги; учинчидан, улар назарий-амалий хусусиятга эга – ақлий ва амалий фаолиятларнинг узлуксиз бирлиги ва ўзаро таъсири билан изоҳланади.

https://buxdu.uz

Амалий компонент “назарияни амалиёт билан текшириш” вазифасини бажариб, унинг тўғрилигини тасдиқлаб, фикрни амалиётни назария билан текширишга йўналтиради, яъни назарий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради. Умуман, педагогик фаолиятда кўникмалар интеллектуал ва амалий кўникмаларга ажратилади (Л.Г.Семушиной ва Н.Г.Ярошенко, П.Д.Левитов). Интеллектуал кўникмалар турли фикрий амалларни самарали бажаришни кўзда тутади (анализ, синтез, қиёслаш, таснифлаш ва шу кабилар). Амалий кўникмалар амалий фаолиятни, ишлаб чиқариш амалларини муваффақиятли бажаришни назарда тутади ва касбий кўникмаларни ўз таркибига олади, уларнинг таркибига умумтехник кўникмалар ҳам киради (масалан, чизмаларни ўқиш ва чизишни билиш, техник ҳисоб-китоблар, ўлчашларни бажариш, техник қурилмаларни созлаш ва ишга тушириш (Э.Ф. Зеер)). Бошқа муаллифлар томонидан кўникмалар қуйидаги турларга ажратилган: рационал кўникмалар (В.И. Валовик), мослашиш кўникмалари мослашиш кўникмалари энг биринчи навбатда, таълим олувчилар шахсининг ички имкониятларини фаоллаштиришга йўналтирилади. Э.Ф.Зеер томонидан кўрсатилган омил касбий кўникмаларга хос бўлган хусусиятларни кўрасатиб берган: ҳаракатларнинг жуда аниқ ва тез бажарилиши; барқарорлик – тўсқинлик қилувчи ҳолатларга қарамай, иш-ҳаракатларнинг аниқлиги ва суръатини сақлаб қолиш қобилияти; мослашувчанлик – ўзгарувчан шароитларда ишни бажаришга оқилона ва ижодий ёндашиш, ҳар бири у ёки бу аниқ ҳолатларда энг самарали ҳисобланган усуллар орқали ишини амалга ошириш қобилияти; мустаҳкамлик – кўникмалар узоқ вақт қўлланмаслигига қарамай, узоқ вақт сақланиб қолиши.

Касбий компетентлик асосини бир қатор аниқ кўникмалар ташкил қилади, биринчи навбатда уларни талабаларда шакллантиришга эътибор қаратиш зарур. Жумладан, бундай кўникмаларга қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ихтисослик “тили”ни билиш ва ундан фойдаланиш; академик фаолият ва мустақил билим олиш орқали ўзининг умумтаълим ҳамда касбий билими даражасини ошириш; ўқув машғулотларини ўтказишнинг янги шаклларига мослашиш; назарий шаклда баён этиладиган ўқув материалининг амалий йўналиши рефлексиясини тушуниш ва амалга ошириш; мантиқийлик, тузилишдаги изчиллик, илмий объективлик ва касбий йўналганлик талабларига мос ҳолда ўқув материалини тизимлаштириш ҳамда умумлаштиришни; ўзлаштириладиган билимларнинг методологик, тушунтириш ва прогностик функцияларини шакллантириш.

Ихтисослиги ҳамда ишлаб чиқаришда мутахассис бажариши керак бўлган вазифаларига қараб, касбий кўникмаларни гуруҳларга ажратиш мумкин. Мисол учун, мутахассис сифатида техникнинг касбий кўникмаларини, у бажарадиган фаолият турларига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, конструкторлик-технологик, тажриба-эксперимент ўтказиш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолият машинасозликда деталларини тайёрлаш ва йиғиш технологик жараёнини амалга ошириш, ишлаб чиқаришда технологик интизомга роия этишни назорат қилишни назарда тутади; материаллар ҳамда жиҳозлардан самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш; маҳсулот сифатининг белгиланган меъёрларига мувофиқлигини техник назорат қилиш; тажрибали мутахассис раҳбарлигида техника объектларини стандарт ва сертификатлаштириш синовларидан ўтказиш; замонавий техник тизимларни бошқариш ҳамда уларни ишлатиш.

Ташкилий-бошқарув – ижро этувчи жамоанинг ишини ташкил қилиш; ишлаб чиқариш ишларини режалаштириш ва ташкил қилиш; ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш; инженерлик ва бошқарув қарорларини жорий этиш учун замонавий техник воситаларидан фойдаланиб, ахборотнинг технологик, иқтисодий ва бошқа турларини тўплаш, қайта ишлаб чиқиш ва жамлаш; ишлаш майдонида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш.

Конструкторлик-технологик фаолият машинасозлик буюмларининг оддий турларини йиғиш ва ўртача мураккабликдаги деталларни тайёрлашнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқишга йўналтирилган; асосий ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ўртача мураккабликдаги буюмларини лойиҳалаштириш; технологик лойиҳалаштиришга оид техник топшириқларни тузиш; патент тадқиқотларини ўтказиш ҳамда малакали мутахассис раҳбарлигида лойиҳалаштирилаётган техника ва технология объектларининг техник даражаси кўрсаткичларини аниқлаш.

https://buxdu.uz

Тажриба-экспериментал малакали мутахассис раҳбарлигида янги техник объектларни ва технологик жараёнларни текшириш ҳамда ўзлаштириш бўйича ишларни бажариш; берилган дастур бўйича зарурий кўрсаткич ва характеристикаларни қайд этиш ҳамда олинган маълумотларни қайта ишлаш. Касбий фаолият турларига қараб, касбий қарашларни ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин (1-расм).



1-расм. Касбий кўникмаларнинг меҳнат вазифалари билан ўзаро боғлиқлиги

Агар инсон фаолияти давомида мавжуд кўникмасига янги кўникмалар қўшилса ёки дастлабки кўникмаларига билан боғлиқ бўлган қатор янги кўникмалари шаклланса, у ҳолда мураккаб (аралаш) кўникмаларнинг хосил бўлганини билдиради. Масалан, станокда детал ясаш жараёнида қатор кўникма ва малакалар тақозо этилади. Хусусан, болванкани танлаш ва мустаҳкамлаш, резц очиш, станокни ишга тушириш, деталларни йўниш билан боғлиқ кўникмалар. Шу боис, бизнингча, касбий кўникмани аралаш кўникмалар сифатида қараш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганлар касбий кўникма турли ҳаракатлар тизимидан иборат бўлиб, фаолият натижаси уларнинг бир-бирига мувофиқлигига боғлиқ, деб ҳисоблашимизга имкон беради. Тушунчани ана шундай талқин қилишдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, касбий кўникма турли кўникмалар яхлит мажмуининг узвий синтезидан иборат бўлган анча мураккаб тузилмадир. Мисол учун Т.Н.Шамова томонидан таклиф этилган касбий кўникмалар тузилмаси ўз ичига интеллектуал кўникмалар (ёки билиш) ва коммуникатив кўникмаларни қамраб олади. Шу билан бирга, муаллиф интеллектуал кўникмаларни “ахборот олиш ва уни қайта ишлаш кўникмаси” сифатида қарайди ва улар қаторига фикрлаш операцияларини эгаллаш, ўрганилаётганлардан энг асосийси ва муҳимларини ажрата билиш кўникмаларини киритади. Б.М.Богоявленская ва Н.А.Менчинская, интеллектуал кўникмалар дейилганда яхши “ўзлаштирилган” ва пухта “мустаҳкамланган” ақлий операциялар, услубларни тушунади.

Н.М.Слаутина интеллектуал кўникмаларни билиш фаоллигига таяниб, ўқув ёки касбий фаолият жараёнида муаммоли вазиятларни тезкор ҳал қилишда, турли масалаларни қўйиш ва ечишда эгаллаган билим ва кўникмаларини қўллаб фикрий амалларни муваффақиятли амалга ошириш кўникмалари сифатида тушунади. Шубҳасиз, ушбу кўникмалар касбий фаолиятнинг ўзига хос назарий асосидир, бироқ унинг амалий асоси биринчи навбатда умуммеҳнат кўникмалари ҳамда махсус ишлаб чиқариш-технологик кўникмалардан иборат эканлиги олимлар томонидан эътироф этилмаган.

З.А.Решетова касбий фаолиятда намоён бўладиган барча кўникмаларни жуда оқилона тарзда бирлаштирган, уларни шаклланиш даврида ҳам, амалга ошириш даврида ҳам ҳар бир касбий кўникмага хос бўлган фаолият турлари бўйича тақсимлаган: фаолиятнинг йўналтирувчи асоси ва бевосита ижро этиш фаолияти. Муаллиф фикрича, йўналтирувчи фаолият шакли, мазмуни бўйича ва вазифаси бўйича билиш-тадқиқотчилик фаолияти ҳисобланади, шунинг учун касбий кўникмаларни шакллантиришда ўқув-амалий ва касбий-амалий топшириқларни фарқлай билиш керак. Улар шакли, мазмуни бўйича бир хил, аммо функциялари бўйича ўхшаш эмас.

Биринчи фаолият турини бажарганда йўналтирувчи асосни ташкил этиши керак бўлган билимлар эндигина шакллана бошлайди, иккинчи тур фаолият бажарилганда улар шаклланган бўлади ва кўникманинг йўналтирувчи асоси функциясини бажаради. Ижро этиш фаолияти

https://buxdu.uz

(амалий) фаолият йўналтирувчи билан узвий боғлиқ, улар йўналишдаги ўзгаришлар – унинг умумлаштирилиши ва уйғунлаштирилиши билан параллел равишда такомиллашиб боради, бунинг натижасида онгли назорат майдони ҳам тораяди. З.А.Решетованинг фикрича, ушбу босқичда кўникма малака сифатида тавсифланиши мумкин. Илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш бизга “касбий кўникма” тушунчасини аниқлаштириш имконини беради.

Касбий компетентлик бевосита амалий фаолият жараёнида намоён бўлади. У ҳаракатлардан ташкил топади. Улардан бири йўналтирувчи фаолият жараёнларининг содир бўлишини таъминлайди, бу жараёнда ишлаб чиқариш топшириғини бажаришга тайёргарлик кўрилади: ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, унинг кўрсаткичлари ва материалларни таҳлил қилиш; келгусидаги фаолиятни режалаштириш; материаллар ва асбоб-ускуналарни танлаш; ишлаб чиқариш технологиясини таҳлил қилиш, ўрганиш ёки ишлаб чиқиш. Фаолиятнинг йўналтирувчи асоси билиш ва умуммеҳнат характеридаги ҳаракатларни бирлаштиради. Ушбу ҳаракатлар кўп жиҳатдан талабаларнинг махсус фанлар ва умуммеҳнат фанлари бўйича ташкил этилган машғулотларда олган назарий билимлари сифатига боғлиқ бўлади. Касбий кўникмалар кўпроқ фанлараро характердаги билимларни талаб қилади. Бошқа ҳаракатлар (ўзига хос) ижро этиш фаолиятини таъминлайди. Бунда наъмуна ва норматив кўрсаткичлар бўйича маҳсулотни тайёрланади ва технологик операциялар бажарилади.

Кўрсатиб ўтилган барча ҳаракатлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, ўзаро биргаликда мақсадга эришишни таъминлайди. Касбий компетентлик такомилида инсоннинг онгли фаоллигини ифодаловчи характернинг иродавий ўзига хосликлари ҳам жуда муҳим ҳисобланади: мақсадга интилувчанлик, фаоллик ва мустақиллик, уюшқоқлик (биринчи навбатда, – ўзини тута билиш ва чидамлилик, интизомлилик), барқарорлик (тиришқоқлик ва саботлилик).

Бироқ касбий кўникмаларни шакллантиришда ходимнинг ўзига хос характери хусусиятларидан ташқари бир қатор индивидуал қобилиятлари ҳам катта аҳамият эга: ментал қобилиятлари (масалан, стратегик фикрлаши, харакатчан ва қарашларининг кенглиги, келажакни олдиндан кўра билиши); ташкилотчилик қобилиятлари (масалан, аниқ вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, жамоа билан ишлашни билиш, қарор қабул қилиш учун одамларни бир мақсад сари йўналтира билиш); коммуникатив қобилиятлар (масалан, инсонлар билан ўзаро муносабатларда тезкор ҳаракат қилиш, перцептив кўникма ва малакалар, низоларнинг олдини олиш ва келишишни билиш), креатив қобилиятлар ва бошқалар. Айнан шунинг учун мутахассисни тайёрлаш жараёни нафақат касбий билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, яъни компетентлигини ривожлантиришга, балки унинг шахсини ҳам такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ушбу қобилиятларнинг юқори даражада ривожланганлиги, А.М.Новиковнинг фикрича, индивидга касбий фаолиятни иерархик уч босқичнинг исталган бирида самарали амалга оширишга имкон беради:

1) касбий фаолиятнинг операцион даражаси, бунда мутахассис фақат айрим технологик операцияларни бажаради (муҳим кўникмалар - технологияни тушуниш, англаб етиш; аниқ технологик ишни бажариш);

2) касбий фаолиятнинг тактик даражаси, бунда мутахассис ўзгарувчан шароитларда жорий масалаларни ечиш учун мавжуд воситалар ва фаолият усуллари фойдаланиб, тўла технологик жараёнларни бажаради (муҳим кўникмалар – ўзгарувчан шароитларда тез йўналиш олиш қобилияти; фаолиятлар ва уларнинг изчиллигини тўғри умумий алгоритмларини ўзлаштириш; фаолиятларини режалаштириш; маълумотнома ва махсус адабиётлардан фойдаланиш кўникмалари);

3) касбий фаолиятнинг стратегик даражаси, бунда мутахассис бутун атроф-муҳит, иқтисодий, технологик, ижтимоий муносабатларга таянади, ўзи ишлайдиган корхонанинг умумий мақсадлари билан ўз фаолиятининг ўрни ва мақсадини мустақил аниқлайди (муҳим кўникмалар – билиш кўникмаларининг юксак ривожланганлиги; ижодий фаоллик қобилият; фаолият жараёни ва натижаларини мустақил таҳлил қилиш; дунёқарашларнинг кенглиги ва чуқурлиги; мулоқотмандликнинг юқори даражада ривожланганлиги).

Хулоса: Олий касбий таълим жараёнида бўлғуси педагогларнинг меҳнат фаолиятида зарур бўлган касбий компетенциялар тизимли равишда ривожлантириб борилади. Бунда касбий

https://buxdu.uz

кўникмалар касбий компетентликнинг асосий таркибий қисми сифатида муҳим ўрин тутади. Унинг ривожланганлик даражаси мутахассиснинг шахсий такомилини ҳам кўрсатади. Касбий компетентликни педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали усул-услубларини ўзлаштириш, амалий татбиқ этиш имконларини юзага чиқаради, таълим мазмунини бойитиб, сифат ўзгаришларига замин яратади.

Адабиётлар:

1. Сайидахмедов Н., Абдувохидов С. Касб таълими ўқитувчисининг педагогик фаолияти модели. – Т.: Фан ва технология, 2014.

2. Қосимов Ш. Касб-ҳунар коллежларида амалий касбий таълимни ташкил этишнинг илмий-педагогик асослари. – Т: “Фан ва технология”, 2014.

3. Абдулина Л.Б. Фатыхова А.Л. Оптимальные педагогические условия развития познавательных умений студентов. – “История и педагогика естествознания”, 2014

4. Зеер, Э.Ф. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования/ Э.Ф. Зеер, Э. Сыманюк // Высшее образование в России. - №4, 2005.

5. Новиков А.М. Профессиональное образование в России. – М., 1997.

6. Слаутина Н.М. Формирование профессиональной компетентности студентов вуза. - Автореферат кандидата наук. - 2005.



Профессор М.Г. Давлетшин ижод жараёнида

https://buxdu.uz

Нишанова Замира Таскараевна,
ТДПУ профессори, психология фанлари доктори

ЎҚУВЧИЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН МИЛЛИЙ ХИСЛАТЛАР[2]

Аннотация: *Мақолада ўқувчиларда миллий хислатларни ривожлантиришнинг долзарблиги асосланилган. Шунингдек, муаллифнинг экспертлар билан олиб борган тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинган. Энг зарур миллий хислатлар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган.*

Калит сўзлар: *миллат, миллий хислат, милий онг, миллий ғурур, миллий туйғу, миллий қадрият, миллий урф одат.*

Аннотация: *В статье обоснована актуальность развития национальных качеств учащихся. Вместе с тем приведены эксперментальные данные проведенные с экспертами со стороны автора. Ранжированы самые важные национальные качества для читателя.*

Ключевые слова: *нация, национальные качества, национальное сознание, национальная гордость, национальное чувство, национальная ценность, национальные обычаи.*

Abstract: *The article substantiates the relevance of the development of national qualities of students. At the same time, experimental data provided by experts on the part of the author are presented. Ranjed the most important national qualities for the reader.*

Keywords*: nation, national qualities, national consciousness, national pride, national feeling, national value, national customs.*

Мавзунинг долзарблиги. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, лекин шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, миллий ўз-ўзини англаш, ўзбекчилик — миллатчилик деган маънони билдирмайди. Миллий уйғониш, миллий ғурур, миллий туйғунинг тикланиши — бу миллий ривожланиш билан узвий боғлиқ бўлган табиий қонуний жараёндир.

Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича фикрлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади. Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни Республикамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук фидойи кишилар этиб тарбиялаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган бой маънавий меросни авайлаб асраб, уни замонавий илм фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаоллигини ошириш — мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир.

Ижтимоий-сиёсий мустақилликка эришиш Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бу даврда, барча соҳаларда бўлгани каби таълим ва тарбия соҳасида ҳам ёш авлодга жаҳон андозаларига мувофиқ таълим-тарбия бериш ва уни миллий қадриятларимиз негизида амалга оширишнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Юксалиш ва тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида

[2] Мақола ПЗ - 20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли амалий лойиҳа доирасида тайёрланган.

https://buxdu.uz

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири деб кўрсатилган. (2016йил 14 сентябр, ЎРҚ-406-сон) [1].

"Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз" - дейди президентимиз Ш. Мирзиёев[2].

Этнопсихологик хусусиятлар ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан халқнинг бутун ўтмиши, ҳаёт тарзи ва тарихи билан боғланиб кетган бўлиб, бу хусусиятлар миллат шаклланмасдан аввалроқ вужудга кела бошлайди. Маълумки, миллат этник бирлик тараққиётининг энг юқори босқичида вужудга келади. Этнопсихологик хусусиятларнинг айрим белгилари кишилар бирлигининг ҳамма тарихий даврларига яъни уруғ, қабила, элатларга ҳам хосдир.

Этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланишида табиий муҳит ҳам маълум таъсир кўрсатади. Маълумки, ўзбекларнинг асосий қисми деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишган. Бундан ташқари ўзбеклар яшайдиган йирик шаҳарларнинг ғарбдан шарққа, жанубдан шимолга ўтувчи катта карвон йўлларида жойлашган бўлиши, бу ерларда фақат деҳқончиликни эмас, шунингдек, пул-товар муносабатларини, турли хил ҳунармандчиликни, қўшни халқлар билан савдо-сотиқ ишларининг ривожланишига олиб келди. Ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуш тарзини ўрганган тадқиқотчиларнинг барчаси ўзбекларга хос бўлган очиқ юзлик ва хушмуомилаликни таъкидлаб кўрсатишган эди. Ўзбекларнинг бир неча асрлар деҳқончилик билан шуғулланиб келиши, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ерга нисбатан уларда тежамкорлик ва омилкорликни вужудга келтирди. Табиий-географик муҳитнинг таъсири қанчалик сезиларли бўлмасин, бироқ этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланишида уни етакчи омил қилиб қўйиш тўғри эмас. Шунинг билан бирга, унинг ролини мутлоқ инкор этиш, ёхуд ортиқча ошириб юбориш ҳам нотўғри хулосалар қилишга олиб келади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни милий руҳда тарбиялаш учун аввало уларда миллий хислатларни ривожлантириш зарур. Ҳозирги глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсири туфайли ёшларимиз хориж фильмларига, сериалларига тақлид қилиб, миллийликни бир оз унутгандай, миллийликдан бир оз чекингандай туюлади.

Методика. Ўқувчи ёшларда миллийликни ривожлантириш учун экспертларнинг фикрини ўрганишни жоиз деб билдик. Тадқиқотимизда экспертлар сифатида Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИга малака оширишга келган умумтаълим мактаблари директорлари иштирок этишди. Тадқиқотда 93 нафар респондент иштирок этди. Улар билан биз томонимиздан тадқиқот учун тузилган сўровномани ўтказдик. Сўровномада 20 та миллий хусусият акс этган бўлиб, респондентлар уларни ўқувчиларда миллийликни ривожлантириш учун муҳимлигига кўра ранжировка қилишлари зарур. Респондентларга қуйидаги йўриқнома берилди: "Қуйидаги келтирилган шахс хислатларини ўқувчиларда миллийликни ривожлантиришдаги муҳимлигига кўра ранжировка қилинг. Сизнинг фикрингизча, энг муҳим деб ҳисоблаган сифатга 1, кейингисига 2 ва ҳоказо рақамлар қўйишингиз, энг муҳим бўлмаган сифатга эса, охирги номер қўйилиши зарур".

Эмпирик таҳлил. Сўровнома натижалари қуйида умумлаштирилди.

1-Жадвал.

Ўқувчиларда шакллантирилиши зарур бўлган миллий хислатлар

№	Шахс хислатлари	бал
1	Ватанправарлик	4,03
2	Ҳалоллик	5,06
3	Меҳнатсеварлик	6,2
4	Самимийлик	6,8
5	Мустақиллик	7,2
6	Ишбилармонлик	7,5
7	Мулоқатчанлик	7,6
8	Ширинсўзлик	7,9

https://buxdu.uz

9	Меҳмондўстлик	8,6
10	Киришимлилик	9,06
11	Камтарлик	10,2
12	Серғайратлилик	10,3
13	Тежамкорлик	11,2
14	Сахийлик	11,3
15	Мослашувчанлик	12,8
16	Ҳавасгўйлик	13,4
17	Ишонувчанлик	13,7
18	Кўнгилчанлик	14,03
19	Итоатгўйлик	15,3
20	Ҳасадгўйлик	17,06

Юқоридаги жадвалда кўриниб турганидек, респондентлармизнинг фикрича, ёшларимизда миллийликни ривожлантиришдаги энг муҳим сифат бу “Ватанпарварликдир”. Уларнинг фикрича, ватанпарвар ўз юрти, туғилган, яшайдиган макони билан фахрланадиган, аждодлари тарихини, уларнинг жаҳон илм фани ривожланишига қўшган ҳиссаси билан ғурурланадиган, аждодларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилиш билан миллийликни ривожлантириш мумкин.

Респондентларимиз ҳалолликни иккинчи ўриндаги миллийликни шакллантиришдаги муҳим хислат сифатида кўрсатишган. Ҳалол луқма ейиш, ҳаромдан ҳазар қилишни ҳам ёшликдан шакллантирилиши зарурлигини таъкидлашган. Бу билан улар бир бурда нон есанг ҳам пешана тери орқали топишга ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлашган.

Респондентларнинг фикрича, миллийлик шаклланишидаги муҳим хислатлардан яна бири меҳнатсеварликдир. Халқимиз азал азалдан меҳнатсеварлиги билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Одатда ҳар бир халқ қандайдир сифатлар билан ассоциацияланади. Масалан, “немислар -пунктуал”, “тожиклар - урушқоқ”, “қозоқлар - ювош, кенг феълли”, “ўзбеклар - меҳнатсевар халқ сифатида кўпчилик адабиётларда шоирлар, ёзувчилар томонидан тавсифланган.

Самимийлик миллийлик шаклланишидаги тўртинчи ўриндаги муҳим хислат сифатида ўртача 6,8 балл кўрсатилган. Самимийлик ёлғон ишлатмаслик, ўйидагини тилида ифодалашдир.

Миллий хислатга эга шахс мустақил бўлиши, қарор қабул қилишда, муаммони ҳал қилишда ҳеч кимнинг кўмагига таянмаслиги ҳам муҳимдир. Шунингдек, ишбилармонлик ҳам миллийлик шаклланишидаги муҳим хислат сифатида кўрсатилган. “Буюк ипак йўли” дан ўтган диёримизда азал азалдан ота боболаримиз савдогарлик, тижорат, ишбилармонлик билан шуғулланишган. Бозор муносабатларига ўтган мустақил республикамизда ҳам ҳозирги кунда тадбиркорликка кенг йўл очилган, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун давлат томонидан махсус кредитлар ажратилгани таҳсинга лойиқ.

Тадқиқотда иштирок этган респондентларимиз томонидан мулоқатчанлик, ширинсўзлик, киришимлилик ҳам миллийлик шаклланишидаги муҳим сифат сифатида эътироф этилган. Демак, ўқувчиларга “ичимдагини топ” деб ўтирмасдан, уларни мулоқот маданиятига, киришимлиликка, “одоб ахлоқ меъёрларига риоя қилиш”га ўргатишимиз даркор. Мулоқот маданиятининг компоненти ҳисобланган ширинсўзлик ҳам ўқувчиларга ўргатилиши зарур экан. Ширинсўзлик жуда зарур миллий хусусият, буни кўп миллатлар билан қиёслаганда ўзбекларга хос соф миллий хусусият десак ҳам муболаға бўлмайди.

Меҳмондўстлик зарурий хислатлар сифатида кўпчилик респондентлр томонидан эътироф этилган. Бу хислат шунчалик қон қонимизга сингиб кетганки, энг яхши нарсаларни болаларимизга, невараларимизга бермасдан меҳмон келганда “уялиб” қолмаслик учун уйимизнинг тўрида сақлаб қўямиз. Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан деган халқ мақолига амал қилиб, дастурхонни тўкин қилишга, меҳмонда мезбонларга нисбатан яхши таассурот қолдиришга биз катталар доим ҳаракат қиламиз. Оилада меҳмоннинг улуғланаётганини кўрган болада ҳам бу хислат секин аста шаклланиб боради.

https://buxdu.uz

Камтарлик, серғайратлилик, тежамкорлик, сахийлик, мослашувчанлик, ҳавасгўйлик, ишонувчанлик, кўнгилчанлик каби сифатларни бирин-кетин ифодаланган. Итоатгўйлик ва ҳасадгўйлик кераксиз сифат сифатида энг охирида келтирилган.

Хулоса. Шундай қилиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Миллат этник бирлик тараққиётининг энг юқори босқичидир.

2. Ўтказилган эмпирик тадқиқот натижаларига кўра, ўқувчиларни, фарзандларимизни миллий руҳда тарбиялаш учун, биз уларда Ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, самимийлик, ишбилармонлик, киришимлилик, ширинсўзлик, меҳмондўстлик каби хислатларни ривожлантиришимиз зарур.

Адабиётлар:

1. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2016 й., 406-сон, 5-модда.
2. 2017-2021 йилларда Ўзб.Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.– Тошкент: Манавият. 2017.
3. Нишанова З.Т. Развитие национальных особенностей учащихся. // Вестник интегративной психологии. Ярославль. 2019. Выпуск 18. – С.157-163.
4. Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. М. : Аспект-Пресс, 1999
5. Хотинец В.Ю. Этническое самосознание. СПб.: Алетейя, 2000.

Профессор М.Г. Давлетшин шогирдлар даврасида.
чапдан ўнгга – ТДПУ “Психолгия” кафедраси профессори – З.Т. Нишанова,
ҚДПИ ўқув ишлари буйича проректор, доцент – Н.С. Жўраев,
Халқаро Ислом Академияси доценти, психология фанлари доктори – П.С. Эргашев,
ТДПУ “Психология” кафедраси доценти – Н.Ғ. Камилова,
ТДПУ “Психология” кафедраси доценти – А.Х. Убайдуллаев.

https://buxdu.uz

Джалилова Сабохат Халиловна,

Психология фанлари номзоди, доцент.
Низомий номидаги ТДПУ

БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАРДА КАСБГА ХОС ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Аннотация. *Мақолада бугунги кунда психолог кадрларни тайёрлаш ва фаолият самарадорлигини оширишда аҳамиятли бўлган бўлажак психологларнинг касбий зарур шахс хусусиятлари, унинг таълим жараёнида ривожланишини эмпирик тадқиқ этиш натижалари баён қилинган.*

Калит сўзлар: *психолог амалий фаолияти, психолог шахс хусусиятлари, эмпатия қобилияти, ретроспектив Мен, реал Мен, идеал Мен, рефлексив Мен, касбий зарур шахс хусусиятлари ривожланиш динамикаси.*

Аннотация. *Данная статья посвящена проблеме подготовки будущих психологов, которая является актуальной в настоящее время. В статье изложены результаты эмпирического изучения динамики формирования и развития профессионально значимых личностных качеств у будущих психологов.*

Ключевые слова: *практическая деятельность психолога, личностные качества психологов, эмпатия, ретроспективное Я, реальное Я, идельное Я, рефлексивное Я, динамика развития профессионально значимых личностных качеств.*

Abstract: *This article is devoted to the problem of training future psychologists, which is currently relevant. The article presents the results of an empirical study of the dynamics of the formation and development of professionally significant personal qualities in future psychologists.*

Key words: *practical activities of a psychologist, personal qualities of psychologists, empathy, retrospective self, real self, ideal self, reflective self, development dynamics of professionally significant personal qualities.*

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатда психология соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда амалиётчи психологлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори фикримизнинг яққол далилидир. Қарорда таъкидланишича, Республикада психолог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Психологларни тайёрлашда таълим сифати ва унинг самарадорлигини ошириш билан бир қаторда бўлажак мутахассислар шахсини такомиллаштириш, уларда касбий фаолиятларини бажариш жараёнида зарур бўладиган шахс хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Психолог шахсининг касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини белгилашда психолог фаолиятининг бошқа фаолият, яъни психологга мурожаат этувчилар, мижозларнинг фаолиятини рефлексив тарзда бошқарилиши ҳақидаги ҳолат асос қилиб олинса, психолог учун касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг тўрт гуруҳини фарқлаш мумкин. Булар – бошқа инсонлар ички дунёсини тушуниш билан боғлиқ хусусиятлар; бошқаларга фаол таъсир кўрсатиш қобилияти; психологнинг ўзини бошқара олишини ифодаловчи сифатлари ҳамда психолог эга бўлиши керак бўлган махсус билимлар.

Психологнинг ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлар ичида бошқаларнинг ички дунёсини тушуниш, ўзини унинг ўрнига қўя билиш, унинг қизиқиш ва ташвишларини, хурсандчилик ҳамда ташвишларини биргаликда баҳам кўриш қобилияти алоҳида ўринда туради. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бошқалар ички дунёсини тушуниш қобилияти эмпатия тушунчаси билан узвий боғланган. Эмпатия – бошқа кишиларнинг эмоционал ҳолатларини тушуна олиш, уларга ҳамдард бўла олиш қобилиятидир.

https://buxdu.uz

Психологнинг бошқалар нуқтаи-назарини қабул қила олиши мижозга нисбатан ҳурмат ва ҳайрихохлик, ғамхўрлик ва меҳрибонлик, улар ҳаётига қизиқиш, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашиш каби хислатларда ўз ифодасини топади. Эмпатия қобилияти у ёки бу даражада ижтимоий гуруҳ аъзоси сифатида ҳар бир инсон учун хосдир, лекин психологда бу қобилият касбий аҳамиятга эга бўлган хусусият даражасида ривожланган бўлиши талаб этилади.Чунки психолог фаолияти ўз моҳиятига кўра бошқалар фаолиятини ташкил этишга қаратилгандир.

Эмпатия қобилияти психологлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур хусусият, лекин психологнинг ўз вазифаларини бажариш учун етарли эмас. Психолог фаолиятида касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг яна бир гуруҳини фарқлаш мумкин. Бу гуруҳга кирувчи касбий хусусиятлар психологнинг бошқаларга фаол таъсир кўрсата олиш қобилияти билан боғлиқ. Бундай хусусиятларга ғайратлилик, ташаббускорлик,бошқаларни ишонтира олиш, ташкилотчилик ва раҳбарлик сифатлари, талабчанлик, мустақил ва ижодий тафаккур, уюшқоқлик каби хислатларни киритиш мумкин. Ушбу хусусиятларга эга бўлиш психологга фақатгина мижозлар билан эмоционал алоқалар ўрнатиш эмас, балки уларга таъсир кўрсатиш, улар ҳатти-ҳаракатларини тўғри йўналтириш, уларнинг муаммога бўлган муносабатларини тўғрилаш ва ўзгартириш имконини ҳам беради.

Психолог учун касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг яна бир гуруҳи мавжуд. Психолог ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши учун бошқалар ички дунёсини тушуна олиш, уларга фаол тарзда таъсир кўрсата олиш билан бирга ўзининг эмоционал ҳолатини бошқара олиш билан боғлиқ бўлган хусусиятларнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади. Бу гуруҳ хусусиятларни эмоционал барқарорлик деб аташ мумкин. Психологнинг эмоционал барқарорлиги унинг сабр-тоқатлилиги, чидамлилиги, қатъияти, ўзини тута билиши, ўзининг хулқ-атворини бошқара олишида ҳамда ўзига ишонишда намоён бўлади.

Тўртинчи гуруҳ хусусиятлар психологнинг танлаган соҳаси бўйича кенг, мукаммал ва чуқур билимларга эга бўлиш билан боғлиқ хусусиятларни ўз ичига олади.

Методика ва эмпирик таҳлил. Бўлажак психологларда амалий фаолиятни бажариш учун зарур бўлган шахсий хусусиятлар ва уларнинг ривожланиш динамикасини ўрганиш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети психология йўналиши 2- ва 4-курс талабалари иштирок этдилар. Бунда касбий аҳамиятга эга бўлган шахс хусусиятларининг 4 гуруҳи – ўзгаларнинг ички дунёсини тушуниш, бошқаларга (мижозга) фаол таъсир кўрсата олиш, ўз эмоционал ҳолатини бошқариш, ўзининг танлаган соҳаси бўйича махсус билимларга эга бўлишлик каби хусусиятлар талабаларнинг ўз-ўзига баҳо бериш усули ёрдамида ўрганилди. Талабалар психолог амалий фаолияти учун касбий аҳамиятга эга бўлган шахс хусусиятларининг 19 тури бўйича ўзларини баҳоладилар. Улар ўзларини шу хусусиятларга ўқишга қабул қилинган даврларида (ретроспектив Мен) ҳамда айни даврда (реал Мен) қай даражада эгаликларини баҳоладилар, шунингдек, ушбу сифатлардан қайсиларини келгусида янада ривожлантиришни ҳохлашлари (идеал Мен) ҳақидаги фикрларни билдирдилар. Шу билан бир қаторда тадқиқотда яна талабаларнинг кўрсатилган 19 та хусусият бўйича гуруҳ аъзолари (улар аъзо бўлган) уларни қандай баҳолаши (рефлексив Мен) мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ҳам аниқланди. Тадқиқотдан олинган натижалар 1-жадвалда акс эттирилган.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, талабалар амалиётчи психолог шахсининг касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлари ичида ўзларининг танлаган соҳалари бўйича махсус билимларнинг мавжудлигини юқори баҳоладилар. Хусусан, 2-курс талабаларининг 98.2% и, 4-курс талабаларининг 62.7 % и ушбу фикрни билдирганлар.

Қолган 3 та гуруҳ хусусиятлар бўйича талабалар ўзларини қуйидагича баҳоладилар: иккала курс синалувчилари ҳам касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятлар ичида ўз эмоционал ҳолатини бошқариш билан боғлиқ бўлган сифатларни ўзларида юқори даражада мавжуд, деб ҳисоблайдилар. 2-курс синалувчиларининг 74.6 % и , 4-курс талабаларининг 57.2 % и ўқишга кирган даврларида шу хусусиятга эга бўлганларини таъкидлаганлар. Ушбу гуруҳга кирувчи хусусиятлардан ўзига ишониш (2-курс 90%, 4-курс 74.3 %), бардошлилик ва ўзини тута билишлик (2-курс 81.6%, 4-курс 65 %) каби хусусиятлар талабалар томонидан юқори баҳоланди.

https://buxdu.uz

Синалувчиларнинг шахс хусусиятларини баҳолаш натижалари (% ҳисобида)

Жадвал № 1.

Т.р.	Шахс хусусиятлари	Ретроспектив Мен		Реал мен		Идеал Мен		Рефлексив Мен	
		II-курс	IV-курс	II-курс	IV-курс	II-курс	IV-курс	II-курс	IV-курс
1.	Бошқалар ички дунёсини тушуниш	71	54	87.1	75.1	92.2	72.7	66	67
2.	Бошқаларга фаол таъсир кўрсата олиш	66.9	54.4	81.4	64.1	83.7	67.4	65.4	57.2
3.	Ўз эмоционал ҳолатини бошқариш	74.6	57.2	84.6	66.1	90.7	62.2	68.8	47.9
4.	Махсус билимларга эга бўлишлик	89.9	62.7	98.2	62.7	98.3	62.5	86.6	67.3

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, мавжудлик даражасига кўра кейинги ўринга бошқалар ички дунёсини тушуниш билан боғлиқ хусусиятларни қўйиш мумкин. 2-курс синалувчиларнинг 71% и, 4-курс синалувчиларининг 54 % и шу гуруҳ хусусиятлари ўқишга кирган вақтларида ўзларида мавжуд эди, деб ҳисоблайдилар. Кўрсатилган хусусият бўйича 4-курс талабаларининг ўзларини 2-курс талабаларига нисбатан паст баҳолаганликларини шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, юқори курс талабалари амалиётлар давомида инсонлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, ўзларини амалий фаолиятда синаб кўриш, бошқаларнинг ички дунёсини тушуниш қобилияти ўзларида қанчалик намоён бўлишини кўра олиш имконига эга бўлганлар ва шу сабабли ўзларини анча объектив баҳолаганлар.

Бу гуруҳга кирувчи хусусиятлар ичида эмоционал алоқа ўрната олиш хусусияти бошқаларга нисбатан юқорироқ баҳоланди (1-жадвал). Натижалардан кўриш мумкинки, психолог фаолияти учун энг зарур хусусиятлардан-бошқалар ички дунёсини тушуниш қобилияти атиги 36.6 (2-курс) ва 34.8 (4-курс) % талабалар фикрича, ўқишга кирган даврларида шу хислатга эга бўлганлар. Ҳозирда эса 79.9 % 2-курс ва 76.7% 4-курс талабалари ўзларида ушбу хусусиятнинг намоён бўлишини таъкидлаганлар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, таълим жараёни ва амалиётда иштирок этиш мутахассисликка тайёрланиш жараёнида катта аҳамият касб этади.

Диграмма № 1.

2-курс синалувчиларнинг шахс хусусиятларини баҳолаш кўрсатичлари



Тадқиқотда қўлга киритилган маълумотларга кўра охирги ўринни бошқаларга фаол таъсир кўрсатиш билан боғлиқ хусусиятлар эгаллайди. Ушбу гуруҳ хусусиятлари ичида одамларни ишонтира олиш (2-курс 74.9%, 4-курс 53.2 %), мустақил ва ижодий фикрлаш (2-курс 78.3%, 4-курс 60.4 %), ғайратлилик (2-курс 79.9%, 4-курс 76.7 %), уюшқоқлик (2-курс 73.3%, 4-курс 58 %) каби хусусиятлар бошқаларига нисбатан синалувчилар томонидан юқори баҳоланган. Шунингдек, олинган маълумотларнинг кўрсатишача, психолог учун зарур ва касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятлар вақт ўтиши, тажриба тўпланиши, билимларнинг ортиши, малака ва кўникмаларнинг эгалланиб бориши билан йилдан-йилга ўзгариб боради. Бу ўзгариш ижобий характер касб этади.

Бу гуруҳга кирувчи хусусиятлар ичида эмоционал алоқа ўрната олиш хусусияти бошқаларга нисбатан юқорироқ баҳоланди (1-жадвал).

https://buxdu.uz

Идеал Мен бўйича иккала курс натижаларида тафовутлар кузатилади. Агар 2-курс синалувчилари биринчи навбатда ўзлари танлаган соҳа бўйича билимларни ривожлантиришни истасалар (1-расм), 4-курс талабалари эса бошқалар ички дунёсини тушуниш билан боғлиқ хусусиятларни ривожлантириш истагидалар (2-расм).

Диграмма № 2.

4-курс синалувчиларнинг шахс хусусиятларини баҳолаш кўрсатичлари



Бундан кўринадики, талабалар амалиётчи психолог фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи касбий хусусиятларга эга бўлишлари билан бир қаторда келажакда уларни янада тараққий эттириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Рефлексив Мен бўйича олинган маълумотларга кўра, иккала курс синалувчиларида ҳам берилган хусусиятлар бўйича гуруҳдошларининг уларга берган баҳолари ҳақидаги фикрлари ўз-ўзига баҳо беришга нисбатан анча қуйи даражани ташкил этади.

Хулоса. Психологда шахсий сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун уч муаммони ҳал қилиш лозим. Биринчи муаммо – психолог фаолияти модели, яъни айнан қандай шахсий хусусият ва сифатлар психологлик фаолияти учун зарур ҳамда касбий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тасаввурлар ҳосил қилишдан иборат. Иккинчи муаммони психолог мана шу моделга қанчалик мос келиши ёки мос келмаслигини англаш ташкил этади. Ва ниҳоят ҳал қилиниши зарур бўлган учинчи муаммо - касбга хос зарур шахс хусусиятларини қандай усул ва йўллардан фойдаланиб шакллантириш мумкинлиги ҳақидаги масаладир.

Психолог ўзида муайян ақлий сифатларни, ҳатти-ҳаракат усули ва индивидуал хусусиятларни мужассамлаштирган бир бутун, яхлит шахс сифатида намоён бўлади. Профессионал фаолиятнинг мазмуни психологга ўзида зарур ва касбий аҳамиятга молик бўлган муайян шахсий сифатларни ривожлантиришга мажбур этувчи ўзига хос талабларни қўяди. Психолог фаолиятида амалга оширилар ва унинг муваффақиятини таъминлар экан, ушбу сифатлар муайян касбий тус эгаллаб боради. Улар мутахассиснинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлиб, ўз навбатида бу вазифаларнинг бажарилиши психолог шахси сифатларини тараққий эттиради. Шу туфайли психологнинг шахсий сифатлари эмас, балки унинг шахси касбий сифатлари ҳақида гапириш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Демак, амалиётчи психолог ўз вазифаларини самарали бажариши учун касбий аҳамиятга эга бўлган муайян шахс хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Касбга тайёрланиш жараёнида олиб бориладиган таълим-тарбия бўлажак психологларда бу хусусиятларни таркиб топтириш ва ривожлантириш имкониятларига эга. Бунинг учун эса таълим жараёнида амалиётга кўпроқ эътибор қаратиш, психологик ёрдамда қўлланиладиган махсус усуллардан фойдаланиш талаб этилади. Бошқа тарафдан ўзида муайян шахс хусусиятларини ривожлантириш бўлажак психологларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Агар талабалар ўз фаолиятларини таҳлил қилиш кўникма ва малакаларини эгаллаб борсалар, ўзларининг кучли ва ожиз томонларини тўғри баҳоласалар, уларни ривожлантиришга интилсалар, психолог амалий фаолиятини бажариш учун зарур касбий аҳамиятга эга хусусиятларни такомиллаштиришга эришишлари мумкин.

Адабиётлар:

1. Абрамова Г.С. Практическая психология. Москва, «Академический проект», 2001.
2. Бачков И.В., Гриншпун И.Б., Пряжников Н.С. Введение в профессию «Психолог». – М .: Изд-во Московского психолого-социального института, 2002,
3. Дубровина И.В. Практическая психология образования. Санкт Петербург, 2004.

https://buxdu.uz

Камилова Нодира Гайратовна,
Кандидат психологических наук, доцент кафедры «Психологии» ТГПУ им. Низами

РАЗВИТИЕ ЦЕННОСТНЫХ ОРИЕНТАЦИЙ ПОДРОСТКОВ С ДЕВИАНТНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ – КАК ВАЖНЫЙ МЕХАНИЗМ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ

Аннотация: *В статье рассматриваются психологические особенности ценностных ориентаций у подростков с девианным поведением. Представленные эмпирические данные доказывают что отсутствие иерархии и незрелость ценностных ориентаций в подростковом возрасте являются важной детерминантой девиаций.*

Ключевые слова: *Девиантное поведение, ценностно-нормативная система, инструментальные ценности, терминальные ценности, самооценка личности.*

Annotatsiya: *Maqolada deviant xatti-harakatlarga ega o'smirlarda qadriyat yo'naltirishlarining psixologik xususiyatlari muhokama qilinadi. Taqdim etilgan empirik ma'lumotlar o'smirlik davrida ierarxiyaning yo'qligi va qadriyat yo'nalishlarining nomutanosibligi og'ishlarni belgilovchi muhim omil ekanligini isbotlaydi.*

Kalit so'zlar: *Deviant xatti-harakatlar, qiymat-me'yoriy tizim, instrumental qiymatlar, terminal qiymatlar, shaxsiy o'zini o'zi qadrlash.*

Abstrast: *In the article the psychological features of the valuedorientations are examined for teenagers with deviantbehavior. The presented empiric data prove that absence ofhierarchy and immaturity of the valued orientations in teensare important reason of deviations.*

Keywords: *Deviant behavior, value-normative system, instrumental values, terminal values, personal self-esteem.*

Актуальность: Задача искоренения, профилактики правонарушений и девиантных форм поведения у молодежи становиться наиболее актуальной, ибо одним из основополагающих конституционных требований суверенного Узбекистана, взявшего курс на формирование правового государства, является укрепление правопорядка и искоренение преступлений, а это в свою очередь предполагает в качестве одного из главных направлений — воспитание у каждого ребенка высокой дисциплинированности и социально адаптированного поведения.

Проблема девиантного поведения широко рассмотрена с различных исследовательских позиций. Девиантное поведение, по мнению психологов— результат взаимодействия многих факторов (социальных, психологических и биологических) — образующих весьма сложный комплекс проявлений личности, ее мотивов и потребностей.

Отклонения в поведении могут провоцироваться разными психологическими причинами:в виду отсутствия опыта нравственного поведения, извращения или примитивных представлений о социальных ценностях, неправильного отношения к системе нравственных и правовых норм (М.А.Алемаскин, 1970; А.И. Долгова, 1981; Д.И.Фельдштейн, 1990; И.А. Невский, 1981; В.А. Токарева, 1974), деформации мотивационной-потребностной сферы Г.Г.Бочкарева, 1970, Д.И.Фельдштейн, 1990; З.Ф.Камалетдинова, 1993), узости сферы интересов (Е.И. Кульчицкая, 1970, Г.К.Туляганова, 1993), нарушений в эмоциональной сфере — озлобленности, конфликтности и агрессивности (Л.И.Бажович, 1970), патохарактерологическим развитием личности и акцентуации характера (А.Е.Личко, 1983; В.В. Ковалев, 1981; П.Б.Ганушкин, 1964), выраженной деформацией межличностных отношений и нарушениями в коммуникативных' отношениях со сверстниками (Э.Г.Газиев, 1994; Д.Т.Юлдашбаева, 1991; Э.А.Кулжанов, 1994; Л.И.Мнацканян, 1991; В.А. Шумаков, 1980; Э.И.Дранищева, 1981), дефекты в структуре образа «Я» и самооценки(М.А.Алемаскин, 1970; И.С.Кон, 1989, В.Т.Кондрашенко, 1988; Алексеева А.Н., 1982, Н.Г.Камилова, 2000).

Причины возникновения деформации этих явлений объясняет вскрытие психологических механизмов ценностных ориентаций.

https://buxdu.uz

Изучение структурных ценностных ориентаций раскрывает личные ценности, эмоциональное освоение и субъективное к ним отношение, понимание и оценка их, отношение к широким кругам людей и обществу в целом.

Значимость ценностных ориентаций заключается в том, что они помогают понять, почему при наличии правильно или неправильно сформированных нравственных и правовых взглядов подростки в одних ситуациях ведут себя правомерно, а в других — антисоциально, почему в одних случаях подавляется даже твердо сформированные положительные взгляды и убеждения и дают себя знать отрицательные, хотя в принципе они выражены слабее, а в других ситуациях все происходит наоборот.

Несмотря на различные подходы к пониманию ценностных ориентаций, все исследователи признают, что особенности строения, и содержания ценностных ориентаций определяющих позицию человека по отношению к тем или иным явлениям действительности. Также единодушно мнение, что ценностные ориентации играют главную роль в регуляции социального поведения человека, включая диспозицию личности (В.А. Ядов, 1975), ее установки (Ю.М.Жуков, 1976, Ш.А.Надирашвили, 1974 и др.), мотивы (В.Г.Асеев, 1976), интересы (И.В. Дубровина, Б.С.Круглова, 1983) и даже «смысл жизни» (К.Обуховский, 1981). Вместе с тем, остается малоизученным то, за счет каких психических механизмов происходит самоотчуждение юноши от регулятивного влияния господствующей системы ценностей и норм.

Происходящие качественные изменения когнитивной стороны самосознания в подростковом возрасте проявляются в повышении значимости системы собственных ценностей, усилении личностного, психологического, динамического аспекта самовоспитания. И здесь немаловажное значение имеет согласованность системы внутренних ценностей личности с социальными, нравственными ценностями. Сам по себе разрыв между официально признаваемыми ценностями и теми, которые подростку кажется доступными, с учетом обстоятельств и личностных качеств, может создавать конфликт, имеющий антисоциальное значение. Асоциальное поведение бывает результатом не только того, что подростки ориентированы на общественно неприемлемые средства достижения целей.

В связи этим представляет интерес изучение особенностей нравственного сознания и в частности такой важной составляющей, как система ценностей ориентаций детерминирующая поведение подростков.

С практической точки зрение данное исследование актуально, поскольку выявив особенности ценностных ориентаций у подростков, склонных к девиантному поведению, возможно будет наметить основные направления психологической работы с подростками. В качестве объекта исследования выступили 60 девиантных подростков – воспитанников специализированных колледжей для детей с проблемами (совершившие различных правонарушения) в поведении и социальной адаптации. В группу выборки вошли 30 девочек и 30 мальчиков в возрасте 14–16 лет.

Методика. В данном исследовании у выбранной группы подростков с девиантным поведением рейтинга их ценностных ориентаций осуществлялось с помощью методики М. Рокича.

В зависимости от бального веса каждой ценности она распределялась по шкале своей значимости для данной группы испытуемых. При этом возможно, что некоторые ценности получали одинаковое значение, свидетельствующее об их равнозначном месте в иерархической структуре ЦО испытуемых. Как правило при такой обработке определенные ценности получают близкие по величине средние оценки и образуют смысловые группы ценностей.

Ценности, расположенные сообразно полученным нами значениям, образуют иерархическую содержательную структуру ЦО испытуемых. Естественно, что это позволяет содержательно характеризовать направленность личности.

Ценности, расположенные в нижней части иерархической структуры, также характеризуют направленность личности, так как показывают незначительность содержащихся в них целей для данного человека. Ценности, сгруппированные в середине иерархической структуры, малоинформативны для определения общей направленности личности. По

https://buxdu.uz

свидетельству психологов они больше чем другие подвержены ситуативному влиянию и лишь добавляют штрихи к общей оценке содержательной стороны ЦО личности.

Тест ценностных ориентаций М. Рокича. В результате тестирования были получены следующие среднегрупповые результаты рангов ценностей и степени их реализованности:

Анализ терминальных ценностей испытуемых показал, что у 45% испытуемых (из всей выборки это 23%) среди ведущих ценностей, определяющих ядро их ЦО, отмечены: «материальная обеспеченность» (4,86); «удовольствия – приятное необременительное времяпровождение» (4,72); «любовь» (духовная и физическая близость с любимым человеком) (4,67); «здоровье» (физическое психическое) (4,57).

Менее значимы для этих испытуемых такие ценности как «творчество» (3,50); «продуктивная жизнь» (максимальное использование своих возможностей) (3,41); «познание» (возможность расширения своего кругозора, общей культуры, интеллектуальное развитие) (3,39). Таким образом, творческая деятельность реализация своих способностей и возможностей, а также познание и развитие кругозора находится у них на последних местах.

В структуре терминальных ценностей 55% испытуемых (из всей выборки это 37%) доминируют ценности: «общественное признание» (уважение окружающих, товарищей) (4,90); «материальная обеспеченность» (4,86); «удовольствия» (4,72). Также достаточно высоко ими оцениваются «здоровье» (4,67) и «любовь» (4,65), эти две ценности выступают у них как однопорядковые.

Напротив, в системе их ЦО последние, незначительные места занимают такие ценности как «развитие» (работа над собой, постоянное физическое и духовное совершенствование) (3,9); «творчество» (возможность творческой деятельности) (3,88); «уверенность в себе» (свобода от внутренних противоречий, сомнений, внутренняя гармония) (3,41).

Таким образом, анализ личных ценностей-целей испытуемых показывает, что в целом у них превалируют ценности личного порядка (материальная обеспеченность, удовольствия, здоровье, любовь, общественное признание) – направленные на реализацию сугубо материальных потребностей и экономических целей. Тревожным является то, что «активная деятельная жизнь» абсолютно не представлена в структуре их ценностной системы. Ценности «творческая деятельность», реализация своих способностей и возможностей, а также «познание и развитие кругозора» находятся на последних местах. Возможно, это является следствием престижного неблагополучия которое испытывают юноши в интеллектуальной деятельности, что в конечном итоге способствует снижению познавательной активности и соответственно снижению активности жизненной позиции.

Изучение структуры инструментальных ценностей юношей, которые ранжируются по критерию средств достижения целей, также позволил нам выявить как специфическое и особенное, так и возможное общее между ними. Содержательный анализ инструментальных ценностей позволил выделить испытуемых на 2 группы в соответствии с характером ценностей-средств.

Так, в число ведущих способов достижения жизненных целей, испытуемые группы (А) выводят: «высокие запросы» (высокие требования к жизни и высокие притязания) (4,90); затем идет «смелость» в отстаивании своего мнения, своих взглядов (4,75); на третье место они ставят «жизнерадостность» (чувство юмора) (4,56) и «ответственность» (чувство долга, умение держать слово) (4,55). Следовательно, у испытуемых главными средствами достижения жизненного успеха, поставленных целей превалируют эмоционально-волевые качества.

Напротив, то что такие ценности как «непримиримость к недостаткам в себе и других» (3,99) и «исполнительность, дисциплинированность» (3,80), «образованность» (3,75) занимают последние места, свидетельствует об отвергаемости ими в качестве активных средств деятельности. Можно предполагать, что эти испытуемые более лояльны к морально-нравственным недостаткам других людей, более равнодушны к деструктивным проявлениям в человеческих поступках и поведении. На наш взгляд этим они отчасти пытаются оправдать и свое дезадаптивное поведение.

У другой части испытуемых (группы В) имеющих дифференцированную структуру ценностных ориентаций, структура инструментальных ценностей представлена следующими ценностями: «эффективность в делах» (трудолюбие, продуктивность в работе) (4,85);

https://buxdu.uz

«исполнительность» (дисциплинированность) (4,78); «образованность» (широта знаний, высокая общая культура) (4,63); «самоконтроль» (сдержанность) (4,58).

Последние позиции среди ценностей средств у этих испытуемых занимают «чуткость» (заботливость) (3,5); «широта взглядов» (умение понять чужую точку зрения) (3,49); «терпимость к взглядам и мнениям других людей» (умение прощать другим их ошибки и заблуждения) (3,35).

Эти данные могут свидетельствовать о том, что для этих испытуемых интерцептивные качества, а именно чувствительность человека к эмоциональным проявлениям других людей, терпимость к ним не является, по их мнению, средством достижения жизненного успеха и благополучия. В то время как морально-волевым качествам они отводят более высокие места при выборе средств достижения целей. Данный факт вызывает некоторое недоумение, т.к. анализ ЦО характеризующих средства достижения целей свидетельствует о том, что испытуемые данной группы понимают значимость личных положительных качеств (интеллектуальных, волевых и др.) как главных условий достижения подлинного успеха.

Таким образом, эмпирическое изучение особенностей ценностных ориентаций позволяет сделать следующие выводы:

Ценностные ориентации как необходимый и важный элемент личностной структуры полностью сформирован лишь у одной подростков-девиантов.

У основной респондентов ЦО как необходимый элемент структуры зрелой личности оказался не сформирован, что в определенной степени позволяет охарактеризовать степень их личностной зрелости как не вполне соответствующую возрастным и социальным нормам, что и детерминирует девиантное поведение.

3.Для большей части этих юношей характерна «двойственная» система оценки средств достижения целей и жизненного успеха, которое вызвано расхождением в предпочитаемых ими жизненных планах и целях, с одной стороны, и тем жизненным путем, который они считают для себя наиболее реальным и приемлемым с другой.

Литература:

1. Дубровина И.В., Круглов Б.С. и др. Особенности обучения и психического развития школьников 12-17 лет. Педагогика, 1988. 190 с.
2. Змановская Е.В. Девиантология (Психология отклоняющегося поведения): 2-е изд., испр. СПб, Akadema 2010.
3. Камилова Н Г. Психологические особенности самооценки подростков с девиантным поведением. //Наука 21 века: вопросы,гипотезы,ответы. №5(14)2015. – С 69-71.
4. К.Обуховский К. «Психология влечений человека»: Прогресс; Москва; 1981, 132с

https://buxdu.uz

Халилова Наргиза Икромалиевна,

Тошкент давлат педагогика университети “Психология” кафедраси мудири, психология фанлари номзоди, доцент

УМУМИЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТ ВА РЕФЛЕКСИВЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚА ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *Мақола шахсдаги рефлексивлик ва ижтимоий интеллект масалаларига бағишланган. Унга кўра, шахсда рефлексивлик хусусиятлари билан ижтимоий интеллект ўртасидаги алоқадорлиги асослаб берилган. Шунингдек, рефлексивлик ва ижтимоий интеллект ўртасидаги алоқадорликни текшириш мақсадида психологик тадқиқот олиб борилган ва натижалар таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *рефлексия, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи англаш, интеллект, ижтимоий интеллект, эмпатия, ўзаро таъсир, ўзини ўзи мотивациялаш, ижтимоий фикрлаш, ижтимоий тасаввур.*

Аннотация: *Статья посвящена вопросам социального интеллекта и рефлексивности у личности, обосновывается соотношение социального интеллекта с особенностями рефлексивности. А также анализируются результаты психологического исследования проведённые для проверки соотношения рефлексивности с социальным интеллектом.*

Ключевые слова: *рефлексия, самоуправление, самосознание, интеллект, социальный интеллект, эмпатия, взаимодействие, самомотивация, социальное мышление, социальное представление.*

Abstrakt: *The article focuses on reflexivity and social intellect in the individual. It is based on the fact that the individual's reflexivity is associated with social intelligence. Psychological research was also conducted to analyze the relationship between reflexivity and social intelligence and the results were analyzed.*

Keywords: *reflection, self-control, self-awareness intellect, social intelligence, empathy, interaction, self-motivation, social thinking, social thought.*

Мавзунинг долзарблиги. Ижтимоий интеллектуал концепцияси илм-фан соҳасида биринчилардан бўлиб илгари сурилганлиги сабабли, ушбу концепцияга нисбатан қизиқиш ўзгарди. Тадқиқотчилар ушбу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини тушунишга ҳаракат қилиб, уни ўрганишга нисбатан турли хил усулларни таклиф қилдилар. Шунга мувофиқ, турфа хил интеллект усулларини аниқладилар ва ижтимоий интеллект тушунчасининг чегараларини ажратиб олишга уринишда хатоликлар келиб чиққанлиги сабабли, кўпчилик олимлар уни четлаб ўтдилар.

“Ижтимоий интеллект” тушунчасини биринчи марта 1920 йилда Э.Торндайк томонидан қўлланилган бўлиб, у шахслараро муносабатларда олдиндан тахмин қилиш деб изоҳлаган ва уни инсоний муносабатларда оқилона ҳаракат қилиш қобилиятига тенглаштирган. Э.Торндайк ижтимоий интеллектни одамлар билан муваффақиятли мулоқот қилишни таъминлайдиган ўзига хос билиш қобилияти сифатида кўриб чиқади. Ижтимоий интеллектнинг асосий вазифаси-хулқ-атворни олдиндан кўра билишдир. Э.Торндайкнинг сўзларига кўра, интеллектнинг учта тури мавжуд: мавҳум интеллект оғзаки мавҳум ва математик белгиларни тушуниш ва улар билан бирор хатти-ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти сифатида; аниқ интеллект, моддий дунёдаги нарса ва буюмларни тушуниш ва улар билан бирор хатти-ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти сифатида; ижтимоий интеллект инсонларни тушуниш ва улар билан мулоқот қилиш қобилияти сифатида. Э.Торндайкнинг таъкидлашича, ижтимоий интеллект оддий интеллектдан фарқ қилади[5].

Г.Оллпорт ижтимоий интеллектни одамларга тўғри баҳо бериш, уларнинг хатти-ҳаракатларини тахмин қилиш ва шахслараро муносабатларга мослашиши сифатида тавсифлайди. У бошқа инсонларни яхшироқ тушунишни таъминлайдиган бир қатор хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Мазкур хусусиятлар тузилмасига ижтимоий интеллект алоҳида қобилият сифатида киритилади. Г.Оллпортнинг фикрига кўра, ижтимоий интеллект,

https://buxdu.uz

одамлар билан муносабатларда равонликни таъминловчи махсус "ижтимоий совға"дир[3]. Шу билан бирга, муаллиф ижтимоий интеллект кўриб чиқилган тушунчалар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан боғлиқлигини таъкидлайди: унинг маҳсулоти – тушунчалар билан иш кўриш эмас, балки ижтимоий мослашувдир.

Хусусан, Ж.Годфруанинг фикрига кўра, ижтимоий интеллект умумий ва ижтимоий психологияда ўрганилмаган ижтимоий фикрлаш ёки ижтимоий тасаввур жараёнларидан бири билан белгиланади (Д.Майерс). Ижтимоий интеллект масалалари интеллектуал иқтидор муаммосини ҳал қилишда муҳокама қилинади, бу ерда интеллектуал қобилиятнинг дастлабки шакли сифатида генетик жиҳатдан кўриб чиқилади. Ижтимоий интеллект кўпинча интеллектуал истеъдоднинг бир шакли сифатида ақллилик деб кўриб чиқилади.

Ижтимоий интеллектнинг ўрганиш учун методик қўлланма 1980-йилларда яратилди. Д.Китинг ахлоқий ёки ахлоқий тафаккурни баҳоловчи тест яратди. М.Форд ва М.Тисаклар (1983) интеллектни ўлчаш асосида муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал қилдилар[4]. Улар ижтимоий интеллектни "академик" интеллект тестлари билан синовдан ўтган "расмий" тафаккур асосида ётувчи, ижтимоий ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқ аниқ ва изчил ақлий қобилият гуруҳини намоён этишини кўрсатиб бердилар.

Дастлаб психологияда Е.М.Емельянов ижтимоий интеллектни аниқлаган, у ижтимоий интеллектни "ижтимоий сезувчанлик" тушунчаси билан чамбарчас боғлаган. У инсон сезгилари асосида инсонда шахслараро муносабатларга оид хулосалар чиқариш учун фойдаланиладиган шахсий "эвристика" шаклланади деб ҳисоблаган (1987). Муаллиф ижтимоий интеллект деганда барқарор, ўзига хос фикрлаш жараёни, ижтимоий тажриба, ўзлик ва бошқаларни англаш, уларнинг ўзаро муносабатлари ва шахслараро воқеаларни башорат қилиш деб тушунган. Ижтимоий интеллектни шакллантириш учун сензитивлик керак, эмпатия ижтимоий интеллект асосида ётади. Бу ерда ижтимоий интеллект унинг шаклланишига ёрдам берадиган асосий хусусиятлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилади[2].

А.А.Бодалев ижтимоий интеллектни шахслараро интеллект жиҳатидан кўриб чиқди. А.А.Бо далевнинг фикрига кўра, инсоннинг билиш жараёнлари хусусиятларини қиёсий ўрганиш қизиқарли вазифадир. Шунинг учун у инсон онгининг асосий таркибий қисмлари: диққат, идрок, хотира, фикрлаш, тасаввурни ўрганиш кераклигини таъкидлайди, чунки одам бошқа одамлар билан мулоқот қилади. Шу билан бирга, уларнинг маҳсулдорлигини, фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайдиган бу ҳиссий жараёнлар хусусиятларини тадқиқ қилиш, оддий мулоқот кўринишидаги вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутади[1].

Методика. Маълумки, шахсда ижтимоий интеллект шаклланишини ўрганиш, шунингдек, уни рефлексивлик хусусияти билан алоқадорлигини текшириш тадқиқот ишининг вазифаларидан биридир. Тадқиқот жараёнида С.Холлнинг "Ижтимоий интеллект" методикасининг модификацион вариантидан фойдаланилди. Методика 30 та саволномадан иборат бўлиб, у инсоннинг шахсий ривожланиши яъни ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи бошқариш, эмпатия, ўзаро таъсир кўникмаси, ўзини ўзи мотивациялаш кабиларни намоён бўлиш даражаси ўрганилади. Мазкур сўровнома талабалар ва ўсмирлар гуруҳида ўтказилиб, натижалар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларига кўра ўсмирлик ва талабалик даврида рефлексивлик хусусиятлари ва ижтимоий интеллект турлари ўртасидаги алоқадорлик текширишга муваффақ бўлинди. Унга кўра, ўзига, бошқаларга йўналган рефлексивликнинг устувор стратегиялари ижтимоий интеллект турлари билан боғлиқ эмаслиги тажриба натижаларидан аниқланди. Маълумки, ҳар қандай ўз фаолиятини режалаштирган, бошқара оладиган инсонлар ўзларидаги эмпатия, ўзаро таъсир, ўзини ўзи мотивациялаш каби жараёнлар уйғун ҳолда ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Тажриба натижаларига асосланиб, фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси ўзини ўзи бошқариш ($r=,080$; $p\leq0,05$), эмпатия ($r=,103$; $p\leq0,05$) билан ўзаро боғлиқ мавжудлиги аниқланади. Таъкидлаш жоизки, фаолият жараённинг ўзи моҳиятан ўзини ўзи бошқаришни тақозо қилади. Хусусан, ўзини ўзи бошқариш шахснинг ўз эмоцияларини бошқариш қобилиятдир. Бу шахсда ўзини ўзи назорат қилиш ўзининг эмоцианал ҳолатини бошқаришга имкон беради. У бошқарув, мулоқот, хизмат кўрсатиш, таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятларида муҳим сифатларидан бири ҳисобланади. Қачонки, шахсда ўзини ўзи

https://buxdu.uz

бошқариш хусусияти ривожланган бўлса унда фаолият жараёнида хатти-ҳаракатларни мақсадга мувофиқ тизимли амалга оширилиши кузатилади.

Жадвал № 1.

Турли ёш даврларда ижтимоий интеллект ва рефлексивлик ўртасидаги алоқадорлик

Рефлексивлик хусусиятлари	Ижтимоий интеллект турлари				
	Ўзини ўзи англаш	Ўзини ўзи бошқариш	Эмпатия	Ўзаро таъсир кўникмаси	Ўзини ўзи мотивациялаш
Ўзига	,045	,038	-,001	-,011	-,003
Бошқаларга	,041	,035	,047	-,048	-,019
Фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси	,076	,080*	,103*	-,051	,074
Ҳозирги кундаги фаолиятнинг рефлексияси	,038	,058	-,020	-,032	,095*
Келажакдаги фаолиятни кўриб чиқиш рефлексияси	,084*	,037	,046	-,053	,049
Бошқа инсонлар билан биргаликдаги ҳаракат ва мулоқот рефлексияси	,051	-,015	,028	-,054	,051

Жадвал натижаларига кўра, ҳозирги кундаги фаолиятнинг рефлексияси ўзини ўзи мотивациялаш (r=,095; p≤0,05) билан алоқадорлиги кузатилади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кундаги рефлексивликни юзага келиши шахснинг ўзини ўзи мотивациялашни талаб қилади. Агар ўсмир ва талабанинг бир кунлик кундалик фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг барча жараёнлари мотивацион тизим хусусиятлари билан боғлиқ. Шу боис, ўз фаолиятидаги муваффақиятларнинг асоси том маънода мотивацион соҳанинг тараққиёти билан узвий боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Келажакдаги фаолиятни кўриб чиқиш рефлексияси ижтимоий интеллектнинг ўзини ўзи англаш (r=,084; p≤0,05) билан алоқадорлиги кузатилади. Ўзини ўзи англаш-ўз эмоциялари, мотив ва эҳтиёжларини англай олиш қобилиятидир. Айтиб ўтиш жоизки, ўзини ўзи англаш, ўзи эмоциялари, мотивлар ва эҳтиёжларини англашни билдиради.

Методика натижаларидан кўринадики, шахс рефлексивлиги ва ижтимоий интеллект ўртасида алоқадорлик мавжуд. Хусусан, фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси ўзини ўзи бошқариш, эмпатия билан, ҳозирги кундаги фаолиятнинг рефлексияси ўзини ўзи мотивациялаш билан, келажакдаги фаолиятни кўриб чиқиш рефлексияси ўзини ўзи англаш билан алоқадорлиги мавжуд.

Ўрганилган назарий манбалар ва ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги **хулосаларни** беришимиз мумкин:

-турли ёш даврларидаги шахсларда ижтимоий интеллектнинг турлари ва рефлексивлик ўртасида алоқадорлик кўзга ташланади;

-шахсда фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси ижтимоий интеллектнинг ўзини ўзи бошқариш, эмпатия кабилар билан алоқадорлиги кузатилади;

-турли ёш даврларида рефлексивликнинг устувор стратегияларидан ўзига, бошқаларга ҳамда рефлексивликнинг бошқа инсонлар билан биргаликдаги ҳаракат ва мулоқот рефлексияси ва ижтимоий интеллектнинг ўзаро таъсир кўникмаси ўртасида алоқадорлик қайд этилмайди.

Адабиётлар:

1.Бодалев, А.А. Психология о личности / А.А. Бодалев. – М.: МГУ, 1988. – 187с.

2.Брудный, А.А., Шрейдер Ю.А. Коммуникация и интеллект // Генетические и социальные проблемы интеллектуальной деятельности. – Алма-Ата, 1975. – 245 с.

3.Развитие социально-перцептивной компетентности личности / Материалы научной сессии, посвященной 75-летию академика А.А. Бодалева. Под общ. ред. Деркача А.А. – М.: Луч, 1998. – 248 с.

4.Самосознание и защитные механизмы личности / Самара.: Изд. Дом «Бахрах», 2003. – 114 с.

https://buxdu.uz

Махмудова Диларом Ахмадовна,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
“Психология” кафедраси доценти

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР НУТҚИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *Мақола иқтидорли талабаларнинг психолингвистик хусусиятларини амалий ўрганишга бағишланган. Унда шахснинг психолингвистик психодиагностикаси хусусиятлари очиб берилган.*

Таянч иборалар: *психика, менталитет, нутқ, тил, психолингвистика, интеграция.*

Аннотация: *В статье рассмотрены психолингвистические особенности одаренных студентов. Раскрыта суть проведения психодиагностики психолингвистических особенностей личности.*

Ключевые слова: *психика, менталитет, речь, язык, психолингвистика, интеграция.*

Annotation: *The article discusses the psycholinguistic features of talented students. The essence of the psychodiagnostics of psycholinguistic personality traits is revealed.*

Key words: *psyche, mentality, speech, language, psycholinguistics, integration.*

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки, маданиятнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини таҳлил қилиш муайян миллатнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш борасида ҳал қилиниши зарур бўлган асосий масаладир. Этноснинг ижтимоий-психологик фаоллиги, салоҳиятлари ва малакалари унинг маданиятида, тарихида, халқ ижодиётида, шахслараро муносабатларнинг барқарор шаклларида, урф-одатларида, диний анъаналарида ўз аксини топади. Лингвистика методи эса мазкур имплицит муносабатлар мазмунини очиб беришга ёрдам беради. Зотан, лингвистика – тилнинг ижтимоий ва маданий функцияларини ўрганувчи илмий соҳадир.

Биз Махмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад асарларини ўқир эканмиз, ушбу асарларда ўзимизни кўраётгандай бўламиз. Замонага қўшилиб фақат мода (кийиниш услублари) янгиланиб, техника мукаммалашиб борса-да, биз кескин бурилишлар, инқилоблардан кейин ҳам аслимизни йўқотмагандекмиз. Бунинг сабаби ижтимоий хотира индивидуал хотирадан анча давомий эканидадир. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, ушбу хотирани “ақл билан тушуниб бўлмайди”, яъни у онгга доир хотира эмас, у автоматик қайтарилиш хотирасидир, сабоқ чиқарилмаган “ўтмишнинг қайтарилиши”. Зеро, сабоқ чиқариш – рационал тафаккур, таҳлил, англанилиш, яъни рефлексия жараёнидир. Тилнинг миллий психология билан узвий боғлиқлигига рус файласуфи ва лингвисти Павел Флоренский биринчилардан бўлиб эътибор қаратган. Халқ орасида урф бўлган тилнинг лексик тузилмалари хусусида эса XIX асрдаёқ Владимир Даль ва Иван Бодуэн де Куртенэлар фикр юритиб ўтишган эди. Хусусан, XIX-XX асрларда кўплаб илмий-тарихий манбаларда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ва тилининг этник хусусиятлари, номланиши ҳамда шаклланиши ҳақида муҳим маълумотлар юзага келди. Ушбу соҳада Ҳасан Ато Абуший, А.Борис, Х.Вамбери, А.Д.Геребенкин, А.П.Хорошин, В.В.Радлов, Н.А.Аристов, Д.Н.Логофет, А.Ю.Якубовский, В.В.Бартольд, С.Е.Малов, А.М.Беринштам, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, Д.Е.Еремеев, Н.А. Баскаков, А.К. Боровков, Е.Д.Поливанов, А.Н.Кононов, А.М.Шчербак, В.В.Решетов, А.М. Гумилёв, Ҳ.Чавад каби олимларнинг илмий ишларида туркий, жумладан, ўзбек халқининг этногенези бўйича муҳим фикрлар билдирилган. Айниқса, Б.Аҳмедов, М.Ваҳобов, К.Шониёзов, И.Жабборов, А.Зиёев, Ф.Бойназаров, А.Саъдуллаев, Х.Дониёров, Ғ.Абдураҳмонов, Н. Раҳмонов каби олимларнинг ишларида ўзбек халқининг этногенези бўйича муҳим маълумотлар берилган. Лекин уларнинг асарларида ҳам ўзбек халқи ва тилининг номланиш масаласи ҳал бўлмаган.

Методика. Биз иқтидорли талабалар нутқининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда “Нутқни тадқиқ этишнинг синтаксик жиҳати” методидан фойдландик. ***Нутқнинг синтаксик таҳлили*** **— бу мулоҳаза (фикр) нинг синтаксик тузилиш хусусиятлари: синтаксик бирликлар, синтаксик алоқа ва муносабатларни ўрганишдир**.

https://buxdu.uz

Синтаксик таҳлил ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқ таҳлилида қўлланилиши мумкин.

Юқорида зикр этилган фикрларга таянадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ёзма нутқ энг сўнгги англанган, назорат этиладиган ва ўйланиладиган кўринишга тааллуқлидир. Ёзма нутқ ёзувчи тўғрисида оғзаки нутқ сўзловчи тўғрисида бериши мумкин бўлган тўкис маълумотни беролмаса-да, бироқ шарт-шароитларни бевосита мулоқот кечадиган ҳаётий вазиятларга имкон қадар яқинлаштирилса ёзма нутқ информант тўғрисидаги психологик маълумотларни анча чуқурлаштириши мумкин. Ёзма нутқнинг мазмуний жиҳатлари нутқий маҳсулотларнинг анъанавий тадқиқот методлари бўлган контент-анализ ва интент-анализ ёрдамида аниқлаш мумкин. Ушбу методлар тавсиф этилаётган мавзулар кўриниши ва миқдорини, уларнинг йўналганлигини, муҳокама частотасини, муаллифнинг нияти ва режаларини ифодалайди.

Шунингдек, талабалар луғат бойлиги ҳам ўрганилди, чунки шахснинг луғат бойлиги коэффициенти психодиагностикадаги энг кучли омиллардан бири ҳисобланади. У шахснинг вербал интеллектини ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Коэффициентнинг оддий кўрсаткичи 5тадан 15тагача сўздан иборат бўлиб, у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{\text{сўзларни турлилиги}} = \frac{\text{Турли сўзлар}}{2N_{\text{барча}}\ \text{сўзлар}}$$

Феъллилик коэффициенти агрессивлик коэффициенти деб ҳам аталади. У феъллар сони ва феъллар шаклини сўзларнинг умумий миқдорига нисбатан 60% дан кўп бўлса бу ушбу шахсни агрессияга ёки эмоционал қўзғалган ҳолатда эканлигидан далолат беради. Феъллик коэффициенти

$$K_{\text{феъл}} = \frac{\text{феъллар}}{\text{барча сўзлар}} \cdot 100\%$$

Формуласи бўйича аниқланади.

“Нутқни тадқиқ этишнинг синтаксик жиҳати” методини синалувчи талабаларда қўллаб қуйидаги натижаларни олдик

Жадвал № 1.

Ёзма манбааларнинг психолингвистик кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Индивидуал натижалар
1.Ёзма манбаа ҳажми, сўзларда (катта аҳамият касб этувчи сўзлар миқдори)	80%
2.Ёзма манбаа ҳажми, гапларда	27%
3.Гапнинг ўртача ҳажми	8.7%
4.Вокабуляр ригидлик коэффициенти, %	4.3%
5Феъллашганлик коэффициенти, формула бўйича	28.7%
6.Мантиқий боғлиқлик коэффициенти, формула бўйича	5.4%
7.Эмболия коэффициенти (ифлосланганлик), формула бўйича	3.2%

https://buxdu.uz



Нутқни тадқиқ этишнинг синтаксик жиҳати методидан олинган натижалар:

1. Методиканинг биринчи “Ёзма манбаа ҳажми, сўзларда (катта аҳамият касб этувчи сўзлар миқдори)” бўйича 80 %ни қайд этилди ва бу натижа қуйидагича шарҳланиши мумкин бўлади. Синалувчиларнинг аксарияти сўз бойлиги кенг хусусиятлари хос бўлган талабалар ташкил қилади.

2. Иккинчи “Ёзма манбаа ҳажми, гапларда” кўрсаткичи бўйича синалувчи талабалар натижалари 27% га тенг бўлиб, ўртача кўрсаткич ҳисобланади. Синалувчиларда ёзма манбаа ҳажми гапларда меъёр даражасида ривожланганлигидан далолат беради.

3. Методиканинг “Вокабуляр ригидлик коэффициенти, %” кўрсаткичи талабчанлик, муросасизлик бўйича 4.3% ни ташкил этиб, айни кўрсаткич ушбу талабаларнинг нутқ хусусиятларида қайсарлик, қатъиятлилик каби хислатлар мужассам эканлигидан далолат беради. Кейинги “Феъллашганлик коэффициенти”, формула бўйича 5.7% ташкил этиб, талабаларда эмоционал зўриқиш ва агрессияга хос кўрсаткичлар мавжуд эканлигидан далолат берди.

4. Методиканинг “Мантиқий боғлиқлик коэффициенти” формула бўйича 4.3 %ни ташкил этиб, талабалар ёзма нутқида мантиқий боғлиқлик ўртача даражада эканлигини кўрсатди. Талабалар ўз ёзма нутқларида кўп воқеа ва ҳодисаларни ёритишга ҳаракат қилсаларда, улар ўртасидаги мантиқий изчилликка риоя этмасликлари маълум бўлди.

Методиканинг еттинчи устуни бўйича “Эмболия коэффициенти (ифлосланганлик)” формула бўйича 3.2% ни ташкил этиб, айни кўрсаткич шундан далолат берадики, синалувчиларда луғат бойлигини кенгайтириш бўйича маслаҳатларга муҳтож эканликлари маълум бўлди, чунки талабалар ўз ёзма нутқларида шева ибораларини кўп қўллашлари аён бўлди.

Хулоса: Шунингдек ўтказилган тадқиқот натижалари, уларнинг таҳлилига кўра қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Талабалар нутқининг лингвистик хусусиятларида намоён бўлган ҳолатлар уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига кўра ҳам агрессияга мойил, қўзғалувчанлик даражаси юқори, мувозанатлашмаган хусусиятларга эга бўлиб, талабаларда ўқув фаолияти билан шуғулланиш ва ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш жараёнида айрим қийинчиликлар туғилиши кузатилди.

2. Мавжуд мурракааб ва муаммоли вазиятларни қабул қила олмайдиган талабаларда уларнинг нутқидаги лингвистик хусусиятларни кўрсаткичлари ўртадан паст бўлишини ҳам белгилаб берди.

https://buxdu.uz

3. Ташқи муҳитга йўналган, экстраверт типдаги шахсларда эса бошқалар билан шахслараро муносабатларга киришиш енгил кечиши, лекин улардаги нутқнинг феъллилик ва эмболия хусусиятлари юқори бўлиши аниқланди.

4. Интроверт, бошқалар билан шахсларо муносабатлардан қочувчи, ўзига йўналган, талабалар нутқининг психолингвистик хусусиятларида эмболия эҳтимоли пастлиги, ёзма нутқдаги феъллилик кўрсаткичлари ўртача эканлиги ва юзага келадиган низога тортувчи вазиятларда ён бериш орқали низоли ҳолатнинг олдини олишлари аниқланди.

Демак, тилсиз ҳеч қандай маданият мавжуд бўлмас экан, уни тузилиш жиҳатидан таҳлил қилиш иқтидорли талабаларнинг турли ёш даврдаги психолингвистик хусусиятларини ўрганиш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. Андреева Г.М. Социальная психология. – М. 2004.
2. Давлетшин М.Г., Сафаев Н.С. Этнопсихологиянинг долзарб муаммолари. – Т. 2001.
3. Дадабоев Х. Тилшуносликнинг истиқлол даври одимлари. – Тошкент. УзМУ. 2001
4. Махмудова Д.А. Консультатив психология ва психокоррекция. – Т., 2017
5. Ғозиев Э.Ғ. Психология тарихи саҳифалари. – Тошкент, «Фан”, 2006

М.Г. Давлетшин Бошқирдистон телевидениесига интервью бермоқда (2008)

https://buxdu.uz

Абдуллаева Дилбар Убайдуллаевна,
Низомий номидаги ТДПУ Психология кафедраси доценти

ОНАНИНГ АЁЛ ИЖТИМОИЙ РОЛЛАРИ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ФАРЗАНДГА МУНОСАБАТНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Аннотация. *Мақолада она индивидуал психологияси негизида ота-она-фарзанд муносабатлари кўриб чиқилган. Онанинг аёл ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари унинг фарзанди билан бўлган муносабат хусусиятларини белгилаши эмпирик тадқиқотлар асосида очиб берилган.*

Калит сўзлар: *тасаввур, психологик омил, ижтимоий роль, ўсмир болалар, ота-она - бола муносабатлари, она муносабати.*

Аннотация. *В статье рассматривается проблема детско-родительских отношений в контексте индивидуальной психологии матерей. На основе эмпирических данных раскрывается роль представлений матерей о социальных ролях женщин в определении особенностей их отношения к детям.*

Ключевые слова: *представления, психологический фактор, социальная роль, дети-подростки, детско-родительские отношения, материнское отношение.*

Abstract. *The article deals with the problem of child-parent relations in the context of individual psychology of mothers. On the basis of empirical data, the role of mothers' ideas about women's social roles in determining the peculiarities of their attitude to children is revealed.*

Keywords: *representations, psychological factor, social role, teenage children, child-parent relations, maternal attitude.*

Мавзунинг долзарблиги: Шахслараро муносабатларда одам хулқ-атворининг бошқарилиши мураккаб ички механизмга эга бўлган психологик жараёндир. Ушбу жараённинг сифат самарадорлиги кўплаб ижтимоий ва индивидуал-психологик омилларга боғлиқ бўлади. Одамлар ўзаро таъсирлашув жараёнида бир-бирига нисбатан намойиш этадиган муносабат хусусиятларини белгилаб берувчи муҳим субъектив омиллардан бири улар эгаллаган ижтимоий ролларга мувофиқ талаблардан иборатдир. Ҳар қандай ижтимоий роль бажарилиши ва бажарилмаслиги шарт бўлган ҳамда муайян вазиятда бажарилиши маъқул кўриладиган талаблар тизимидан ташкил топади [2], [3]. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий роль шахслараро муносабатлар давомида рўёбга чиқариладиган хулқ-атворнинг векторини белгилаб беради ва ундан четга чиқмаслигининг ўзига хос назоратчисига айланади. Бунда роль ижтимоий назоратчи сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий роль унинг эгасига ўз хулқ-атворини тегишли кутилмаларга мослаштиришни талаб қилиши ушбу психологик тузулманинг шахслараро муносабатларда намоён этадиган регулятив функциясининг бир томони холос. Қатор махсус тадқиқотларнинг натижалари ҳамда кундалик турмушда шахслараро муносабатларни кузатиш юзасидан ҳосил бўлган хулосалар шуни тасдиқлайдики, одамнинг бошқаларга хос ижтимоий роллар ҳақидаги тасаввурлари уларнинг хатти-ҳаракатларини аввалдан башорат қилиши ҳамда танқидий жиҳатдан баҳолаши учун асос бўлади. Масалан, К.Н.Белогай ўз тадқиқотида оналик муносабати таркибида эмоционал компонент марказий ўринни эгаллашини, унинг тузилишида эса онанинг ўз роли, ундан қониқиш даражаси билан боғлиқ кечинмалар етакчилик қилишини исботлади [1]. Р.В.Овчарова ота-оналарнинг болаларга нисбатан намоён этувчи муносабатини кўп жиҳатдан уларнинг ўз ота-оналик ролини қандай қабул қилиши белгилаб беришига эътибор қаратиб, бунда роль ёки шахсий салоҳиятни рўёбга чиқариш учун тўсиқ ёки янги имконият сифатида идрок этилиши мумкинлигини таъкидлайди. Мутахассиснинг қайд этишича, ота-оналик ролини шахсий имкониятларни рўёбга чиқариш учун тўсқинлик сифатида тушунаётган одамларни фарзанд билан бўлган муносабатда одатда айни вақтдаги ҳолатлардан кўра кўпроқ эътиборни

https://buxdu.uz

тахминий келажак ёки ўтмишдаги вазиятларга қаратиш хусусияти ажратиб туради. Бундай шароитда, Р.В.Овчарованинг фикрича, эртами-кечми ота-она ва фарзанд муносабатларида бузилиш рўй беради [4].

Демак, қатор психологик тадқиқотларнинг натижаларида ижтимоий роллар ҳақида одамда шаклланган тасаввурлар унинг фарзандига бўлган муносабатига таъсир кўрсатиши мумкинлигига ишоралар мавжуд. Бироқ айнан онанинг ўз ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари унинг ўсмирлик ёшидаги фарзанди билан бўлган муносабатида қандай акс этиши мумкинлигини текширишга бағишланган махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Бизнинг тадқиқотимизда айнан шу йўналишда, яъни оналарнинг ўсмир фарзанд билан бўлган муносабатига уларда ўз ижтимоий роллари ҳақида шаклланган тасаввур хусусиятлари қандай таъсир ўтказишини текширишга қаратилган эмпирик изланиш натижалари баён этилади.

Методика: Белгилаб олинган йўналишдаги эмпирик изланиш қуйидаги алгоритм асосида ташкил этилди: 1)ўсмир фарзанд тарбиялаётган оналарнинг ўз боласига бўлган муносабати хусусиятлари текширилди (А.Я.Варга, В.В.Столиннинг “Ота-она муносабати тест сўровномаси” ёрдамида); 2) респондент аёлларнинг замонавий аёллар учун хос бўлган икки асосий ижтимоий роль – шартли равишда “уй бекаси” ва “фаол аёл” деб номланган роллар ҳақидаги тасаввури мазмуни аниқланди (муаллифлик ишланмаси бўлган махсус сўровнома – шкала воситасида); 3) аёл кишининг ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари бўйича ўзаро фарқланувчи синалувчиларнинг ўсмир фарзандга бўлган муносабати учун қандай ёндашув устуворлигини аниқлаш имконини берувчи математик-статистик ҳисоб амаллари бажарилди.

Юқорида тасвифланган алгоритм асосида ўтказилган эмпирик тадқиқот аёлларнинг аёлларга хос ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари билан уларнинг ўз ўсмир ёшидаги фарзандларига бўлган муносабати хусусиятлари ўртасида ўзига хос алоқа-боғланишлар мавжудлигини қайд этиш учун асос бўлди (1 - жадвал)

Жадвал № 1.

Аёлларга хос ижтимоий роллар ҳақидаги тасаввур бўйича фарқланувчи оналарнинг ўсмир фарзандга муносабат хусусиятига кўра нисбати

(% ҳисобида)

№	Аёл ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввур бўйича фарқланувчи шартли гуруҳлар	Фарзандга муносабат хусусиятлари				
		Эмоционал рад этиш	Кооперa-ция	Симбиоз	Авторита-ризм	Инфанти-лизация
1	Аёлни кўпроқ “уй бекаси” ролида тасаввур қилувчи оналар (n_1=38)	13,1 %	8,3 %	32,8 %	14,7 %	31,1%
2	Аёлни ҳам “уй бекаси” ҳам “фаол аёл” ролида тасаввур қилувчи оналар (n_2=24)	12,5 %	33,3 %	8,35 %	37,5 %	8,35%

Дастлабки натижалар таҳлилидан ҳам маълум бўлдики, аёл кишининг устувор ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурларга кўра фарқланувчи оналар ўз ўсмир фарзандларига бўлган муносабати мезони бўйича дифференциал кўрсаткичларга эгадирлар. Хусусан, аёлнинг ижтимоий ролларини кўпроқ “уй бекаси” роли билан чегараланган ҳолда тасаввур қилишга мойил аёллар фарзандига муносабатда симбиоз (32,8 % аёлда) ҳамда инфантилизация (31,1% аёлда) услубига ихтиёр беришга интилиши қайд этилмоқда. Аёлнинг ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурларида унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига ҳам салмоқли ўрин берадиган аёллар орасида фарзандга муносабатида кооперация (33,3 % аёлда) ҳамда авторитаризм (37,5 % аёлда) унсурларини ўз ичига олган муносабатни маъқул кўриш намоён бўлмоқда.

https://buxdu.uz

Қайд этилган натижаларни, бизнинг фикримизча, тасаввур мазмуни ва кўламининг инсон шахс соҳаси билан чамбарчас боғлиқлиги, унинг кундалик хулқ-атворида англанган ёки англанмаган ҳолда, албатта намоён бўлиши билан тушунтириш керак. Ушбу постулатга таяниб шуни тахмин қилиш мумкинки, аёл кишини “уй бекаси” роли билан чеклаб идрок этишга мойил оналарда унинг фаоллиги тўлиқ оила, уй, рўзғор соҳасида рўёбга чиқарилиши адекватлиги тўғрисидаги қараш яққол устун бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, бу соҳада шахс фаоллиги асосан оила аъзоларининг оиладаги ва ундан ташқаридаги кўриниши, уй-жойнинг ўзи, ундаги одамлар эҳтиёжларига хизмат қилиши учун мавжуд ашёлар ва воситалардаги тартибни таъминлашга, оилада унинг аъзолари ўзларининг қандайдир асосий фаолиятига мукаммал тайёрланишига шароит яратиш билан боғлиқ бўлади. Бундай шароитда, табиийки, оиланинг ўз фарзанди билан макон ва вақт нуқтаи назаридан алоқалари частотаси юқори бўлади. Шунинг учун, назаримизда, улар ўртасида симбиоз типидаги, яъни она ўзини фарзанди билан якдил, бир бутун ҳис эта бошлаши, унинг барча эҳтиёжларини қондиришга, унинг қийинчиликлардан чегаралашга интилиши билан тавсифлашувчи муносабат устунлик қилади.

Фарзанднинг ҳар куни бевосита зич тартибда назоратда бўлиши унинг кичик ва кучсиз тарзда идрок этилишига, бу эса унга нисбатан инфантилизациялаштирувчи муносабат шаклланишига қулай шароит яратади. Эҳтимол, айнан шу сабабли тасаввурида аёл уй бекаси роли билан чегараланадиган оналарда симбиоз услубидаги муносабатдан ташқари инфантилизация типидаги, яъни болани ожиз, ҳаётга яхши мослашмаган, салбий таъсирга нисбатан таъсирчан одамдек идрок этишига асосланган муносабат устуворлиги кузатилмоқда. Ўзаро муносабатларда бундай ёндашув устун бўлганда она боланинг иш юмушлардаги нўноқлиги, ноқобиллигида диққатини жамлашга, бу ҳолатни эътиборга олиб уни ҳаёт қийинчиликларидан чегаралашга ва хатти-ҳаракатларини тинимсиз назорат қилишга мойил бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, аёлларга хос ижтимоий роллар ҳақидаги тасаввурларида аёл нафақат уй бекаси, балки ижтимоий-сиёсий фаол шахс сифатида акс этадиган оналарнинг ўз фарзандига бўлган муносабатида кооперация ва авторитаризм унсурлари устунлик қилиши аниқланди.

Бундай натижани ҳам, бизнинг фикримизча, мазкур тоифа оналарда замонавий жамиятда аёлнинг ўрнига нисбатан шаклланган ўзига хос установкалар билан тушунтириш мумкин. Аёл жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ушбу ижтимоий мавқега мос ролларни бажариши керак деб ҳисоблайдиган оналарга шахс даражасида ташаббускорлик, ҳаётда ёрқин из қолдиришга интилиш, янгилик учун очиқлик, ижтимоий фикрдан нисбий автономияни сақлай олиш, юқори талабгорлик даражаси хос бўлишини кутиш ўринли. Шубҳасиз, бундай сифатлар билан онага фарзандга бўлган муносабатда уни ўзига тенг олиши, унда мустақилликни ривожлантиришга интилиши, баҳсли вазиятларда унинг томонини олиши, яъни кооперацияга асосланган ўзаро таъсирлашувга кириши осон кечади.

Алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатлардан бири шундаки, аёлларнинг ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари таъкидланган йўналиш билан тавсифланувчи оналарнинг натижаларида, шунингдек авторитаризмга асосланган муносабатга мойиллик кўрсаткичлари юқоридир. Бизнинг фикримизча, аёллар нафақат “уй бекаси”, балки ижтимоий-сиёсий фаол шахс ролини ўзлаштириши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритувчи оналар орасида фарзандга муносабатда кооперация услубидан ташқари авторитаризм унсурларига эга ўзаро таъсирлашув модели устун оналарнинг кўпчиликни ташкил этиши ўзига хос психологик боғланишдан дарак беради. Назаримизда, ўзининг касбий ва ижтимоий фаоллиги ҳисобига оила юмушларини бажариш учун вақт тақчиллигига учраётганда оналар ўз индивидуал-психологик хусусиятлари, қуршаб турган ижтимоий муҳит сифатларига боғлиқ равишда фарзандга бўлган муносабатда икки қарама қарши қутбдаги услублардан бирини танлайди: ёки боласининг ишлари, режаларига янада каттароқ қизиқишни, ёрдам бериш учун янада кўпроқ тайёрликни намоён этадилар (кооперация) ёки унинг қатъий бўйсунишини, белгиланган интизомга сўзсиз риоя этишини талаб қиладилар (авторитаризм).

Муҳокама этилаётган тоифа оналарнинг бундай муносабат стратегияси асосида, шубҳасиз, чуқур субъектив кечинмалар мавжуд бўлиб, улар орасида фикримизча, айбдорлик ҳисси марказий ўринни эгаллайди. Маълумки, тадқиқотларда ишлайдиган аёллар учун ўзига

https://buxdu.uz

хос роллар кураши, яъни уй бекаси ва ишчи ходим роллари ўртасида кураш бўлиши мумкинлиги ҳамда бунинг оқибатида унда бир томондан оила аъзолари олдида, иккинчи томондан, ишдаги раҳбарият олдида айбдорлик ҳисси уйғониши хослиги аниқланган. Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши билан тавсифланувчи аёлларда, ҳақиқатдан ҳам айбдорлик ҳисси уйғонган тақдирда, бизнингча, унинг айнан ким олдида кучлироқ экани якунда фарзанд билан муносабатда қандай стратегия танланишини белгилаб беради. Агар айбдорлик ҳисси фарзанд олдида бўлса гиперкомпенсация механизми онани кооперацияни кучайтиришга, вазият вужудга келганда болага янада ғамхўрлик, эътибор билан муносабатда бўлишга ундайди. Лекин бундай ҳис меҳнат фаолияти олдида бўлса, она болани муайян касбий мақсадларга эришишни қийинлаштираётган одам сифатида идрок этиб, унинг таъсир эҳтимолини пасайтириш учун авторитар тарзда фаоллик чегараларини ўзига қулай кўламда, қаттиқ назорат қилиш имкониятини берадиган даражада белгилашга мойил бўлади. Албатта, онанинг бундай муносабати мустақилликка эришиш эҳтиёжи биринчи ўринга кўтариладиган, тобелик ўта ёқимсиз идрок этиладиган ўсмирнинг эътирозига сабаб бўлади ва натижада низоли вазият етилади.

Хулоса. Демак, оналарнинг аёлларга хос ижтимоий роллар ҳақидаги тасаввурлари ва уларнинг фарзандларига бўлган муносабати устувор хусусиятларини ўзаро алоқадорликда эмпирик жиҳатдан ўрганиш қуйидаги хулосалар учун асос бўлмоқда:

1. “Она-бола” тизимидаги муносабатда оналарнинг нафақат эга бўлган ижтимоий роллари, балки уларнинг аёл киши эгаллаши мумкин бўлган роллар ҳақидаги тасаввурларига хос хусусиятлар акс этади.
2. Аёлнинг ижтимоий ролларини асосан “уй бекаси” роли билан чегараланган ҳолда тасаввур қилувчи оналарнинг фарзандга муносабатида симбиоз ва инфантилизацияга асосланган, аёл кишини ижтимоий-сиёсий фаол ролларда тасаввур қилувчи оналар муносабатида кооперация ва авторитаризмга таянувчи ўзаро таъсирлашувга мойиллик қайд этилади.
3. Аёлларга хос ижтимоий роллар ҳақидаги тасаввурларига кўра ўзаро фарқланувчи оналарнинг фарзандларга муносабати хусусиятларида аниқланувчи тафовут аҳамиятли даражада бўлиб, шунга кўра улар асосида оналарнинг ўзига хос оригинал типологиясини ишлаб чиқиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Белогай К.Н. Структурные компоненты родительского отношения личности: Автореф. дис... к.психол.н. – Кемерево: КГУ, 2006. – 24 с.
2. Грицкевич Т.И. Реформатор: социальная роль или особенности личностных черт//Вестник ВГУ. Серия «Философия». – 2009. – №2. – С. 140-148.
3. Клочко Ю.Н., Ермилова Н.Ю., Клочко А.Ю. Социализация личности, ее социальный статус и социальная роль// Вестник Сев Кав ГТУ Серия «Гуманитарные науки». – 2004. - №1 (11). – С.45-53.
4. Овчарова Р.В. Родительство как психологический феномен: Учебное пособие. – М.: Московский психолого-социальный институт, 2006. – 496 с.

https://buxdu.uz

Исмоилова Нуржаҳон Зуҳириддиновна,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Психология” кафедраси доцент вазифасини бажарувчиси

КОПИНГ СТРАТЕГИЯНИНГ СТРЕССОГЕН ВАЗИЯТЛАРДАГИ ХУЛҚ-АТВОРДА ИФОДАЛАНИШИ

Аннотация. *Мақолада талабаларда кузатиладиган стрессга нисбатан барқарорликни оширишда копинг стратегиянинг роли ҳақидаги экспериментал маълумотлар таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар*: стресс, фрустрация, стрессли вазият, субъектив стресс, стрессоген, стрессга барқарорлик, копинг-стратегия, копинг-хулқ.*

Аннотация. *В данной статьи представленны экспериментальные данные о роли копинг стратегии в развитие стрессоустойчивости у студентов.*

Ключевые слова: *стресс, фрустрация, стрессная ситуация, субъективный стресс, стрессоген, стрессоустойчивост, копинг-стратегия, копинг-поведение.*

Abstract. *This article analyzes experimental data on the role of coping strategies in increasing stress resistance in students.*

Keywords: *stress, frustration, a stressful situation, subjective stress, stressogene, stress resistance, koping strategy, koping behavior.*

Мавзунинг долзарблиги. Бугун жамиятда шундай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муҳит ва қадриятлар юзага келдики, улар одамларнинг, айниқса, ёш авлоднинг ўзини ўзи англашига, ўзини ўзи назорат қилиш даражасига ҳамда бу хусусиятларни ривожлантиришга йўналтирилган таълим тизимига ҳам янгича талабларни қўймоқда.

Ушбу соҳада юритилаётган давлат сиёсати жорий йилнинг 8 феврал куни қабул қилинган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилгани мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътиборнинг юксак даражадалигининг ифодасидир. Ҳаракатлар стратегиясининг «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» деб номланган бандида «Жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»[3]га эътибор қаратилган.

Кейинги йилларда психологияда стресс, стрессга барқарорлик масаласи энг кўп тадқиқ этилаётган мавзулардан бирига айланиб қолди. Стрессга барқарорлик ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳам долзарб масалалар қаторидан ўрин олган. Маълум бир йўналишда иш олиб борган муаллифлар эса стрессга барқарорлик ва копинг стратегия ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ҳақида фикрлар билдирганлар.

«Копинг-стратегия» (инглиз тилида to cope with – ниманидир уддасидан чиқиш, енгиб ўтиш) – инсон томонидан қийин, мураккаб вазиятларда ва шу вазиятлар таъсирида вужудга келадиган ҳолатларни енгиб ўтиш мақсадида англанган ҳолда қўлланиладиган усуллардир» - бундай таъриф психологик луғат изоҳида келтирилган.

И.М. Елисеева “копинг-стратегия” тушунчаси биринчи бор Р.Лазарус ва С.Фолкман томонидан киритилганлигини қайд этади [2]. Ушбу масала жуда кўп тадқиқотчилар томонидан қизиқиш объекти сифатида танланган бўлиб, айрим муаллифлар томонидан икки турдаги копинглар фарқланади: муаммога йўналтирилган (стресснинг манбаини бартараф этишга йўналтирилган) ва эмоционалликка йўналган (стрессор чақирган эмоционал қўзғалишни бартараф этишга йўналтирилган).

Мутахассислар копинг-стратегиянинг турини танлашга таъсир этувчи омиллар ҳам батафсил ўрганилган. Айрим муаллифлар эса копинг-стратегиялар ижобий аффект (маълумот

[3] 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси.

https://buxdu.uz

излаш) билан боғлиқ бўлса, аксинча эмоционал копинг-стратегиялар (қочиш, айблаш ва эмоционал "муҳокама қилиш") эса негатив эмоционаллик, ўз-ўзини баҳолашнинг пастлиги ва стрессли вазиятларга мослашувнинг ёмонлиги билан боғлиқ эканлигини таъкидлашади.

Копинг-стратегияни ўрганган кўпгина муаллифлар уни фаол ва пассив турга ҳам бўлишади. Фаол стратегияга "муаммони ечиш" стратегияси киради. У инсон хулқ-атворидаги муаммо ёки стрессли вазиятни бартараф этишнинг барча вариацияларини ўз ичига олади, шунингдек фаол стратегияда "ижтимоий қўллаб-қувватлаш" стратегияси ҳам мавжуд бўлиб, у атроф-муҳитнинг қўллаб-қувватлашига йўналтирилган хулқ шаклидир. Пассив копинг ўз ичига хулқ-атворнинг "қочиш" стратегиясини олади. Шу ўринда, баъзи тадқиқот натижалари қочишнинг айрим шакллари фаол характерга эгалигини исботлаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз [4].

Р. Мак-Крей ва П. Костларнинг тадқиқотларида ҳам енгиб ўтишнинг яхши натижа берадиган (субъектив) усулларини қўллаш бахтиёрлик ва ҳаётдан қониқиш ҳислари билан боғлиқдир, гарчи бу боғлиқлик шахс ўзгарувчанлиги таъсири остида бироз пасайиши мумкин. Синалувчилар муаммони ечишнинг самарали усуллари сифатида ишонч, қўллаб-қувватлашни излаш, рационал ҳаракатлар, ҳис-туйғуларини намоён қилиш, мослашув ва ҳазил кабилар, шунингдек, бу жараёнда самарасиз усуллар қаторида адоват, бир қарорга кела олмаслик, фантазияга берилиш кабиларни санаб ўтган. Стрессни субъектив пасайтириш усулларига эса ишонч, стресс натижасида ўз-ўзини ривожлантириш, қўллаб-қувватлашни излаш, ҳазил кабилар келтирилган. Аксинча стрессни кучайтирувчи усулларга ўз-ўзини айблаш, бир қарорга кела олмаслик ва адоват кабилар саналган. Р. Мак-Крей ўтказган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, одамлар стрессли вазиятларда копинг-стратегиядан қанчалик кўп фойдаланса, муаммонинг ечими шунчалик самарали бўлади ва субъектив стресснинг сусайиши шунчалик катта эҳтимолга эга бўлади.

Методика. Биз ҳам тадқиқотимизда стрессга барқарорлик ва копинг стратегия ўртасидаги муносабат хусусиятини ўрганишга йўналдик. Бунинг учун Д.Амирхан томонидан таклиф этилган «Копинг-кураш индикатори» методикаси танланди. Тадқиқотимизда қўлланилган методикага кўра копинг стратегиянинг уч хил услуби фарқланади: муаммони ечишга йўналган, ижтимоий қўллаб-қуватлашга йўналган ва муаммодан қочишга йўналган. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Жадвал № 1.

Синалувчиларда стрессга барқарорлик ва шахс хусусиятлари ўртасидаги алоқадорликнинг намоён бўлиши

	Копинг стратегия		
	Муаммони ҳал қилиш	**Бошқаларнинг қўллаб-қувватлаши**	**Муаммодан қочиш**
Стрессга барқарорлик	**0,114**	**0,350****	**0,266****

Изоҳ: ** p≤0,01.

Жадвалдаги натижаларни таҳлил қилинса, стрессга барқарорлик ва копинг стратегиянинг муаммодан қочиш услуби ўртасида алоқадорлик кузатилмаган (r=0,114, p≤0,01)

Буни шундай изоҳлаш мумкинки, бизнинг ментал хусусиятимизга кўра, ота-оналар ва оиладаги катталар (ака ва опа, хола, тоға, амма ва амакилар)нинг оиладаги фарзанд муаммосини биргаликда ечишга ҳаракат қилиши натижасида стресс ҳолатига тушганда ўзбек талабасининг муаммони ҳал қилиш услубидан фойдаланиш кўрсаткичи паст бўлган. Талабаларимиз муаммони ўзи ҳал қилишдан кўра атрофидаги яқинларининг кўмагига, уларнинг қўллаб-қувватлашига кўпроқ мурожаат қиладилар. Бу фикримизни қуйидаги кўрсаткичларнинг таҳлили янада тўлиқроқ изоҳлайди.

Синалувчи талабалардаги ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналганлик ва стрессга барқарорлик ўртасида аҳамиятли даражадаги боғлиқликни кўришимиз мумкин (r=0,350, p≤0,01). Буни изоҳлаш учун қуйидаги таҳлилларни келтириш мумкин. Бугунги кун талабаси учун бошқаларнинг қўллаб-қувватлаши стрессга барқарорликнинг асосий кўрсаткичи бўлиб

https://buxdu.uz

қолганлигини кузатиш мумкин. Бунинг сабаби талаба бугун ўзининг ота-онасига ёки оиладаги катталар (ака ва опа, хола, тоға, амма ва амакилар, аёллар айниқса турмуш ўртоғи)га кўпроқ ишониб қоляпти. Стрессли вазиятлар юзага келганда бу ҳолатга тушган айрим талабалар муаммони ҳал қилишдан кўра ўзининг "ишонган одамларига" мурожаат қилишни афзал биладилар, чунки уларнинг муаммолари ҳар доим шу йўл орқали ҳал этилган ва юзага келган навбатдаги муаммо ҳам ҳал этилишига ишонади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, стрессга барқарорлиги паст бўлган ва копинг стратегиянинг бошқаларнинг қўллаб-қувватлашига мойиллиги юқори бўлган талабалар фанлардан суст ўзлаштирадиган ва аксарият ҳолларда сессия топшириқларини қониқарсиз бажарадиган талабалардир.

Бундан ташқари, талаба ўзининг дўстлари, тенгдошлари, гуруҳдошлари, бир факультетда ўқийдиган таниш талабалар билан ўрнатадиган шахслараро муносабатлардан ҳам қониқиш олади. Бизнинг фикримизча, талаба стрессга тушганида у ўз дўсти тенгдошлари, гуруҳдошлари, бир факультетда ўқийдиган таниш талабаларга мурожаат қилади, улар эса унга далда беришади, бу муаммонинг ечими учун моддий, маънавий, интеллектуал ёрдам кўрсатади. Айнан мана шу сабабалар боис талабада стрессга барқарорлик ва бошқаларнинг қўллаб-қувватлаши ўртасида алоқадорлик кузатилган.

Айрим муаллифлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш сифатида ижтимоий эҳтиёжларни қондирилиши билан боғлиқ омиллар: яқинликни ҳис қилиш, ҳимояни ҳис қилиш, маълумотлар олиш, амалий ёрдам олиш, ўрнини босиш, тинчлантириш ва ҳ.к.ларни санаб ўтади.

Стрессга барқарорлик билан копинг стратегиянинг муаммодан қочиш услуби ўртасида ҳам аҳамиятли алоқадорлик кузатилган ($r=0,266$, $p\leq0,01$). Бунинг изоҳи қуйидагича: бугунги кун талабаси стрессли вазиятда муаммони ҳал қилишдан кўра, муаммодан қочишни афзал кўради, улар аксарият ҳолларда бу борада виртуал оламга мурожаат қилишади. Ҳозир виртуал оламда ҳам муаммога дуч келинганда унга йўл кўрсатувчи, унга маслаҳат берувчи ижтимоий тармоқлар мавжуд.

Копинг-стратегияни танлашга таъсир этувчи омиллар ҳам батафсил ўрганилган. Хорижлик муаллифлар томонидан когнитив копинг-стратегиялар (маълумот излаш) ижобий аффект билан боғлиқ бўлса, аксинча эмоционал копинг-стратегиялар (қочиш, айблаш ва эмоционал "муҳокама қилиш") эса негатив эмоционаллик, ўз-ўзини баҳолашнинг пастлиги ва стрессли вазиятларга мослашувнинг ёмонлиги билан боғлиқ эканлиги таъкидланган.

Шахсни енгиб ўтувчи хулқ субъекти сифатида қарайдиган бўлсак, шахс копинг хулқининг уч турини ажратиб кўрсатиш мумкин: "Муаммога йўналтирилган услуб", "Эмоционалликка йўналган услуб", "Қочиш услуби". "Қочиш услуби" ўз ичига икки субшкалани қамраб олади: "Чалғиш" - инсон юзага келган муаммоли вазиятни ҳал қилиш ўрнига бошқа турли хилдаги ишлар, юмушлар билан ўзини чалғитишга ҳаракат қилиши тушунилади; "Ижтимоий чалғиш" – муаммоли вазият пайтида инсоннинг бошқалар билан мулоқотда бўлишидир, бунда уларнинг биргаликдаги мулоқоти мавжуд муаммони ҳал этилишига олиб келмайди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, ўзбек муҳитидаги натижалар хориж муҳитидаги натижалардан фарқланади. Чунки ўзбек муҳитининг ментал хусусиятлари ўзига хос бўлиб, ўзбекона қадриятлар ўз-ўзидан бунга таъсир кўрсатади.

Адабиётлар:

1.2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси.
2.Елисеева И.М., Ильин Е.Г., Качанова Н.А. Соотношение субъективных и объективных показателей эмоционального возбуждения до экзамена и после него//Психофизиологическое изучение учебной и спортивной деятельности. Л., 1991. – С . 82-85
3.Яковлев, П. А. Исследование копинг-поведения различных возрастных групп / П. А. Яковлев // Экспертиза. – 2007. – №11 .

https://buxdu.uz

Алимова Гулчехра Кабуловна,
И.о. доцента кафедры психологии Ташкентского государственного университета им. Низами
Алимов Абдукадир Абдувахоб ўғли,
Студент 3-курса Ташкентского экономического университета

ЭФФЕКТИВНОЕ ПЕДАГОГО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИЕ

Аннотация: *Мақолада мактабгача таълим муассасаларида қўлланиладиган самарали педагогик-психологик технологиялар ҳақида сўз юритилади. Унда асосан ўйин технологиялари, ТРИЗ технологиясининг МТМ тарбияланувчиларининг шаклланишига, муаммоли вазиятлардан тез ва осон чиқиб кета олишга ҳамда ижодий тафаккурини ривожлантиришга қаратилиб, мисоллар билан баён қилинади.*

Калит сўзлар: *бола шахси, технология, МТМ, ақлий қобилият, ижодий тафаккур, ўйин ва машқлар, ТРИЗ, ақлий ҳужум, синектика.*

Аннотация: *В статье идет речь об эффективности педагого-психологических технологий используемых в ДОУ. В нем особенно берется во внимание игровые технологии и технологию ТРИЗ как развивающий творческого мышления личности ребенка и приведется несколько примеров из них.*

Ключевые слова: *личность ребенка, технология, ДОУ, умственная способность, творческое мышление, игры и упражнения, ТРИЗ, мозговой штурм, синектика.*

Annotation: *The article deals with the effectiveness of pedagogical-psychological technologies used in the Pre-school educational institution. It takes particularly into account game technology and theory of inventive problem solving technology as developing creative thinking of a child 's personality and gives a few examples of them.*

Keywords: *child personality, technology, Pre-school educational institution, mental capacity, creative thinking, games and exercises, theory of inventive problem solving, brainstorming, synectic.*

Актуальность исследования: Программа реформ дошкольного образования масштабна и амбициозна: если сегодня детсады посещают 33% детей, к 2031 году 85% детей должны обучаться в дошкольных образовательных учреждениях (ДОУ) по принципам личностно-ориентированного обучения. Со времени создания Министерства дошкольного образования в сентябре 2017 года пересмотрены нормативно-правовые рамки сферы: утверждены новые государственные требования к развитию детей раннего и дошкольного возраста, разработана учебная программа дошкольного образования на основе компетентностного подхода, запущена открытая информационная система управления образованием (EMIS, Educational Management Information System). Ожидают утверждения планы действий по внедрению инклюзивного образования и политики развития педагогических кадров, разработан законопроект «О раннем развитии детей дошкольного возраста» [4].

В настоящее время педагогические коллективы ДОУ интенсивно внедряют в работу инновационные технологии. Поэтому основная задача педагогов дошкольного учреждения – выбрать методы и формы организации работы с детьми, инновационные педагогические технологии, которые оптимально соответствуют поставленной цели развития личности.

Современные педагогические технологии в дошкольном образовании направлены на реализацию государственных стандартов дошкольного образования.

Принципиально важной стороной в педагогической технологии является позиция ребенка в воспитательно-образовательном процессе, отношение к ребенку со стороны взрослых. Взрослый в общении с детьми придерживается положения: «Не рядом, не над ним, а вместе!». Его цель содействовать становлению ребенка как личности.

Сегодня мы поговорим одним из педагогических технологиях – игровых, об их эффективном использовании в дошкольном учреждении. Игровая технология строится как

https://buxdu.uz

целостное образование, охватывающее определенную часть учебного процесса и объединенное общим содержанием, сюжетом, персонажем. В нее включаются последовательно:

- игры и упражнения, формирующие умение выделять основные, характерные признаки предметов, сравнивать, сопоставлять их;
- группы игр на обобщение предметов по определенным признакам;
- группы игр, в процессе которых у дошкольников развивается умение отличать реальные явления от нереальных;
- группы игр, воспитывающих умение владеть собой, быстроту реакции на слово, фонематический слух, смекалку и др.

Составление игровых технологий из отдельных игр и элементов - забота каждого воспитателя.

Обучение в форме игры может и должно быть интересным, занимательным, но не развлекательным. Для реализации такого подхода необходимо, чтобы образовательные технологии, разрабатываемые для обучения дошкольников, содержали четко обозначенную и пошагово описанную систему игровых заданий и различных игр с тем чтобы, используя эту систему, педагог мог быть уверенным в том, что в результате он получит гарантированный уровень усвоения ребенком того или иного предметного содержания. Безусловно, этот уровень достижений ребенка должен диагностироваться, а используемая педагогом технология должна обеспечивать эту диагностику соответствующими материалами.

Главная цель, которую ставят перед собой педагоги это: - формирование у детей творческого мышления, т.е. воспитание творческой личности, подготовленной к стабильному решению нестандартных задач в различных областях деятельности. При этом можно использвать методику теории решения изобретательских задач, можно назвать школой творческой личности, поскольку её девиз - творчество во всем: в постановке вопроса, в приёмах его решения, в подаче материала.

Теория решения изобретательских задач (ТРИЗ), которая создана ученым-изобретателем Т.С. Альтшуллером [1]. Альтшуллер выяснил, что любая техническая проблема приводит к ситуации, в которой оказывается всякий изобретатель: момент, когда решение ещё не найдено, а вариантов вокруг много. Метод проб и ошибок — ненадёжный и энергоёмкий способ, который при этом не гарантирует отличный результат. Учёный пришёл к выводу, что самое эффективное решение достигается при помощи уже имеющихся ресурсов, то есть в процессе решения задачи нужно отсечь всё лишнее, тогда ответ станет очевидным.

Методика: Воспитатель использует нетрадиционные формы работы, которые ставят ребенка в позицию думающего человека. Адаптированная к дошкольному возрасту ТРИЗ-технология позволит воспитывать и обучать ребенка под девизом «Творчество во всем!» Дошкольный возраст уникален, ибо как сформируется ребенок, такова будет и его жизнь, именно поэтому важно не упустить этот период для раскрытия творческого потенциала каждого ребенка.

ТРИЗ-педагогика имеет мало общего с классической и развивающей. Во-первых, здесь нет оценок и единственно правильного ответа: дети должны рассуждать, размышлять, искать противоречия и необычные признаки в условиях задачи. Во-вторых, для того, чтобы приступить к основам ТРИЗ-педагогики, ребёнок совсем не обязательно должен уметь читать, писать и считать: заниматься с малышом можно с того момента, как он становится способен отличить игру от реальности, то есть примерно с 2,5-3 лет.

Методы ТРИЗ:

В процессе решения ТРИЗ-задач используется сразу несколько подходов:

- метод мозгового штурма,
- синектика (сравнение и нахождение сходства в предметах и явлениях),
- морфологический анализ (выявление всех возможных способов решения),
- метод фокальных объектов (установление ассоциативных связей с различными объектами) и так далее.

Целью использования данной технологии в детском саду является развитие, с одной стороны, таких качеств мышления, как гибкость, подвижность, системность, диалектичность; с другой – поисковой активности, стремления к новизне; речи и творческого воображения.

https://buxdu.uz

Основная задача использования ТРИЗ - технологии в дошкольном возрасте – это привить ребенку радость творческих открытий.

Можно применять в работе только элементы ТРИЗ (инструментарий), если педагог недостаточно освоил ТРИЗ-технологию.

Зачастую, педагог уже проводит тризовские занятия, даже не подозревая об этом. Ведь, именно, раскрепощенность мышления и способность идти до конца в решении поставленной задачи – суть творческой педагогики.

Ниже приведем несколько примеров:

Пример 1. Лола замесила тесто и собирается испечь печенье. Но она совсем забыла, что скалки в доме нет. Вечером к Лоле придут друзья, поэтому очень важно, чтобы печенье к их приходу было готово. Как Лоле сделать печенье, если нет скалки, чтобы раскатать тесто?

Варианты ответов:

-Взять вместо скалки бутылку.

-Распределить тесто по доске руками.

-Отрывать от теста кусочки и руками формировать из них печеньки.

-Поспрашивать готовую скалку у соседей.

-Если магазин близко, то можно сходить за скалкой.

Пример 2. Карима пригласила на День рождения Лола. Бабушка предложила внуку срезать в подарок для Лолы розы в ее палисаднике. Взявшись за дело, мальчик понял, что розы очень сильно колются, и срезать их не повредив руки сложно. Посоветуйте Кариму, как срезать цветы и при этом не пораниться.

-Можно надеть садовые перчатки.

-Нужно взять секатор на длинных ручках.

-Можно попробовать чем-то подцепить стебель цветка, чтобы было удобнее его срезать. Например, сделать крючок из проволоки. Также можно захватить стебель прищепкой.

Среда, в которой находится ребёнок, во многом определяет темпы и характер его развития и поэтому рассматривается многими педагогами и психологами как фактор развития личности.

Выводы: Задача педагогических работников в детском саду состоит в умении моделировать социокультурную, пространственно-предметную развивающую среду, которая бы позволила ребенку проявить, развивать способности, познавать способы образного воссоздания мира и языка искусств, реализовывать познавательно-эстетические и культурно-коммуникативные потребности в свободном выборе. Моделирование предметной среды создает условия и для взаимодействия, сотрудничества, взаимообучения детей.

Построение предметно-развивающей среды - это внешние условия педагогического процесса, позволяющее организовать самостоятельную деятельность ребенка, направленную на его саморазвитие под наблюдением взрослого. Среда должна выполнять образовательную, развивающую, воспитывающую, стимулирующую, организационную, коммуникативную функции. Но самое главное - она должна работать на развитие самостоятельности и самодеятельности ребенка.

Литература:

1.Альтшуллер Т.С. Найти идею. Введение в ТРИЗ – теорию решения изобретательских задач. – М., 2007.

2.Альтов Г., Верткин И. Как стать гением: Жизненная стратегия творческой личности. – М., 1994.

3.Гайнуллова Ф.С, Сергеева И.С. Игровые технологии в образовании дошкольников и младших школьников. Методическое пособие. ФГОС. Кнорус, 2018. – 112 с.

4.https://www.gazeta.uz/ru/2018/07/27/preschool-education/

https://buxdu.uz

Акрамов Мирмухсин Рустамович,
ТДПУ “Психология” кафедраси доценти в.б., (PhD)

Сабирова Наргиза Юсупбоевна,
“Психология” кафедраси магистранти

АХЛОҚИЙ ОНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: *Ушбу мақолада олий ўқув юрти талабаларининг таълим жараёнида ахлоқий онги шаклланиш масалалари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *ахлоқ, ахлоқий онг, ахлоқий муаммолар, ахлоқий мезонлар, дискриминант таҳлил*

Аннотация: *В статье рассматривается проблема формирования нравственных сознаний студентов в период обучения в высшем учебном заведении.*

Ключевые слова*: этика, моральное сознание, этические проблемы, моральные критерии, дискриминантный анализ*

Abstract: *In this articles considered the problem of moral ideas of students during their studies in higher education.*

Key words: *ethics, moral consciousness, ethical problems, moral criteria, discriminant analysis*

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда юз бераётган барча ўзгаришлар яқин келажакда давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлигини, шахс маънавиятини юксакликка кўтаришни таъминлашга йўналтирилган. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг 72 бош ассамблеясида сўзлаган нутқида “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”, шунингдек, “...одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” –дея таъкидлаши ҳам ахлоқий муаммолар, ёшларни ахлоқий онгини шакллантириш баркамол авлод таълим тарбиясининг бугунги кундаги долзарб масала эканлигини кўрсатади[1].

Ахлоқ (араб. хулқ сўзининг кўплиги) – кишилар орасидаги муносабатни тартибга солишнинг ўзига хос тартиб, қоидалари йиғиндиси. Ахлоқдаги “яхшилик”, “яхши одатлар” инсоннинг ўз манфаатини жамият манфаатига мослашга, айрим ўринларда жамият манфаатлари йўлида ўз ҳаётий мақсадлари, манфаатларини ўзгартиришга имкон беради. “Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда” [2, 117]

Ахлоқда инсон хулқи меъёрларини, унинг жамият ва борлиққа бўлган муносабатларидаги масъулияти ўз ифодасини топади. Инсонни табиатга муносабати ахлоқ нуқтаи назаридан баҳоланмаган, унинг ҳолати яхлитлигича инсон фаолияти ва кўлами билан алоқадорликда ўрганилмаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ахлоқ муаммоларига катта эътибор берила бошлади. Шахслараро муносабатда, ўзаро муомалада унутилиб кетган исломий қадриятлар, шарқона хулқ-атвор, урф-одатлар, маросимлар қайтадан расм бўла бошлади.

Ахлоқ шахс эркинлиги ва ижодкорлиги билан бевосита боғлиқ. Шахс жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий қадриятларни танлаб олади, ўзлаштиради, мавжуд вазиятга татбиқ этади ва такомиллаштиради. Ахлоқий баҳолаш жамоатчилик фикрига таянади. Ахлоқда инсон хулқи меъёрларини, унинг жамият ва борлиққа бўлган муносабатларидаги масъулияти ўз ифодасини топади. Инсонни табиатга муносабати ахлоқ нуқтаи назаридан баҳоланмаган, унинг ҳолати яхлитлигича инсон фаолияти ва кўлами билан алоқадорликда ўрганилмаган. Бундай муносабатлар антропоцентрик характерга эга бўлган чунки аввалари инсон табиатга қарам

https://buxdu.uz

бўлган ва унинг таъсиридан ҳимояланган. Инсон табиатдан ўзи учун зарур нарсаларни олган. Табиат тарихи инсон тарихини яратган. Бу ҳолатда табиат жамият эҳтиёжларини қондириш учун ўз фаолиятини моддий ашъёларни тақозо этувчи инсоний муносабатлар объектига айланган. Мазкур ҳолат инсоннинг табиатга нисбатан ахлоқий ёки ахлоққа зид муносабатлар ҳақида гапириш ҳамда ахлоқ ўз ичига экологик йўналишни қамраб олишини таъкидлаб ўтиш имконини беради.

Инсоннинг табиатга нисбатан масъулиятли муносабатини шаклланиши ахлоқий тарбия таркибидаги экологик компонентнинг асосий мазмуни ва предметини ташкил этади.

Методика. Биз ахлоқлилик мотивларини ўрганишга доир методикани қўллашга қарор қилдик чунки, муносабатларни мотивлар белгилаши мумкин. Мазкур методика И.Г. Дубов, А.А. Хвостовлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолининг катта гуруҳлари маиший онгидаги аҳлоқий хулқ-атвор детерминантларини ўрганишга имкон беради[3]. Бироқ методика адаптацияси жараёнида бир қатор муаммоларга дуч келдик. Буларнинг энг асосийси россияликлар ва ўзбекистонликларнинг ахлоқ тўғрисидаги тасаввурларининг фарқланишидир яъни, ментал хусусиятлар билан боғлиқ. Муаллифлар томонидан тузилган методикада 54 та ахлоқлилик детерминантларига доир таъкидлар 16 та факторда ўз аксини топган. Бизда эса пилотаж тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар жамланиб факторли таҳлил қилинганда 16 та эмас 17 та икки қутбли факторлар ҳосил бўлган. Бундай ҳолатда методика яратувчилари томонидан берилган оригинал таҳлил калитлари бизнинг миллий муҳитда ўзига хос трансформацияга дучор бўлганини қайд этиш мумкин. Мазкур ҳодиса, Б.М.Ботировнинг термини билан айтганда, ўзбекларнинг когнитив мураккаблиги билан белгиланиши эҳтимол[4]. Яъни, ушбу методикани ўз ҳолича таҳлил этиш мазмуний янглишишларга сабаб бўлади. Биз унда берилган 54 та таъкидни дискриминант таҳлил усули бўйича қайта ишлашни лозим топдик.

Дискрет таҳлил икки хил гуруҳларга тааллуқли муаммолар ечимини топишга ёрдам беради.

1. Турли синфлар ўртасидаги фарқларни интерпретация қилиш, яъни қуйидаги саволларга жавоб беради: бир синф бошқа синфдан берилган туркум ўзгарувчилардан фойдаланган ҳолда қанчалар аниқ фарқланиши; ушбу ўзгарувчиларнинг қайси бири синфларни фарқлашда юқори даражада муҳимлигини аниқлашда.

2. Объектлар классификациясида яъни алоҳида олинган ҳар бир объектни дискриминант ўзгарувчилар қийматидан келиб чиққан ҳолда синфларнинг қайси бирига тааллуқлилигини аниқлашда.

Эмпирик таҳлил. Дискриминант таҳлилнинг номинатив ўзгарувчиси сифатида биз талабалар таҳсил олаётган курсларни олдик (1-2-3-4- курслар). Шундан келиб чиққан ҳолда 54 та таъкиднинг ҳар бири алоҳида шкала сифатида кўздан кечирилган. Дискриминант таҳлил SPSS-11.5 программаси ёрдамида амалга оширилган. Дискриминант таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

Жадвал № 1.

Каноник дискриминант функциянинг меъёрлашган коэффициентлари

Таъкидлар	Функция		
	1	2	3
чунки, акси бўлса ҳаётга мослаша олмайсан	-0,505	-	-
чунки яхшилик – сизнинг инсоний бурчингиздир	-	-	0,843
чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади	0,521	0,516	-
чунки Сиз ахлоқни оқилона иш деб ҳисоблайсиз	-	-	0,506
чунки ахлоқдан барчага манфаат бор	-	-0,628	-
чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди	-0,564	0,590	-
чунки кейин ўз қилмишларингиз учун изтироб чекишга мажбур бўлмайсиз	0,918	-	-

https://buxdu.uz

чунки ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш лозим деб ҳисоблайсиз	-	-0,408	-0,462

Биринчи каноник факторга кирган таъкидлар қуйидагилардан ташкил топган (фактор юкламалари юқориларидан бошлаб саналади):

Ижобий қутбда: "чунки кейин ўз қилмишларингиз учун изтироб чекишга мажбур бўлмайсиз" (0.918), "чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади" (0.521).

Салбий қутбда: "чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди" (-0.564), "чунки, акси бўлса ҳаётга мослаша олмайсан" (-0.505).

Ушбу факторнинг мазмуний таҳлили талабаларда ташқи локус мавжудлигини кўрсатмоқда: ахлоқ доирасида ҳатти-харакат қилсанг жамиятдаги мавқеинга путур етмайди ва кейинчалик изтироб чекишга мажбур бўлмайсан.

Бироқ шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, факторнинг салбий қутби (талабалар онгида) одамлар ахлоқий хулқ атвордан ёвузлик мақсадида ҳам фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатмоқда: ахлоқ ҳаётга мослашиш бўлгани учун барча ахлоқ доирасида ҳаракат қилса ҳам бу оламда ёвузликка жой топилади.

Мазкур факторни "ахлоқ интроект сифатида" деб номладик.

Иккинчи факторга тааллуқли таъкидларга эса қуйидагилар киритилган:

Ижобий қутбда "чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди" (0.590), "чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади" (0.516).

Салбий қутбда: "чунки ахлоқдан барчага манфаат бор" (-0.628), "чунки ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш лозим деб ҳисоблайсиз" (-0.408).

Ушбу факторнинг мазмуний таҳлили талабаларда ахлоқ хусусида яна қуйидагича фикр мавжудлигини кўрсатди: ҳар ким ўзининг жамиятда тутган мавқеига яраша иш тутса бу оламда ёвузликка жой қолмайди. Зотан (факторнинг салбий қутби) ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрламайдиган инсон ахлоқ барчага бирдай манфаат келтирмайди деб ҳисоблайди.

Мазкур факторни шартли равишда ахлоқ ўзгалар билан бўлган муносабатлар мезони сифатида деб номладик.

Учинчи факторнинг ижобий қутбидан жой олган таъкидларга "чунки яхшилик – сизнинг инсоний бурчингиздир" (0.843), "чунки Сиз ахлоқни оқилона иш деб ҳисоблайсиз" (0.506) кирса, унинг салбий қутби "чунки ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш лозим деб ҳисоблайсиз" (-0.462) таъкидидан иборатдир.

Учинчи факторнинг мазмуний таҳлили ахлоқ эзгуликдан иборат бўлиб у инсоний бурчдир, шундай экан ахлоққа риоя этиш оқилона иш эканини англатмоқда. Зотан, факторнинг салбий қутби мазкур факторнинг олдинги икки фактордан фарқли жиҳатини очиб бермоқда: ахлоқ оқилона иш экан ўзгалар билан бўлган муносабатлар унга таъсир этмаслиги зарурлигини эътироф этмоқда.

Учинчи факторни шартли равишда "ахлоқ индивидуал масъулият мезони сифатида" деб номладик.

Биринчи курсда талабалар каноник дискриминант функциялари биринчи факторининг салбий қутбига (-1.007) яқин бўлган бир пайтда иккинчи курсда ўз қарашларини тубдан ўзгартиришиб, мазкур факторнинг ижобий қутбига (0.905) кўчиб ўтишган. Яъни улар биринчи курсда таҳсил олаётганда ахлоқ доирасида хатти-ҳаракат қилсанг, жамиятдаги мавқеинга путур етмайди ва кейинчалик изтироб чекишга мажбур бўлмайсан, деб фикр юритган бўлсалар, иккинчи курсга келиб ахлоқ ҳаётга мослашиш воситаси экан, чунки барча ахлоқ доирасида ҳаракат қилса ҳам бу оламда ёвузликка жой топилади, деган фикрга қўшилмоқдалар.

Жадвал № 2.

Гуруҳлар марказларига доир функциялар (центроидлар)

Курслар	Функция		
	1	2	3

https://buxdu.uz

1-курс	-1,007	-0,180	0,121
2-курс	0,905	-0,422	0,183
3-курс	0,284	0,906	0,258
4-курс	0,147	0,097	-0,954

Ушбу вазият бизнингча, талабаларнинг бир маданий муҳитдан (оила ва мактаб ёки лицей ҳамда коллеж) кескин фарқ қилувчи бошқа бир муҳитга тушиш ҳамда ушбу муҳитдан хафсаласиз бўлиб бораётганлиги билан белгиланиши мумкин. Мазкур вазият талабаларнинг янги муҳитга мослашиш жараёни оғир кечаётганлигини билдиради. Чунки учинчи ва тўртинчи курсларга келиб талабалар факторнинг мувозанатлашган нуқтасига яқинлашганлар (мос равишда 0.284 ва 0.147).

Талабаларнинг иккинчи ва учинчи курсдаги ахлоқ хусусидаги тасаввурлари ҳам кескин трансформацияга учраганининг гувоҳи бўламиз: иккинчи курсда иккинчи факторнинг салбий қутбига яқин бўлсалар, учинчи курсга келиб уларнинг фикрлари мазкур факторнинг ижобий қутбига яқинлашган. Яъни иккинчи курсда таҳсил олаётганда ҳар ким ўзининг жамиятда тутган мавқеига яраша иш тутса бу оламда ёвузликка жой қолмайди деб ҳисоблашган бўлса, учинчи курсга келиб ўзгалар билан бўлган муносабатларни инсон муайян бир манфаатларни кўзлаб “қадрлаши” ёки қадрлайдигандай қилиб кўрсатиши мумкин деган фикрга ўзгартирганлар.

Тўртинчи курсга келиб эса (турмуш ва таълим жараёнида юзага келган энг қалтис ижтимоий вазият) талабалар ахлоқ шу тарздаги “ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш” бўлса, бундай муносабатларни қадрлашнинг кераги йўқ деган хулосага келганлар.

Юқорида зикр этилган фактларни инобатга олган холда талабаларни биринчи курсдалигида шартли равишда “ҳадик ичидагилар”, иккинчи курсдалигида – “ҳаётга мослашаётганлар”, учинчи курсдалигида – “хафсаласиз бўлиб бораётганлар” ва тўртинчи курсдалигида – “маданийлашганлар” (яъни ахлоқни шунчаки маданиятлиликнинг бир белгиси сифатида тушунаётганлар) тоифаларига фарқлаб чиқиш мумкин.

Бундай типологияни амалга оширишдан мақсад мазкур “тоифа”ларга тааллуқли шахсларнинг экологик онгидаги ўзига хосликларни аниқлашдан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳам табиий ҳам ижтимоий муҳитга бўлган муносабатнинг ўзгариши уларнинг экологик тасаввурларига қандай таъсир этиши мумкинлигини ойдинлаштиришдир. Зотан, «Табиат» сўзи нарсаларнинг моҳияти ҳамма нарсаларнинг йиғиндиси ҳамда инсонни ўзини ифодалайди (юнон. physike - вужудга келган, дунёга келмоқ).

Демакки, хулоса қиладиган бўлсак инсон табиатнинг бир бўлаги экан ундаги ўзгаришлар табиатдаги ўзгаришларга ҳам туртки бўлиши мумкин.

Хулоса: Талабаларнинг ахлоқий онгидаги турмуш ва таълим жараёнида юзага келадиган ўзгаришларни ўрганишга доир тадқиқот иши бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- талабалик даврининг ахлоқий онги шаклланиши хусусиятлари тор оилавий муҳитдан кенг ижтимоий муҳитга кўчиши билан белгиланади;
- талабалик даврида турмуш ва таҳсил босими остида талабаларнинг ахлоқий онги кескин деформацияларга дучор бўлади;
- талабалар ахлоқий онги тараққиётининг динамикаси таълим жараёни субъектларини тадқиқот объекти сифатидаги классификациясини амалга ошириш имкониятини беради;
- талабалар ахлоқий онгини статик ҳодиса сифатида кўздан кечириш психологик диагностика натижаларидаги англашилмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш.М Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь). Халқ сўзи. 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883)
2.Абдуллаева М.Н., Абдурашидов М., Абилов У. ва бошқ. Фалсафа қисқача изоҳли луғат /: Т.: “Шарқ”, 2004.- 49 б.
3.Хвостов А.А.Структура и детерминанты морального сознания личности. Дис. ... д-ра психол. наук: М., 2005. - 496 с.
4.Ботиров Б.М. “Ўзбек менталитетининг психологик хусусиятлари”.- Тошкент, ТДПУ, 2011.- 64 б.

https://buxdu.uz

Кадирова Хосият Азаматовна,
Кандидат психологических наук, доцент, ТГПУ

ОСОБЕННОСТИ ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЯ В НЕОПРЕДЕЛЕННОЙ СОЦИАЛЬНОЙ СИТУАЦИИ

Аннотация: *В статье раскрывается понимание интеллекта как совокупности различных способностей, которые помогают адаптироваться в окружающей среде. Широко известное и общепринятое понятие IQ отражает способность решать конкретные мыслительные задачи.*

Ключевые слова: *Интеллект, дезадаптация, экстернальность, детерминант, эмоция.*

Аннотация: *Мақолада интеллектни тушуниш атроф-мухитга мослашишга ёрдам берадиган турли хил қобилиятларнинг бирикмаси сифатида очиб берилган. Кенг тарқалган ва умумий қабул қилинган IQ концепцияси муайян ақлий вазифаларни хал қилиш қобилиятини акс эттиради.*

Калит сўзлар: *Интеллект, дезадаптация, экстерналлик, детерминант, эмоция.*

Abstract: *The article reveals the understanding of intelligence as s combination of various abilities that help adapt in the environment. The widely known and generally accepted concept of IQ reflects the ability to solve specific mental tasks.*

Key words: *Intelligence, disadaptation, externality, determinant, emotion.*

Актуальность исследования: Исследование мышления, как процесса решения задач началось в вюрцбургской школе. С тех пор это направление исследований стало ведущим в психологии мышления. Известны работы О. Зельца, Дункера, Келлера, а также советских психологов: Я.А. Пономарева, О.К. Тихомирова, Б.М. Теплова, где в качестве основного метода используется предъявление различного рода проблемных задач. В центре внимания данных работ находились как непосредственный результат (верное или неверное решение), так и качественные особенности процесса.

Целью нашей работы явилось выявление личностных особенностей испытуемых, детерминирующих эффективность принятия решения в неопределенной социальной ситуации взаимодействия с другими людьми.

Объектом исследования стали студенты 1-ых курсов факультета психологии и прикладной математики и информатики, обучающиеся в филиале МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте.

Предметом исследования выступили личностные характеристики испытуемых, которые участвуют в процессе принятия решения: 1) логический компонент; 2) эмоциональный компонент.

Для нас особый интерес представляют три из семи представленных видов: логико-математический, внутриличностный и межличностный интеллект.

Логико-математический интеллект ассоциируется с индуктивным, или «научным», мышлением и включает в себя способность работать с числами и другими символами и устанавливать связи между отдельными элементами информации. Такой интеллект наиболее ярко проявляется у ученых, бухгалтеров, программистов, банкиров, юристов и математиков.

Внутриличностный интеллект определяет способность к самопознанию субъекта. Это включает в себя рефлексию, самосознание и контроль над эмоциями, развитой интуицией. Также можно отметить способность целеобразования субъекта, анализ и синтез, умение абстрагироваться от ситуации и взгляд со стороны и самое главное умение выражать свои мысли и чувства в языковой форме. Такое проявление интеллекта можно увидеть у психологов, философов, психиатров.

Феномен, находящийся в центре нашего научного анализа – особый вид мышления, определенный Г. Алдером как «эмоциональный» интеллект, и Г. Гарднером как «внутриличностный» и «межличностный» интеллект.

https://buxdu.uz

Итак, мы предположили, что эффективность принятия решения в неопределенной социальной ситуации взаимодействия с другими людьми детерминируется не столько логическим, сколько эмоциональным компонентом.

Для проверки этой гипотезы мы провели эксперимент.

Методика: Мы провели предварительный замер эмоционального компонента, используя методику социально-психологической адаптации К. Роджерса и Р. Даймонда, адаптированной Т.В. Снегиревой. Затем испытуемым предлагалось последовательно решить 2 задачи на поиск закономерности.

Задача 1 – методика «логический ряд чисел» (модификация теста ШТУР, проведенная Суннатовой Р. И.), которая представляет собой 20 числовых рядов, где задана некоторая логическая закономерность. В этой закономерности используются все арифметические действия. Задача испытуемого состоит в нахождении конечного числа в ряду. Время на решение 20 заданий составляет 10 минут.

Задача 2 – неопределенная социальная ситуация взаимодействия. В аудиторию заходит испытуемый и становится в центр круга людей. Люди хором произносят следующую фразу: «Мы семейка Адамс, ты будешь смешить нас до тех пор, пока мы тебе не захлопаем». Далее круг зеркально отражает все действия и фразы, которые в этот момент производит испытуемый. Решение состоит в том, чтобы испытуемый догадался захлопать, чтобы выйти из круга. Лимит времени был установлен в пределах 5 минут, если испытуемый не смог найти решение задачи, эксперимент прекращался и результат записывался как нерешенная задача. Результат фиксировался в виде времени, затраченного на решение задачи.

Анализ и интерпретация полученных данных.

Предварительный замер эмоционального компонента показал, что в группе психологов более высокий уровень социально-психологической адаптации, чем в группе математиков. В таблице 1 представлены данные по общей шкале адаптация/дезадаптация, а также по шкалам приятие/непринятие себя и экстернальность. Так как в нашем исследовании участвовало всего 10 испытуемых, мы не можем говорить о статистической значимости полученных результатов. Однако наблюдаемые тенденции можно подвергнуть качественному анализу.

Согласно Г. Гарднеру, мы предполагаем, что представителям профессии математиков свойственно приоритетное развитие логико-математического интеллекта, в то время как психологам в целом присущ развитый внутриличностный интеллект. То есть профессия психолога предполагает, в том числе развитость рефлексивных процессов, понимание собственных эмоций и переживаний. Можно предположить наличие двух факторов. Первый из них – влияние личностных качеств и склонностей человека на выбор профессии. Второй – влияние профессии как учебной и практической деятельности, по мере овладения которой человек развивает в себе соответствующие навыки и умения.

Таблица № 1.

Средние результаты по шкалам методики Роджерса-Даймонда в группах математиков и психологов

Шкалы	Средний ранг в группе математиков	Средний ранг в группе психологов
Адаптация	8,73	**12,67**
Дезадаптация	10,22	**10,83**
Принятие себя	9,14	**12,17**
Непринятие себя	12,55	**8,00**
Экстернальность	**9,73**	**11,44**

Так как наша выборка состояла из студентов только первых курсов, то мы не можем говорить о присутствии второго фактора. Тем не менее, сам выбор профессии был уже определен индивидуальными особенностями развития компонентов интеллекта. Групповая эффективность выполнения задания «Логический ряд чисел» считалось как процентное отношение верно решенных рядов к их общему количеству. Показатель эффективности в

https://buxdu.uz

неопределенной социальной ситуации – процент испытуемых справившихся с заданием (результаты представлены в таблице 2.)

Таблица № 2.

Результативность решения задач в группах математиков и психологов

Тип задачи	Результативность решения задачи в группе математиков	Результативность решения задачи в группе психологов
«Логический ряд чисел»	82,0%	47,0%
Неопределенная ситуация взаимодействия	45,4%	66,7%

Как первая, так и вторая задача состоит в поиске закономерности. Отличие заключается в том, что во втором случае испытуемые помещены в ситуацию взаимодействия с людьми, где в большей степени задействован эмоциональный компонент. Внесение этого компонента в экспериментальную ситуацию снизило результативность решения задач на поиск закономерности в группе математиков с 82,00% до 45,4%, а в группе психологов – наоборот, повысило с 47,0% до 66,7%. Большая эффективность в решении задач у психологов не означает, что введение неопределенной ситуации взаимодействия облегчает задачу. Однако сама закономерность, заложенная во второй задаче гораздо проще и очевиднее, а нестандартность ситуации для студентов-психологов не стало существенным барьером.

В группе математиков же снижение эффективности решения задачи в неопределенной ситуации взаимодействия можно объяснить феноменом, названным К. Юнгом «эмоциональной глупостью». Суть этого явления заключается в том, что у человека, в стрессовой для него ситуации, наблюдается снижение интеллектуальных способностей. Среди студентов-математиков были испытуемые, которые заявляли о своем нежелании продолжать эксперимент, просили выпустить их из круга. В интервью после эксперимента испытуемые этой группы описывали эту ситуацию как стрессовую, неприятную и даже пугающую. В то же время студенты-психологи восприняли задачу как интересную, увлекательную. Вероятно, развитый межличностный и внутриличностный интеллект способствовал в данном случае контролю своих эмоций с одной стороны, и адекватному восприятию условий задачи, транслированных в процессе межличностного взаимодействия нестандартным образом.

Выводы:

- В группе психологов выявился более высокий уровень развития эмоционального компонента, в частности социально-психологической адаптации и принятия себя.
- Испытуемые в группе математиков обладают более развитым логико-математическим интеллектом.
- В отсутствии ситуации взаимодействия определяющим фактором эффективности решения задач на поиск закономерности является логический компонент. При введении неопределенной социальной ситуации ведущим детерминантом становится эмоциональный компонент.

В виду не достаточно большой выборки мы не можем подтвердить нашу гипотезу статистически. Однако качественный анализ, наблюдаемых тенденций обнаруживает тот факт, что принятие решений в повседневной жизни в условиях взаимодействия с другими людьми, различных по эмоциональному напряжению – сложный процесс, качественно отличающийся от «мышления на бумаге», где основным детерминантом становится эмоциональный компонент мыслительной деятельности.

Литература:

1. Алдер Г. НЛП-техники развития интеллекта – СПб.: Питер, 2009. – 192с.: ил- (Серия «Сам себе психолог»).
2. Пономарев Я.А. Исследование проблем психологии творчества. Издательство «Наука» Москва 1983.
3. Суннатова Р.И. Саморегуляция мыслительной деятельности. Ташкент. Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан 1996г.

https://buxdu.uz

Расулова Феруза Файзуллаевна,
Халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси,(PhD)

ЎСМИРЛАРДА АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ЭМПИРИК ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация: *Ушбу мақолада ўсмирлардаги агрессив хулқ-атворнинг эмпирик тадқиқи ўз аксини топган. Шунингдек, мақолада кичик ва катта ўсмир ёшдаги болаларнинг ёш жиҳатдан гендер тафовутлари келтирилган.*

Таянч тушунчалар: *агрессия, хулқ-атвор, эмпирик тадқиқ, гендер, ўсмир.*

Аннотация: *Данная статья освещает эмпирические исследования агрессивного поведения у подростков. Также, в статье приводятся гендерные различия среди детей малого и старшего подросткового возраста.*

Ключевые слова: *агрессия, поведение, эмпирический анализ, гендер, подросток.*

Abstract: *This article highlights empirical analysis of aggressive behavior of among teenagers. Also, article brings on the gender differences among teenagers of small and elderly age.*

Key words: *Aggressive, behavior, empirical analysis, gender, teenagers.*

Мавзунинг долзарблиги. Боланинг психик ривожланиши унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларга, хусусан, ундаги ўзликни англаш, ўзига-ўзи берадиган баҳолар ҳамда муносабатларнинг характерига боғлиқдир. Бу, аввало, инсон шахсининг психологик асосларини шакллантирувчи, унинг эмоционал, интеллектуал ва ижтимоий ривожланишига замин яратувчи онтогенезнинг дастлабки босқичларига тааллуқлидир. “Ёшларга оид давлат сиёсати” тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” деб номланиб, унда ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш; зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш каби бандлари тадқиқотчи психологларга улкан вазифалар юклайди [1]. Ҳозирда болалар хулқ-атворидаги мавжуд бузилишларни бартараф этиш, уларнинг ижтимоийлашувига, оилавий ҳаётдаги муаммоларида ечим топишларига кўмаклашиш, шунингдек, руҳий-ҳиссий ҳолатдаги ўзгаришларда психологик диагностика ва маслаҳат ишларини изчил йўлга қўйиш долзарб масалалардан биридир. Ҳозирги кунда психология фанига доир тадқиқотларнинг аксарияти хулқ-атворга оид муаммолар, психик бузилишлар ва оғишишлар кўпчиликни ташкил қилмоқда. Болалардаги агрессив хулқ-атвор эса мана шундай кенг тарқалиб бораётган муаммолар сирасига киради.

Болалардаги агрессиянинг вужудга келиши бўйича Р.С.Сире, Е.Е.Маккоби, К.Левин ўз тадқиқотларида болада агрессив хулқ-атворни белгиловчи икки асосий омилни очиб берадилар: кечиримлилик ва боланинг агрессив хатти-ҳаракатлари учун ота-оналар томонидан ўта қаттиқ жазо қўлланилиши. Биринчи омил таъсири хусусида аксарият олимлар қарашларида ҳамжиҳатлик кузатилади. Масалан, Г.Эберлейн агрессивликни “меҳр ва эътибор, талаб боланинг тушкунлиги” деб таърифлайди [2]. М.Раттер агрессивликни оиладаги оғир шароитлар, кўпболалилик, мактаб билимларини ўзлаштирмаслик, оила ва мактабдаги таълим ва тарбия услублари каби бошқа омиллар билан муштараклигини таъкидлайди[3].

Камина томонидан олиб борилган “Ўсмирларда агрессив хулқ-атвор намоён бўлишининг психологик хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишида кичик ва катта ёшдаги ўсмирларнинг агрессивлик даражалари ҳамда гендер тафовутларини ўрганишга эришилди. Бунда бир қанча диагностик методикалардан фойдаланилди. Жумладан, А.Басс-А.Даркининг “Агрессивликни ўрганиш” сўровномаси агрессия муаммосини атрофлича, чуқур ўрганишга ёрдам берди[4]. Басс—Дарки методикаси синалувчилар учун типик хос бўлган агрессив

https://buxdu.uz

ҳулқ-атворнинг шаклини аниқлашга ёрдам беради. Мазкур методикани қўллаб, ўсмирларнинг турли тоифаларида агрессия турли сифат ва миқдорий тавсифга эгалигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мазкур методика 75 та мулоҳазадан иборат бўлиб, респондентларнинг жавоблари махсус калит ёрдамида ишлаб чиқилади ва калитга асосан саккизта кўрсаткич бўйича маълумотлар олинади. Бу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат: жисмоний агрессия, билвосита агрессия, жаҳлдорлик, салбий муносабатлар (негативизм), аламзадалик, шубҳаланувчанлик, вербал агрессия, айбдорлик ҳисси.

Методика. Илмий тадқиқот иши мақсадидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги жами 230 нафар катта ёшдаги (14-15) ўсмир ва кичик (11-13) ўсмирлар иштирокида психодиагностик ишлар олиб борилди. Қуйидаги 1-жадвалда А.Басс-Д.Дарки сўровномаси асосида катта ва кичик (7-синф ва 9-синф) ёшдаги ўсмирлардан олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган (1-жадвал):

Жадвал № 1.

9 ва 7-синф ўқувчиларидаги агрессия шкалалар ўртасидаги аҳамиятли фарқлар:
(Стюдентнинг t меъзони бўйича**)**

Шкалалар	синф	N	X	t	p
Жис.агрес.	7с	78	70	3,487	,001
	9с	80	59,7		
Шубҳала-нувчанлик.	7с	78	75,3	2,380	,019
	9с	80	67,4		
Хафагарчи-лик	7с	78	54,6	2,159	,033
	9с	80	48,2		
Айбдорлик ҳисси	7с	78	88,7	5,588	,000
	9с	80	71,3		
Душман. муносабати	7с.	78	73	5,982	,000
	9с	80	57,3		
Агр.умумий кўрсаткичи	7с	78	62,1	-3,669	,000
	9с	80	71,8		

(N-синалувчилар сони, X-ўртача арифметик қиймат, t-Стюдентнинг t меъзони, p-аҳамиятлилик даражаси)

Бунда 13 ва 15 ёшдаги болаларда жисмоний агрессия (p=,001), шубҳаланувчанлик (p=,019), хафагарчилик (p=,033), айбдорлик ҳисси (p=,000) атрофдагиларга нисбатан душманлик муносабати (p=,000) ва агрессиянинг умумий кўринишлари (p=,000) орасида аҳамиятли фарқлар кузатилди. Юқорида келтирилган миқдорий математик таҳлил шундан гувоҳлик берадики, 13 ёшдаги болаларда агрессия шакллари 15 ёшдагиларга нисбатан юқори натижани кўрсатаяпти. 13 ёшдаги болаларда бошқа ёш босқичларига нисбатан агрессивлик холатлари кўпроқ намоён бўлишини ва бу кўрсаткичларнинг юқорилиги боладаги "ўтиш инқироз"ининг энг шиддатли кечаётган даврига тўғри келишини англаш мумкин. Ўсмирлик ёшидаги агрессив ҳулқ-атворнинг ўзига хос хусусиятлари катталар нуфузининг йўқолиши фонида тенгдошлари гуруҳига тобелик бўлиб ҳисобланади. Бу ёшда агрессив бўлиш кўпинча "кучли бўлиш ёки шундай туюлиш"ни англатади. Ўсмир агрессив хатти ҳаракатлари негизида ўз шахсини тасдиқлаш, "Мен"ини намоён этишга қизиқиш устунлик қилади. Улар жамиятда ва дўстлари орасида ўз ўринларини эга бўлиш мақсадида ҳам агрессив ҳаракатларни амалга оширишлари мумкинлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, кичик ўсмирларда (11-13ёш) мулоқот малакасининг суст ривожланганини, ўз ҳиссиётларини намоён қилишда ижтимоий меъёр кўникмасидан четга чиқишлари натижасида ҳам юқоридаги каби тафовут келиб чиққан бўлса, эҳтимол.

Синалувчиларда жисмоний агрессиянинг юқорилиги улар низоли вазиятлар туғилган пайтда жисмоний куч ишлатиш орқали муаммони ҳал этишга уринишлари ҳамда жисмоний кучга таяниб ҳаракат қилишларидан далолат беради. Шунингдек, аутоагрессия- ўзи ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган айбдорлик ҳисси ўз-ўзига қарши қаратилган хатти-ҳаракат, яъни ўзини-ўзи айблаш ҳам синалувчиларда юқори даражада намоён бўлиши

https://buxdu.uz

аниқланди. Синалувчиларда шубҳаланувчанлик яъни, ишончсизликка мойиллик, одамлар билан эҳтиёт бўлиб муносабат ўрнатиш, атрофдаги инсонлар билан муомала-муносабатда бўлишдан қочиш, улар менга зарар етказиши мумкин деган тасаввурнинг мавжудлиги кузатилди.

Олинган эмпирик натижалар ўғил ва қиз болаларда ёш жиҳатдан турлича тафовутларни кўрсатди. 2-жадвал ва диаграммада 9-синф ўқувчиларидаги гендер тафовутларни кўриш мумкин (2-жадвал):

Жадвал № 2.

9-синф ўқувчиларидаги агрессияни намоён этишдаги гендер тафовутлар:

Шкалалар номи	9-синф ўқувчилари		N
	Ўғил бола	Қиз бола	
Жисмоний агресссия	61.8	59.4	83
Билвосита агрессия	53	57	83
Жаҳлдорлик	34	41	83
Салбий муносабат	50.2	48.2	83
Аламзадалик	64.7	68.5	83
Шубҳаланувчанлик	62	64.3	83
Вербал агрессия	44.4	46.6	83
Айбдорлик ҳисси	64.9	64.9	83



Жисмоний агрессия ва салбий муносабат (негативизм) ўғил болаларда қизларга қараганда юқори; билвосита, вербал агрессия, жаҳлдорлик ва аламзадалик аксинча қизларда устун эканлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичлар кичик ўсмирларда қандай?

Жадвал № 3.

7-синф ўқувчиларнинг агрессияни намоён этишдаги гендер тафовутлари:

Шкалалар номи	7-синф ўқувчилари		N
	Ўғил бола	Қиз бола	
Жисмоний агресссия	71.5	59.2	78
Билвосита агрессия	51.8	54.5	78
Жаҳлдорлик	35.2	43.9	78
Салбий муносабат	52.6	53	78
Аламзадалик	73.4	68.5	78
Шубҳаланувчанлик	73.2	70.8	78
Вербал агрессия	49.1	47.6	78
Айбдорлик ҳисси	82.8	79.7	78

https://buxdu.uz



Жадвал ва гистограммадан кўриниб турибдики, 7-синф ўғил болаларида жисмоний агрессия, аламзадалик, айбдорлик ҳисси қизларга қараганда юқори экан. Қизларда эса жаҳлдорлик ва бевосита агрессияни бир мунча кўпроқ эканини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Ўтказилган сўровнома натижасида ўсмирларда жисмоний агрессия, аутагрессия, шубғаланувчанлик ва вербал агрессиянинг юқорилиги аниқланди. Юқорида келтирилган тадқиқот натижасидан шундай хулосага келиш мумкинки, ўсмирлардаги агрессиянинг қайси кўрсаткичи ортмасин, у албатта бошқа агрессия кўрсаткичларини ортишига ҳам олиб келади.

2. Олинган эмпирик натижалар ўғил ва қиз болаларда ёш жиҳатдан турлича тафовутларни кўрсатди. 9-синф ўқувчиларида жисмоний агрессия ва салбий муносабат(негативизм) ўғил болаларда қизларга қараганда юқори; билвосита, вербал агрессия, жаҳлдорлик ва аламзадалик аксинча қизларда устун эканлигини кўриш мумкин. 7-синф ўғил болаларида жисмоний агрессия, аламзадалик, айбдорлик ҳисси қизларга қараганда юқорилиги, қизларда эса жаҳлдорлик ва бевосита агрессияни бир мунча кўпроқ экани кузатилди.

3. Ўсмирлардаги агрессия кўринишлари кичик ўсмир ёшда юқори, ўсмир вояга етгани сайин агрессия ҳам пасайиб борар экан.

4. Агрессиянинг бир шакли ортиши натижасида ўз ортидан бошқа агрессия кўринишларининг кучайишига ҳам олиб келади

Адабиётлар:

1.“Ёшларга оид давлат сиёсати”тўғрисидаги қонун. 2016 й.
2.Бэрон Р., Ричардсон Д. Агрессия. — СПб: Питер, 2001. — 22 с: ил. — (Серия «Мастера психологии»).
3.Раттер М. Помощ трудным детям. М.:1999.
4.Л.М.Семенюк. Психологические особенности агрессивного поведения подростков и условия его коррекция. Учеб.пос. М.: “Флинта”. 1998.

https://buxdu.uz

Байкунусова Гулмира Юлдибаевна,
ТДПУ “Умумий психология”кафедраси ўқитувчиси

ҲАВАС ВА ҲАСАД ШАХС МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТИ СИФАТИДА

Аннотация: *Мақолада ҳавас ва ҳасаднинг мазмуни илмий-психологик таҳлил қилинган. Бундан ташқари ҳасаднинг динамик хусусиятлари ва намоён бўлиш турлари экпериментал тадқиқ усули ёритилган.*

Аннотация: *В статье раскрыто научно-психологический анализ содержания зависти. Кроме этого, освещены динамические особенности зависти и виды проявления экспериментального метода исследования.*

Annotation: *The article provides a scientific and psychological analysis of the content of envy. In addition, the dynamic features of envy and the types of manifestations of the experimental method of research are highlighted.*

Таянч сўзлар: *Ҳасад, ҳавас, эҳтирос, деструктив муносабат, мотивация.*

Ключивые слова: *Зависть, страсть, деструктивная отношения, мотивация.*

Key words: *Envy, passion, destructive relationships, motivation.*

Мавзунинг долзарблиги: Ҳавас ва ҳасад муаммоси бўйича замонавий ижтимоий-психологик тадқиқотларни таҳлил қилишдан маълум бўлишича, ҳозирги вақтгача илмий адабиётларда ушбу феноменнинг табиати инсон психикасидаги ўрни ҳақида қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Биринчидан, тадқиқотчиларнинг ёндошувига боғлиқ равишда ҳавас ва ҳасад “ҳиссиёт”, “эҳтирос”, “деструктив муносабат”, “муваффақиятга эришиш мотивациясининг намоён бўлиши”, “шахс хислати” сифатида талқин этилган.

Иккинчидан, ҳасаднинг ижтимоий-психологик феноменини тушунишда ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги, тадқиқотчиларнинг ҳавас ва ҳасад моҳиятини тушунишда “қарама-қарши қутбли” муносабатлари билан боғлиқдир.

Психологияда учрайдиган ҳавас ва ҳасаднинг асосий таърифлари қуйидагича:

1. “Ҳавас – одамда бошқа биров эга бўлган нарсанинг ўзида ҳам бўлишига интилиши натижасида вужудга келадиган ҳисдир. Баъзан ҳасад ўзга инсонни кўра олмасликда намоён бўлади”.

2. “Ҳасад – инсон учун аҳамиятли бўлган соҳаларда бошқаларнинг устунлигига нисбатан субъектив муносабат бўлиб, салбий ҳиссиётлар комплексида, ўз- ўзига баҳонинг пасайиши ва ўзганинг устунлигини йўқотиш истагида намоён бўлади”.

3. “Ҳасад – бу бошқа инсонда мавжуд предметга эга бўлишни кучли исташ вақтида вужудга келадиган душманларча кўра олмаслик ҳиссидир. Ушбу предмет (хислат, муваффақият, омад)га нисбатан кучли истак ҳасад предметини йўқотишга интилишда намоён бўлади”.

4. “Ҳасад – ўзга инсоннинг маълум соҳада ўзиб кетиши билан боғлиқ душманларча муносабат бўлиб, икки йўналишли (ўзгага ва ўзига) салбий ҳиссиёт билан бирга намоён бўлувчи ва уни ана шу устунликдан бевосита ёки билвосита маҳрум қилиш истагидир”.

5. Ҳасад (инг.envy) – “ўзганинг бахт-саодати, муваффақиятини аламли қабул қилиш билан боғлиқ ҳисдир”.

6. Ҳасад–шахсда бузғунчи ҳис, хатти- ҳаракатни юзага келтирувчи психиканинг салбий ҳолатидир.

7. Ҳасад–субъект ўзганинг реал ёки хаёлий устунлигини “Мен” қадриятига хавф сифатида идрок этиши, муваффақиятга эришиш мотивацияси ва аффектив кечинманинг намоён бўлишидир.

8. Шахсда мавжуд бўлмаган, лекин ўзга инсонлар эга бўлган шахсий хусусият, ижтимоий мавқе, моддий ва маънавий маҳсулотларга эга бўлиш истаги туфайли содир бўлган норозилик ҳиссидир.

https://buxdu.uz

9. Ҳасад–бахтли инсонларни кўра олмасликда намоён бўладиган, хавотирланишнинг махсус шаклидир.

10. Ҳасад–қандайдир муваффақият ёки устунликка эга бўлган ўзга инсонга нисбатан вужудга келадиган алам ёки қайғу ҳисси бўлиб, объектдан унинг устунлигини маҳрум қилишга иштилишида намоён бўлади.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, ҳавас ва ҳасад бир-бирига яқин, шу билан бирга бир-биридан тубдан фарқ қилувчи феноменлардир.

Ҳавас ва ҳасад одамзод пайдо бўлиши билан пайдо бўлган филогенетик тараққиёт босқичларини босиб ўтган. Ҳавас ва ҳасад одам туғилиши билан пайдо бўлади ва унга умрининг сўнгги кунларигача ҳамроҳ бўлади. Фарзанд дунёга келаркан, ота-онаси ҳавас қилиб, унга чиройли исм қўяди. Аслида шахс ҳаётида ҳавас унинг туғилиши билан ҳамроҳига айланиб улгуради. Ота-она фарзанд туғилиши билан машҳур инсонларга ҳавас қилиб, унга ўхшасин деб, уларнинг исмларини болаларига қўядилар. Ота-она фарзанд тарбиясида ҳам ҳавас орқали унга йўл- йўриқ кўрсатади. Чемпион спортчига ҳавас қилиб, фарзандларимизни турли спорт тўгаракларига берамиз, ёки бўлмасам, бошқа мусиқа, дизайнерлик машғулотларига қатнаштирамиз.

Ҳавас ва ҳасад ҳиссини тадқиқотчилар турлича таснифлашган. Одамларда ҳасаднинг туғма(генетик) ва орттирилган (ижтимоий ўрганиш) турлари мавжуд. Генетик назарияга кўра, ҳасад бизга эволюция жараёнида авлодларимиздан ўтган генетик дастурдир. Бу назария тарафдорларининг фикрича, қадим замонда ўзларининг қабиладошларига ҳавас қилганлар ўзларини такомиллаштириш учун кўпроқ стимулга эга бўлганлар ва уларда яшаб қолиш ва ўз авлодларига "ҳавас" генларини ўтказиш имониятига эга бўлганлар. Лекин бу назария конструктив оқ ҳавасни тавсифлайди. Ижтимоий ўрганиш назарияси эса инсоннинг ижтимоий ҳаёт жараёнида ҳавас қилиши ҳақидаги фикрнинг тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Э.Рега ҳавасни туғма хусусият эмас, балки ижтимоийлашув жараёнида эгалланган, ижтимоий ўзаро таъсирлар натижасида вужудга келадиган хусусият сифатида тавсифлаган. Бу назарияга кўра ҳасадда ҳеч қандай туғма лаёқат йўқ. Ота-оналар тарбиявий мақсадда уларнинг фикрича, муваффақиятлироқ бошқа бола билан ўз фарзандларини овоз чиқариб солиштира бошлайдилар. Масалан, улар ўз фарзандига: "Қўшни бола сенга қараганда ақллироқ", дейишлари билан фарзандларида билиб-билмай ҳасад ҳиссини шакллантирадилар.

Ўспиринлик даври энг қийин даврлардан бири бўлиб, у ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш учун энг сензитив давр ҳисобланади. Бундан ташқари ўспиринлар олдида турган касб танлаш масаласи уларни мустақил қарор қабул қилишда анчагина мушкулликлар ичида овора қилиб қўяди.

Айнан турли ўспиринлик давридаги ҳавас ва ҳасад ҳисси намоён бўлишини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бизнинг тадқиқот вазифамиз ҳисобланади.

Инсон психик тараққиёти мураккаб кўп босқичли жараён. Бунда инсоннинг индивидуал ва ижтимоий психологик сифатлари шаклланишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Шундай омиллар орасида этник омилнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак.

Методика: Биз тадқиқотда ҳавас ва ҳасадгўйликни намоён этишга мойилликнинг этник фарқларини ўрганишни вазифа сифатида белгилаган эдик, бунинг учун "Ҳасад сўровномаси" (Е.П.Илин)дан фойдаландик, натижаларни қуйида келтирамиз.

Жадвал № 1.

Респондентларда ҳасадгўйликни намоён этишга мойилликнинг этник фарқлари

Респондентлар	*M*	*t*	*p*
Илк ўспиринлар (ўзбек тили таълим гуруҳи) (n=56)	5,4	-1,49	-
Илк ўспиринлар (рус тили таълим гуруҳи) (n=25)	6,6		
Ўспиринлар (ўзбек тили таълим гуруҳи) (n=133)	6,3	2,2	0,01
Ўспиринлар (рус тили таълим гуруҳи) (n=44)	5,2		

https://buxdu.uz

Қуйидаги 1-жадвалда кўриниб турганидек, рус тили таълим гуруҳи ўқувчиларида ўзбек тили таълим гуруҳи ўқувчиларига нисбатан ҳасад кучлироқ. Ўрта арифметик қиймат рус тили таълим гуруҳида 6,6 га, ўзбек тили таълим гуруҳида 5,4 га тенг, лекин натижалар аҳамиятсиз.

Талабаларда эса аксинча, ўзбек тили таълим гуруҳида ҳасад рус тили таълим гуруҳига нисбатан кучлироқ эканлиги аниқланди. Ўрта арифметик қиймат рус тили таълим гуруҳида 5,2 га, ўзбек тили таълим гуруҳида 6,3 га тенг, муқаррарлик мезони мезони $t= 2,2$ ($p<0,01$).

Бизнингча, бунинг асосий сабабларидан бири, оиладаги ота-она тарбиясига боғлиқ. Ўзбек оилаларида ота-она кўпроқ фарзандининг хулқ-атворини, ўқишини, муваффақиятга эришган қўшни боласи, акасининг ижтимоий мавқеига таққослайди, унга ўхшаш зарурлигини боласига уқтиришга ҳаракат қилади. Ўз навбатида булар эса, фарзандда ҳасад ҳиссини кучайтиради.

Кўп болали оилаларда ҳасад ҳиссининг мавжудлиги ҳозирги кунда оддий ҳолат ҳисобланади. Бунга ота-онанинг фарзандларига ноадекват муносабати сабаб бўлади. Д.Клюгер “Сиблинг эффекти” номли китобида, “Ҳар бир ота-онада фарзандлари орасида суюклиси бўлади (бу ерда кўп фарзандли оилалар ҳақида)” деган фикрни айтиб ўтган. Лекин кўпчилик ота-оналар буни тан олмайдилар. Бунинг сабаби бир нечта, биринчидан ота-она эътибордан камроқ фарзандини дилини оғритгиси келмайди, иккинчидан, жамият бундай ота-оналар устидан хукм чиқаришидан қўрқишдир. Олимларнинг фикрича, ота-оналардаги фаворитизм – инсоният табиатининг ажралмас қисмидир. Эволюцион-психологик назарияга мувофиқ, бундай хулқ-атвор авлодни давом эттириш инстикти билан шартлангандир. Ҳар бир инсоний жуфтлик дунёга нафақат яшаб қолувчи, балки авлод давом эттирувчи соғлом насл қолдириши керак бўлган. Бундан келиб чиқиб, ота-оналар инсониятнинг келажаги сифатида энг соғлом ва кучли фарзандни афзал кўришган. Оилада фарзандлар ўртасидаги душманлик ва ҳасаднинг яна бир сабаби, ҳар бирининг ўз ҳаётини аниқлаштириб олмагани билан боғлиқдир. Бунда улар бир-бирларини ҳаётининг мазмуни, бахтини, эътиборини тортиб олганликда айблайверади. Фарзандларга ота-онанинг танловчанлик мотиви номаълум бўлади.Рус оилаларида эса, фарзандлар сони кўп бўлмаганлиги туфайли, ота- оналар фарзанди билан демократик муносабатда бўлишга, унинг барча эҳтиёжлари, қизиқишларини қондиришга ҳаракат қилишади. Шунингдек, улар фарзандларини борлигича қабул қилишга, боланинг ўз- ўзига бўлган баҳосини, ҳурматини ошириб, фарзандининг “Мен”ини идеаллаштиришга ҳаракат қилишади.

Хулоса: Ҳасад ва ҳавас бир-бирига яқин тушунча. Шахс ҳавас қиламан деб, ҳасад ҳиссини ўзи англамай бошдан кечириши мумкин. Ҳасад ҳиссини жамият салбий иллат сифатида қабул қилгани учун бу ҳисни шахс ўзида мавжудлигини тан олишга қўрқади. Бундан ташқари, ҳасад ва ҳавас ҳиссини шахс ҳаётининг дастлабки босқичида оила муҳитидаги тарбия орқали ўзлаштириб боради. Ҳар бир оиланинг ментал хусусиятидан келиб чиқиб тарбия қилиш ҳасад ва ҳавас ҳиссини этнопсихологик хусусиятларини намоён қилади.

Адабиётлар:

1. Александрова Р.И. Зависть и моральная символика // Вестник МГУ. Сер.7, Философия-Москва. 2002.- № 1. – С. 68.

2. Бескова Т. В. Методика исследования завистливости личности // Вопросы психологии. –Москва. 2012. №2. С. 127-139.

3. Ильин Е.П. Психология зависти, враждебности и тщеславия. – СПб.: Питер, 2014. – 208с.: ил.- (Серия «Мастера психологии»)

https://buxdu.uz

Нигматулина Лилия Алиевна,
Ташкентский Государственный Педагогический Университет им. Низами

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ КОМПЬЮТЕРНОЙ ЗАВИСИМОСТИ НА ХАРАКТЕРОЛОГИЧЕСКИЕ ЧЕРТЫ ЛИЧНОСТИ В ПОДРОСКОВОМ ВОЗРАСТЕ

Аннотация: *Мақолада ўсмирлик даврида компьютерга тобеликнинг шахс характерологик белгиларига таъсирига оид тадқиқот натижалари келтирилган. Ўсмирлик даврида компьютерга тобеликни келтириб чиқарувчи омиллар шахснинг эмоционал ва коммуникатив соҳада деструктив ривожланиши натижасида юзага келади.*

Калит сўзлар: *компьютерга тобелик, шахс характерологик белгилари, кичик ва катта ўсмир ёши, ёш хусусиятлари, шахслараро муносабатлар.*

Аннотация: *В статье представлены результаты исследования влияния компьютерной зависимости на характерологические черты личности в подростковом возрасте. Факторы провоцирующие компьютерную зависимость в подростковом возрасте, происходит за счет деструктивного развития эмоциональной и коммуникативной сферы личности.*

Ключевые слова: *компьютерная зависимость, характерологические черты личности, младший и старший подростковый возраст, возрастные особенности, межличностные отношения.*

Abstract: *The article presents the results of the study of the effects of computer dependence on character characteristics of the person in adolescence. Factors provoking computer dependence in adolescence, occurs due to the destructive development of the emotional and communicative sphere of personality.*

Keywords: *computer dependence, personality traits, younger and older adolescence, age features, interpersonal relationships.*

Актуальность исследования: Научно-технический прогресс мирового масштаба послужил причиной появления такого чуда современности, как компьютер и компьютерные технологии, повлёкшего за собой трансформацию различных сфер общественной жизни человечества. Компьютер выполняет действительно широкий спектр задач: проигрывание музыки и радио, отображение фильмов и телевизионных каналов, фиксация текстовых наработок, отображение текстов, графических объектов и анимации, выполнение функций телефона и калькулятора, отображение и представление возможности изучения глобальных сетей и участие в электронных играх, а также многое другое. Таким образом, перед субъектом открывается новый мир бесчисленного количества возможностей и интересов, которые «отключает» его от реального мира, «переключая» на себя. Психологическая невозможность совладать с желанием насытиться новой информацией, и есть компьютерная зависимость[4].

Проблема компьютерной зависимости, волнует исследователей нашей страны, так как касается физического и психологического здоровья нации (ослабление иммунной системы, проблемы с позвоночником, весом, различные заболевания глаз, депрессия, тревога и общее психическое истощение). Она затрагивает и социальные отношения: многочасовое пользование компьютером отрывает человека от непосредственных контактов в обществе, возникают проблемы в семейной, образовательной, профессиональной среде. Влияет на формирование определённых черт характера личности (замкнутость, тревожность, агрессивность). Наконец, феномен компьютерной зависимости приводит к серьезным экономическим проблемам (значительные финансовые траты из-за онлайн-покупок, участия в аукционах и играх, убытки предприятий и организаций вследствие пользования Интернетом сотрудниками в личных, а не рабочих целях). Таким образом, компьютерная зависимость со временем охватывает всё

[4] Мунтян П. Вид компьютерной аддикции: зависимость от компьютерных игр//HR-Portal:Сообщество HR-Менеджеров. Интернет-журнал.010105.URL: http://hr-portal.ru/article/vid-kompyuternoy-addikcii-zavisimost-ot-kompyuternyh-igr (дата обращения: 18.01.16).

https://buxdu.uz

большую активную часть населения, нанося ущерб в социальной, экономической, психологической и физической сферах.

Наше исследование было посвящено изучению такой актуальной проблемы психологии – влияния компьютерной зависимости на характерологические черты личности. В рамках данной проблемы исследовалась взаимосвязь компьютерной зависимости и характерологических черт личности.

Методика: Для изучения компьютерной зависимости применялась методики Тест Кимберли-Янг на интернет-зависимость и «Способ скрининговой диагностики компьютерной зависимости» Л.Н.Юрьевой и Т.Ю.Больбот. Первый этап исследования проходил в 2011-2012 гг. Целью было сравнить психологические особенности компьютерной зависимости в младшем и старшем подростковом возрасте, изменения в структуре характерологических черт личности в результате взаимодействия с компьютерной зависимостью в период 2011-2012 гг. Второй этап исследования проходил в 2015-2018 гг. Целью данного этапа было выявить психологические особенности компьютерной зависимости в младшем и старшем подростковом возрасте, а так же провести формующий эксперимент.

Полученные результаты исследования позволили охарактеризовать специфику отношения и особенности обращения подростков к компьютерным играм.

В целом, результаты проведенного исследования позволили выявить высокую значимость игровой компьютерной деятельности в младшем подростковом возрасте и увеличение значимости интернет-коммуникаций в старшем подростковом возрасте, а также гендерные различия возрастного темпа вхождения в компьютерную культуру подростков.



Рис.1. Гендерные и возрастные особенности компьютерозависимой личности в подростковом возрасте (в %). По результатам теоретического анализа была раскрыта специфика влияния компьютерной зависимости на подростковый возраст. А также обосновано понимание фактора провоцирующего компьютерную зависимость в подростковом возрасте, за счет деструктивного развития эмоциональной и коммуникативной сферы личности.

Выводы. Приведем основные выводы по исследованию:

1. Факторами риска формирования компьютерной зависимости являются и личностные особенности подростков: склонность к поиску новых ощущений, агрессивность и тревожность, асоциальные копинг-стратегии, эмоциональная отчужденность, низкая коммуникативная компетентность и др., которые являются характерными чертами для подростков склонных к компьютерной аддикции. Среди важных факторов формирования компьютерной зависимости выделяют такие свойства характера как повышенная обидчивость, ранимость, склонность к депрессии, низкая самооценка, плохая стрессоустойчивость, неспособность разрешать конфликты, уход от проблем.

2. Подростковый возраст в силу возрастных особенностей, характеризуется появлением необходимости в самоопределении, развивается самосознание, стремительно создаётся стиль межличностного общения с ровесниками и взрослыми, играющими важную роль в жизни подростка, формируется теоретическое и логическое мышление, появляются качественные модификации в оценках сверстников, а также во взаимоотношениях со старшими, оказывается наиболее уязвимым для возникновения предрасположенности к компьютерной зависимости.

3. Аспект возможности в Интернет пространстве экспериментировать с собственной идентичностью и проигрывать разные роли, создать идеальный образа-Я и использовать его в виртуальном мире, позволяет компенсировать и нейтрализовать в ходе опосредованного

https://buxdu.uz

Интернетом общения те препятствия, которые нередко делают болезненными непосредственные контакты (действительные либо мнимые недостатки собственной внешности, дефекты речи, некоторые свойства характера или психические заболевания).

Анонимность интернет-общения - дает возможность скрыть: настоящее время, возраст, социальный статус, изменить пол, истинные факты биографии подменить или дополнить вымышленными, неадекватным образом представить сведения об опыте, квалификации, компетентности, имеющихся знаниях, умениях, навыках и т.д., вместо реальных описать социально одобряемые личностные качества.

4. Сравнительный анализ результатов 2011-2012 года показал, что игровая зависимость выражена в подростковом возрасте у мужского пола. Интернет-зависимость в старшем подрасковом возрасте в большей степени выражена у женского пола. Исследование 2015-2018 года показало, что, в младшем подростковом возрасте компьютерная зависимость выражена у мужского пола, в отличии от старшего подросткового возраста, где результаты у мужского и женского пола в среднем одинаковые. Интернет и игровая компьютерная зависимость выше у старших подростков.

Компьютерная игра наиболее значима в младшем подростковом возрасте, интерес к ней незначительно снижается в старшем подростковом возрасте. Это позволяет сделать вывод о том, что в младшем подростковом возрасте компьютерная игра занимает важное место в жизни школьника. Причем у мужского пола существенно выше, чем у женского (игровая зависимость 70 % у мальчиков подростков).

5. Проведенное нами эмпирическое исследование на втором этапе показало, что предрасположенность к компьютерной зависимости связана с такими личностными особенностями подростков, как агрессивность, доминантность, безответственность, неорганизованность, эгоцентричность, фрустрированность, не коммуникабельность.

6. Так же у подростков, склонных к компьютерной зависимости, в отличие от сверстников, не склонных к компьютерной зависимости, в сфере самоотношения, наблюдаются критическое отношение к самому себе, неудовлетворенность собственным поведением, уровнем достижений, особенностями личности.

В сфере уверенности в себе, наблюдается неспособность зависимой личности добиваться желаемого, контролировать ситуацию, настаивать на своем, низкая самооценка.

В сфере межличностных отношений компьютерозависимые личности проявляют замкнутость, интровертированность, пассивность в социальных контактах.

У подростков склонных к компьютерной зависимости наблюдается ориентации на прямое вознаграждение безотносительно от содержания работы, склонность к соперничеству.

7. Характерологические черты личности в меньшей степени подвержены влиянию у лиц со склонностью к компьютерной зависимость. В свою очередь игровая компьютерная зависимость связана с коммуникативными и эмоциональными свойствами, а интернет-зависимость с коммуникативными и регуляторными свойствами личности.

Не зависимые от компьютера подростки демонстрируют заинтересованность в решении деловых проблем, выполнение работы как можно лучше, ориентация на деловое сотрудничество, способность отстаивать в интересах дела собственное мнение, которое полезно для достижения общей цели. Подростки, со склонностью к компьютерной зависимости, чуть меньше выражена «Направленность на дело». Следовательно, занятость делом помогает респондентам не попадать под влияние кибераддикции.

Литературы:

1. Малыгин В.Л. и др. Особенности личности подростков, склонных к Интернет-зависимому поведению// Журнал неврологии и психиатрии имени С. С. Корсакова. - 2011. - Т. 111. - № 4. - Вып. 1. - С. 105-108.

2. Саглам Ф.А. Педагогические условия коррекции Интернет-аддикции у подростков: дис... канд. пед. наук: 13.00.01/ Казан. гос. ун-т им. В.И. Ульянова-Ленина.- Казань, 2009. - 214 с.

3. Симпозиум «Интернет-зависимость: психологическая природа и динамика развития. – Режим доступа: http://www.psy.msu.ru/science/ conference/internet/2009/index.html

4. Юрьева Л.Н., Больбот Т.Ю. Компьютерная зависимость: формирование, диагностика, коррекция и профилактика: Монография. - Днепропетровск: Пороги, 2006. – 196 с.

https://buxdu.uz

Ғайибова Наргиза Анорбаевна,
Тошкент давлат педагогика университети
Психология кафедраси ўқитувчиси

СИБЛИНГ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎСМИРНИ ГУРУҲДАГИ МАВҚЕИ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Аннотация. *Мақола оиладаги сиблинг муносабатларнинг ўсмирни гуруҳдаги мавқеига таъсири муаммосига қаратилган. Шунингдек, унда мазкур муаммо бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.*

Калит сўзлар: *сиблинг мақоми, сиблинг муносабатлар, ўсмир, гуруҳ, статус, шахслараро муносабатлар*

Аннотация. *Данная статья посвящена исследованию влияния сиблинговых отношений подростка на его статус в группе. А также в ней приводится результаты исследования по данной проблеме.*

Ключевые слова: *сиблинговый статус, сиблинговые отношения, подросток, группа, статус, межличностные отношения.*

Abstrakt: *This article is devoted to the study of the influence of a teenager's sibling relationship on his status in a group. And also it provides the results of a study on this issue.*

Key words: *sibling title, sibling relationships, teenager, a group, status, interpersonal relationships.*

Мавзунинг долзарблиги. Шахснинг шаклланиши ва келажагини белгилашда унинг оиласидаги муҳит, ундаги шахслараро муносабатлар, яъни боланинг ота-онаси, сиблинглар: ака-ука, опа-сингиллари билан алоқалари муҳимдир. Зеро оиладаги муносабатлар характери боланинг оиладан ташқаридаги, хусусан тенгдошлари билан бўладиган муносабатларида бевосита ўз аксини топади. Ўсмирлик даврида эса тенгдошлар билан мулоқот етакчи фаолият саналиб, улар билан тенглик асосида қилинган муомала-муносабатлар асосида ўсмир ўзига хос ижтимоий муносабатлар мактабини ўтайди. Катта ўсмирлик ёшига келиб, бола учун дўст ота-она ва оиласининг бошқа аъзоларидан ҳам аҳамиятли бўлиб қолади.

Оилада ўсмирнинг сиблинг мақоми ва сиблингларнинг ўзаро муносабати унинг шахси шаклланишига ҳамда тенгдошлари билан бўладиган муносабатига маълум маънода ўз таъсирини кўрсатар экан, бу омилни илмий жиҳатдан маҳаллий шароитларда ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати бугунги кунда мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Оилаларда фарзандларнинг ўзаро ака-укалик ва опа-сингиллик муносабатларининг махсус педагогик-психологик тадқиқотлар предмети сифатида ўрганилиши даставвал (XX аср бошлари) ғарб олимлари ишларида кузатилади. Индивидуал психология асосчиси А. Адлер илк бор оилада боланинг туғилиш тартиби, фарзандлар ўзаро муносабатларининг индивиднинг ҳаёт услубини шаклланишига муҳим таъсир кўрсатишини ўрганди. Шу билан бирга кўпгина олимлар (У.Тоумен, Ж.Данн, Р.Зайонц, Р.Б.Фельсон, А.Тессер, С.Шахтер, К.Исааксон, Р.Ричардсон, Р.Дрисколл, Д.Икстейн, Р.Бразингтон, Г.Хоментаускас, Т.Думитрашку ва бошқалар) ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабати, оиладаги фарзандлар ўзаро муносабатлари, оиладаги психологик иқлим, шахслараро муносабатлар характери билан бир қаторда сиблинг мақоми ҳам бола шахсининг шаклланиши, ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишувида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тадқиқот ишлари натижалари асосида ёритиб берганлар. Жумладан, Р.Б.Фельсон сиблинглар ўзаро муносабатларидаги агрессивликни ўрганиб, оиладаги ёлғиз жинсли болага нисбатан (жинсидан қатъий назар) бошқа болаларнинг жисмоний ва вербал агрессив ҳаракатлар қилишини аниқлади. Шунингдек, сиблинглар ўзаро тортишувига ҳадеб ота-оналарнинг аралашуви кутилган натижаларга олиб келмаслигини исботлади. Унинг фикрича, шахснинг агрессив хулқ-атворига унинг оиласидаги сиблинглар муносабати аҳамиятли таъсир кўрсатади.

https://buxdu.uz

Жоржи университети олими А.Тессер фарзандлар муносабатларидаги келишмовчиликлар сабабини шахснинг ўзига нисбатан баҳосини сақлаш механизми билан боғлаб ўрганган. Унинг фикрича, агар ука ёки сингилларнинг муваффақиятлари оилада эътироф этилаверса, бу ака ёки опанинг уларга нисбатан низоли муносабатлар шаклланишига туртки беради. Тадқиқотлар натижасига кўра, қобилиятлар нуқтаи назаридан кескин бир-биридан фарқ қиладиган ака-укалар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар даражаси юқори эканлиги аниқланди. Қобилиятлари бир хил даражада бўлган ака-укалар эса ўзаро муносабатлардаги айрим жуъзий келишмовчиликларнигина эслай олар эканлар, холос. Аниқланишича, оилада ўсмир ёшли ўғил болалар билан акалари ўртасидаги келишмовчиликнинг бош сабаби, бу оила катталарининг фарзандларга адолатсизларча муносабатлари таъсирида, ўсмирнинг ўз имконияти ҳамда оиладаги ижтимоий мавқеи аканикидан паст, деб идрок этишидадир.

Доктор Франк Салловей шахс шаклланишида муҳим омил ҳисобланган сиблинг мақоми ҳақида кўп маълумотлар тўплади. Унинг маълумот беришича, оилада ёлғиз ва тўнғич бўлган фарзандлар фаолиятнинг интеллектуал турларига кўпроқ қизиқар эканлар, ўқиш жараёнига масъулият билан ёндашадилар, шунинг учун ҳам улар мактаб программасини тез ва самарали ўзлаштирадилар. Улар ўзларини қадрлайдиган ва ўзларига ишонган, тенгдошлари билан бўладиган шахслараро муносабатларда ҳукмронликка интилувчан бўлар эканлар. Шу билан бирга уларда хавотирлилик юқори ва асаб касалликлари кўпроқ учрайди. Иккинчи ва кейинги фарзандлар (ўртанча фарзандлар) мулоқотга интилувчан, мослашувчан, ҳамкорлик ва кўпинча ёрдамга тайёр бўлишар экан. Аммо улар ўзгалар фикрига қўшилавермайдилар, тартибни ёқтиришмайди. Турли сиблинг мақомидаги болаларнинг шахсий хусусиятларини Салловей уларнинг оиладаги вазиятлар билан боғлади. Унинг фикрича, тўнғичлар иккинчи фарзанд туғилгандан кейин "тахтдан тушиш" жараёнини ўзига хос қайғуриш билан бошидан кечирганлиги сабабли ҳам катталар фикрига таъсирчан бўлиб қоладилар. Кенжа фарзандлар маълум вазиятларга қарши чиқиш, тан олмаслик, озодликка интилувчан, ўжар бўлишлари мумкин.

Инглиз олимаси Жуди Данн ўз ишларида оилада сиблинглар ўзаро муносабатларини ўрганиб, уни бешта йўналишга асосланишини исботлади. Улар: рақобат, боғлиқлик, хавфсизликни таъминлаш, яқинлик (ўзаро сирлар, самимий ҳазиллар), умумий орзу-ҳаваслардир. Бу муносабатлар хусусиятлари боланинг оиладан ташқаридаги муносабатларига таъсир қилмай қолмас экан.

Методикалар. Биз тадқиқот ишимизда оилада ўсмирнинг сиблинг мақоми ва сиблинглари билан ўзаро муносабатларининг гуруҳдаги мавқеига таъсирини ўрганишни мақсад сифатида белгиладик. Тадқиқотда ўсмирлар сиблинг мақомининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳамда оиласи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун махсус тузилган сўровнома (ИПС), Э.Г.Эйдемиллернинг "Оила социограммаси" проектив методикаси, Ж.Морено томонидан таклиф қилинган гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганишга қаратилган "Социометрия" методикасидан фойдаландик.

Тадқиқот ишимизда иштирок этган ўсмирларнинг оиладаги муносабатларини аниқлаш учун турли мазмундаги саволлар билан мурожаат қилдик. Жумладан уларнинг сиблинглари билан муносабатларини қандай баҳолашларини билиш мақсадида берилган, "Ака-ука,опа-сингилларингиз билан муносабатингиз қандай?" деган саволимизга олинган жавоблардан ўртанча фарзандлар бошқа сиблинг муносабатларга эга бўлган ўсмирларга нисбатан кўпинча сиблинглари билан келишмовчиликларга боришлари аниқланди.

Жадвал № 1.

Ўсмирларнинг сиблинглари билан муносабатларини ифодаловчи кўрсаткичлар

	Жавоб вариантлари		Тўнғич N-108	Ўртанча N-77	Кенжа N-88
Ака-ука, опа-сингилларингиз билан муносабатингиз қандай?	I	Биз доимо бир-биримизни тушунамиз	51	46,7	59,1
	II	Биз бир-биримизни қисман тушунамиз	12	15,6	17
	III	Жавоб бериш қийин	6,5	1,3	5,7
	IV	Бизнинг ўртамизда вақти-вақти билан арзимаган нарсага келишмовчиликлар бўлиб туради	18,5	29,9	17
	V	Биз кўпинча келиша олмаймиз	12	6,5	1,2

https://buxdu.uz

Олинган натижаларга кўра, кенжа фарзандлар бошқа сиблинг мақомидаги ўсмирларга нисбатан сиблинг муносабатларни ижобий баҳолашган.

Тадқиқотдан олинган маълумотларнинг корреляцион таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда акс этган.

Жадвал № 2.

Ўсмирлар сиблинг мақоми ва тенгдошлар муносабатини баҳолаш кўрсаткичлари

(К.Пирсон корреляция коэффициенти бўйича)

(N-273)

	Сиблинг мақоми	Жинси	Оилада жинс-дошлар сони	Сиблинг муноса-батлар	Ўртоғига муноса-бати
Сиблинг мақоми	1	-0,100	-0,090	-0,128*	0,026
Жинси	-0,100	1	0,996**	0,209**	0,148**
Оилада жинс-дошлар сони	-0,090	0,996**	1	0,212**	0,135*
Сиблинг муносабатлар	-0,128*	0,209**	0,212**	1	0,191**
Ўртоғига муносабати	0,026	0,148**	0,135*	0,191**	1

Изоҳ: *p≤0,05, ** p≤0,01

Олинган натижаларни корреляцион таҳлил қилсак, оиладаги сиблингларнинг ўзаро муносабатлари сиблинг мақоми билан тескари корреляцион боғланиш ҳосил қилди (r=-0,128; p≤0,05). Бу синалувчиларнинг туғилишдаги тартиб сонига қараб (кенжа, ўртанча, тўнғич) ака-ука ва опа-сингиллари билан муносабатлари кескинлашиб бораверишини кўрсатади. Оиладаги катта фарзандларнинг кичикларга мажбуран ота-она тазйиқи остида ("сен каттасан-ку" каби иборалар орқали) ён босиши сиблинглик муносабатларида норозилик келтириб чиқарган бўлиши мумкин.

Шунингдек, сиблинглар ўзаро муносабатлари оилада жинсдош болалар сони билан корреляцион боғланиш ҳосил қилганлиги маълум бўлди (r=0,212; p≤0,01). Бу алоқадорлик оилада жинсдош болалар сони қанча кўп бўлса, ўзаро келишмовчиликлар шунча кўп бўлишини кўрсатади. Буни сиблинглар рақобати ҳодисаси билан ҳам изоҳлаш мумкин. Олинган натижаларга кўра, сиблинглар ўзаро муносабатлари жинс билан корреляцион боғланишда (r=0.209** p≤0.01) бўлиб, бу тортишувга мойиллик ҳолати қизларда ўғил болаларга нисбатан устунроқлигини кўрсатади. Бизнингча бунга сабаб, қизларнинг хўжалик ишлари ва уй юмушларида кўпроқ жалб этилганлигида бўлса керак, чунки уйдаги сарифталикни ва тартибни сақлаш кўп ҳолларда тўнғич қизлардан талаб этилади. Шу сабаб тўнғич қизларнинг уй юмушларини тақсимлашлари, ука-сингилларини назорат қилишлари, уларнинг сиблинглари билан кўпроқ тортишувга боришларини тақазо этган бўлиши мумкин.

Ўртоқларига муносабат оилада сиблинглар муносабати билан ижобий корреляцион боғланиш (r=0,191; p≤0,01) ҳосил қилиб, бу ўсмирнинг оиласидаги сиблинглар ўзаро муносабатлари ўртоқлари билан бўладиган муносабатларига таъсир қилишини кўрсатади. Бундан кўриниб турибдики, ўсмирнинг оиласидаги ўзаро муносабатлари ижобий бўлса, тенгдошлари билан муносабатлари ҳам ижобий бўлиб, бу унинг гуруҳдаги мавқеи юқори бўлишига асос бўлади. Зеро, оиладаги муносабатлар характери боланинг оиладан ташқаридаги, хусусан тенгдошлари билан бўладиган муносабатларида бевосита ўз аксини топади. Ўсмирлик даврида эса тенгдошлар билан мулоқот етакчи фаолият саналиб, улар билан тенглик асосида қилинган муомала-муносабатлар асосида ўсмир ўзига хос ижтимоий муносабатлар мактабини ўтайди.

Ўсмирларнинг гуруҳдаги мавқеини ўрганиш учун ўтказилган социометрия натижаларига кўра, сиблинг муносабатларни ижобий баҳолаган кенжа фарзандларнинг аксарияти гуруҳ лидерлари эканлиги аниқланди. Улар "Юлдузлар" гуруҳида ҳам, "Ёқимтойлар" гуруҳида ҳам бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўп фоизни ташкил этди. Бизнинг фикримизча, оилада кенжа фарзандлар устидан "хўжайинлар" бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан

https://buxdu.uz

кўпроқлиги, аммо шу билан бирга ота-оналарнинг ва катталарнинг кенжа фарзандларга сабрли муносабатда бўлиши уларда кишилар билан муносабатда эҳтиёткор, кечиримли муомала қилиш малакаларини ривожлантирган ва оиладаги муносабатлардан қониқишларига сабаб бўлган. Социометрия натижаларига кўра, “Яккаланиб қолганлар” гуруҳида ёлғиз фарзандлар бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўп бўлиб чиқди. Бизнингча, ёлғиз фарзанд сиблинг муносабатлардан холи бўлганлиги учун ҳам ҳеч қачон ота-она муҳаббати учун “кураш” олиб бормаган, оилада уларнинг барча айтганлари кўп ҳолларда амалга оширилган. Шу сабаб, улар кишилар кайфиятидаги ўзгаришлар ва ҳис-туйғуларни кўпинча тўлиқ идрок эта олмайдилар. Бу эса ёлғиз фарзандларнинг оиладан ташқаридаги шахслараро муносабатларида ўзларининг етакчилик сифатларини намоён эта олмасликларига, тенгдошлари билан ишончли муносабат ўрнатишларига монелик қилади.

Социометрик тадқиқотда танлов олмаган ўсмирларнинг 60%и “Оила социаграммаси” проектив методикасида ўзларини чизишни унутиб қолдирганлар. Аксарият тўнғич фарзандлар ўзларини барча оила аъзоларидан қуйида ёки чеккада жойлаштирганликлари, уларнинг ўзларини оилада рад этилгандек ҳис қилишларини билдиради. Бунга сабаб, айрим ота-оналарнинг тўнғич фарзандга бошқа фарзандларга нисбатан талабчанлик ва қўпол муносабатда бўлишларида дейиш мумкин. Тенгдошлари томонидан танланмаган ўсмирларнинг аксарияти, айнан тўнғич қиз болалардир. Улар расмларида ўзидан олдинга, ота-онаси доирасининг яқинига укасининг доирасини каттароқ қилиб тасвирлаганларига гувоҳ бўлдик. Бу уларнинг оилада ўзларини инкор этилгандек ҳис қилишларини билдиради. Оилада ўз ўрнини топа олмаган ўсмир, гуруҳда ҳам тенгдошлари томонидан тан олинмаган. Натижалар таҳлилига кўра, оиладаги сиблинг муносабатларни ижобий баҳолаган ўсмирларнинг гуруҳдаги социометрик нуфузи ҳам юқори даражада экан. Бу фарзанднинг оиладаги мавқеининг тенгдошлари гуруҳидаги мавқеига бевосита таъсири борлигини кўрсатиб турибди. Оиладаги ижобий эмоционал муносабатларнинг танқислиги натижасида “яккаланиб қолган” ўсмирларнинг аксарияти таълим тизимида ҳам ўзлаштирмовчи ўқувчилар қаторига тушиб қолганлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, олиб борилган тадқиқот ишимизда оилада ёлғиз фарзанд бўлган ўсмирларга нисбатан сиблинглари бўлган ўсмирларда низоли вазиятларда муроса ва келишувга интилиш юқори экани, оилада сиблинглар муносабати ижобий бўлса, тенгдошлар билан муносабат ҳамда гуруҳдаги мавқеи ижобий бўлиши кузатилди.

Демак, оилада сиблинглар муносабатларини мувофиқлаштириш, улар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш бўйича ота-оналарга амалий психологик ёрдам бериш борасидаги ишларни такомиллаштириш даркор. Зеро, сиблинглар ўртасида ўзаро ижобий муносабатларнинг қарор топиши шахс учун ҳам, оила ва жамият учун ҳам фойдалидир.

Адабиётлар:

1.Адлер А. Как управлять стремлением к превосходству./ Возрастная психология: Детство, отрочество, юность: Хрестоматия: Учеб. пособие для студ. пед. вузов/ Сост. и науч, ред. В.С.Мухина, А.А.Хвостов. - М.: Издательский центр “Академия”, 2000. - 624 с.
2.Бэрон Р., Ричардсон Д. Агрессия. - СПб: Питер, 2001.- 352 с.
3.Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 152 б.
4.Психология человека от рождения до смерти. Психологический атлас человека/ под ред. А.А.Реана. - М.:АСТ; СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2010.- 651 с.
5.Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учебное пособие для врачей и психологов. - СПб.: Речь, 2003.- 336 с.

https://buxdu.uz

Атабаева Наргис Батировна,
Низомий номидаги ТДПУ таянч докторанти

АЛЬТРУИЗМНИНГ МИЛЛИЙ МЕНТАЛ ХУСУСИЯТ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШИНИ ЁШГА ОИД ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақолада шахсда альтруизм намоён бўлишининг ёшга оид хусусиятларини ёритиб беришга қаратилган илмий тадқиқот ишининг натижалари таҳлил қилиб берилган. Мақолада альтруизм ҳодисасининг ўсмирлар ва илк ўспиринларда намоён бўлиши билан боғлиқ таҳлиллар келтирилган.*

Калит сўзлар: *альтруизм, ёш хусусиятлар, ўсмирлик даври, илк ўспиринлик.*

Аннотация: *В этой статье анализируются результаты исследований по возрастной дифференциаций проявления альтруизма у человека. В статье представлен сравнительный анализ по проявлению альтруизма между подростками и юношами.*

Ключавые слова: *альтруизм, возрастные особенности, подростковый возраст, юношеский возраст.*

Abstract: *In this article are analyzed a scientific the results of the study at covering gender differences in altruism in a person. In the article presented analysis altruism between teenagers and adult.*

Key words: *altruism, young differences, teenage age, adult age.*

Мавзунинг долзарблиги: Дунё мамлакатлари тараққиётига тўғаноқ бўлаётган кўплаб муаммолар (ёшлар ўртасидаги қонунбузарликларнинг ортиши, анъанавий қадриятларнинг сусайиши, оммавий маданиятнинг салбий таъсири, оиладаги зўравонлик, замонавий кибертехнологияларга асосланган жиноятларнинг кўпайиши ва бошқалар) шахс ахлоқий ривожланиши масаласига бўлган эътиборни кучайтирмоқда. Хусусан, ЮНИСЕФ ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда интернет фойдаланувчиларининг 70.6%ни[5] 13-24 ёшлардаги шахслар ташкил этар экан. Айнан 13-24 ёш оралиғида шахсдаги ахлоқий тушунчалар барқарорлашиб, шахснинг қадриятлар тизимига сингиб боради. Онтогенетик тараққиётнинг шахс қадриятлар иерархияси шаклланадиган даврда бола ўзининг вақтини кибер оламда ўтказиши, албатта унинг маънавий оламида бўшлиқлар пайдо бўлишига олиб келади. Шахс қадриятлар тизимида ахлоқий тушунчаларнинг ўрнини кескин тушиб бориши ёшлар орасида деструктив хулқнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, 2018 йилнинг ўзида 2 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг 1 миллиардга[6] яқини оиладаги зўравонлик қурбонига айланган. Оиладаги болаларга нисбатан зўравонликнинг сабаблари турличадир. Педагогик-психологик манбаларда зўравонликка туртки бўлувчи омиллардан бири – бу оилавий қадриятлар тизимида ўзаро бир-бирига меҳр ва ўзаро ёрдам бериш туйғуларининг ўрнини йўқлигидадир.

Жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳозирги кунда шахснинг ахлоқий ривожланиши масаласига катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, халқаро миқёсда БМТ томонидан 1990 йилда қабул қилинган “Умумжаҳон кўнгиллилар (волонтерлар) декларацияси”, 2001 йилда БМТ қошида ташкил этилган Халқаро кўнгиллиларни кучайтириш IAVE ассоциацияси томонидан амалга оширилаётган ишлар ёшлар орасида айнан биз тадқиқ этаётган альтруизмни ривожлантиришга қаратилган эътиборнинг кучлилигини кўрсатади. Ёшларнинг ахлоқий ривожланиши масаласига Ўзбекистонда ҳам катта эътибор қаратилган. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ва президентимиз Ш.М.Мирзиеёв томонидан таклиф этилган мамлакатимизни ривожлантириш ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашнинг стратегик вазифаларида баркамол ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Ўсиб келаётган ёш авлодни Шарқона тарбия асосига қурилган умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жамият олдига улкан

[5] United Nations International Children’s Emergency Fund – www.unicef.org
[6] World Health Organization – www.who.into

https://buxdu.uz

вазифалар қўймоқда. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, шахсда альтруизм шаклланишини психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Альтруизм тушунчаси лотинча "alter" – "бошқалар" сўзидан олинган бўлиб, француз файласуфи О.Конт томонидан эгоизмга қарама-қарши атама сифатида фанга киритган. Альтруизм – бу ўзга инсонлар манфаати йўлида уларга беғараз ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган фаолликдир [3;6-б]. О.Контнинг таъкидлашича, "ўзгалар учун яшаш тамойили"га қурилган альтруизм қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради: адолатпарварлик, маъсулиятлилик, ҳамдардлик. Олимнинг фикрича, мана шу уч хусусият тўкис бирлашгандагина, биз атрофдагиларга беғараз ёрдам бера бошлаймиз. Бизга маълумки, қадим-қадимдан бизнинг ота-боболаримиз болада айнан мана шу жиҳатларни тарбиялашга урғу беришган ва бу борада қатор дурдона асарларни бизга ёзиб қолдиришган. Жумладан, Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг", Кайковуснинг "Қобуснома", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб" каби қатор асарларда биз юқорида айтиб ўтган сифатларни болада тарбиялаш масалалари кенг ёритиб берилган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, альтруизм миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган хулқ-атвор шаклидир, деб айтиш мумкин.

Методика. Шахсда альтруизм намоён бўлишининг ёшга оид хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадида О.Ф.Потемкина томонидан таклиф этилган "Альтруизм-эгоизм" шкаласи бўйича шахснинг ижтимоий-психологик установкаларини диагностика қилиш сўровномаси ўтказилди.

Эмпирик таҳлил. Тадқиқотда Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 304-сонли, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 13-сонли, Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 60-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 232 нафар 8 ва 10 синф ўқувчилари иштирок этди. Мазкур методикадан олинган натижалар қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

Жадвал № 1.

Шахсда альтруизм намоён бўлишининг хусусиятлари

Шкалалар	Ўсмирлар (n=155)	Илк ўспиринлар (n=77)
Шахсдаги альтруистик установкалар-	56.1%	59.7%
Шахсдаги эгоистик установкалар	43.9%	40.3%

Юқорида келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкинки, ўсмирларнинг 56.1%ида илк ўспиринларнинг 59.7%ида альтрустик установкалар кузатилди. Олиб борилган тадқиқот иши ва педагогик-психологик манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, альтруизм мотивларининг ривожланганлик даражаси ўсмирларга қараганда илк ўспиринлик даврида яққолроқ намоён бўлади. Чунки, айнан илк ўспиринлик даврида альтруизмнинг ривожланиши учун туртки бўлувчи уч муҳим компонент, яъни когнитив, мотивацион, хулқ-атвор ўзаро уйғун ҳолда ривожланиб, шахснинг ўз-ўзини англаш соҳасига сингиб боради.

Ўсмирлик ва илк ўспиринлик даврида альтруизмнинг ривожланиш динамикаси юзасидан И.В.Мангутованинг таъкидлашича, альтруизм мотивларига асосланган хулқни ривожланишининг когнитив компоненти ижтимоий-ахлоқий меъёрларни англаш, ахлоқий онгни шаклланиши билан белгиланса, унинг мотивацион компоненти шахснинг ижтимоий қизиқишлари ва ижтимоий йўналганлиги билан белгиланади[1]. Ўсмирлар ўзлари учун янги бўлган фаолият соҳалари ва шахслараро муносабатларга альтруизмни қўллаш меъёрлари билан боғлиқ "чегаралар"ни ажрата бошлайдилар. Бундай шароитда альтруизмни умуминсоний қадрият ва ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида фарқлаш имкони туғилади. Мазкур ҳолат илк ўспиринлик даврига келиб, шахснинг "жамиятнинг фойдали аъзоси" сифатида ўз-ўзини англаш соҳасида намоён бўлади ва шахсий рефлексия даражасида ривожланиб боради.

Ўсмирларнинг 43.9%ида, илк ўспиринларнинг 40.3%ида эгоистик установкаларнинг устунлиги аниқланди. Синалувчилардаги альтруизм даражасининг пастлиги улардаги эгоизмдан далолат беради ва мазкур синалувчиларимиз бизнинг экспериментал гуруҳимизни ташкил этди. Ўқувчилардаги эгоизмнинг намоён бўлиши конфликтоген омил ҳисобланиб, бу уларнинг ўз манфаатлари йўлидаги бир восита бўлиб хизмат қилади. Эгоизмнинг бу даражада

https://buxdu.uz

тараққий этганлиги унинг тарбиясидаги нуқсонларни самарасидир. Чунки, шахснинг ўзига ҳаддан ташқари юқори баҳо бериши ва эгоцентризмнинг негизлари болалик даврларига бориб тақалади, қолаверса, айнан мана шу жиҳатлар боладаги альтруистик хулқ-атворни намоён бўлишига ички тўсиқ вазифасини ўтайди. Психологик тадқиқотларда шахсда альтруизмнинг шаклланишига таъсир этувчи қатор омиллар ўрганилган. Биз ўз илмий тадқиқотимиз давомида шахсда альтруизмнинг шаклланишига таъсир этувчи ҳиссий - иродавий, когнитив омиллар, яъни шахсдаги эмпатия, локус назорат, эмоционал интеллект, мотивацион соҳа ҳамда шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини шаклланганлик даражаси тадқиқ этилган. Илмий ишимизда альтруизм мотивларига асосланган хулқни ривожланишига таъсир этувчи эмоционал, ижтимоий - когнитив омилларни тадқиқ этишимизнинг сабабларидан бири ўсмирлик даври ижтимоий маданий эҳтиёжлар ва кечинмаларнинг интенсив ривожланиш даври ҳисобланади. П.М.Якобсоннинг фикрича, ўсмирлик даври бошқа даврларга қараганда ўзгалар учун яхшилик қилиш, ҳамдард бўла олиш қобилияти билан ажралиб туради [2].

Илк ўспиринлик даврига келиб эса эмоционал фон барқарорлашиб боради. Бу даврда эмоционал алоқа, яқинлик ва ўзаро тушуниш эҳтиёжи негизида дўстлик, севги ҳислари идеаллаштирилади. Дўстлик ва севги ҳисларининг замирида шахснинг ахлоқий йўналганлиги ва эмоционал ахлоқий дунёқараши шаклланиб боради. И.С.Коннинг фикрича, илк ўспиринлик даври эмоционал яқинлик ва якдил ижтимоий қизиқишларга асосланган туйғулар устунлик қилади, натижада икки хил мотив етакчи ўринга чиқади: а) ўзаро ёрдам ва садоақтга бўлган талаб; б) атрофдагилар томонидан ҳамдардликни ҳис қилиш. Айнан мана шу мотивлар, шахснинг қадриятлар тизими ва эмоционал йўналганлиги (у ёки бу ҳиссий кечинмаларнинг шахсий қадриятлар иерархиясида мустаҳкамланиши)ни белгилаб беради. Б.И.Додоновнинг таъкидлашича, илк ўспиринлик даврида шахснинг умумий эмоционал йўналганлиги альтруизмга асосланган мотивларнинг қўзғатувчиси бўлиб хизмат қилади [2].

Юқоридаги эмпирик натижалар асосида шахсда альтруизмнинг ривожланганлик даражаси ҳақида яққолроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги диаграммани ҳосил қилдик:

Расм № 1.



Шахсда альтруизм намоён бўлишининг ёшга оид хусусиятлари

https://buxdu.uz

Умуман олгандан шахсда альтруизм мотивларини ривожлантиришда унинг қуйидаги компонентларига эътибор қаратиш лозим:

Ижтимоий-когнитив компонент:

а) когнитив жараёнлар билан боғлиқ жиҳатлар – адолатпарварлик, танқидий тафаккур, рефлексия, когнитив ва рефлексив эмпатия, ижтимоий перцепция.

б) ижтимоий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлар – ўзаро ҳурмат, дўстпарварлик, ҳамкорлик, инсонпарварлик, қатиъятлилик.

Эмоционал компонент:

а) шахснинг ўзига муносабати билан белгиланувчи эмоциялар – ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўз-ўзига адекват баҳо, локус назорат, маъсулиятлилик.

шахснинг атрофдагиларга бўлган муносабати билан белгиланувчи эмоциялар – толерантлик, эмпатия, меҳрибонлик, кўнгилчанлик, ғамхўрлик.

Мотивацион компонент:

а) ижтимоий мотивлар – шахслараро муносабатларда сабрлилик, чидамлилик, мардлик, аффиляция, ахлоқий бурч ҳисси, қарор қабул қилишдаги тезкорлик.

б) муваффақиятга интилиш мотиви – ўз-ўзини фаолаштириш, ўз-ўзини тарбиялаш.

Хулоса. Педагогик-психологик манбалар таҳлили ҳамда илмий изланишлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Альтруизм ҳодисаси Шарқ алломалари асарларида унга ёндош бўлган саховат, футувват, ҳимматлилик, мурувват, беминнат ёрдам бериш каби сифатлар талқинида, хориж психологларининг қарашларида эса альтруизм намоён бўлишига таъсир этувчи вазиятга ва шахсга боғлиқ бўлган омилларнинг аҳамияти баён қилинган.

2. Шахсда альтруизмнинг намоён бўлиши ёш динамик хусусиятларга эга. Ўсмирлар ва илк ўспиринларда альтруизмнинг намоён бўлишига таъсир этувчи омиллар ҳам қисман дифференциаллашгандир. Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, эмпатия ҳисси ҳар иккала ёш даври учун альтруизмнинг ички мотиватори вазифасини бажарса, эмоционал интеллект даражасида ўсмирлар учун ўз-ўзига мотивация бериш альтруистик хулқ манбаи бўлса, илк ўспиринлар учун эмоционал билимдонлик альтруизмга ундовчи куч вазифасини бажаради.

Адабиётлар:

1.Мангутова И.В. Психолого-педагогические условия развития альтруизма у детей старшего подросткового возраста. Автореферат дисс. Нижний новогород. 2007. – 22с.

2.Реан А.А. Психология человека от рождения до смерти. – Спб.: Прайм – ЕВРОЗНАК, 2002. – 656 с.

3.Современный психологический словарь/ под редакцией Б.Г.Мещерякова, В.П.Зинченко – Спб: Прайм – Еврознак, АСТ, 2007. – 496 с.

4.Расмий интернет сайтлари: United Nations International Children's Emergency Fund – www.unicef.org

5. World Health Organization – www.who.into

https://buxdu.uz

Қаршиева Дилафрўз Суюнова,
Низомий номидаги ТДПУ таянч докторанти

СТРЕСС ВА КАСБИЙ СТРЕСС НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақолада педагогик фаолиятдаги стресс унинг омиллари моҳияти таҳлил қилинган. Стрессоген омилларнинг объектив ва субъектив томонлари ёритиб берилган. Айнан касбий стресснинг келиб чиқиш этиологияси таҳлил килинган.*

Таянч тушунчалар: *шахс, стресс, касбий стресс, эмоционал стресс, педагогик фаолият.*

Аннотация: *На данной статье проанализированы теоретические концепции стресса и профессионального стресса. Расскриты обективные и субективные стороны стрессогенных факторов. Особенно проанализировано этиология стресса.*

Ключевие слова: *личность, стресс, профессиональный стресс, эмоциональний стресс, педагогическая деятельность.*

Abstract: *This article analyzes the role of stress-full factors in pedagogical activity. Is covered stress-full objects and subject factors.*

Key words: *person, stress, professional stress, the emotion stress, pedagogical activity.*

Мавзунинг долзарблиги: Замонавий шахс ўзининг касбий фаолияти давомида касбий билим, кўникма ва малакаларидан ташқари, шахсий интеллектуал, эмоционал ва иродавий ресурсларини ҳам сафарбар этади ҳамда уни бошқаради. Айнан мана шу ҳолат ходимда касбий тўйиниш ҳиссини чақиради ва касбий стресс негизларининг шаклланишига туртки бўлади. Педагогик фаолият шахснинг ички ресурсларини тўла сафарбар этишни талаб этувчи стресс-факторларга тўладилар. Бундай факторлар қаторига ижтимоий баҳо, педагог касбига оид ижтимоий стереотиплар, бир вақтнинг ўзида катта ҳажмда маълумотларни қайта ишлаш ва бошқалар. Research&Branding Groupнинг 2018 йилдаги статистик маълумотларини кўрсатишича, инсон ҳаётидаги стресснинг 17%и[7] айнан касбий фаолият туфайли юзага келар экан. Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, Японияда касбий фаолият билан боғлиқ стресслар жуда оммалашган. Хаттоки, ишчи ходимлар орасида касбий фаолиятдаги сурункали стресс натижасида ўлим ҳолатлари ҳам кузатилмоқда ва аҳолининг 35%и ўз саломатлигидаги муаммоларга касбий фаолиятдаги стрессни сабабчи қилиб кўрсатмоқда[8]. Шу боисдан, 2019 йилда меҳнат фаолиятидаги сурункали стресс Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси қарорига кўра, касалликларнинг Халқаро классификацияси (КХК11) га QD85коди билан “куйиниш”[9] номи билан киритилди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эмоционал куйиниш айнан меҳнат жараёнидаги сурункали стресс натижасида келиб чиқмоқда. Стресс турли хилдаги психик бузилишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётганлигини, натижада ходимларнинг иш қобилияти сусайиб, иш самарадорлиги пасайиб кетаётганлигини кўрсатмоқдалар. Санаб ўтилган ҳолатлар педагоглардаги стресснинг намоён бўлишини тадқиқ этишнинг долзарблигини билдиради.

Стресс феномени илк бор 1936-йилда Канадалик физиолог Ганс Селье томонидан кашф этилган. Ушбу атама билан у ҳар қандай салбий таъсирга организмнинг ўзига хос бўлмаган реакцияларини таърифлаган [10, б.4].

Касбий стресс – бу инсон меҳнат фаолиятидаги зўриқишли вазиятлар билан боғлиқ психик ва жисмоний реакцияларда акс этувчи кўп қиррали феномендир. Р.Корсини ва А.Ауербахларнинг психологик энциклопедиясида касбий стресс одамларнинг ўзаро фаолиятлари ва улар томонидан амалга оширилаётган иш натижаси сифатида белгиланади. Олинган натижа

[7] https://infokava.com (мурожаат ҳолати 5.09.2019)
[8] https:holiwork.pro
[9] World Health Organization – www.who.into

https://buxdu.uz

одамларни нормал фаолият кўрсатишга тўсқинлик қилаётган ўзгаришларни юзага келишини акс эттиради [4, б.3].

Ҳозирги кунда касбий стресс касалликларнинг Халқаро классификацияси (КХК11)га алоҳида бўлим сифатида киритилган. Шу ҳолатнинг ўзигина касбий стресс муаммосининг қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Касбий стресснинг келиб чиқиш сабаблари иш жараёни омилларининг интенсив таъсири, шунингдек ишнинг ташкилий, ижтимоий, экологик ва технологик хусусиятларининг таъсири билан боғлиқдир

"Касбий стресс" тушунчасидан келиб чиқадиган атамалар ўртасидаги чалкашликлардан ташқари, дастлабки назарий қарашлар ҳам ноаниқлик ва турфа хилликдан азият чекаётганлиги тўғрисидаги фикрларни замонавий психология фанида тадқиқотчилар орасида тез-тез учратиш мумкин. Ушбу ёндашувларнинг ҳар бирининг асосида маълум концептуал парадигма ётади:

- биринчисининг, яъни экологик ёндашувнинг асосида, "шахс-муҳит" тизимидаги мувофиқлик парадигма;
- иккинчисининг, яъни трансакт ёндашувнинг асосида, процессуал-когнитив парадигма;
- учинчисининг, яъни регулятор ёндашувнинг асосида, ҳолатни бошқариш парадигмаси ётади (Барабаншчикова ва Кузмина, 2011).

60-йилларда ривожлана бошлаган экологик ёндашув доирасида амалга ошириладиган эмпирик тадқиқотлар объекти бўлиб стрессоген вазиятлар характеристикалари хизмат қилмоқда. Улар стресс келиб чиқиш манбаларини ва уларнинг мутахассис меҳнат фаолияти ва соғлиғига етказадиган оқибатларини ўз ичига олади (Леонова, 2000). Стресснинг ўзи атроф-муҳит (жисмоний, меҳнат, ижтимоий) талаблари ва мавжуд инсон ресурслари ўртасидаги ички номувофиқликнинг натижаси сифатида кўриб чиқилади (Барабаншчикова ва Кузмина, 2011; Ташкилий психология, 2013). Уларнинг орасидаги номутаносиблик касбий фаолият самарадорлигини пасайиши томонидан, шунингдек ҳулқ-атвор бошқарилиши бузилиши, жисмоний ва психологик саломатлик ёмонлашиши томонидан вужудга келадиган турли хилдаги салбий оқибатларнинг пайдо бўлишида намоён бўлади. А.Марселлнинг "салутогенез" модели;

- П.Варрнинг психик саломатликнинг "Витаминли модели";
- Р.Карасеква, Т.Теорелларнинг меҳнат зўриқишининг уч факторли модели.
- Баъзи бир фарқларга қарамай, ушбу моделлар принципиал умумий қоидаларни ўз ичига олади: профессионалнинг оптимал ишчи ҳолатига урғу бериш (анаънавий бўлиб қолган стрессни салбий томонларини ўрганиш ўрнига), ҳамда иш юкламаси ва одамларнинг индивидуал хусусиятлари ўртасидаги ўзаро таъсирдан келиб чиқадиган натижани таҳлил қилиш (уларни санаб ўтиш ўрнига) (Леонова, 2000). Р.Френч ва С.Капланларнинг касбий эпидемиологияни ўрганишга қаратилган тадқиқот натижалари мутахассисларнинг баъзи категориялари, масалан, тиббиёт ходимлари ва юристлар, бошқа мутахассисларга қараганда юрак хасталиги бўйича юқори кўрсаткичларга эга эканликларни кўрсатди.

Методика: Биз педагогдарда касбий стрессни аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 304-сонли, Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги 4-24сонли, Наманган вилояти Поп туманидаги 10-27сонли умумий ўрта таълим мактабининг 308 нафар педагогларидан Д.Фонтан томонидан ишлаб чиқилган "Касбий стресс шкаласи" методикасини ўтказиб олдик.

Эмпирик таҳлил: "Касбий стресс шкаласи"бўйича олинган натижалар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари жадвал ва кўринишида акс эттирилди.

Жадвал № 1.

Педагогларда касбий стресс намоён бўлишининг хусусиятлари

Шкалалар номи	Синалувчиларнинг натижалари
Касбий стресснинг паст даражаси	19.3%
Касбий стресснинг ўрта даражаси	50.6%
Касбий стресснинг юқори даражаси	30.1%

https://buxdu.uz

Юқорида келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкинки, 30.1% синалувчиларда касбий стресс даражаси юқори, яъни уларда ишчанлик даражасининг пастлиги ва эмоционал зўриқишларнинг юқорилиги аниқланди.

А.С.Шафронованинг фикрича, педагог касби доимо фаолияти мазмунига йўналтирилган ўз устида ишлашни талаб этади. Педагог фаолиятида информация окимининг кўплиги ва педагог шахсига қўйилган ижтимоий талабларнинг юқорилиги стрессоген омиллардан ҳисобланади.

Бизнинг синалувчиларимизда касбий стресснинг юқори чиққанлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ҳамкасблар, ўқувчилар ва уларнинг ота- оналари раҳбарият билан коммуникация орқали қабул қилинадиган маълумотларни идрок қилиш ва қайта ишлаш, ижтимоий роллардаги ноаниқлик (жамоат ишларига ҳаддан зиёд жалб қилиниши натижасида келиб чиқади) берилган топшириқнинг кўплиги ва уни бажаришга қўйилган муддатининг қисқалиги натижасида педагогнинг вақтини тўғри тақсимлай олмаслиги кабилар киради.

Педагоглардаги касбий стресснинг юқорилиги меҳнат юкламасининг интенсивлигидан, бериладиган топшириқларнинг мураккаб ва кўплиги, когнитив зўриққанлик ва ижтимоий назоратнинг кучлилиги, шахслараро муносабатлардаги муаммолар, эмоционал зўриққанлик, жисмоний дискомфорт, хаттоки, педагогнинг ўзини ёмон ҳис қилиши билан характерланади.

Касбий стресснинг ўрта даражаси 50.6% синалувчиларда аниқланди. Мазкур курсатгич ўқитувчиларнинг тўлиқ ишга кўмиб ташланганлиги натижасида бўш вақтнинг йўқлиги, педагогик жамоадаги муҳитнинг носоғломлиги, педагогнинг касбий тайёргарлик даражасининг пастлиги ёки берилган топшириққа нисбатан ҳаддан ортиқ маъсулиятнинг юқорилиги маъмурият томонидан бериладиган топшириқларни ходимларнинг салоҳиятини ҳисобга олмай берилиши билан боғлиқ.

Касбий стресснинг паст даражаси 19.3 % синалувчиларда аниқланди. Мазкур синалувчиларда педагог учун касбий муҳим сифатлар яъни эмпатия, эрудиция, педагогик тафаккур, интуиция, импровизация қилиш қобилияти, кузатувчанлик, оптимизм, рефлексия, ички мотивация ва ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжининг юқорилиги педагогларда касбий стрессга мойллик даражасини камайтиради ва стрессли вазиятлардан оқилона чиқиб кетишларини таъминлайди.

Олинган натижалар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги гистограммани ҳосил қилдик.

Расм № 1.

Педагогларда касбий стресс намоён бўлишининг хусусиятлари



Касбий стресс даражаси юқори ва ўртача кўрсаткичга эга бўлган респондентларимиз экспериментал гуруҳни ташкил этган. Бу мазкур синалувчиларимизда касбий жараён билан

https://buxdu.uz

боғлиқ стресс, яъни, “инсон - муҳит” яхлит тизимидаги муносабатларнинг номувофиқлигини англатади. Мазкур ҳолат инсон эҳтиёжлари ва ишда уларни қондириш имконияти ўртасидаги алоқани ҳам ўз ичига қамраб олади (бошқача айтганда, инсоннинг имкониятларидан фойдаланмаслик, юкни камайиши, паст даражадаги стимуляция). Шу ўринда айтиш жоиз, бу кўп жиҳатдан меҳнат соҳасидаги адолат муаммоси билан боғлиқ (ҳисса рағбатга мос келиши керак) ва бу муаммо тўғридан-тўғри ходимнинг ўзини ўзи ҳурмат қилиш муаммосига бевосита боғлиқдир. Умуман олганда, касбий стрессга мойилликнинг юқори даражада аниқланиши кўпгина омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Психологик тадқиқотларда педагогларда касбий стресс шаклланишига таъсир этувчи қатор омиллар ўрганилган. Биз ўз илмий тадқиқотимиз давомида педагогларда касбий стресс шаклланишига таъсир этувчи ҳиссий иродавий, когнитив омиллар, яъни шахсдаги эмоционал зўриқиш, ижтимоий психологик мослашганлик, касбий мотивация, жамоадаги ижтимоий - психологик иқлим, психик зўриқишнинг психологик хусусиятларини шаклланганлик даражаси тадқиқ этилган. Бизга маълумки, стресс ҳар доимо физиологик ўзгаришлар, яъни чарчоқ, ҳолсизлик каби жараёнлар билан бир вақтда кечади. Шу боисдан ҳам, касбий стресс даражаси юқори бўлган педагогларда жисмоний чарчоқ кучайиб, ишчанлик қобилияти сусайиб боради. Ижодга бўлган қобилият, ишчанлик қобилияти, бажарувчанлик қобилияти, коммуникатив қобилияти, адаптация, ўз кучига бўлган ишонч, ўз ўзини бошқариш даражаси орасида аҳамиятли даражада корреляцион алоқадорлик кузатилмади.

Хулоса. Тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулосаларга келдик.

1.Касбий стресс муаммосини ўрганишга қаратилган замонавий тадқиқотларнинг деярли барчаси вазиятга ва шахсга боғлиқ бўлган омилларнинг аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳамда стрессни намоён бўлишига тиббий, психологик, ижтимоий ёндашувларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган.

2.Педагогик фаолият интеллектуал фаолият билан боғлиқлиги билан бир қаторда ижтимоий муҳит билан ҳам боғлиқдир. Шундай экан, бу ҳолат ўқитувчидан мослашувчанликни шу билан бир қаторда келаётган информацияларни қабул қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бу эса педагогдан жуда катта куч, маъсулият ҳамда интеллектуал қобилиятни талаб этади.

Адабиётлар:

1.Бодров В.А. Информационный стресс.-М.: ПЕР СЭ, 2000.
2.Бодров В.А., Леонова А.Б. Основные подходы к изучению профессионального стресса //Вестник Московского университета. Серия 14. Психология .2000. №3. – С4-20.
3.Леонова А.Б., Чернышева О.Н. Психология труда и организационная психология: современное состояние и перспективы. М.: Радикс, 1995. -448с

https://buxdu.uz

Турсунова Гулчехра Шоахроровна,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Психология кафедраси ўқитувчиси
Ҳидайходжаева Ҳилола Таҳировна,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Психология кафедраси ўқитувчиси

ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТДАН ҚОНИҚҚАНЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация: *Мақолада педагоглардаги касбий фаолиятдан қониққанлик таълим самарадорлигига таъсир этувчи омил сифатида талқин этилган. Касбий қониққанлик турлари, мезонлари очиб берилган. Олий ўқув юрти педагоглари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий фаолиятдан қониққанлик даражаси қиёсий таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *Педагог, касбий қониққанлик, касбий фаолият, касбий қониққанлик турлари, мотив.*

Аннотация: *В статье анализируется удовлетворенность профессиональной деятельностью у педагогов как фактор влияющий на продуктивность обучения. Раскрыты виды, критерии удовлетворенности профессией. Дается сравнительный анализ степени удовлетворенности профессиональной деятельностью педагогов высших учебных заведений и учителей общеобразовательных учреждений.*

Ключевые слова: *Педагог, удовлетворенность профессией, профессиональная деятельность, виды удовлетворенности профессией, мотив.*

Abstract*: The article analyzes the comporative analysis shall satisfaction professional work of teachers of higher education institutions and teachers of educational instutitions.*

Key words: *Teacher, satisfaction with the profession, professional activity, types satisfaction profession, motive.*

Мавзунинг долзарблиги: Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби, таълим-тарбия соҳасида ҳам туб бурилишлар бўлди. Таълим соҳаси ислоҳ қилиниб, унга эътибор анча кучайди. “Таълим тўғрисида” Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Буларнинг барчаси келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга қаратилган.

Барчага маълумки, таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий сиёсий иқлим ҳам кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди. Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқ.

«Бугун қилаётган яхши ишларимиз ёш авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор» - дея таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев [1, 18].

Мустақиллик давридаги таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар том маънода баркамол етук комил шахсни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол, чуқур билимли, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда педагогларнинг роли беқиёс. Жумладан, уларнинг педагогик фаолиятларидан қониқиши таълим самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир.Ҳар қандай фаолиятнинг, жумладан педагогик фаолиятнинг ҳам асосида мотив ётади. Мотив – бу инсонни фаолликка ундовчи куч, мотивация эса мотивлар йиғиндисидир. Шарафли касблардан бири ҳисобанмиш, ўқитувчиларнинг касбидан қониқишида ҳам мотивацион хусусиятлар маълум роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан мотивацион хусусиятларнинг педагоглардаги касбий фаолиятдан қониққанликка таъсирини ўрганиш ғоят долзарбдир.

https://buxdu.uz

Психологик тадқиқотларда касбий фаолиятдан қониқиш мотивлари, характер, касбий фаолиятдаги реал муваффақият даражаси муносабати масаласи аниқланган. Жумладан, хориж психолог олимлари ва рус тадқиқотчилари изланишларида мазкур муносабатлар мавжудлиги қайд қилинади. Лекин айрим тадқиқотчилар фаолиятдан қониқиш ва унинг муваффақиятлилиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бир-бирига таъсир ўтказади деб ҳисоблайдилар.

Ю.Н.Лисенко меҳнатдан қониқишни касбий фаолият самарадорлигининг мезонларидан бири деб ҳисоблайди[4, 28]. Касбий ўзини ўзи англашдаги ривожланиш меҳнатдан қониқиш билан боғлиқ бўлиб, инсон ўзини жамиятга керакли ҳамда тан олинадиган мутахассис сифатида камолга эришса, у шу касбни ҳаётининг асосий фаолияти деб қарайди, натижада, инсон ўзини ва ҳаёт фаолиятини қабул қилади.

Касбдан қониқиш - меҳнат фаолияти муносабатига қўйилган психологик установкалар йиғиндиси бўлиб, ходим томонидан ташкилотда амалга оширилади. Касбий мослашишда меҳнат фаоллиги мотивацияси ва меҳнатдан қониққанлик муҳим рол ўйнайди. Меҳнат мотивацияси - касб танлаш жараёни, касбий тайёргарлик модели ҳамда меҳнат фаолиятида инсоннинг иштирокидир.

Меҳнатдан қониққанлик аввало меҳнатнинг натижаси, индивиднинг ички эҳтиёжларига боғлиқ. Д.Шулц ва Э. Шулцларнинг "Психология ва меҳнат" китобида меҳнатдан қониқишга таъсир қилувчи бир нечта шахсий сифатлар ажратилади[5, 69]:

1) ёш. Ёш ўтиши билан меҳнатдан қониқиш ривожланади;
2) жинс. Кўпинча аёлларнинг иш ҳақи эркакларникига нисбатан паст;
3) мавқе. Меҳнатдан қониқиш қанча юқори бўлса, ходимнинг мансаби шунча баланд;
4) ирқий тенглилик;
5) когнитив қобилиятлар. Меҳнат фаолиятининг интеллект даражасига мос келмаслиги касбдан қониқмасликка олиб келади;
6) фаолиятнинг конгруэнтлиги берилаётган топшириқни бажарувчи қобилиятига мос келишига боғлиқ;
7) ташкилотда ходимга муносабат. Ҳаққоний ёки ноҳақ муносабат ходим фикрича, меҳнатда умумий қониққанликка таъсир қилади;
8) соғломлик ҳолати;
9) иш стажи. Меҳнатдан қониқиш иш фаолияти билан боғлиқ ривожланиб боради;
10) эмоционал турғунлик ва мослашувчанлик. Мослашувчанлик ва эмоционал турғунлик қанчалик юқори бўлса, меҳнатдан қониқиш шунчалик юқори бўлади;
11) бўш вақтини тўғри ташкил этилганлиги;
12) оила ва бошқа фаолиятдан ташқаридаги ишлар. Индивиднинг меҳнат вазифасига унинг оиласи томонидан ҳурмат қониққанликни оширади.

Меҳнатдан қониқиш билан боғлиқ ходим хулқ-атвори:

1) меҳнат самарадорлигини юқори даражадалиги;
2) ходим бошқа ходимларга ёрдамга тайёр;
3) ишга келмаслик даражасининг пастлиги;
4) кадрлар қўнимсизлигининг пастлиги.

Касбдан қониққанликнинг турли шакллари

Фаолиятда ривожланиб борувчи қониққанлик (прогрессив)	**Инсон меҳнатидан умумий қониққанликни ҳис қилади. Интилишлар даражасини ортиши қониққанликда янада юқорироқ даражага эришиш имконини беради. Шунинг учун "ижтимоий қониқмаслик" иш вазиятидаги айрим томонларда шу шаклнинг ажралмас бўлаги бўлиши мумкин.**
Фаолиятдан мустаҳкам қониқиш	**Инсон маълум бир фаолиятдан қониқишни ҳис қилади, аммо интилиш даражаси ва ёқимли қониқиш ҳолатини сақлаб туриш мотиви мавжуд. Интилишлар даражасининг ошиши ҳаётни бошқа соҳаларига қаратилган чунки ишдаги стимуллар етишмайди.**
Итоаткор одамнинг меҳнатдан қониқиши	**Инсон фаолиятидан тушунарсиз қониқмасликни ҳис қилади ва ижтимоий даражасини пасайтиради. У ишлаш вазиятга**

https://buxdu.uz

	нисбатан пастроқ даражадаги салбий томонларга мослашишга ҳаракат қилади. Интилиш даражасини пасайтириб, у яна ижобий қониққанлик даражасига етишиш ҳолатида бўлади.
Фаолиятдан конструктив қониқмаслик	**Инсон фаолиятидан қониқмаганликни ҳис қилади. У интилиш даражасини сақлаб туришга ҳаракат қилади, муаммоларни ечишда фрустрацияга чидамлиликни тарбиялашга ҳаракат қилади.**
Меҳнатдан қониқмасликда бирор нимага диққатни қаратиш	**Инсон фаолиятидан қониқмайди. У ўз имкониятлар даражасида муаммоларни ҳал қилишга интилади. Фрустрация механизмларига доир муаммони ечиш учун имкониятлар чегарасидан чиқиб кетаётгандек туюлади. Шунинг учун индивидуум муаммоларига қўшилиб қолади, вазиятнинг патологик ривожланиш ҳолатини ҳам инкор этиб бўлмайди.**
Фаолиятдан ёлғон қониқиш	**Инсон ўзини фаолиятдан қониқмагандек ҳис қилади. Ечиб бўлмайдиган муаммоларга дуч келганда ёки фаолиятдаги асабийлаштирувчи шарт-шароитда ишдаги салбий вазиятни инкор қилишда меҳнатдан ёлғон қониқиш пайдо бўлади.**

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, педагогларнинг касбий қониққанлик муаммоси хориж психологлари томонидан батафсил ўрганилиб, унинг асосий психологик механизмлари очиб берилган. Қатор психологларнинг илмий изланишларида педагогнинг касбий қониққанлигининг асосий шарти сифатида таълим муассасасининг шарт-шароити, ижтимоий-психологик муҳитнинг ижобийлиги, жамоа аъзоларининг ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёжларининг самарали қондирилиши билан белгиланиши кўрсатиб ўтилади.

Кўпчилик психологлар, шу билан бирга ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Ўзбекистонлик психологлардан Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А. Жабборов, М. Капланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ҳам ўқитувчилик касби ва таълим жараёнига доир муаммолар кенг тадқиқ этилган. Бунда ўқитувчилик касбига мувофиқ яратилган профессиограммани кўриш мумкин.

Методика: Педагогларда касбий фаолиятдан қониққанликнинг намоён бўлишини ўрганиш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотда Низомий номидаги ТДПУ профессор-ўқитувчилари ҳамда умумтаълим мактаби ўқитувчилари иштирок этдилар.

Тадқиқотда қўйилган мақсаддан келиб чиқиб Н.В.Журин ва Е.П.Ильин томонидан ишлаб чиқилган "Ўқитувчиларнинг ўз касби ва ишидан қониққанлиги даражасини аниқлаш" методикасидан фойдаландик [3, 465]. Олинган натижаларни қуйидаги жадвалда умумлаштиришга ҳаракат қилинди.

Жадвал № 1.

Ўқитувчиларнинг ўз касбларидан қониққанлик даражасининг қиёсий таҳлили

Иш стажи	**1-10**	**11-20**	**21-30**
Университет педагоглари	8,1	8,6	**7**
Мактаб ўқитувчилари	**7,3**	**11**	**10,5**

Юқоридаги жадвалда олий ўқув юрти ёш ўқитувчиларининг (1-10 стаж) касбидан қониққанлик даражаси ўртача 8,1 га тенг бўлиб, методика шарҳига кўра 5-10 гача ўртача қониқиш даражасини билдиради.Умумтаълим мактабларининг ёш ўқитувчиларида эса қониқиш даражаси олий таълим ўқитувчиларидан бироз паст бўлиб, 7,3 га тенг. Бу ҳам ўртача кўрсаткич бўлиб, бунда олий ўқув юрти ўқитувчилари ўз танлаган касбларидан, эришган натижаларидан, ҳамкасблар ва талабалар билан муносабатлардан, иш жойидан, иш ҳақидан қониқишларини баён этишган.

https://buxdu.uz

Умумтаълим мактаби ўқитувчилари эса ўқувчиларнинг уларнинг фанларига бўлган муносабатларидан, педагогик жамоанинг фанга бўлган муносабатларидан, ўзларининг касбий ва услубий тайёргарлигидан, ўқув дастурларидан, мактабнинг моддий базасидан қониқишларини баён этишган.

Олий ўқув юртининг тажрибали (11-20 йиллик стаж) ўқитувчилари ҳам ўз касбларидан ўртача қониқишни намоён қилишган, яъни ўрта арифметик қиймат 8,6 га тенг. Тажрибали ўқитувчиларимиз ҳамкасблар билан муносабатидан, маъмурият билан муносабатдан, эришган натижаларидан, ўз касбидан қониқишларини изҳор этишган.

Лекин умумтаълим мактабининг тажрибали ўқитувчиларида юқори қониқишни, ўрта арифметик қиймат 11 га тенг эканлигини кузатиш мумкин. Тажрибали ўқитувчиларимиз ўқувчилар билан муносабатдан, ўзининг касбий, услубий, ташкилий тайёргарлигидан, ўқув дастурларидан, мактабнинг моддий техника базасидан, иш жойидан, иш ҳақидан қониқишларини баён этишган.

Олий ўқув юртининг кекса профессор-ўқитувчиларининг (21-30йиллик стаж) касбдан қониқиш даражаси ҳам ўртача бўлиб, ўрта арифметик қиймат 7 га тенг эканлиги кўриниб турибди. Бу ўқитувчилар иш жойидан, иш ҳаққидан, ўзининг касбий, услубий, ташкилий тайёргарлигидан, ҳамкасблари билан муносабатдан қониқишларини баён этишган.

Умумтаълим мактабларининг кўп йиллик стажга эга ўқитувчиларида эса юқори қониқанликни кузатдик, ўрта арифметик қиймат 10,5 га тенг. Улар ўз касбларидан қониқишларини ифодалаш билан бир қаторда маъмурият билан бўлган муносабатлардан, ҳамкасблари, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан бўлган муносабатлардан, иш ҳақидан қониқишларини баён этишган.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда олий ўқув юртининг ёш, тажрибали ҳамда кекса профессор-ўқитувчилари ҳам ўз касбларидан ўртача қониқишларини аниқладик. Кекса ўқитувчиларда бу кўрсаткич қисман камайиши ҳам кузатилди. Умумтаълим мактабларининг ёш ўқитувчилари ўз касбларидан ўртача қониқадилар. Тажрибали ва кекса ўқитувчиларда эса юқори қониқиш аниқланди. Бу кўрсаткичларни касбга мослашиш билан боғлаш мумкин.

Хулоса. Олий ўқув юртининг ёш, тажрибали ҳамда кекса профессор-ўқитувчилари ҳам ўз касбларидан ўртача қониқишларини аниқладик. Кекса ўқитувчиларда бу кўрсаткич қисман камайиши ҳам кузатилди. Умумтаълим мактабларининг ёш ўқитувчилари ўз касбларидан ўртача қониқадилар. Тажрибали ва кекса ўқитувчиларда эса юқори қониқиш аниқланди. Бу кўрсаткичларни касбга мослашиш билан боғлаш мумкин.

Касбдан қониқиш ва ички мотивлар, жамоадаги психологик иқлим, моддий таъминланганлик, ҳурмат эътибор қозониш, шахсий салоҳиятни рўёбга чиқариш эҳтиёжлари орасида мусбат боғланиш кўзга ташланади. Ташқи мотивация ва касбдан қониқиш орасида эса манфий боғланишларни кузатдик.

Шундай қилиб, педагогик фаолиятда касбий қониққанлик асосий ҳисобланиб, таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил қилишга олиб келади. Педагог шахсда касбий қониққанликни ривожланганлиги уларда касбига нисбатан садоқат, ҳурмат ҳиссини тарбиялаш имконини беради.

Адабиётлар:

1.Мирзиёв Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. "Ўзбекистон". 2017. –Б.18.
2.Бюссинг А. Мотивация и удовлетворенность//Управление человеческими ресурсами / Под ред. М. Пула, М. Уорнера. – СПб.: Питер, 2002.
3. Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. -СПБ.: Питер, 2008.-512 с.
4.Лысенко Ю. Н. Эффективность профессиональной деятельности / Монография / Ю. Н. Лысенко; М-во общ. и проф. образования РФ. Самар. гос. пед. ун-т 1998.
5.Д.Шулц, Э. Шулц Психология и труд. -М. 2000.148 с.

https://buxdu.uz

Рахимова Назокат Қасимджанова,
ТДПУ – Психологи

ТАЛАБАЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА КОГНИТИВ УСЛУБЛАРНИ ИФОДАЛАНИШИ

Аннотация: *Мақолани илмий билимларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ижодий фикрлашни илмий-назарий асосларини ўрганишга бағишланган. Онтологик нуқтаи назардан ижодий фикрлаш фаолият ва алоқа ҳаракати нуқтаи назарлардан ўрганилади.*

Калит сўзлар: *ижодий ёндашув, психологик ривожланиш, когнитив ривожланиш, илмий тадқиқотлар ахлоқи, веб-сайт, бихевористик ёндашув, селектив эътибор, детерминизм, тадқиқот.*

Аннотация: *Статья посвящена научно–теоретическому основания в исследовании креативного мышления на современном этапе развития научного знания. Креативное мышление с онтологической точки зрения исследуется с позиции деятельности и в контексте акта коммуникации.*

Ключевые слова: *Творческий подход, психологический развития, когнитивное развития, этика научного исследования, инсайт, бихевиористический подход, селективное внимание, детерминизм, исследование.*

Abstract: *The article is devoted to the scientific and theoretical basis in the study of creative thinking at the present stage of development of scientific knowledge. Creative thinking from the ontological point of view is studied from the position of activity and in the context of the act of communication.*

Key words: *Creative approach, psychological development, cognitive development, ethics of scientific research, insight, behavioral approach, selective attention, determinism, research.*

Мавзунинг долзаблиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологиялардан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида биринчи ташаббус сифатида “...ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодни юзага чиқаришга хизмат қилади” [1], деб таъкидлаб ўтган. Ушбу вазифадан келиб чиқиб талабалар ижодий қобилияти тараққиётида когнитив услублар хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида ёш филологлар ва рассомларнинг қобилятларини оширишдаги ёндашувлар очиб берилган.

Инсоннинг психологик жиҳатдан индивидуал бетакрорлиги унинг психик ҳаётини ташкил қилувчи барча жабҳаларда қайд этилади. Индивидуал-психологик тафовутлар интеллектуал фаолият соҳасида, айниқса, яққол намоён бўлиб, улар шахс соҳасидаги фарқларга нисбатан юқорироқ аниқлик билан текширилиши мумкин. Адабиётларда интеллектуал фаолиятдаги тафовутларнинг намоён бўлиш йўналишларидан бири когнитив услублар соҳасида экани қайд этилиб, бу ердаги индивидуал-психологик хусусиятлар одамнинг билиш қобилиятидаги устувор мойилликлар билан тақозоланиши таъкидланади. Маълумки, когнитив услублар ахборотни қайта ишлашнинг индивидуал ўзига хос усуллари бўлиб, улар одам интеллектуал хулқ-атворининг хусусиятларини акс эттиради. Когнитив услуб тушунчаси бир томондан ахборотни қайта ишлаш борасида одамлар ўртасида мавжуд индивидуал фарқларни, иккинчи томондан, когнитив соҳанинг тузилишига кўра ажратиладиган одамларнинг типларини белгилаш учун қўлланади.

Мазкур психологик ҳодисани ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларнинг катта қисми Г.Виткин [2] томонидан аниқланган майдонга тобе (МТ) ва майдондан мустақил (ММ) когнитив услублар табиатини ўрганишга қаратилган. Маълумки, майдонга тобе когнитив услуб

https://buxdu.uz

деганда, воқеликни акс эттиришда идрок объектини қуршаб турган предметли ва ижтимоий муҳитдан ажратишга қийналиш, бунда образнинг шакллантирилишида майдоннинг кучли таъсир кўрсатиши, майдондан мустақил услуб деганда эса, аксинча, билиш жараёнида унинг объекти жойлашган майдон хусусиятларининг аҳамиятсиз бўлишини таъминловчи ўзига хос интеллектуал стратегия тушунилади. Ушбу когнитив услубларни ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг натижаларидан маълум бўлишича, майдонга тобе бўлмаган одамларнинг когнитив қобилиятлари нисбатан юқори бўлади. Билимларнинг тўпланиши ва амалий ҳаракат соҳасига кўчирилиши, материални эслаб қолиш ва эсга туширишнинг нисбатан рационал стратегияларини танлаш соҳасида уларнинг кўрсаткичлари одатда уларнинг баландлиги билан ажралиб туради. Майдонга тобе когнитив услубли одамларнинг ижтимоий қобилиятлари юқори бўлиб, улар одатда ахборотнинг ижтимоий манбаларига, айниқса, эътиборли, ижтимоий таъсирларга нисбатан сезгир, мулоқот вақтида қисқароқ жисмоний масофани сақлашга мойил, атрофдагилардан кўпроқ ёрдам кутадиган, суҳбатдошнинг қўллаб қувватлаши таъсирида осонроқ жавоб берадиган, низоли вазиятларни муваффақиятлироқ ҳал қиладиган, бошқаларга салбий муносабатни камроқ ифодалайдиган одамлар орасида кўпчиликни ташкил этади.

Методика: Бу йўналишдаги илмий тадқиқотчилик фаолиятимиз қуйидаги тартибда амалга оширилди:1) таълим йўналиши ижодий фаолиятнинг икки хил турига-бадиий (тасвирий санъат) ва адабий ижодга эътибор қаратилиши билан ажралиб турувчи талабалар (жами "Санъат" факултетининг 64 нафар ҳамда "Ўзбек тили ва адабиёти" факультетининг 60 нафар талабалари) билан когнитив услубнинг устун турини аниқлаш бўйича диагностик текширув ўтказилди ("Х.Готтшалд шакллари" методикаси воситасида); 2) икки хил турдаги таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчи талабаларнинг ўз мутахассислиги соҳасида самарали ижодий фаолият билан шуғулланиши учун уларнинг тафаккури креативлигига хос бўлиши талаб қилинувчи хусусиятлар қанчалик шакллганини текшириш юзасидан психодиагностик синов уюштирилди. Унда Е.П.Илин томонидан тавсифлаб берилган "Гаплар" ҳамда "Вартега доиралари" методикаларидан фойдаланилди; 3) мутахассислик йўналишларида ижодий тафаккурнинг турлича сифатларини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Талабаларда креатив фикрлаш сифати ҳамда устун когнитив услуб ўртасидаги муносабат хусусиятларини миқдорий таҳлил этиш чоралари кўрилди (фоизли таҳлил, Х2 мезонини, К.Пирсон корреляция коэффициенти методлари орқали). Мазкур эмпирик изланиш технологияси ёрдамида тўпланган маълумотлар ижодий тафаккур ва когнитив услублар ўртасида ўзига хос муносабат мавжудлиги, бунда креативликни намоён бўлиш йўналиши муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатди.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, тил ва адабиёт таълими йўналиши бўйича таҳсил олувчи талабалар орасида ўз касбий фаолияти талабларига мазмунан яқин турдаги ижодий топшириқни нисбатан муваффақиятли бажарганлар МТ когнитив услуб устун бўлган синалувчилар орасида нисбий кўпчилик (63,2%)ни ташкил этади.

Айни вақтда статистик аҳамиятли даражадаги тафовут билан тафаккурнинг касбий аҳамиятли йўналишдаги креативлигини намоён этиб, тегишли ижодий топшириқни намунали бажара олмаган талабалар орасида ММ когнитив услубли талабалар нисбий кўпчилик (59,9%)дан иборат. Бошқача айтганда, вербал интеллектнинг яхши ривожланган бўлишини талаб қилувчи ижодий топшириқни бажаришда МТ когнитив услубли талабаларнинг нисбатан кўпчилиги юқори кўрсаткичларга, ММ когнитив услубли талабаларнинг нисбатан кўпчилиги эса паст натижаларга эга бўлиши аниқланди.

Жадвал № 1.

Когнитив услубнинг етакчи турига кўра фарқланувчи филология йўналиши талабаларининг ижодий тафаккур маҳсулдорлиги бўйича тақсимоти
(% ҳисобида) ва тафовути (X^2 мезони бўйича)

№	Ижодий тафаккур маҳсулдорлиги	Когнитив услубнинг етакчи турлари		Статистик тафовут кўрсаткичлари	
		МТ	ММ	x^2	p

https://buxdu.uz

1	Нисбатан юқори (н=17)	63,2%	36,8%	6,9	p<0,01
2	Нисбатан паст (н=18)	40,1%	59,9%	3,9	p<0,05

Изоҳ: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

Ҳақиқатдан ҳам, бадиий асарда муайян сюжетни тасвирлаш давомида муаллиф, албатта, аввалги ва кейинги воқеалар ривожи, яъни контекстни ҳисобга олиши лозим. Шундай экан, бадиий адабиёт соҳасида ижодий фаолият субъекти асарда алоҳида олинган лавҳани тасвирлаганда ҳам уни умумий сюжетдан тўлиқ ажратиб олган ҳолда, яъни перцептив майдондан мустақил тарзда баён этиши қийин. Бироқ тасвирий санъат таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчи талабаларнинг кўрсаткичларида биз ўзгача натижаларни қайд этишимизга тўғри келди. Қуйидаги жадвал (2-жадвал)да талабаларнинг ижодий тафаккури ва когнитив услублари нисбати бўйича тақсимоти ҳамда тафовути берилган.

Жадвал № 2.

Тасвирий санъат йўналиши талабаларнинг ижодий тафаккур маҳсулдорлиги ҳамда когнитив услублар нисбати бўйича тақсимоти

(% ҳисобида) ва тафовути (X^2 мезони бўйича)

№	Маҳсулдорлиги	Когнитив услубнинг етакчи турлари		Статистик тафовут кўрсаткичлари	
		МТ	ММ	x^2	p
1	Нисбатан юқори(н=17)	39,1%	60,9%	4,7	p<0,05
2	Нисбатан паст(н=л 8)	65,3%	34,7%	9,3	p<0,01

Изоҳ: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

Ҳақиқатдан, олинган натижаларга кўра, тасвирий санъат соҳасидаги иқтидорнинг роли нисбатан катта бўлган ижодий топшириқларни бажаришда муваффақиятлироқ ҳаракат қилган талабаларнинг нисбий кўпчилиги (65,3%) майдондан мустақил когнитив услубга эгалиги билан ажралиб туриши маълум бўлмоқда. Новербал креативлик даражаси ўз мазмунига кўра таъсирчан топшириқни бажаришдаги нисбатан паст кўрсаткичларнинг катта қисми эса МТ когнитив услубли талабаларга тегишли. Назаримизда, бу ерда ҳам тегишли ижод соҳасининг ижодкор интеллектуал фаоллигига қўядиган ўзига хос талаблари таъсири акс этмоқда. Жумладан, мутахассислар тахминича, тасвирий санъат соҳасидаги ижодда ижодий асарнинг яхлитлиги ижодкор диққат эътибори бир вақтда ижод намунасининг барча унсурларини қамраб олиши ҳисобига таъминланади. Албатта, кўпчилик ҳолатларда муайян нарса-буюм тасвирини чизаётган рассом унинг сурьатини қандайдир фонда тасвирлайди, негаки, майдондан тўлиқ узиб олиб жойлаштириши, асардан ўзига хос жозибанинг йўқолишига олиб келади. Аммо тасвирий санъат асарида шакл марказий ўринни эгаллаши, бирор нарса буюм, ҳатто, бутун вазиятни қандайдир янада умумийроқ майдондан мутлақо ажратиб тасвирлаш имконияти кўплиги, рассом кўп жиҳатдан шундай йўл тутишга мажбурлиги, бизнингча, бу ижод соҳасида ММ когнитив услубнинг аҳамиятини, унинг вакилларида шундай сифат кучлироқ ривожланишини тақозо этади.

Ўрганилган психологик ўзгарувчилар ўртасида аниқланган муносабат статистик таҳлилнинг нисбатан юқорироқ даражаси бўлган корреляцион таҳлил даражасида ҳам қайд этилди. Корреляцион алоқадорлик кўрсаткичларидан маълум бўлаяптики, филологик йўналишда ижодий тафаккурнинг юқори маҳсулдорлигига МТ когнитив услубнинг устунлиги ижобий, ММ услубнинг устунлиги салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатлардан яна бири шундаки, талабада когнитив услубнинг ижод соҳасига монанд тури устунлик қилишидан ҳосил бўлувчи ижобий кўрсаткич даражаси, ноқулай услуб устунлигининг салбий таъсиридан юқорироқдир. Бошқача айтганда, тегишли

https://buxdu.uz

ижод шакли учун аҳамиятли когнитив услубга эгалик ижодий тафаккур маҳсулдорлигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатса, номувофиқ когнитив услубнинг тўсқинлик қилувчи таъсири у қадар юқори бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, таълим-тарбия амалиёти нуқтаи назаридан яна шу нарса эътиборлики, тадқиқотларда таълим жараёни таъсирида когнитив услублар билан боғлиқ интеллектуал сифатлар сезиларли даражада ўзгариши мумкинлиги исботланган.

Хулоса: Шундай қилиб, талабалар ижодий қобилияти ҳамда когнитив услубларнинг ўзаро муносабати хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотимизнинг ушбу босқичи якунлари бўйича қуйидаги умумий хулосалаларни шакллантириш имкони вужудга келди:

1.Талабаларнинг олий таълим босқичида эгаллайдиган мутахассислиги мазмунига боғлиқ равишда уларнинг ижодий тафаккури ривожланиши хилма хил йўналишларда рўй беради.

2.Ижодий қобилият талабаларнинг бўлажак касбий фаолияти талабларига монанд йўналишда маҳсулдор функционаллашуви уларнинг интеллектуал соҳасида тегишли шаклдаги ижод жараёни учун аҳамиятлироқ бўлган когнитив услуб хусусиятлари қанчалик шаклланганига боғлиқдир.

3.Талабалар интеллектуал индивидуаллиги майдонга тобе когнитив услубнинг доминантлиги билан тавсифланганда улардан вербал креативлик соҳасида, майдондан мустақил услуб устунлигида новербал креативлик йўналишида юқори кўрсаткичларни кутиш ўринли.

4.Талабалик даврида ижодий қобилиятнинг ривожланишида тегишли шаклдаги ижод йўналишида тафаккур креативлиги намоён бўлишига унинг учун аҳамиятли когнитив услубнинг ижобий таъсири ноқулай услубнинг салбий таъсиридан кучлироқ даражада амалга ошади.

Адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев 2019 йил 19 мартдаги ўтказилган “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди” мавзусидаги видеоселектор “Халқ сўзи” газетаси (№54 (7284))
2. G. Vitkin Personality Through Perception: an Experimental and Clinical Study, 1954;
3. G. Vitkin Psychological Differentiation: Studies of Development, 1962.
4. Е.П. Ильин Психология творчества, креативности, одаренности.-СПб.: Питер, 2009.-434с.

https://buxdu.uz

Холмуродова Дилором Абдукаримовна,
ТДПУ “Умумий психология” кафедраси ўқитувчиси

БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАРДА ЭМПАТИЯНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация: *Мақолада психолог учун зарур касбий сифатлардан бири бўлмиш эмпатия, унинг турлари, турли курс талабаларида намоён бўлиши таҳлил қилинган.*

Таянч тушунчалар: *психолог, талаба, эмпатия, касбий сифат.*

Аннотация: *В статье проанализирован одной из важных профессиональных качеств для психолога, такая как эмпатия, их виды, проявления у студентов разных курсов.*

Ключевые слова: *психолог, студент, эмптатия, профессиональная качества.*

Abstract: *The article analyzes one of the important professional qualities for a psychologist, such as empathy, their types, manifestations in students of different courses.*

Key words: *psychologist, student, empathy, professional qualities.*

Мавзунинг долзаблиги: Ҳозирги даврда миллий тикланиш мафкураси шаклланаётган жамиятда маънавий-аҳлоқий муҳит соғломлашаётган миллий қадриятлар инсон ҳуқуқи ва эрки тикланаётган ижодий куч-қуввати намоён бўлаётган бир шароитда баркамол инсон деганда, ўзида ижтимоий-сиёсий маънавий-аҳлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган маърифатли исломий ва дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган ақлан етук аҳлоқан пок жисмонан соғлом ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган эркин ижодкор шахс тушунилади.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ҳам мактабда психологик хизматни услубий ташкил этиш ва ривожлантириш учун зарур имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Янги иш ўринларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш”[10] муҳим вазифа қилиб белгиланган. Таълим тизимида мактаб психологи фаолиятининг асосий мазмуни таълим субъекти бўлган ўқувчиларнинг ҳар томонлама камолотини таъминловчи психологик таъсир воситалари, зарур шарт-шароитлар ва муҳит яратишдан, мижозга, ўқувчига нисбатан эмпатия намоён қилишдан иборат.Шунинг учун психолог талабаларда эмпатия шаклланишининг психологик хусусиятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Эмпатия (юнонча-empatheia- бирга қайғуриш, қайғудош бўлиш); бошқа одамнинг ҳиссий ҳолатини тушуниш, англаш. Эмпатия бошқа одамларнинг психик ҳолатини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қила олиш қобилиятидир. Эмпатия бошқа одамнинг эмоционал ҳолатига қараб, қўшилишиб кетган ҳамдардлик жараёни, бошқа одамнинг кечинмаларини тушуна олиш қобилияти[4, 386].

Психология фанида кенг кўламли, кўп қиррали, мажмуавий хусусиятга эга бўлган категориялардан (когнитив, конитив, аффектив) бири эканлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, аффектив (эмоционал-ҳиссий) ҳолатларнинг бир кўриниши тариқасида эмпатия тушунчасига ёндашилади. Кўпинча эмпатия деганда конкрет шахсни бошқа одамларни эмоционал ҳиссий ҳолатларини мазкур даврда англаш, уларнинг ички ва ташқи кечинмаларини (фавқулоддаги вазиятини) шахсан ўзида акс эттириш қобилияти, айнан шу воқеликни ўзида синаб кўриш тушунилади.

Бошқа одамга ҳамдардлик билдириш, ҳиссиётида намоён этиш, шу вазиятга бевосита кириш ижтимоий психологик нуқтаи назардан шуни ўзида мужассамлаштирадики, кўпинча унга (қувонч ёки изтироб субъектига) раҳми келиш ёки унинг хатти-ҳаракатларидан қониқиш билан чекланибгина қолмай, балки у билан шахс эмоциясининг қувонч, азобланиш, ғазаб ва

[10]“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатилари тўплами. 2017.-(766)-сон.Б.36-37.

https://buxdu.uz

бошқа ҳисларини чуқур изтироб чекиш билан умумий руҳий кечинмалар орқали бирдамликни намойиш этишнинг феномени сифатида якунини топади. Агарда шунга ўхшаш эмоционал ҳиссий ҳолатлар, кечинмалар инсонни руҳан қийноққа солса, у ҳолда бизда ёки муайян шахсда улардан (изтироблардан) фориғ бўлишга ёрдам берувчи ҳаракатга нисбатан кучли эҳтиёж уйғонади ва у реалияга айлана боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, психология тарихи фанида эмпатик альтруизм назарияси бўлиб,у одам альтруизмини изтиробларнинг иккиёқламалигни (гоҳ салбий, гоҳ ижобий кўринишини) акс эттирувчи терминлар орқали тушунтирилиб келинади. Мазкур психологик назарияга биноан, биз ҳамдардлик ҳис туйғуси рўёбга чиқарган шахсий изтироблардан халос бўлишга муҳтожлик сезган одамларга кўмак берамиз. Бунинг учун эса тренинг, махсус машғулотлар, психотерапевтик сеанслар, психодрама, арттерапия, психокоррекция воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда ҳамдардлик, қувончдошлик, (ўзгалар қувончи ёки севинчига шериклик, хушкечинма, нохушкечинма каби психологик атамаларни татбиқ этиш айни муддаодир.

Бундан ташқари, психология фанида "Ижтимоий эмпатия" тушунчаси ҳам қўлланилиб келинади вау ўзига хосс хусусиятлари, моҳияти, таърифи билан бошқа кўринишлардан тафовутланади. Бизнингча, ижтимоий эмпатия деганда одамга эмоционал кечинмани намоён этувчи ижтимоий идрокнинг механизми тушунилади. Эмпатия бир одамнинг бошқа бир шахс ҳамдардлигига акс садо шаклида рўёбга чиқишидир. Бошқача сўз биланайтганда, эмоционал-ҳиссий ички акс садо орқали одамлар бошқаларнинг ички ҳолатини билишга интиладилар. Эмпатия теварак-атрофни шахс қанадй баҳолаётганини ўзида бевосита акс эттириш, унда бошқа инсон ички кечинмасининг вужудга келиши, ўзини тўғри тасаввур этиш кўникмасига асосланади.

Эмпатия қарийб ҳамма вақт билишнинг объектига айланган одамнинг ҳиссиёти ва кечинмаларини субъект томонидан фаол баҳолаш сифатида талқин қилинади, балки у шерикка нисбатан ижобий муносабатни акс эттиради.

Эмпатия шахслараро кечадиган мулоқотнинг феномени сифатида у бевосита одамлар орасидаги ўзаро муносабатларни бошқаради, шахснинг ахлоқий фазилатларини бошқаради, шахснинг ахлоқий фазилатларини белгилайди. Эмпатия ўзаро таъсир этиш жараёнида қадриятлар тизимини шакллантиради, кейинчалик эса шахснинг бошқа одамларга нисбатан муносабатларидаги хулқ-атворини аниқлайди.

Эмпатиянинг ифодаланиши ва унинг шакллари (ҳис қилиш, сезиш, ҳамдардлик, қайғудошлик, қувончга ошнолик, қувончдошлик) кўпинча шахснинг табиий (ирсий, генетик) хусусиятлари, жумладан, унинг зеҳнига, истеъдодига, талантига, тарбия шарт-шароитларига, инсоннинг ҳаёт ва фаолиятига, унинг эмоционал-ҳиссий тажрибасига боғлиқ. Худди шу боис эмпатия ўзаро таъсир ўтказиш жараёнида муомалада вужудга келади, шаклланади.

Эмпатиянинг негизида жараён тариқасида идентификациянинг англанилган ёки англанилмаган механизми ётади. Бизнингча, идентфикация, ўз навбатида инсоннинг асосий, фундаментал хусусиятлари (ўз шахсини, ўз халқ-атворини, бошқа одамларнинг ҳолатини ўзини қиёслаш қобилияти) таъсирининг маҳсули ҳисобланади.

Аксарият психологлар эмпатияни таҳлил қилишда икки жиҳатни алоҳида таъкидлайдилар: биринчидан, бошқа одамга нисатан ижобий муносабати уни яхлит шахс сифатида тан олинганликни билдиради. Шунинг билан бирга, шунга ўхшаш муносабат субъектнинг салбий реакциясини инкор этмайди, чунки унинг муомаладош шериги шу фавқулоддаги дақиқаларда нималарни ҳис қилаётганлигини, қандай кечинмалар билан банд эканлиги номаълум бўлиши мумкин. Иккинчидан, бошқа шахсга нисбатан эмпатия туйғусини ҳис қилаётганда субъект эмоционал жиҳатдан холис ҳолда қолиши мумкин, яъни бу кезда бир қанча вақт давомида бошқа кечинмалар, ҳиссиёт, эзгу ният оламида ўзини тасаввур қилиш, у тўғрисида на ижобий, на салбий мулоҳазалар билдиришга, хулосалар чиқаришга нисбатан қарор қабул этмаслиги эҳтимол.

Бироқ АҚШ, Россия психологлари олиб борган инсонни инсон томонидан тушуниш бўйича экспериментларда шу нарсани далилладики, синалувчилар доимо у ёки бу даражада баҳоланиш субъектига нисбатан ижобий муносабатни намоён этадилар. Онг билан кечинмалар бирлиги принципи инсон психикасининг хусусиятига хос эканлиги ҳолатини психологлар

https://buxdu.uz

тасдиқлайдилар. Маълумки, борлиқни акс эттириш доимо унга аффектив муносабат орқали кириб боради.

Методика: Тадқиқотда бўлажак психогогларда эмпатия даражасини аниқлаш учун В.В.Бойконинг “Эмпатия даражасини диагностика қилиш” методикасидан фойдаландик. В.В.Бойко эмпатия структурасида бир неча каналларни ажратади.

Эмпирик таҳлил: Бойконинг эмпатия даражасини аниқлаш методикаси ТДПУ педагогика ва психология факультетининг психология таълим йўналишининг 2-курс ва 4-курс талабаларида ўтказилди. Олинган натижаларни қуйида умумлаштирамиз.

Жадвал № 1.

Талабаларда эмпатиянинг намоён бўлиши

	Рационал	Эмоцио-нал	Интуитив	Установ-калар	Қобилият	Иденти-фикация	Умумий
2-курс	3,4	3,6	5,3	5,4	3,1	3,3	24,1
4-курс	5,3	4,7	3,1	5,6	5,3	4,3	28,3

Юқоридаги жадвалда эмпатиянинг рационал канали ўрта арифметик қиймати 2-курсларда 3,4га, 4-курсларда эса 5,3 га тенг эканлиги кўриниб турибди.4-курсларда эмпатиянинг рационал канали 2-курсларга нисбатан юқорироқдир. Эмпатиянинг рационал канали.Эмпатия билдираётган субъектнинг бошқаларнинг ҳолатига, муаммоларига, хулқ-атворига эътибор бериш, идрок қилиш, фикрлашга йўналганлиги билан тавсифланади. Бу бошқаларга тўсатдан қизиқиш бўлиб, шерикни эмоционал ва интуитив акс эттириш имконини беради. Эмпатиянинг рационал компонентида бошқаларга қизиқишнинг мотивацияси ёки мантиғини излашнинг ҳожати йўқ. Шерик ўзининг соддалиги, ҳаётийлиги, маишийлиги билан бошқаларда эмпатия уйғотади.

Эмпатиянинг эмоционал канали ўрта арифметик қиймати 2-курсларда 5,3 га, 4-курсларда эса 3,1 га тенг эканлиги кўриниб турибди.4-курсларда эмпатиянинг эмоционал канали 2-курсларга нисбатан юқорироқдир. Эмпатиянинг эмоционал канали. Эмпатия субъектининг атрофдагиларнинг ҳиссиётларига шерик бўлишида намоён бўлади. Ҳиссий кўнгилчанлик шерикнинг энергетик майдонига кириш воситаси ҳисобланади. Агар эмпатия йўналтирилган шахсга энергетик мослашилса, шерикнинг ички дунёсини тушуниш, хулқ-атворни башорат қилиш, унга маҳсулдор таъсир этиш мумкин.

Эмпатиянинг интуитив канали ўрта арифметик қиймати 2-курсларда 5,3 га, 4-курсларда эса 3,1 га тенг эканлиги кўриниб турибди.2-курсларда эмпатиянинг интуитив канали 4-курсларга нисбатан юқорироқдир. Эмпатиянинг интуитив канали.Балда баҳолаш респондентнинг шерик хулқ-атворини кўра олишини, у ҳақда дастлабки маълумот етишмайдиган вақтда онг остига таяниб ҳаракат қилишидан далолат беради. Шерик ҳақидаги маълумотлар интуицияга асосланиб умумлаштирилади. Интуиция баҳолаш стереотипларига эмас, шерикни онгли идрок қилишга боғлиқ бўлади.

Эмпатияга имкон берувчи ёки тўсқинлик қилувчи установкаларканали ўрта арифметик қиймати 2-курсларда 5,4га, 4-курсларда эса 5,6 га тенг эканлиги кўриниб турибди.4-курсларда эмпатиянинг установкалар канали 2-курсларга нисбатан юқорироқдир. Эмпатияга имкон берувчи ёки тўсқинлик қилувчи установкаларбарча эмпатик каналларнинг ҳаракатини енгиллаштиради ёки қийинлаштиради. Агар инсон шахсий муносабатлардан қочса, бошқа одамларга қизиқиш билдирмаса, атрофдагиларнинг муаммолари ва кечинмаларига хотижам муносабатда бўлиш керак деб ўзинп ишонтирган бўлса, эмпатиянинг маҳсулдорлиги пасаяди. Бундан онгли кайфият эмпатик идрок ва эмоционал кўнгилчанлик диапазонларини чеклайди. Аксинча, агар шахс установкалари томонидан тўсиқлар бўлмаса, эмпатиянинг турли каналлари фаолроқ ва ишончлироқ ҳаракат қилади.

Эмпатияга кирувчи қобилиятларканали ўрта арифметик қиймати 2-курсларда 3,1 га, 4-курсларда эса 5,3 га тенг эканлиги кўриниб турибди. 4-курсларда эмпатияга кирувчи қобилиятларканали 2-курсларга нисбатан юқорироқдир. Эмпатияга кирувчи қобилиятларинсоннинг муҳим коммуникатив хислатлари сифатида баҳоланади, очиқлик, ишонч, самимийлик муҳитини яратиш имконини беради. Ҳар биримиз шерикка муносабатда

https://buxdu.uz

хулқ-атворимиз билан информацион-энергетик алмашинувга мойил бўламиз ёки унга тўсқинлик қиламиз. Шерикнинг заифлиги эмпатияни туғдиради, зўриқиш, сунъийлик, шубҳаланувчанлик эмпатия пайдо бўлишига тўсқинлик қилади.

Эмпатиянинг идентификация канали ўрта арифметик қиймати 2-курсларда 3,3 га, 4-курсларда эса 4,3 га тенг эканлиги кўриниб турибди. 4-курсларда эмпатиянингидентификация канали 2-курсларга нисбатан юқорироқдир. Идентификация – муваффақиятли эмпатиянинг шароитларидан биридир. Бу бошқаларни кечинмалари асосида тушуниш, шерикнинг ўрнига қўйиш кўникмасидир. Идентификация асосида эмоцияларнинг тезлиги, эгилувчанлиги, ҳаракатчанлиги, тақлид қилиш қобилияти ётади.

2-курс талабаларида эмпатиянинг умумий кўрсаткичи 24,1 га, 4- курсларда эса 28,3 га тенг. Бўлажак психолог талабаларда касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ортиши натижасида юқори курсларда эмпатия ҳам ортиши тадқиқотлар давомида аниқланди.

Хулоса: Шундай қилиб, эмпатия психологлар учун касбий муҳим хислатлардан ҳисобланади. Бўлажак психологларда эмпатия 2-курсларга нисбатан 4-курсларда юқори даражада ривожланган.

Адабиётлар:

1. Ильин Е.П. Психология помоши. Альтруизм, эгоизм, эмпатия.-СПб.: Питер, 2013.-304 с.
2. Шадриков В.Д. «Проблема профессиональных способностей», 2012.- 285 с.
3. Ғозиев Э.Ғ. Психология методологияси. – Т.: Ношир. 2013.-312 б.
4. Психологик атамалар русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: “Фан ва технология”. 2019. 400 б. (Соғинов Н.А., Нишанова З.Т. в.б.)

https://buxdu.uz

Шерматова Назокат Сафаровна,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқитувчиси

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВ МУАММОСИ

Аннотация: *Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг касбга мослашув муаммоси, ходимнинг ҳиссий-иродавий барқарор бўлиши зарурлиги, экстремал вазиятларда ходимда ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтирувчи ва ноаниқликлар, адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг бўлмаслиги, психологик жиҳатдан мураккаб бўлган шароитларда вазифани бехато бажариш машқини олганлик, касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик ва диққатни намойиш этиш каби касбий сифатларни шакллантиришни йўлга қўйиш масаласи илмий-назарий жиҳатдан очиб берилган.*

Калит сўзлар: *касбий-психологик адаптация, касбий-психологик хислатлар, ходимнинг касбий-психологик хусусиятлари, самарадорликни оширувчи омиллар, касбий мулоқот, касбий маҳорат.*

Аннотация: *Статья посвящена психологической адаптации сотрудников милиции к профессиональной деятельности. В статье также подробно рассматриваются такие вопросы, как профессиональная деятельность, сервисные команды и компоненты психологической адаптации, описание типов адаптации, ее специфические особенности, а также роль личностных и профессиональных качеств в командной адаптации*

Ключевые слова: *профессионально-психологическая адаптация, профессиональные и психологические качества, профессиональные и психологические характеристики работника, факторы, повышающие производительность, профессиональное общение, профессионализм.*

Abstract: *The article addresses the problem of professionalism amongthe emloyees of Internal Affairs Agencies, the need for emotional stability of the employee, the lack of psychological reactions that can reduce the effectiveness of the employee in extreme situations, avoiding psychological reactions that can lead to uncertainties and errors, obtaining the skills of performing tasks without mistakes in psychologically complex conditions, maintaining professional vigilance and showing reasonable prudence and attention to risks, dangers, and unexpected situations scientifically and theoretically.*

Keywords: *professional and psychological adaptation, professional and psychological qualities, professional and psychological characteristics of the employee, factors that increase productivity, professional communication, professionalism.*

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки, мамлакатимизда ички ишлар тизимида амалга оширилаётган турли ислоҳотлар Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган фидоий, виждонли ва юксак маънавиятли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифалари каби қатор долзарб масалаларни қўймоқда.

Бу эса, ҳар бир ходимнинг касбий фаолиятида психология илмининг сир-асрорларидан хабардор бўлиш ва шу асосда қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутади. Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

https://buxdu.uz

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, «айни вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига нисбатан бошқаларга қараганда бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки улар аввало давлат, ҳокимият номидан иш олиб боради ва бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»[3].

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи омиллар, шунингдек, ушбу фаолиятнинг психологик жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш, шу орқали бу фаолиятни такомиллаштиришнинг психологик механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш ҳамда уларни психологик жиҳатдан касбга мослаштириш давр талабидир.

Ҳар қандай касбий фаолият инсонга муайян талаблар қўяди ҳамда унинг шахси ва бутун турмуш тарзига ўзига хос из қолдиради. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолияти самарадорлигини белгилаб берувчи шахсий хислатларга эга бўлиши лозимлигини аниқлаш учун ушбу фаолиятнинг ўзини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, таркибий тузилишини очиб бериш зарур. Касбий фаолиятнинг қонуниятларини аниқлаш уни нафақат ўрганишга, балки такомиллаштиришга ҳам қаратилган ташкилий тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга имкон беради.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг психологик хусусиятлари юридик психологияда етарлича батафсил таҳлил этилмаган. Шу билан бир бирга ички ишлар органлари ходимларининг касб фаолияти тузилишини психологик жихатдан таҳлил килиш, ушбу фаолиятга хос психологик хусусиятлар мажмуини илмий асосда янада чуқурроқ тадқиқ этиш мухим ахамиятга эга. Ходим касбий фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини кўриб чиқиш ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб ва серқирралигидан далолат беради.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг хусусиятлари, яъни ички ишлар органи ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги, кенга тактик майдоннинг мавжудлиги, ҳокимият ваколатига эгалиги, манфаатдор шахсларнинг доимий равишда қаршилик кўрсатиши ва тўсқинлик қилиши, коммуникативлик, вақт танқислиги ва ишнинг ҳаддан ташқари кўплиги уларнинг касбга мослашуви ҳамда амалий фаолиятида руҳий жиҳатдан тайёргарлигига салмоқли таъсир кўрсатади.

Бу санаб ўтилган ходимлар фаолиятининг хусусиятлари, агарда ходимда касбга мослашув жараёнида, касбий-психологик жиҳатдан етарлича тайёргарликка эга бўлмаса унинг ташқи таъсирлар натижасида стрессларга тез тушиб қолишига олиб келади. Ходимларнинг ташқи таъсирлар натижасида стрессларга тушиб қолиши оқибатида шахслараро муносабатлар тизимида низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига, куч ишлатишга асосланган усуллардан, яъни хиралик қилиш, зўравонлик, қўрқитиш ва бошқа ғайриқонуний чоралардан фойдаланишига олиб келади. Лозим даражадаги касбий-психологик тайёргарликнинг йўқлиги – инсон бепарволигининг муҳим сабабларидан бири, тошбағирлик, расмиятчилик, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, қонунийликни бузиш ва жиддий касбий хатоларнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти – ходим учун доимо "хавотир"да бўлишни талаб қиладиган жараёндир. Баъзи пайтларда ташқи томондан таъсир этувчи босим шунчалик кучли бўлиши мумкинки, у инсонни турли даражадаги стрессларга олиб келади. Стресс ходимнинг хизмат фаолиятида салбий акс этиб, жиддий натижаларга олиб келиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бўлажак ходимларни фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлашда уларга хавфли вазиятлардан чиқиб кета олиш, мураккаб шарт-шароитларда ўз-ўзини назорат қилиш малакасини сингдириш лозим [9].

Психологияда шахснинг касбий маҳоратини тадқиқ қилишда С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев ва бошқа психолог олимлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ривожлантирилган онг ва фаолият бирлиги тамойилига [8] фундаментал категория сифатида ёндашилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий камолоти муаммосини тадқиқ этишда Т.В.Кудрявцев томонидан ишлаб чиқилган шахснинг касбий камолоти узоқ давом этувчи, кўп

https://buxdu.uz

жабҳали ва ҳаракатчан жараён эканлиги ҳамда у ўз тараққиёти давомида тўрт босқични босиб ўтишини эътироф этувчи қарашлар назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Т.В. Кудрявцев назарияси бўйича **касбий камолотнинг босқичлари**ни қуйидагича ифодалаш мумкин: [7]

1-босқич – касбий ният;

2-босқич – таълим ва тарбия;

3-босқич – касбга кириш;

4-босқич – касбий маҳорат.

Ҳар қандай мутахассисликда касбий маҳоратга эришиш даври узоқ ва қийин кечади. Мазкур муаммонинг назарий жиҳатлари Б. Г. Ананъев, Е. А. Климов, А. И. Алексеев, Р.З.Гайнутдинов, Э. Ғ. Ғозиев, С. В. Асямов, Е. Ю. Агзамова, Б.Н.Сирлиев, Р.Х.Душанов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ишлаб чиқилган. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида касбий фаолиятнинг бошқарувда бевосита иштирок этадиган алоҳида шахс тузилмалари ҳамда уларнинг онтогенези, тузилиши, вазифалари, имкониятлари, шаклланиш қонуниятлари, ҳуқуқий маданияти ва бошқа масалалар таҳлил қилинган. Бир қатор илмий ишларда одам томонидан ўз шахсий сифати, хусусиятларини акс эттириши ва англашининг назарий аҳамияти билан биргаликда, уларни такомиллаштиришда амалиётнинг муҳим эканлиги, яъни шахснинг касбий хусусиятлари ва касбий маҳорати ўртасидаги ўзаро боғланиш ҳам эътироф этилади.

Касбий фаолият ходимга кўплаб турли хил талаблар қўяди, улар орасида энг муҳимларидан бири

шахсда **касбий хислатлар**нинг ривожланган бўлиши. Бунга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

– шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги;

– психологик барқарорлик;

– ривожланган иродавий хислатлар: мураккаб вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик;

– яхши ривожланган коммуникатив хислатлар;

– турли тоифадаги кишилар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва уни сақлай билиш;

– турли хил профилактик ишларни амалга оширишда фуқароларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти;

– ривожланган, касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатлари: кузатувчанлик ва диққатлилик, ривожланган хотира, ижодий тасаввур;

– ривожланган тафаккур, ақлий ишга мойиллик, фаросат, ривожланган интуиция;

– зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш.

Ушбу хислатлар инсонга туғилганидан хос эмас, уларни шакллантириш ва ривожлантириш – давомли ва қийин жараён, аммо у ички ишлар органлари ходимларининг касбий шаклланиши учун зарур шартдир. Ушбу хислатларнинг ходим шахсида бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги ўз функционал вазифаларини меъёрида бажаришига халақит беради, фаолиятида хатоларга йўл қўйишига, ўз касбига мослаша олмаслигига ва касбий бузилишига олиб келади. Шу боис ходимларда ушбу хислатларни шакллантиришга хизмат қиладиган касбий-психологик тайёргарлик катта аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат жараёнида ўз ҳолатини бошқариш зарур бўлган вазиятлар тез-тез юзага келади. Руҳий ва жисмоний зўриқишлар ҳаддан ташқари катта бўлганда, бунинг устига ходим ўз хатти-ҳаракатларини ёмон бошқарганда асабийлашиш юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятларнинг такрорланиши кўпинча ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессияларга олиб келади. Масалан, ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят қидирув бўлимларининг сўралган ходимларидан 30 % уйқусининг бузилишидан шикоят қилганлар, 80 % дан кўпроғи невротик ҳолат кўринишларининг бир неча аломатлари борлигини таъкидлаганлар. Бу аломатлар иш кунининг охирига борганда чарчаш (70 %), диққатнинг пасайиши (30 %), тажанглик (20 %), бош оғриғи ва айланиши (10 %), уйқучанлик ва дармонсизлик (10 %)ларда намоён бўлади [6].

https://buxdu.uz

Шу боис ходимларнинг ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш йўллари ва усулларини эгаллашлари бугунги кунда жуда долзарб вазифадир. Хизмат фаолиятида асаблари мустакамроқ бўлган, рақиб (жиноятчи) билан курашишга яхшироқ шайлана оладиган, нафақат жисмоний ва ақлий имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган, балки асабий-руҳий фаоллигини мақбул даражада сақлай оладиган, тезкор-хизмат фаолиятининг мураккаб вазиятларида ўзининг иродавий фаоллигини намоён қила оладиган ходимлар кўпроқ муваффақиятни қўлга киритадилар.

Ходимдаги ҳиссий-иродавий барқарорликка унинг касбий фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатувчи аломатлардан бири сифатида қараш мумкин. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ходимнинг касбий малака ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Ҳиссий-иродавий барқарорлик деганда, мураккаб вазиятларда муваффақиятли ишлаш учун қулай бўлган психик ҳолатни сақлаш қобилияти тушунилади. **Ҳиссий-иродавий барқарорлик** қуйидагиларда намоён бўлади:

– экстремал вазиятларда ходимда ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтирувчи ва ноаниқликлар, адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги;

– психологик жиҳатдан мураккаб бўлган шароитларда вазифани бехато бажариш машқини олганлик;

– касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик ва диққатни намойиш этиш;

– ишларни қатъий қонун асосида юритишга таъсир этувчи шахсларнинг руҳий таъсирига берилмаслик;

– жиноятларнинг олдини олишга, уларни очиш ва тергов қилишга қаршилик кўрсатувчи шахсларга қарши психологик кураш олиб бориш қобилияти;

– психологик жиҳатдан мураккаб, низоли, иғвогарона вазиятларда ўзини йўқотмаслик.

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш жараёни қуйиди учта асосий **принцип**га таянади:

– релаксация;

– визуаллаштириш;

– ўзини ўзи ишонтириш.

Релаксация принципининг моҳиятини тана ва руҳнинг биргаликда ишлашга тайёрланиши ташкил этади. Айнан релаксация пайтида ўз ички овозингизни эшитиш ҳамда ўз организмингиз ва тафаккур фаолиятингизнинг алоқасини ҳис этишингиз мумкин. Релаксация ёки бўшашиш тана ва руҳни кераксиз зўриқишдан ва одамни бўшаштириб юборадиган жиҳатлардан озод қилишни билдиради, у инсонга фойдали психологик ва физиологик таъсир кўрсатади. Бу ўзаро таъсир кўрсатувчи жараён: унда мия хотиржамлашгани сайин тана бўшашади, тана бўшашгани сайин мия хотиржам бўла боради.

Иккинчи принцип – визуаллаштириш. Интиутив тафаккур онгга кириб боришининг турли йўлларидан фойдаланади. Асосийси манзара ҳосил қилиш ёки миянгизда образларни гавдалантириш йўлидир. Визуаллаштириш йўналган тасаввурни эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тери билан сезиш сезгилари ҳамда уларнинг комбинациялари ёрдамида фаоллаштиришнинг турли усулларини билдиради. Аслида инсон мияси объектив олам образларига ҳам, онгда юзага келадиган образларга ҳам бир хилда жавоб беради. Шу боис визуаллаштириш кўникмалари инсонга ўз ички имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, руҳий жараёнларнинг кечишини фаоллаштириш имконини беради.

Ўзини ўзи ишонтириш принципнинг моҳияти шундаки, биз ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида ички образларимизни онгимизда акс-садо сифатида бир неча марта такрорланадиган сўзлар билан ифодалаймиз. Ўзининг ички кучи ва қўллаб-қувватланиши билан тўлган бу сўзлар ҳис-туйғулар даражасида чуқур қабул қилинади. Бундай ички акс-садони «Мен буни қила оламан» сўзларида намоён бўладиган муносабат, ният ва майл сифатида ифодалаш мумкин. Ўзини ўзи ишонтириш муваффақиятга эришиш мумкинлиги ҳақида биринчи шахс номидан ҳозирги замонда ифодаланган аниқ таъкиддир. Инсоннинг ўзига қарата айтган сўзлари ўз мақсадларига эриша олишига бўлган ишончини кучайтиради ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатади. Бу сўзлар мияни мақсадга эришиш борасида ишлашга ва бунда фаол иштирок этишга мажбур қилади. Ўзини ўзи ишонтириш – образларни сўзда ифодалашга имкон берувчи фаол мойилликдир.

https://buxdu.uz

Бугунги кунга келиб ходимнинг касбга мослашув жараёнида касбий-психологик тайёргарлиги нафақат махсус юридик билимлардан, балки касбий-психологик тайёргарликдан ҳам ташкил топиши зарур.

Шу муносабат билан ходимларнинг касбга мослашув жараёнида касбий фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий, профессионал жиҳатдан муҳим хислатларини ривожлантиришга, улар фаолиятининг ишончлилигини оширувчи психологик усулларни ўрганишига, одамлар билан моҳирона ишлашига ёрдам берувчи усулларни ўзлаштиришлари жуда муҳим.

Жамиятда шундай касблар борки, уларни ҳар қандай одам ҳам эплай олмайди. Сабаби, мазкур касбга киришишдан аввал махсус синов ва тайёргарликлардан ўтиш талаб этилади. Бундай касблар сирасига ички ишлар соҳасини ҳам киритиш мумкин. Ички ишлар тизимида хизмат қилиш учун танланган номзодлардан турли вазиятларга руҳий мослашувчанлик талаб этилади. Бу давомий ва сермашаққат жараён бўлиб, унда номзодларнинг оилавий аҳволи, жисмоний саломатлиги, руҳий чидамлилиги каби жиҳатлар пухта ўрганилиши талаб этилади.

Бугунги кунда ички ишлар вазирлиги тизимида таҳсил олаётган ҳар бир тингловчи-курсантлар худди шу каби текширувлардан ўтказилганлиги билан бошқа олий ўқув юрти талабаларидан фарқ қилади. Тингловчи-курсантлар билим даргоҳига қабул қилинганларидан сўнг бир ой давомида бўладиган дала машғулотларида уларда муҳитга руҳий мослашувчанликни шакллантиришга қаратилган ўқув машғулотлари ўтказилади.

Бироқ, бугунги кунда ички ишлар вазирлиги тизимига қабул қилинадиган номзодларга қўйилаётган талаблар етарли даражада деб бўлмайди чунки, номзодларни фақат жойларда тиббий ва руҳий аҳволи қисман ўрганилмоқда. Бу номзодларни тўлиқ равишда ўрганиш имконини бермайди. Шу сабабли номзодларни танлаш ва уларни ўрганишда психологик билимларга таяниш, яъни инсоннинг шахсий-касбий сифатларини ўрганувчи психологик методикалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари шундай вазиятда фаолият кўрсатмоқдаларки, унинг хизмат фаолиятини муҳим таркибий қисми вокеликка психологик мослашув жараёни ҳисобланади, унда ходимлар ҳар хил вазиятларда турли тоифадаги фуқаролар билан муносабатларга киришади ва ҳ.к.

Бундай шароитларда ходим нафақат ҳақ бўлмоғи, балки одамлар унинг талабларини адолатли ва инсонпарвар эканлигига ишониши уларнинг обрўсини ошишига замин яратади. Маълумки, хизмат вазифаларини фақат ҳуқуқий томони билан чекланган ҳолда самарали ҳал этиб бўлмайди. Худди шундай, одамларнинг онги, фикрлари, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатларини ҳам турли идоралар ўртасида тақсимлаб бўлмайди.

Психологик мослашувчанлик жиҳатини инобатга олмаслик, ходим ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтиради. Ўз ишининг барча психологик жиҳатлари ва муносабатларини тушуниш ички ишлар органлари ходимининг касб маҳорати даражасини акс эттиради. Бироқ ходимни психологик қийинчиликларни енгишга тайёрлаш ҳали кундалик ҳодисага айланмаган. Ходимнинг касбий-психологик жиҳатдан зарур даражадаги мослашувчанликка эга эмаслиги унинг касб маҳорати ва фаолиятида сурункали касаллик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ходим инсон хатти-ҳаракатлари ва муносабатларини таҳлил қилиш ва тартибга солишга ожиз қолса (бунинг устига уни хизмат вазифасини бажариш бўйича масъулият юки босиб турган бўлса), у куч ишлатишга асосланган усуллардан, яъни хиралик қилиш, зўравонлик, қўрқитиш ва бошқа ғайриқонуний чоралардан фойдаланишга ундовчи вазиятга тушиб қолади. Лозим даражадаги касбий-психологик мослашувчанликнинг йўқлиги – инсон бепарволигининг муҳим сабабларидан бири, тошбағирлик, расмиятчилик, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, қонунийликни бузиш ва жиддий касбий хатоларнинг битмас-туганмас манбаидир.

Бошқа тарафдан, илғор тажрибанинг умумлаштирилиши ва юридик психологиянинг ривожланиш даражаси бугуннинг ўзидаёқ барча жойларда касбий-психологик мослашувчанликни йўлга қўйиш орқали ушбу қолоқликнинг олдини олишга, ички ишлар органлари ходимларининг ишида профессионализм даражасини сифат жиҳатдан кўтаришга имкон бермоқда.

https://buxdu.uz

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ходимлар касбий фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий, профессионал жиҳатдан муҳим хислатларини ривожлантиришга, улар фаолиятининг ишончлилигини оширувчи психологик усулларни ўрганишга, одамлар билан моҳирона ишлашга кўмак берувчи усулларни ўзлаштиришлари муҳимдир.

Ходимлар одамлар билан моҳирона ишлашга кўмак берувчи психологик усулларни қўллашда ўз руҳияти, қолаверса, бошқаларнинг руҳий ҳолати; касбий-психологик ва педагогик тайёргарлик қонуниятлари; шахсларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари; турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш ва ўзаро муносабатларни тўғри ташкил этиш методлари; ҳуқуқбузар шахс бўлиб шаклланишга таъсир қилувчи психологик сабаб ва шарт-шароитлар; ходимларининг маънавий қиёфаси ва ахлоқий фазилатларини белгиловчи назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари керак.

Демак, ички ишлар органларининг ходимларини касбий фаолиятига мослаштиришдан кўзланган асосий мақсад уларда хизмат фаолиятининг ҳар қандай мураккаб шароитларида касбий жиҳатдан тўғри, аниқ, юқори ишчанлик билан ҳаракатланишга тайёрлик фазилатларини шакллантиришдан иборат деган хулоса қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3216-сонли “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2012. – 17 март.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т. «Ўзбекистон» нашриёти. 311-312 бетлар.
5. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – Б. 45 .
6. Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – 17-б.
7. Душанов Р. Х., Фарфиев Ё. А. Касбий психология: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 284-б.

https://buxdu.uz

Бафаев Мухиддин Мухаммадович,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Психология кафедраси ўқитувчиси

ХОРИЖ ПСИХОЛОГЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА МИЛЛИЙ БАҒРИКЕНГЛИК МУАММОСИ

Аннотация: *Мақолада “толерантлик” тушунчасига айрим изоҳлар ҳамда мазкур тушунчанинг хориж психологлари тадқиқотларида таҳлили хусусида сўз боради. Миллий толерантлик (миллатлараро толерантлик)ка ижтимоий психологик ёндашув хориж психологлари тадқиқотларида ўз аксини топган.*

Таянч тушунчалар: *толерантлик (бағрикенглик), миллий бағрикенглик, “Мен”- қиёфа, “Бошқа”-қиёфа, комплекс сифатлар, миллий маданият, қадрият, ижтимоий-психологик ёндашув, психологик тайёргарлик, психологик феномен.*

Аннотация: *В статье идет речь о некоторых определений понятию “толерантность”, об анализе исследований зарубежных ученых, психологов по данному понятию. Социально-психологический подход к национальному толерантностью (межнациональному толерантностью) находит свое отражение в исследованиях зарубежных ученых, психологов.*

Ключевые слова: *толерантность, национальная толерантность, Образ-Я, Образ-Другой, комплексные качества, национальная культура, ценность, социально-психологический подход, психологическая готовность, психологический феномен.*

Annotation: *The article refers to some definitions of the concept of "tolerance," an analysis of the research of foreign scientists, psychologists on this concept. The socio-psychological approach to national tolerance (inter-ethnic tolerance) is reflected in the research of foreign scientists and psychologists.*

Key words: *tolerance, national tolerance, Image-Self, Image-Other, complex qualities, national culture, value, socio-psychological approach, psychological readiness, psychological phenomenon.*

Мавзунинг долзарблиги: “Толерантлик” тушунчаси – маҳаллий ва чет эл ижтимоий-сиёсий, маданий ва ҳуқуқий адабиётларида энг кенг тарқалган замонавий атамалардан биридир. “Толерантлик” атамасининг этимологияси (лотинча “tolerantia”) лотин тилидаги “tolero” феъ̈лидан – “қўлда тутмоқ, ушламоқ”, ҳамда “ташимоқ, кўчирмоқ, кўтариб олиб келмоқ; сақламоқ; едирмоқ, боқмоқ; қолмоқ”. “Tolero”нинг дастлабки маъноси – бирор-бир нарсани қўлда “ташимоқ, ушламоқ”. Бинобарин, ҳаётимизда мавжуд бўлган барча қўлимизда тутиб турган нарсаларимиз ёки ҳаётимиз давомида қўлда тутиб туриш талаб қилинадиган нарса борки, биздан уни ўзимизда сақлаб қолишимиз учун куч, зўриқиш ва “чидам”, қийналиш ва бардошни талаб қилади. Бунинг барчаси – бизнинг ташқи нохуш таъсирга нисбатан бўлган “бардошимиз”, чидамлилигимиз. Антик даврдаёқ учраган *tolerance* ва *toleration*дан (лотинча *tole-rantia* дан) ўзлашган сўзлар “қийналиш, азоб-уқубат” маъноларини ўзида мужассамлаштирганлиги маълум бўлган. Ўзбек тилига хорижий тиллардан рус тилидаги таржималар орқали кириб келган “толерантлик” тушунчаси, муносабатларнинг турли шаклларини ифодалаб, шарҳланиши анчагина кенг доирани ташкил этиб қолган. Толерантлик тушунчасига ёндашувнинг тарихий-маданий ва семантик фарқлари мавжуд. Жумладан рус тилида толерантлик салбий матнда чидамлилик, бардошлилик маъносини англатиб, чидамсизликка зид маъно каби талқин қилинади, субъектнинг вазиятига нисбатан қаралганда бардошлиликнинг турли нуқтаи назарларига мос келмайди. Бардошлиликка мансуб ўзига хос хусусиятлар маданий контекстимизда – “раҳм-шафқат” ва “кўнгилчанлик” маънолари билан йўғрилган. Лотин этимологик луғатларида ҳамда европа тилларидаги луғатларда толерантлик тушунчаси икки нуқтаи назардан талқин қилинади – “бардошлилик” ва “мадад, ёрдам, қўллаб қувватлаш” каби маъноларда.

Толерантлик тушунчаси кўп асрлар давомида шаклланган ва бу жараён ҳозирга қадар давом этмоқда. “Толерантлик” атамаси, кўп қиррали маъноларни ўзида жамлаб, чидамсизликнинг хилма-хил кўринишлари намоён бўлаётган замонавий ҳаётимизда уни енгиб

https://buxdu.uz

чиқишнинг (бартараф қилишнинг) янги воситавий тушунчаларига мослашишга ҳаракат қилмоқда. Шу тариқа толерантликнинг "маънолар қутиси" мунтазам кўпайиб, бойиб бормоқда. Жумладан, Дж. Локк ўзининг "Бардошлилик ҳақида очерк"ида (1667 й.) ва "Бардошлилик ҳақида хат"ида (1685й.) черковнинг кучли цензураси шароитида бардошлилик зарур эканлиги ҳақида ёзади. Инсоният тарихида урушлар, диний таъқиблар ва ғоявий қарама-қаршиликлар келиб чиқишига сабаб бўлган сабрсизлик, қаноатсизлик доим мавжуд бўлиб келган. Кундалик ҳаётимизда бу фанатизмда, стереотипларда, таҳқирлашларда ифодаланган ва ифодаланиб келаётган бўлса, давлат миқёсида эса – ирқий камситиш (дискриминация), миллий ва диний хусусиятлари орқали таъқибларда ҳамда инсон учун муҳим бўлган демократик эркинликларни бузиш каби ҳолатларда намоён бўлмоқда. Толерантлик ғоясининг ўзи фалсафий фикр тарихига бориб тақалади.

XVII асрда яшаб ижод қилган инглиз файласуфи Ж.Локк (1632-1704 йиллар)нинг асарларида толерантлик тушунчаси қатъий чекланган диний чегаралар доирасида бўлса ҳам, уни мустақил тушунча сифатида ифодалаб берди. Унинг "Диний сабр-тоқат тўғрисида мактуб" асари (1685-1686 йиллар) жамиятдаги толерантлик соҳасини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Бу асарда фуқароларга диний ибодатларга эркинлик бериш ҳуқуқи, диний жамоаларнинг тенг ҳуқуқлилиги, черковни давлатдан ажратиш тўғрисидаги ғоялар баён этилган эди. "Айрим кишилар ўртасида бўлгани каби турли черковлар ўртасида ҳам ҳамиша бирон-бир ҳуқуқий устунликка йўл қўймаган ҳолда тотувлик, тенглик ва дўстлик баббаравар даражада ҳурмат қилиниши керак" [1], – деб таъкидлаган эди Ж. Локк.

Француз мутафаккири Вольтер (1694-1778 йиллар) толерантлик ғоясининг таниқли тарафдори эди. Аслида, толерантлик назариясининг моҳиятини ифодалайдиган афоризмга айланиб қолган қуйидаги фикрни Вольтер айтган деб ҳисоблайдилар. "Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, лекин сизнинг ўз фикрингизни айтиш ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун жонимни фидо қиламан".

Англияда XVII асрда рўй берган воқеаларни ўрганиш натижасида Вольтернинг бу масаладаги фикрлари шаклланди. Ўшанда диний хилма-хиллик ва диний толерантлик шароитида фуқаролар ўртасида тинчликка эришилган ва меҳрибонлик муҳити қарор топган эди. Мазкур файласуф 1763 йилда толерантлик тўғрисида махсус рисола эълон қилди. Вольтер бундай деб ёзди: Биз барча кишиларни ўз биродаримиз деб билмоғимиз керак. Турк ҳам, хитой ҳам сенинг биродарингми? деб сўрарсиз. Ҳа, ҳеч шубҳасиз, улар менинг биродарларимдир. Биз ҳаммамиз бир отанинг фарзандларимиз". У толерантликни умумбашарий қадрият ва яхши фазилат деб атади.

XIX асрда яшаб ўтган инглиз олими Жон Стюарт Милль (1806-1873) толерантликни ва хилма-хилликни бир-биридан ажралмас деб ҳисоблаб, ўзининг "Озодлик тўғрисида"ги ишида хилма-хилликни "буюк қадрият" деб эълон қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин толерантлик сиёсий, тафаккур ва амалий феъл-атворнинг янги қоидаларини талаб қила бошлади, шу туфайли инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда юридик ҳимоя қилиш, маргинал, ижтимоий гуруҳлар ва айрим кишиларни давлатнинг зўравонлик тазйиқидан ҳимоя қилиш тизимини яратиш йўлида муайян қадамлар қўйилди. 1945 йилда БМТ қабул қилган Бирлашган Миллатлар Хартияси асосида инсоннинг халқаро тан олинадиган ҳуқуқларини юридик тарзда мустаҳкамлашга киришилди. БМТ Низомининг муқаддимасида таъкидланишича, "....дунёда бир-бири билан бирга яшаш қўшнилар каби муроса қилиб бирга яшаш зарур [2]. БМТ ва унинг қошидаги ташкилотлар суверен давлатлар феъл-атворининг умумий легитим (қонуний) асоси бўлиб қолиши лозим бўлган ҳуқуқий муҳитни шакллантира бошладилар.

Йигирманчи асрнинг 90-йилларида сабрсизлик тўғридан-тўғри сиёсатга ва тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид сифатида қаралган. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар томонидан толерантликнинг таърифи, энг аввало миллий ва ирқий камситиш, таҳқирлашнинг барча турларини олдини олиш нуқтаи назаридан талқин қилинади. Инсон ҳуқуқлари ва демократияни ривожлантириш Маркази президенти Юрий Джибладзе, толерантликка бундай ёндашув сабрсизликнинг бирор-бир бошқа шаклини инкор қилмаслигини таъкидлаб ўтади. Чунки замонавий жамиятда юз бераётган муросасизликлар, фақатгина, ирқий, тери ранги, қондошлилик, миллий ва этник келиб чиқиш билан боғлиқ ва шунга асосланганлиги яққол

https://buxdu.uz

кўриниб турибди. Шу билан бирга толерантликни анча кенг маънода тан олиниши иркчилик билан курашишда яхши самара беради, чунки инсоннинг фуқаролик, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари унинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, толерантликни анча кенг маънода – бардошлилик ва ҳурмат сифатида “бошқалар”га нисбатан қўлланилишини – ижтимоий-маданий соҳа тарафдорлари қўллаб-қувватлашади. Улар толерантликни жамиятга зиё тарқатиш зарурати билан одамларда бардошлилик ва ҳурматни тарбия қилиб, турли фобияларни (қўрқишларни) пайдо бўлишини олдини олувчи руҳий тўсиқларни йўқ қилиш билан боғлашади.

“Толерантлик” атамаси файласуфлар томонидан XVI – XVII асрларда киритилган бўлиб, ҳар доим олим ва тадқиқотчиларнинг диққатини жалб этиб келган. Августин, П. Бейль, Н.А. Бердяев, Ф. Бэкон, Т. Гобс, И.А. Ильин, И. Кант, Кастеллио, Дж. Локк, Д. Мильтон, Монтескье, Н. Рерих, Ж. Руссо, В.В. Соловьев, Л.Н. Толстой ва бошқалар толерантлик феноменини ўз асарларида кенг мушоҳада қилганлар. Жамият ривожининг замонавий босқичида толерантлик феномени илмий тадқиқотларнинг кенг маънодаги предметига айланди ва ўзида фанлараро ҳамда маданиятлараро хусусият кашф этди. Илмий адабиётда толерантлик, энг аввало, тенгликни тан олиш ва уни ҳурмат қилиш, ҳукмронлик ва зўравонликдан воз кечиш, инсон маданиятининг, динлар ва эътиқодларнинг кўп ўлчовли ва серқирра эканлигини тан олиш ёки шу кўпқирралик маълумотларини тан олмай бир хилликка ўтиш, ёки бирор-бир нуқтаи назарни устун қўйиш каби иллатларни ўзида акс эттиради. Шундай қилиб, толерантликни шахснинг психологик маданиятининг таркибий қисмларидан бири сифатида талқин қилиш мумкин.

Толерантлик муаммоси кўп тармоқли ва серқирра. Мазкур атама математикада ва мантиқда, биологияда ва тиббиётда қўлланилади; уни фалсафий томондан тадқиқ қилингандаги қарашлар ўзида анча қизиқ маълумотларни мужассамлаштирган. “Фалсафий қомусий луғат”да («Философский энциклопедический словарь», 1997) толерантлик, ўзига ва ўз фикрларининг аниқлигига ишонган бошқа тоифадаги дунёқараш ва фикрлашларга жавобан бардош кўрсатиш кабиларда ифодаланди, у онгли равишда қайғуриш билан баробарида ахлоқий-тушунувчининг фаол ички муносабати сифатида таърифланади. Психология фанида толерантликнинг бир маънодаги талқини мавжуд эмас. Уни қаттиқ руҳий кечинмаларни (стрессни) енгиш каби ҳам, организмнинг дори-дармонларга бардошлилигида ҳам, турли хилдаги ўзини тутиш қолиплари ҳамда дунёқараш намоён бўлгандаги муросавий муносабат кўрсатмасини қўллаб сабр қилиш деб ҳам, бошқа кишининг қадр-қимматини ҳурмат қилиш деб ҳам тушунилади. Кўп тадқиқотчилар (С.К. Бондирева, Д.А. Леонтьев, В.С. Мухина, Г.У. Солдатова ва бошқалар.) толерантлик нафақат бошқанинг дунёқарашини, фикрларини тан олиш, балки у инсонни ўзини қабул қила олиш, унинг шахсини ҳурмат қилиш ва тан олишдир.

Этнопсихолог Г.У. Солдатованинг фикрича, “этник муросасизлик” – этник тенглик трансформациясида[11] намоён бўладиган инқирозли ҳолатлар-нинг аҳамиятга эга бўлган ҳақиқий шакли. Этник муросасизлик асосида бошқа миллатдан бўлган шахсларга нисбатан юқори сезувчанлик ётади. Бу ҳолат кенг миқёсда ифодаланиши мумкин – хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай намоён бўлмайдиган енгил ноқулайлик ва безовталик, ғашланишдан тортиб, токи тартибга солишгача етиб борадиган турли ножўя хатти-ҳаракатлар ва ҳатто нафратланиш ҳамда ғазабланишдан келиб чиққан турли шаклдаги тўқнашувлар”. Бунда толерантликнинг “инкор муносабат майдони” билан ифодаланган *тоқатсизлик*, этник ўзини ўзи англаш ҳолатларидаги ўзаро муносабатлар ва этник тенглик, Г.У. Солдатова томонидан субъектив-воситали равишда ифодалайди.

Толерантликнинг этномаданий жиҳати Н. М. Лебедева томонидан ўз маданиятини ҳурмат қилиш, унинг қиймати ва ижобий мазмунига қатъий ишониш ҳамда кўпроқ бошқа, ўз маданиятидан фарқли маданиятлар билан учрашиб туриш каби фикрларни барчага маълум бўлган толерантликни ташкил этувчи формуласи сифатида таклиф этади.

Шундай қилиб, толерантлик тушунчаси, кўпгина манбаларда бардошлилик тушунчаси билан тенглаштирилади ва анчагина ёрқин фаол йўналишга эга. *Толерантлик – фаол, бошқаларнинг фикрига, дунёқарашига ва ҳаракатларига нотабиий равишда бўйсуниш; бўйсунадиган бардош эмас, балки фаол ахлоқий-маънавий дунёқараш ва этнослар орасидаги,*

[11] Трансформация – бир ҳолдан бошқа ҳолга ёки бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш; ўзгариш.

https://buxdu.uz

ижтимоий гуруҳлар орасидаги бошқа маданият, миллат, динлар ва ижтимоий муҳитлар орасидаги ўзаро муносабатларда инсонни бардош билан сабр қилишга психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатиб турувчи фаол позиция.

А.Г. Асмолов ўзининг “Дунё ранг-баранглигида яшаш санъати” деб номланган чиқишида шундай таъкидлади: “XXI аср инсоний қард-қимматлар асри бўлади, унда одамлар бири-бири билан муносабат қила туриб, бири-бирига эҳсон қилади ва бир-бирини бойитишга хизмат қилади, чунки бизнинг барча ҳаракатларимиз ва баркамолликка интилишимиз дунёдан тортиб олиш учун ёки маҳрум қилиш учун эмаслигини ҳамма тушунади” [3].

Хулоса: Бағрикенглик ҳар бир инсоннинг ўз маслакларига амал қилиши ва бошқаларда ҳам бундай ҳуқуқ борлигини тан олишдир. Дарҳақиқат, инсонлар табиатан ташқи кўриниши, мақоми, феъл-атвори ва қадриятлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар ҳамда шу фарқларга қарамай яхлит дунёда яшаш ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқига эгадирлар. Фикримизча, бағрикенг инсон – ўзлигини англайдиган ва ўзгаларни тушунадиган инсон. Демак, фарқ қилиш ҳуқуқини тан олиш бағрикенгликнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, бағрикенглик бир инсоннинг қарашларини бошқаларга тиқиштириш сифатида тушунилмаслиги керак. Бағрикенглик – инсонни у қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, сиз қўшилмасангиз ҳам бошқа миллат ва дин вакилларининг анъаналари, қадриятлари ва маданиятини тушуниш ҳамда қабул қилишда ўз ифодасини топади.

Адабиётлар:

1. Локк Дж. Послание о толерантности/ / Локк Дж . Собр. соч. в 3-х томах. Т.3. – М., 1988. – Б. 101.
2. Антология мировой политический мысли в пяти томах. 1997, Т. V. 343 с.
3. Асмолов А.Г. На пути к толерантному сознанию / А.Г. Асмолов. – М., 2000.
4. Бафаев М.М. Роль феномена толерантности в развитии современного общества //Вестник НУУз (Ташкент). 2017. – № 1/3. – С. 9 – 11.
5. Солдатова Г.У. Межэтническая напряженность. – М.: Смысл, 1998. –196

https://buxdu.uz

Мирзаев Олим Сафарович,
Тошкент давлат педагогика университети“Психология” кафедраси ўқитувчиси

ПРОЕКТИВ МЕТОДИКАЛАРНИНГ ДИАГНОСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация: *Мазкур мақола проектив методикаларнинг диагностик имконияти масаласига бағишланган. Шунингдек, мақолада проектив методикаларнинг тадқиқотлардаги имконияти, методикалар туркуми, проектив тадқиқот ва унинг ўзига хослиги ва методикалар тўғрисидаги тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари кенг мазмунда ёритилган.*

Калит сўзлар: *псходиагностика, психоанализ, холизм, индивид, проекция, проектив методикалар, проектив тадқиқот,стимул.*

Аннотация: *Статья посвящена проблеме психодиагностической возможности проективных методик. В статье освещаются возможности использования проективных методик, виды методик, проективное исследование и его особенности, возрения исследователей об этих методиках.*

Ключевые слова: *психодиагностика, психоанализ, холизм, индивид, проекция, проектив методика, проектив тадқиқот,стимул.*

Annotation: *This article is devoted to the problem of diagnostic opportunity of projective methodics. Also the opportunities of researching of projective methodics, types of them, projective research and its features, views of researchers about these methodics are shown.*

Keywords: *diagnostic, psychoanalysis, wholizm, individ, projection, projective methodics, projective research, stimul.*

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки, психологик тадқиқотлар олиб бориш ҳар бир психолог –тадқиқотчидан юқори касбий билим ва тажрибани талаб этади. Чунки, биргина проектив методикаларнинг психометрик мезонлари ҳақида билмай туриб, у ҳақда тадқиқотлар олиб бориш эҳтимолдан ҳоли саналади. Бир қарашда, ушбу методикалардан фойдаланишнинг мезонлари оддий кўринсада, аммо хали-ҳануз психолог олимлар томонидан баҳсбоп бўлиб келмоқда. Проектив методикаларни стандартлаштиришдаги қийинчилик, уларнинг новербал характердалиги, методикалардан миллий ўзбек муҳитимизда тадқиқотларда кам фойдаланилганлиги, тадқиқотлар учун аниқ мезонларнинг йўқлиги қолаверса, ушбу методикалар тўла стандартлашмаганлик характерида эканлиги боис тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш тадқиқотчилардан юқори амалий ва назарий билимларни талаб этади. Ҳозирга қадар проектив психология ва проектив методикалар борасида қатор хориж тадқиқотчилари З.Фрейд, К.Юнг, Г.Мюррей, Л.Франк, В.Шапар, О.Шапар, Е.Соколова, Л.Бурлачук, И.Шляпниковалар ҳамда мамлакатимиз психолог олимларидан Э.Ғ.Ғозиев, З.Т.Нишанова, А.И.Расуловлар эътиборга молик изланишлар олиб борган. Бироқ, проектив методикаларнинг шахсни тадқиқ этишдаги диагностик имкониятлари ҳақидаги масала бўйича ҳали-ҳануз кенгроқ тадқиқотларга зарурат сезилмоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан мазкур илмий мақола мавзусининг долзарблик аҳамиятини белгилайди.

Проектив методикаларнинг пайдо бўлиш даври “проекция” тушунчасининг психология фанида асосланиши билан боғлиқ саналиб, лотинчада projectio-“олдинга ташламоқ”, “ирғитмоқ” маъноларини англатади. Методикаларнинг илк методологик масалалари кўпроқ “психоанализ” ҳамда “холизм” таълимотлари мазмунида учрайди. [1,250].

Проектив методикалар бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчиларнинг фикрича, методикалар ёрдамида шахснинг предметларга, уни ўраб турган воқеликка муносабати ва ўз истак-хоҳишлари, эҳтиёжлари, шунингдек, унинг ички оламини ташкил қилувчи ҳолатларини юзага чиқаришга интилиши ётиши таъкидланади [2, 45].

“Проектив тадқиқот” атамаси биринчи марта Л.Франк томонидан 1939 йилда қўлланилган. Бу даврда тадқиқотлар учун қўлланиладиган бир қатор методикалар маълум бўлган. Масалан, Юнгнинг ассоциатив тести, Роршах тести, ТАТ ва бошқа методикалар[3,91].

https://buxdu.uz

Дастлаб, бу проектив методикалар клиник мақсадларда яратилган бўлиб, илк намуналари асосан асаб касалликлари клиникаларида қўлланилган.

Проектив методикаларда шахсни тадқиқ этишнинг стимул характерли топшириқлари акс этган бўлиб, топшириқлар режалаштирилган ёки танланган тарзда амалга оширилади. Шунингдек, субъект стимул топшириқларда ўзининг ҳиссий кечинмалари, идрок даражаси ва сезгиларидаги ўзига хосликларни намоён қилади.[3, 78-79].

Л.Франк томонидан проектив методикаларнинг қуйидаги гуруҳлари ажратиб кўрсатилади:

Конституциявий туркумдаги методикалар. Бу туркумга кирувчи методикалар вазият билан тавсифланиб, бунда текширилувчига структура, шакл ёки аморф конфигурацияга (гешьальт), пластик, структурага эга бўлмаган модда, масалан лой, бармоқлар ёрдамида ёки Г.Роршах тести топшириқлари каби чизиш учун бўёқ кабилар берилади.

Конструктив туркумдаги методикалар. Бундай медодикалар конституцион аналоглар ўртасидаги фарқланишлар яъни "қуруқ" ва "қайта ишланган" материал ўртасидаги фарқланишларга ўхшаш ҳисобланади. Тадқиқотда текширилувчи ўзини конструктив ташкилланиш тарзида тутади, бунда у ўзига тавсия этилган материаллардан ниманидир қуришни амалга оширади, бу вазиятда конструкция модели ўз ҳаётининг маълум бир ташкилланиш концепцияларини шу вақт давомида акс эттиради, масалан кубиклар ёрдамида ниманидир тузиб чиқиш амалга оширилади [4,96].

Интерпретацион туркумдаги методикалар. Номланишдан маълумки, субъектнинг ҳикоя қилиши давомида жавобини ифодалаб беради, бу ҳолатда унинг учун тасвир бўйича стимулловчи вазият акс этади, яъни стимулловчи вазиятга нисбатан хусусий муносабат қайд этилади. Мисол учун ТАТ тести ва сўзли ассоциациялар тести мазкур туркумга киритилади.

Катарсис туркумдаги методикалар. Ушбу мазмундаги методикаларда субъект стимул вазиятга нисбатан ўз эмоциялари ва сезгиларини намоён этади ва у эмоционал жиҳатдан енгиллашган ҳолатда қайд қилинади, ҳаётий вазиятлар бўйича унда аффектив реакция намоён бўлади, бу лой ёки ўйинчоқлар билан ўйнаш давомида кузатилгани сингари стимул вазиятларга кўрсатилувчи реакция тарзида акс этади.

Рефрактив туркумдаги методикалар. Ушбу туркумдаги методикалар Л.Франк томонидан киритилган бўлиб, у Олпортнинг хулқ-атвор назарияси асосида яратилган. Агар у проектив усул асосида қараб чиқилаётган бўлса, у ҳолда графология усули бунга яққол мисолдир

Психолог Г.М.Прошанский проектив методикаларни уч компонент асосида: стимул, жавоб, мақсад ҳамда Л.Франк томонидан келтирилган қайдлар асосида таҳлил қилди ва қуйидаги кўринишда проектив методикаларнинг ўзига хос классификациясини яратди [4,104].

Унга кўра стимуллар:

1. Вербал; визуал; аниқ; ва бошқа шартли жавоблар;
2. Ассоциатив;
3. Интерпретатив;
4. Манипулятив;
5. Эркин танлама.

Юқоридаги таҳлиллардан фарқли ўлароқ, тадқиқотчи Р.Кэттелл фикрича, проектив методикалар илмий асосланишига кўра жуда кам ўрганилган ва унинг мазмуни қуйидаги изоҳлар билан аниқланади:

1.Проектив диагностикада шахснинг бирор хусусиятини исботловчи ҳолатлар ифодаси ёки онгсизлик соҳа бўйича фаразларнинг аниқ изоҳланишлари мавжуд эмас.

2.Шунингдек, айрим таҳлилларда чизмалар ҳисобга олинмайди, бунда шахснинг ҳимоя механизмлари "идентификация" ва "проекция"лар бир вақтнинг ўзида стимулларни идрок қилишни бузади.

3.Шахсга хос айнан қандай ўзгарувчилар проекцияланиши ёки кечинмалар, онгсизлик остидаги комплекслар, аффектив хулқ, барқарор мотивлар акс этиши масаласи баҳсбоп саналади.[4, 45].

Методика: Проектив методикаларни шахс диагностикасидаги имкониятини қуйидаги натижаларда кўриш мумкин. Биз методикаларнинг психометрик мезонларини ўрганиш асосида шундай хулосаларга келдикки, албатта текширилувчи ёки мижозларни ташхис этишда

https://buxdu.uz

психиканинг даврий хусусиятларини инобатга олиш лозим бўлади, яъни улардан бири унинг келажак тўғрисидаги муносабатлари, иккиничидан бугунги кундаги ҳолати, учинчидан эса, ўтмиш кечинмаларини алоҳида инобатга олиб ўтиш лозим.

Биз натижаларнинг миқдорий кўрсаткичини ҳисоблашда текширилувчиларнинг чизган расмларида стимулларнинг қайд этилиш ўрнига алоҳида эътибор қаратдик. Бу эса, проектив методикаларнинг шахс руҳий оламини вақтли характерини ўрганишдаги имконияти юқорилигини назарда тутади. Натижалар таҳлилида биз уларнинг умумий ва жинсий тафовутларини ҳисобга олишни лозим топдик. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил этишда корреляция муносабатлари ҳам эътиборга олинди. Ва бу ҳолатни қуйидаги жадвал натижаларида кўриш мумкин.

Жадвал № 1.

“Уй, дарахт, одам” методикасининг натижалари (N= 158)

Стимуллар	Умумий (N= 158)			Йигитлар (N= 80)			Қизлар (N= 78)		
	Уй	Дарахт	Одам	Уй	Дарахт	Одам	Уй	Дарахт	Одам
1. Келажак	65	79	61	36	43	33	29	36	28
2. Ҳозир	57	52	47	32	25	24	25	27	22
3. Ўтмиш	**36**	**27**	**50**	**12**	**13**	**22**	**24**	**14**	**28**

Келтирилган жадвал натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қизлар ва йигитларнинг стимулларни қайд этишдаги етакчи жиҳат руҳий ҳолатлари кўпроқ келажакка қаратилган яъни: умумий - уй (65), дарахт-79, одам (61); ҳозир- уй (57), дарахт (52),одам (47); ўтмиш-уй (36); дарахт (27), одам (50). Деярли натижаларимизда психик ҳолатларнинг инсон руҳий ҳолатининг уч даврига алоқадорлигини инобатга оладиган бўлсак, жинс жиҳатдан қизларда ўтмишга бўлган ҳолат одам тасвирини ифодалашда (28) юқорироқ, бу уларнинг инқироз ҳолатларида регрессив ҳимоя механизмига таянишларидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу методикалар диагностик имкониятига кўра, шахсни тадқиқ этишда ўта самарали ва экспрессив мазмундаги услублар туркумидан саналади. Фақатгина тадқиқотда психолог тадқиқотчининг касбий маҳорати ҳамда амалий тажрибаси устунлиги муҳим саналади.

Адабиётлар:

1. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. - СПб.: Питер, 2002. - 352 с.
2. Франк Л.К. Проективные методы изучения личности// Проективная психология. - М.: Апрель Пресс, Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2000.
3. Бурлачук Л.Ф. Введение в проективную психологию. - Киев: Ника-Центр, 1997. - 128 с.
4. Прошанский Г.М. Классификация проективных методов// Проективная психология. - М.: Апрель Пресс, Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2000.

https://buxdu.uz

Файзуллаева Ойдин Саидбоситовна,
Низомий номидаги ТДПУ Психология кафедраси ўқитувчиси

ҲОМИЛАДОР АЁЛ ПСИХОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ МУАММО СИФАТИДА

Аннотация: *Мақолада оналик психологиясининг фандаги ўрни, долзарблиги тўғрсида бир қатор психолог ва бошқа соҳа вакилларининг фикрлари. Онанинг боласи билан бўлган муносабатларини англаш жараёнига кириб бориш масалалари очиб берилган.*

Калит сўзлар: *ҳомиладор аёл, оналик психологияси, она ва бола муносабатлари, оналикнинг эрта босқичлари, оналик хусусиятлари, оналик хулқ-атвор характеристикаси.*

Аннотация: *В статье рассказывается о роли, актуальности психологии материнства в науке, о мнении психолога и представителей других сфер. Были раскрыты вопросы, связанные с проникновением матери в процесс восприятия отношений с ребенком.*

Ключевые слова: *беременная женщина, психология материнства, отношения матери и ребёнка, ранние этапы материнства, особенности материнства, характеристика женского поведения.*

Annotation: *In the article, opinions of a number of psychologists and representatives of other spheres about the role, relevance of maternal psychology in science. The issues of going to the process of understanding the relationship of the mother her child are revealed.*

Key words: *pregnant woman, maternal and child relations, early stages of motherhood, characteristics of motherhood, characteristic of motherhood behavior.*

Муаммонинг долзарблиги. Республикамизда келажак авлод баркамол бўлиб етишиши учун барча шароитлар яратилаётган бир даврда она ва бола саломатлиги муҳим масалалардан биридир. Юртимиз фарзандлари ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлишлари энг асосий хаётий қадрият бўлиб келмоқда. Бунда соғлом оналик ва соғлом болаликни таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши юзасидан ҳукуматимиз кенг шароит яратиб бермоқда. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинитал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этиш, бир сўз билан айтганда, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида марказда ва жойларда анча ишлар қилинганидан барчамиз ҳабардормиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий,ижтимоий –сиёсий ўзгаришларнинг туб мақсади соғлом ва баркамол авлод тарбиясига қаратилгандир.

Оналик психологияси фанда кам ўрганилган сохадир. Оналик психологиясини ўрганишнинг долзарблиги демографик муаммолар, туғилиш суръатларининг пасайиши, жуда кўплаб оилаларнинг бузилиши, шиддат билан сони кўпайиб бораётган тирик етим болалар, болага нисбатан вахший муносабат ва оила, аёлга ижтимоий ва психологик ёрдам дастурининг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлигидан иборат.

Оналик кўплаб фанларда ўрганилиб келинади: тарих, маданиятшунослик, тиббиёт, физиология, хулқ-атвор психологияси, геология, социология, (жамиятшунослик), Ғарб тадқиқотларидаги оналик психологиясини ўрганишда ўзгача ёндошувлар билан фарқланиб туради. Охирги йилларда оналикни ўрганишнинг комплекс тартибга солинган кўринишларидаги қизиқиш пайдо бўлди ва кўплаб жамоавий монографияларда ўз ифодасини топади. Масалан: “The Different Faces of Motherhood” B.Berns D.F.Hay (таҳрири остида) The Development of Attachment and Affiliative sistems R.N.Emde ва R.J.Harman,Psicholodical Aspects of a First Pregnensy, and Early Postnatal Adaptation P.M.Shereshevsk y ва L.J.Yarrow ва бошқалар таҳрири остида.

Охирги тилга олинган китоблар муаллифлари номлари 700 дан ортиқ омилларни санаб ўтиб, 46 шкаладан иборат бўлган аёлнинг ҳомиладорликка ва эрта оналик даврига мослашувини характерловчи аёлнинг бутун ҳаёти тарихи, унинг оилавий ижтимоий ҳолати, шахс хусусиятлари, боланинг хусусиятлари ривожланиши билан боғлиқлигини ўз ичига олгандир.

Бу ва бошқа муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг асосий хулосаси бўлиб, бутун бир ҳодиса сифатида психологик тадқиқ этиш, иккинчидан бундай тадқиқот ўтказишда

https://buxdu.uz

адекват ёндошувнинг ва назарий концепция йўқлигидир. Бу муаммонинг долзарблиги, яъни оналикни ўрганишдаги бир бутун психологик ёндошув тиббиёт соҳасидаги ҳозирги замон ютуқлари физиология, гинекология ва акушерликнинг ривожланишига қарамай оналик ва илк болалик давридаги муаммолар суръати камайяпти.

Оналик психологияси ўрганилиши ва бу соҳа мутаҳассисларини тайёрлаш она ва болага психологик ёрдам бола ривожланиши ва она бола муносабатлари коррекцияси каби тармоқнинг психологик амалиётдаги ривожланиши асос бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга оналик ва болалик гўдаклик даври ва пренатал давр ҳам.

Онанинг боласи билан бўлган муносабатлари англаш жараёнига кириб бориш жуда нозик масала бўлиб, илмий жиҳатдан чуқур билишни талаб этади.

Оналик ҳулқ-атворининг бола ривожланишидаги аҳамияти, унинг таркибий тузилиши ва ривожланиши йўлининг мураккаблиги, маданий ва индивидуал кўринишларининг кўплиги жиҳати, бу соҳадаги жуда кўплаб ўтказилган замонавий тадқиқотлар оналик ҳақида мустақил воқелик каби фикрлаш имконини беради ва уни тадқиқ этишда бир бутун илмий ёндашувнинг ишлаб чиқилишини талаб этади.

Психологик адабиётларда кўпроқ ғарб адабиётларида оналикнинг биологик асосларига, шу билан бирга унинг одамда индивидуал ривожланиш шароит ва омилларига кўпроқ эътибор берилади. Рус психологлари охирги даврларда бир қатор феноменология, психофизиология, оналик психологияси ҳомиладорликнинг психотерапевтик ва психолого-педагогик томонлари ва оналикнинг эрта босқичларида, девиант оналик билан ишлар пайдо бўлди.

Агар барча тадқиқотларнинг йўналишларини умумлаштирилса, шуни кўриш мумкинки, оналик психосоциал феномен сифатида икки асосий позициядан кўриб чиқилади: боланинг ривожланиши учун шароитни таъминловчи сифатидаги оналик ва аёлнинг шахс хусусияти қисми сифатида.

Ушбу тадқиқотларда оналик она бола муносабатлари сифатида кўрилади. Фикрларнинг асосий йўналиши ишнинг мақсади ва олинган натижалар интерпретацияси бола тарбиясидан онанинг алоҳида хусусиятларига йўналгандир. Оналик хусусиятлари ва оналик хулқ-атвор характеристикаси, шу билан бирга уларнинг маданий, ижтимоий, эволюцион, физиологик ва психологик асоси ажратилади. Булар кўпроқ боланинг аниқ бир ёшида кўриб чиқилади, турли ишларда таҳлил қилинадиган оналик хусусиятлари ва функцияларини ҳар доим ҳам ўзаро солиштириш учун осон бўлмайди.

Бу ёндошувлар юзасидан ўтказилган тадқиқотларга қараб бир нечта йўналишларни ажратиш мумкин.

1. Оналикнинг маданий-тарихий томони.

Замонавий тадқиқотларда оналик институти тарихан мослашган, ўз тузилишини замонлар оша ўзгартириб борувчи сифатида кўриб чиқилади.

[И.Кон, М.Мид, E.Badinter, R.Galles, D.Jil, B.Kornel ва бошқалар.] Аммо бу муаммонинг асосий томонларига бўлган ёндошувларнинг турлилиги билан фарқланади. М.С.Родионова диссертацион илмий тадқиқот ишида оналикни маданий ва тарихий томонларини таҳлил қилган.

М.Мид ишлари шуни кўрсатдики, оналик ўз боласига бўлган ғамхўрлик ва боғлиқлиги реал биологик шароитларда бу бола пайдо бўлиши ва уни она ўз юраги остида кўтариб юриши, туғруқ ва она сути билан эмизиш даврлари мобайнида шу қадар чуқур жой эгаллайдики, уларни жуда мураккаб ижтимоий установкаларгина йўқотиши мумкин.

Аёллар ўз табиатларига кўра онадирлар ва уларни атайлаб бола туғиш хусусиятларидан воз кечиш мураккабдир: “Жамият уларни ўзлигини йўқотиши керак, туғма ривожланишлари қонуниятларини ўзгартириши, уларни тарбиясида, улар устидан бир қатор хўрликларни амалга ошириши даркор, улар ўз фарзандларига ҳеч бўлмаса бир неча йил ғамхўрлик қилмасликлари учун, ваҳоланки улар тўққиз ой мобайнида уларни озиқлантириб, ўз таналаридан ишончли, бехавотир жой бериб боқишди”. М.Мид,1989,с.3). Ҳомиладорлик ижтимоий норозилик билан жазоланадиган ва оилавий ҳис-туйғуларини ҳақорат қилинганда, аёллар фарзанд кўрмаслик учун ҳамма нарсага рози бўлдилар.

[И.Кон, М.Мид, M.F.Lamb муаллифдан, K.Mcartney, D.Philips ва бошқалар.] маданий кросс тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ижтимоий табақа, ҳолат қадрланадиган жойларда аёллар

https://buxdu.uz

фарзандларини ўз қўллари билан бўғиб ўлдирадилар. Бу ишни Таитининг айрим аёллари, ва натчез қабиласига мансуб бўлган айрим ҳинд аёллари ҳам ўз ижтимоий мавқеиларини яхшилаш учун шундай қилганлар.

М.Мид "примитив" ва "ривожланган" цивилизациялар ўртасидан паралеллар ўтказди, оналик ҳис-туйғуларини бўғиш юзасидан. Унинг кузатишлари шуни кўрсатдики, қонуний фарзанд кўриш принципини юқори қўювчи жамиятда, она ўзининг ноқонуний боласини ташлаб кетиши ёки ўлдириши мумкин. Жамият билан боғлиқ бўлган яна бир нуқтаи назар Элизабет Бадинтерга [цит.по. М.С.Родионова.1997] тегишлидир. У оналик установкаларини тўртюзлик бўлган тарихини (XVIII дан XX гача) ўрганиб чиқиб "оналик сезгиси – бу афсона" деган хулосага келди. У она учун умумий ва зарур бўлган хулқ-атворни учратмай,аксинча унинг ҳис-туйғулари ўзгарувчанлиги унинг маданияти, иззат нафси ва фрустрацияларига боғлангандир. Оналик меҳри босқичма-босқич эмас, балки тарихнинг турли даврларида тузилишга эга бўлиб тўлиб борадиган тушунчадир. Тадқиқотчи (аёл) аёлнинг уч асосий ижтимоий ролини она,турмуш ўртоқ ва эркин ўзини намоён эта оладиган аёл боғлиқлигини кўриб чиқади. Э.Бадинтер жамият эҳтиёжлари ва фарзанд туғилиши учун онанинг жавобгарлик чоалари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб ўтди:яъни "аёл жамиятда оналик қадрланиши ёки қадрсизланишига қараб энг яхши ёки энг ёмон она бўлади." Ҳозирги замон жамиятида оналикнинг турли маданий вариантлари устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муайян маданиятда шаклланган оила, болалик модели ва қадриятлар тўғрисидаги тасаввур аёлнинг она сифатидаги феъл-атворига ва кечинмаларига таъсир қилади (M.L.Grossman, G, F, D, Louis and E.Margolis, A.Phoenix at all). Ушбу тадқиқотларда келтирилган турли халқлар маданиятида оналик вазифалари тақсимланиши, ҳамда ушбу халқлар маданиятида шахсий фазилатлар (масалан, когнитив ва руҳий соҳа, бировга боғланиш хусусиятлари, мақсадга эришиш йўлидаги ютуқ ва омадсизликлар билан боғлиқ кечинмалар хусусиятлари) шаклланишини таъминловчи онанинг хулқ-атвори ва боласига муносабатини таққослаш жуда катта қизиқишлар уйғотади.

Шунингдек, оналикнинг биологик аспектлари ҳам фанда ўрганиб келинмоқда. Бу йўналишда она ва у томонидан таъминланадиган шароитлар чақалоқнинг ривожланиши учун физиологик ва стимулли муҳитнинг ташкил қилиниши сифатида кўриб чиқиладиган тадқиқотларни бирлаштириш мумкин. Оналикнинг физиологик, мотивациявий ва хулқ-атворлик механизмларини шакллантиришнинг эволюцион аспектларига катта аҳамият берилади. Бу тадқиқотларнинг баъзи йўналишларини биологик ва психологик ёндашувлар бирлаштиради. Уларнинг ичида ҳақиқий иш учун қуйидагилари энг қизиқарли бўлиб ҳисобланади:

Этологик тадқиқотлар. Оналик ота-она организми ресурс сарфлари сонини баҳолаш (ота-оналар ҳиссаси: Д.Дьюсбери, Е.Н.Панов ва б.), ота-оналар хулқ-атворининг паттернларини шакллантиришнинг эволюцион негизларини аниқлаш (К.Лоренц, Н. Тинберген, Р. Хайнд ва б.), ота-оналар ва болалари томонидан адаптив хулқ-атворни амалга ошириш учун асосий стимуляцияни ўзаро таъминлаш позициясидан туриб ўрганилади. Бу йўналишда олий приматларнинг тутқунликдаги ва табиатдаги оналик хулқ-атворининг индивидуал хусусиятларига, ҳамжамиятдаги муносабатларнинг таъсирига, хусусан, она рангининг унинг оналик хулқ-атворига ва боласининг ривожланишига, бағишланган тадқиқотлар катта қизиқишга эга бўлади. Шу тадқиқотлардан баъзилари, масалан, приматларнинг алоҳида ажратиб парвариш қилинадиган болаларини [Г.Харлоу ва М. Харлоу], социал енгиллантириш ва социал ўргатиш таъсирларини, импринтингни, изидан бориб таъсирланишини, ота-оналик ва гўдаклик стимулларини ўрганиш [К. Лоренц, Н.Тинберген ва б.] ҳозирги даврда оммабоп бўлган психологик концепциялар (яқинлик назарияси, социал ўргатиш, инсон этологияси ва б.)нинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшдилар.

Оналикнинг физиологик ва психофизиологик аспектлари. Бу тадқиқотларнинг спектрлари ниҳоятда, катта, улар асосан, жинсий етилишнинг нейрогуморал механизмлари ва ҳомиладорликни ва лактацияни таъминлашга йўналтирилган. Ушбу йўналиш учун ҳайвонларда ва одамда олинган маълумотларнинг солиштирилиши анъанавий бўлиб ҳисобланади. Гормонал фон ва эмоционал ҳолатларнинг алоқаси, оналикнинг ривожланишида уларнинг роли, она ва бола муносабатларининг эмоционал хусусиятларининг таъминланиши ўрганилади. Гормонал

https://buxdu.uz

фон чақалоқ билан ўзаро ҳаракат қилиш вазиятини идрок қилиш учун шароитлар яратади, бироқ, ҳомиладорлик ва эрта оналикдаги ўз ҳолатларининг конкрет интерпретацияси шахсиятли хусусиятлар, ҳомиладорликнинг маъноси, социал ва оилавий вазиятга боғлиқ бўлади [К.Остин ва Р.Шорт, К.Флейк-Хобсон билан ҳаммуаллифликда, R.N. Emde at all, I. Hopkins, P. M. Shereshefsky and L.J. Yarrow]. Ҳомиладорликдаги гормонал фон ва оналик хулқ-атворининг намоён бўлишига, эмоционал ҳолатлар (ташвишланиш, стрессга бардошлилик, сержаҳллик, депрессивлик, биринчи ва учинчи триместрлардаги уларнинг кескинлашуви, иккинчи триместрдаги эмоционал ҳолатнинг барқарорлашуви, ҳомиладорликдаги сексуалликнинг динамикаси), ҳайвонларнинг ҳар хил турларида ва одамда сепарацияда физиологик ҳолат динамикасининг солиштирма тадқиқотларига кўп эътибор берилади. Бу хусусиятлар, ҳамда аёлнинг туғишдан кейинги депрессиясидаги гормонал таъминланганлиги ва унинг кечинмаларининг мазмуни, турли маданиятларда, ҳайвонларда, асосан приматларда, энг содда организмларда ва одамсимонларда солиштирма аспектда ўрганилади. Ҳомиладорлик ва туғишдан кейинги даврдаги эмоционал ҳолатлар (биринчи триместрда ва туғишдан олдин жинсий фаоллик ва муҳитга йўналтирилган фаолликнинг пасайиши; иккинчи триместрдаги эмоционал ҳолатнинг барқарорлашуви; ташвишланганлик динамикаси; гуруҳдаги ранг ва моданинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқлик) динамикасининг адаптив роли муҳокама этилади. Ҳомиладорликдаги оналикнинг ривожланиши ва ҳолатнинг динамикаси “оналик доминантасининг” физиологик жиҳатдан шаклланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, ҳомиладорлик давомидаги бузилишлар, туғруқларнинг ва туғишдан кейинги даврнинг муваффақиятли ўтиши чап ўнгяримшарли устунлик, аёлнинг эмоционал доирасининг хусусиятлари ва унинг шахсиятли тавсифлари билан боғланади [А.С.Батуев, И.В. Добряков, P.M. Shereshefskiy and L.J. Yarrow].

Репродуктив циклнинг турли фазаларининг (жинсий етилиш, менструал цикл, ҳомиладорлик, туғишдан кейинги давр, оналик-болалик сепарацияси, оналик-болалик яқинлиги, лактация, менопауза) физиологияси ва психофизиологиясига кўп эътибор берилади. Эстроген ва прогестинлар аёл репродуктив тизимининг ривожланиши ва фаоллигига ёрдам беради, ва аёлнинг тегишли хулқ-атворини бошқаради, деб ҳисобланади. Пролактин сутнинг секрециясини чақириб, кўкрак сути билан боқиш жараёнида прогестинларнинг, ҳамда эндорфинларнинг секрециясига таъсир қилиб, репродуктив тизимнинг регуляциясида иштирок этади. Бу соҳадаги таққосий тадқиқотлар яна шу билан ҳам мураккаблашади-ки, қайси-ки, бунда, муаллифларнинг фикрича, эндокрин эволюция, амалий жиҳатдан ҳеч ҳам ўзгармаган гормонларнинг эволюцияси сифатида эмас, балки, репродуктив функциянинг регуляцияси учун улардан фойдаланишнинг эволюцияси сифатида кўриб чиқилиши лозим. Аниқланишича, эстрогенлар, ҳамда прогестерон ва тестерон фақатгина, сенсор-перцептив механизмлар (хулқ-атворнинг жинсий ва оналик доираларидаги ҳар хил стимуляцияларга сезувчан бўлган эроген зоналардаги ва бошқа тизимлардаги сензитивликнинг ўзгариши) ни бошқарибгина қолмасдан, хулқ-атворни регуляция қилишнинг асаб механизмларини ҳам бошқарадилар. Оналик хулқ-атворнинг регуляциясида гормонлар оналик хулқ-атворнинг ўз вақтидаги индукциясида ҳал қилувчи роль ўйнайдилар, бироқ, унинг вужудга келиши ва амалга оширилиши ташқи стимуляцияга боғлиқ бўлади.

Хулоса. Оналик - бу аёлларнинг ижтимоий вазифаларидан бири, шу сабабдан она бўлишга эҳтиёж аёл табиатига хос бўлишига қарамай, ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар оналик муносабати намоён бўлишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Юқоридаги фикрлар, ҳозирга қадар ўтказилган тадқиқотлар таҳлилига асосланган ҳолда ҳомиладор аёл психологияси илмий муаммо сифатида ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган ва ушбу мавзу юзасидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1.Баженова О.В., Баз Л.Л., Копыл О.А. Готовность к материнству: выделение факторов, условий психологического риска для будущего развития ребёнка//Синапс. 1993. №4. С. 35-42
2.Кон И.С. В поисках себя. М., 1984. 148 с.
3.Скобло Г.В., Дубовик О.Ю. Система “мать дитя”в раннем возрасте как объект психопрофилактики//Соц. И клин. Психиатрия. 1992. №2. С. 72-78.
4.Филиппова Г.Г. Психология материнства и ранний онтогенез. М.:Жизнь и мысл, 1999.

https://buxdu.uz

Рахимова Иродахон Ғиёжжоновна,
Низомий номидаги ТДПУ "Умумий психология" кафедраси ўқитувчиси

СОҒЛОМ ОИЛАДАГИ МУНОСАБАТ – БОЛА ТОРТИНЧОҚЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ АСОСИЙ ОМИЛ

Аннотация: *Мақолада оилада тортинчоқлик намоён бўлиш муаммолари ва унинг шахсга таъсири, шакллари, вужудга келиш сабаблари ёритилган.*

Калит сўзлар: *тортинчоқлик, психокоррекция, иқлим, ўз-ўзини қабул қилиш, ижобий тафаккур, деструктив вазиятлар, низо.*

Аннотация: *В статье рассмотрены проблемы проявления застенчивости в семье её влияние на личность, формы и возникновение её причины.*

Ключевые слова: *застенчивость, психокоррекция, иқлим, самопринятие, позитивное мышление, деструктивные ситуации, конфликт.*

Annotation: *The article discusses the problems of manifestation of shyness in the family, its influence on the personality, form and the occurrence of its causes. Therefore, the relevance of this problem is high.*

Keywords: *shyness, psychocorrection, atmosphere, self-acceptance, positive thinking, destructive situations, conflict.*

Мавзунинг долзарблиги. Одам атроф оламни билиш жараёнида ундаги нарса ҳодисаларга хос белги-аломатларни шунчаки қайд этиш билан чекланмай, айни вақтда уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради.

Ҳар қайси инсон бутун ҳаёти давомида қандайдир гуруҳларнинг аъзоси сифатида мавжуд бўлади. Инсоннинг муайян гуруҳга алоқадорлиги шунчаки унга аъзо бўлиш билан чегараланмайди. Қандайдир гуруҳнинг аъзоси бўлган инсон ўзида, ўз шахси ва хулқ-атворида шу гуруҳга хос хусусиятларни акс эттиради. Ушбу ҳолат, айниқса, оиладек кичик гуруҳ мисолида яққол ўз тасдиғини топади.

Оила муҳитининг бола ақлий ва ахлоқий тараққиётига таъсири, шубҳасиз, жуда мураккаб психологик механизмлар асосида рўй берадиган жараёндир. Оила муҳитининг инсон психик тараққиётига салбий таъсирини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш имконияти анча чегараланиб қолади. Негаки, қайси муайян оқибат ортида айнан қандай сабаб борлигини аниқ билмаслик нима билан курашиш, ниманинг ўрнини қоплаш зарурлигини тушунмасликка олиб келади. Шунинг учун мазкур мақоламизнинг асосий ғоявий йўналиши, яъни болаларда тортинчоқликнинг шаклланишида оила муҳитининг ўрни ва аҳамиятини ўрганишдир[1].

Дунёга келган гўдак, унинг атрофидаги одамлар ва олам учун тўлиқ боғлиқ бўлади. Унинг атрофидаги ота-онаси учун унинг хулқ-атвори оддий ва тушунарли бўлиб туюлса-да, вақт ўтиши ҳамда бола улғайиши билан боланинг ички олами ўзга кўзлардан ҳоли, хулқ-атвори эса ноаниқ ва тушунарсиз бўла бошлайди. Инсон психик тараққиётида ва унинг алоҳида олинган соҳаси – ҳиссий-эмоционал соҳа ривожланишида кузатиладиган турли хил психологик ҳодисалар асосида турувчи оиланинг ижтимоий-психологик муҳитининг бола шахсида тортинчоқликнинг намоён бўлишидаги ўрнини замонавий илмий адабиётлар ва тадқиқотларда кенг ўрганилиб келинган.

Э.Г.Эйдемиллер В.В.Юстицкий оиладаги ижтимоий-психологик муҳитга тавсиф беришда эмоционал тажанглик даражасига асосланиш тўғри бўлишини кўрсатади [2,145-б]

Соғлом оилавий муҳит ҳар томонлама конструктив табиати билан ажралиб туради ва уни қандайдир тоифаларга ажратишнинг мантиғи йўқ. Аммо носоғлом муҳитли оилалардаги деструктив вазиятнинг сабаблари турлича бўлгани учун бундай оилаларни мутахассислар маълум турларга ажратадилар. Жумладан, Л.А.Алексеева таклиф этган таснифда носоғлом муҳитли оилаларнинг қуйидаги турлари ажратилади [3]:

1)низоли оила;
2)ахлоқсиз оила;
3)педагогик компетент бўлмаган оила;

https://buxdu.uz

4)асоциал оила.

Г.П.Бочкарёва таснифи бўйича носоғлом муҳитли оилаларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин [3]:

1)ота-она болаларга нафақат бефарқ бўлган, балки уларга нисбатан ҳурматсизликни намоён этаётган, уларнинг хоҳиш-истакларини қаттиқ таъқиқлаётган оилалар;

2)оила аъзолари ўртасида эмоцонал алоқалар бўлмаган, болага умумий муносабат ижобий бўлган ҳолда унинг эҳтиёжларига бефарқлик билан қарайдиган оила;

3)маънавий-ахлоқий қиёфаси бузуқ бўлган, болаларга ижтимоий зарарли эҳтиёжлар ва одатларни сингдираётган, улар ахлоқсиз ҳаёт тарзига олиб кирилаётган оила.

Махсус тадқиқотларда, ҳатто, носоғлом оиладаги айнан қайси омил болалар психик тараққиётига қанчаклик таъсир кўрсатиши аниқланган. Жумладан, А.И.Захаровнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, болаларнинг психик ривожланишидаги нуқсонларга 29,6 % ҳолатларда ота-она ўртасидаги низолар, 27,4 % ҳолатларда ота-онанинг ичкиликбозлиги, 18,3 % ҳолатларда ота-онанинг зулм ўтказиш даражасидаги талабчанлиги сабаб бўлар экан [4].

Кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқлик ҳисси намоён бўлишида оила муҳитининг бевосита таъсирини юқорида таъкидлаб ўтдик, айнан ота ва она дастлабки ижтимоий кўникмаларни бола онгига сингдирувчи, унинг иродасини чарҳловчи инсонлардир. Оиланинг тўлиқ бўлиши, яъни унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом ақлли, кучли ирода соҳиби бўлиб етишига имкон беради. Шу туфайли умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқувчиларида **“Оила расми” методикаси ўтказилди.**

Оила методикаси ўрганилаётган бола томонидан оилавий вазиятни субъектив идрок этиш ҳақидаги бой маълумотларни ўз ичига олади. Расм боланинг ўз оила аъзоларига унга бўлган муносабати, синалувчи учун низо ва хавотирлик туғдирувчи оилавий муносабат характери, шунингдек, оиланинг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабатини қандай қабул қилиш ва оиладаги ўз ўрини аниқлашга ёрдам беради.

Оила расми методикаси учун миқдорий баҳолаш тизими ишлаб чиқилди ҳамда бешта белгилар мажмуаси ажратилди:

1.Қулай оилавий шароит;

2.Хавотирланиш;

3.Оиладаги низо;

4.Ўзидан қониқмаслик ҳисси;

5.Оилавий шароитдаги адоват.

Тадқиқот методикаси синалувчилар гуруҳида ўтказилиб, натижалар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари жадвалда акс эттирилди.

Синалувчиларнинг “Оила расми” методикаси бўйича олган натижалари

синфлар	**Қулай оилавий шароит**	**Хавотирланиш**	**Оиладаги низо**	**Ўзидан қониқмаслик ҳисси**	**Оилавий шароитдаги адоват**
2-синф	23%	45%	35%	48%	**28%**
3-синф	**34%**	**38%**	**29%**	**52%**	**37%**

Жадвал натижаларига кўра, синалувчилар гуруҳида қулай оилавий шароит ҳар икки гуруҳда ҳам аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 4-синф ўқувчиларида юқори эканлиги улар мазмун моҳиятан оилада рўй берадиган ҳар қандай ўзгаришларда хабардор эканлиги, улар учун қулай шароит қандай эканлиги хусусида маълумотларга эга эканлиги билан белгиланади.

Шунингдек, синалувчилар гуруҳида хавотирланиш, яъни ҳар қандай нарсаларга нисбатан ички қўрқувни ҳис қилиш қобилияти бирмунча ортганлигини кўришимиз мумкин. Лекин шуни айтиб ўтиш лозимки, тадқиқотда иштирок этган синалувчиларда ёшга боғлиқ хавотирланишнинг пасайганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Унга кўра синалувчилар гуруҳида

https://buxdu.uz

45% ва 38% ни ташкил қилади. Оиладаги низо синалувчилар гуруҳида 35% ва 29% ни ташкил қилиб, уларда ота-она муносабатларида ҳамда ота-она ва фарзанд тизимида ўзига хос зиддиятли ҳолатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтадилар.

Маълумки, тадқиқотда иштирок этган синалувчилар гуруҳида ўзидан қониқмаслик ҳисси 48% ва 52% ни ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Шунинг билан бирга улар ўзларида кечадиган ҳолатларни англамайдилар ҳамда қобилият ва иқтидорларини тўла баҳолаш имкониятини мавжуд эмаслигини англатади. Шунингдек, буни уларнинг кейинги босқич даврига ўтиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Оилавий шароитаги адоват синалувчилар гуруҳида ўзининг аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Унга кўра, 28% ва 37% ни ташкил қилади. Бу уларнинг оилаларида юзага келадиган турли даражадаги адоват, зиддиятнинг мавжудлиги шунингдек, оилавий психологик муҳитнинг соғлом эмаслигидан далолат беради.

Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, оиладаги носоғлом муҳит ҳам ўқувчи шахсида эмоционал реакцияларни юзага келишига сабаб бўлади. Шунингдек, оилавий муҳитдан қониқмаслик, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги келишмовчилик уларда хавотирланиш, ўзидан қониқмаслик, атрофдаги инсонларга нисбатан агрессияни юзага келишига сабаб бўлади.

Умуман олганда, муваффақиятга эришиш мотивацияси шахс қобилиятлари доирасига алоқадор бўлиб, бу мураккаб масалалар устида жиддий равишда ишлай олиш лаёқатидир. Чунки ўрта ақлий қобилиятга эга бўлган тадбиркор баъзида ўзидан кўра, ўткирроқ рақобатдошларига қараганда яхшироқ фаолият юритаётганлигини айнан шу муваффақиятга эришиш мотивациясидаги ўзаро тафовутлар тушунтириб бериши мумкин.

Фаолиятни синаш ва хатоларга йўл қўйиш орқали ўрганиш, тадбиркордаги таваккалчилик даражасини белгилаб, мағлубиятдан қочиш установкасининг шаклланишига имкон яратади. Даставвал, бу масала Э.Тронд (Edvar Trond томонидан таҳлил этилгандир [7]. Унга кўра, кутилган самарага эришилмаган реакциялар аста-секин сўнади, қолганлари эса мустаҳкамланиб бораверади. Меҳнат фаолияти ички мотивацион кучга эга бўлиб, бу ўз навбатида бошқа, индивидуал ва воқеликдаги мураккаб муносабатлар тизими билан ҳамоҳангдир.

Д.Маккеланд тадқиқотларининг асосий ғояси сифатида, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг алоҳида психологик хусусиятлари, жумладан, айрим мавжуд стандартлар билан беллашиш жараёнида аниқлаган ютуқлар мотивациясининг юқори даражаси намоён бўлади. Унингча, ютуқлар мотивациясини намоён бўлиши қуйидагича кечади: индивиднинг хулқ ситуацияси, яъни қўйилган масалалар индивид томонидан қарорларни ютуқли ёки ютуқсиз баҳолаш бўйича маълум стандартлар мавжудлиги билан тавсифланади; индивид ўз хулқи натижаларига жавобгар субъект сифатида ўзини қайта кўриб чиқади; масалани ҳал этиш жараёнида ютуққа эришиш олдиндан кўриб чиқилган бўлмаса-да, маълум даражадаги таваккалчилик билан боғлиқ.

Robert J.Kreitner ҳамда Angelo J. Kinickiларнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти мотивация бевосита ва билвосита уч соҳага бўлинади: тадбиркор фаолиятини илҳомлантириш, унга руҳ бахш этиш; фаолиятни мақсадга йўналтириш ва унинг тармоқларини ажратиш; фаолиятни шакллантирилишини белгилаш[8].

Психологик нуқтаи назардан мотивацияни тизимли тарзда ўрганиш инсонни меҳнатга айнан нима йўналтиришини яққол аниқлаш имконини беради. B.Weiner ўзининг «Мотивация назариялари» китобида тадбиркорлик фаолияти мотивациясини ёритишда «Инстинкт назарияси», «Идрок этиш назарияси», «Бошқариш ва мустаҳкамлаш назарияси» каби назарияларнинг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаб ўтган [9]. Унга кўра, биринчиси – инстинкт назарияси. Унда эътироф этилишича, тадбиркор фақатгина ташқи таъсир ва ички таҳлилга асосланган ҳолдагина эмас, балки ўзининг инстинктив мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширар экан. Ачинарли томони шундаки, бу ҳаракатларнинг натижаси моҳиятини улар кеч англаб, ўзлари билмаган ҳолда амалга оширганликларини уқтиришади. Иккинчиси – идрок этиш назарияси: ушбу назария "бошқариш" назарияси билан узвий боғлиқдир. Идрок этиш назарияси тадбиркорнинг келажакка бўлган ишончига асосланса, "бошқариш" назарияси ўтмишдаги воқеа оқибатларига асосланади. Бу назарияда таъкидланишича, инсон фаолияти келажакка бўлган орзу, умид, ишонч каби таркибий қисмлардан иборатдир. Учинчиси – бошқариш ва мустаҳкамлаш назарияси – тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг психологик жиҳатдан асослайдиган иккинчи назария бўлиб, ҳозирги фаолият ўтмишдаги малака ҳамда келажакда кутилаётган оқибат (ютуқ, соврин, мавқе...)ларга асосланади дейилади.

Умуман олганда, мотивацияга маълум бир хатти-ҳаракатларга ундовчи организмнинг ички ҳолати сифатида қаралади. А.Крилов ўз қарашларида, мотивация феноменини учта асосий талқинини шарҳлаб ўтади: физиологик талқинлар – ички мотив ёки эҳтиёжларнинг аҳамиятлилигини эътироф этади [10]. Мисол учун, емишдан маҳрум бўлган ҳайвон очликни ҳис этади ва егуликни излаб топишга ҳамда ўз физиологик эҳтиёжини қондиришга интилади. Очлик, чанқоқлик ва жинсий майл каби ҳолатлар организм учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, одатда "бирламчи драйв" деб ҳисобланади; бихевиористик талқинлар –

https://buxdu.uz

ўргатиш (ўқитиш) жараёнида орттирилган ички мотивларга суянади. Масалан, пулга эга бўлишга нисбатан мотивацион мойиллик. “Бирламчи драйв (бошқариш, ундаш)” ҳолатлари пуллар билан ассоциацияланиши сабабли, биз фаолиятга нисбатан йўналтирилган юқори мотивацияни сезамиз; психологик талқинлар – бизни аниқ ҳаракатларга мотивловчи “бирламчи драйв” концепцияси инсоният хулқ-атворининг мураккаб қирраларини тушунтиришда ҳам долзарб бўлиб қолаверади. Бунда ички мураккаб эҳтиёжга эришиш ёки Маслоу бўйича ўзини рўёбга чиқариш мотивациялари мисол бўла олади.

Умуман тадбиркорнинг ижтимоий хулқ мотивлари ҳақида гап кетганда, унинг икки элементини: ҳаракат дастури ва мақсадни ажратиш мақбул саналади. Ҳаракат дастури мақсадга эришишнинг воситаларига аниқлик киритади. Бунинг учун ижтимоий хулқнинг мотивлари аниқланган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга эришиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина тадбиркорлик ижтимоий хулқи жамият меъёрларига мос бўлади [11].

А.Карповнинг ёзишича, меҳнатга ижтимоий мотивация муаммоси, асосан, ишлаб чиқаришдаги психологик ва тадбиркорлик бошқаруви масалаларини ўз ичига қамраб олади. Муаллифнинг фикрича, психологик муаммолар ҳар қандай тадбиркорнинг руҳий ҳолати, кечинмалари, ташқи омил таъсирини қай даражада ҳазм қила олиши ва буларнинг тадбиркор иш фаолияти ҳамда натижасига таъсир қилиш даражасида тушунилади [12,151-158].

Шахсдаги энг муҳим афзалликлардан бири у ташқи муҳитни билиши, турли вазиятларда унга мослашиши ҳамда барқарор хулқ-атвор меъёрларини ўзида тарбиялай олишидадир. Чунки инсон жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ютуқларини билиши ва қадрлаши, уларни ақлан ҳис қила олиши керак. Бу нарса унга ўз замонасини тўғри идрок қилиш ва тушуниш имкониятини бериб, шахс тасаввурлари дунёсини мазмунли қилади. Бу эса тасаввурлар ва уларнинг шаклланганлик даражасига оид илмий-назарий тушунчаларга таъриф беришни тақозо этади.

Тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ижтимоий-психологик ҳамда этнопсихологик моҳиятини илмий тадқиқ этиш, уларни фанда илмий феномен сифатида ўрганилишига диққат қараталишини талаб қилади. Бу ҳодиса S.Moscovici, J.Jodele8, Е.Манчук, И.Нурлыгаянов, О.Ҳайитов кабилар томонидан ўрганилган илмий феномендир[13].

Жумладан, О.Ҳайитов “Ижтимоий тасаввурлар – ҳар бир шахс томонидан ижтимоий борлиқни ўзига хос тарзда қайд этиш воситаси бўлиб, субъектив реалликни объективлик билан боғловчи психологик механизмдир” [14,145], деган хулосага келган.

Бу таъриф орқали муаллиф ижтимоий тасаввурларнинг қуйидаги бир неча муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатади: ижтимоий тасаввурлар фаол ижтимоий мулоқотлар маҳсули; улар шахс учун муҳим бўлган ижтимоий объектларга нисбатан, унинг онгли муносабатларини таъминлайди; ижтимоий тасаввурлар билиш воситасидир; жамиятда қабул қилинган турли ижтимоий меъёрлар, хатти-ҳаракат шакллари, қадриятлар ва баҳоларнинг интериоризациясини таъминлайди; ижтимоий тасаввурлар шахс ижтимоий тажрибасининг негизидир.

Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишини қуйидаги босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин: **идрок этиш босқичи** – унда онгда бевосита акс этадиган маълумотларнинг қабул қилиниши ва тадбиркор учун аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан сараланиши рўй беради; **ассоциатив боғланишлар босқичи** – бунда онгдаги янги хабарлар эскилари билан солиштирилиб, ассоциатив ва маънавий боғланишлар ўрнатилади; юқоридаги икки босқич хусусиятларининг умумлаштирилиши – объект ҳақидаги тасаввурларнинг генерализациясидир; кейинги босқичлар кўпроқ тафаккур ва тушунчалар соҳасига тааллуқли бўлиб, унда ҳар бир маълумот ёки хабар дифференциал ҳолда тадбиркор учун аҳамиятлилик даражасида ажратилади ва шу асосда маълум установкалар шаклида унинг хулқ-атвори йўналишини белгилайди.

Ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариши, аввало, ташқи омиллар таъсирига боғлиқ бўлиб, мутахассислар бу жараённи тушунтирувчи қатор босқичларни ажратишади: маълумотлар оқимининг идрок қилиниши ва улардан шахс учун аҳамиятлисини ажратиб олиниши; ажратиб олинган маълумотларнинг эскилари билан солиштирилиши ва улар орасида ўзаро боғлиқликнинг ўрнатилиши; когнитив тизимда янги маълумотларнинг табақаланиши ва таснифланиши. Ҳар бир табақада энг аҳамиятли, маъноли «мағиз» маълумотларнинг

https://buxdu.uz

ажратилиши ва унга аҳамиятсизларини қарама-қарши қўйилиши, қиёсланиши; тасаввурлар "ядроси", "мағзининг ташкил топиши ва унинг хулқ-атвор шаклларида мустаҳкамланиши [15,71].

Ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши ва динамикасини таҳлил қилиш орқали, уларни қуйидаги қатор муҳим хусусиятларини ажратиш мумкин: ижтимоий тасаввурлар, унинг субъекти ҳисобланган шахс, синф, гуруҳ ёки миллатнинг атрофидаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга боғлиқ тарзда шаклланади; улар маълум маънода умумлаштирилган образлар бўлиб, бунда тасаввур субъектининг образ объектини тушуниши ва сўз билан ифодаланишида муҳим роль ўйнайди; доимо ижтимоий тасаввурлар англанган аҳамиятга эга; ижтимоий тасаввурлар ўзгарувчан ва динамик тузилмалардир; бу тасаввурлар доимо репродуктив образлар ҳисобланиб, маъно ва мазмун касб этган образлар хотирада сақланиб, ҳар қандай ижтимоий вазиятда шахс хулқ-атворида, нутқида, ҳаракатларида, ишларида ва мулоқотида намоён бўлади; ижтимоий тасаввурлардан турли гуруҳлар психологиясини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда қадриятга йўналганлик, қадриятли установка ва қадриятлар тизимининг шакланганлиги ҳам муҳим ўрин тутади.

Агар қадрият дин, мафкура, санъат каби ижтимоий онг шаклидан алоҳида ажратиб қаралса, у ҳолда унинг мустақил маъно-моҳиятига нисбатан шубҳа уйғонади. Чунки инсон ёки жамиятнинг бирор-бир эҳтиёжларининг қондирилиши нафақат, моддий, шунингдек идеаллик билан ҳам алоқадорликни акс эттиради. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам ижтимоий ҳаётнинг қатор шарт-шароитлари ва ўзига хосликларини аниқлаб беради. Демак, қадрият инсон ва жамиятнинг ташқи оламга муносабатининг, уларнинг ички эҳтиёжлари ва воқеликка муносабатлари билан уйғунлашуви натижасида юзага келади. Мазкур муносабатнинг барқарор хусусият касб этиши инсон фаолиятининг мақсади ва мотивларини шакллантиришга хизмат қилувчи "қадриятли йўналганлик" атамаси билан ифода этилади.

Шахснинг "қадриятга йўналганлиги" атамаси XX асрнинг 20-йилларида социология фанида У.Томас ва Ф.Знанецкийлар томонидан киритилган бўлиб, уларнинг фикрича ижтимоий установка – индивиднинг ижтимоий дунёдаги реал ва мавжуд фаоллигини аниқлаб берувчи индивидуал англаш жараёнидир [16,344]. Бошқача сўз билан айтганда, ижтимоий установка индивид, гуруҳ, яхлитликда жамият хулқ-атворини бошқаришни таъминловчи ядро вазифасини бажаради. Ижтимоий установканинг пайдо бўлишидан аввал индивид томонидан эҳтиёж ва шарт-шароитларнинг англаниши содир бўлади. Социумнинг таъсири жамият томонидан маълум ахборотларни олиш асосида эҳтиёжларнинг қондирилишига эришиш билан белгиланади. Шундай қилиб, қадриятга йўналганлик индивиднинг онгида шаклланади, қарор топади ва ўзгариб туради [16,335-337].

Т.Парсонснинг "Ижтимоий ҳаракатларнинг тузилиши ҳақида" деб номланган асарида қадрият ва қадриятга йўналганлик тушунчалари ўртасидаги алоқадорлик ажратиб кўрсатилган. Яъни, социум маданиятида эталонларга интилишнинг намоён бўлиши асосида жамиятнинг функционал эҳтиёжлари юзага чиқади [17,547-559].

Қадриятга йўналганлик шунингдек, ўз ичига индивиднинг ҳаётий тажрибалари ва орзу-армонларини ҳам қамраб олади. Ана шу сабабли қадриятга йўналганлик ўзига хос психологик тавсифга эга бўлиб, шахс тузилишининг барча компонентлари ва яхлит тизимини акс эттиради.

Педагогик аксиологияга доир адабиётларда "қадриятли установка" тушунчаси ҳам учрайди. Гарчи кўпчилик муаллифлар "қадриятли йўналганлик" ва "қадриятли установка" тушунчаларини синоним сифатида қўллашса ҳам, биринчилардан бўлиб М.Рокич улар орасидаги фарқни алоҳида ажратиб кўрсатган. Америкалик олимнинг фикрича, установкани маълум бир объект (конкрет ёки абстракт, шахсий ёки ижтимоий)га ёки вазиятга нисбатан субъект муносабатида акс этувчи узоқ вақт давомида шаклланган бир қанча ишонч, эътиқодлар мажмуи деб қараш мумкин [18,547-559]. Демак, йўналганлик шахснинг жамиятдаги меъёрлар билан инсон эҳтиёжлари уйғунлашуви акс этса, қадриятли установкада шахснинг амалий фаолиятда мазкур муносабатлари тизимини рўёбга чиқаришга тайёрлиги акс этади.

Педагогик аксиология соҳасида тадқиқотлар олиб борган олим Б.Ходжаевнинг таъкидлашича, шахснинг ўзининг ички позициясини англаши ва аниқ қадриятлар билан боғлиқликда амалий фаолиятга тайёрлиги қадриятли установканинг моҳиятини белгилаб

https://buxdu.uz

беради. Установка шахснинг аниқ фаолиятга тайёргарлик ҳолатини акс эттирувчи когнитив (билим, ахборот) ва аффектив (эмоция, ҳиссиёт) компонентлар мажмуи сифатида намоён бўлади [19,17].

“Қадриятлар тизими” муайян ижтимоий субъектларга (шахс, миллат, жамият ва бошқалар), бирон бир давр, тарихий босқич ёки соҳа билан боғлиқ бўлган қадрият шаклларининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодалайдиган тушунчадир.

Қадриятлар тизими маданиятнинг асосини ташкил этиб, жамият аъзоларининг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари, қизиқишлари, уларнинг ижтимоий ҳаракатлари ва хулқ-атворини бошқаришни ўзида акс эттиради.

Б.Битинас ва И.П.Подласыйлар қадриятларнинг учта асосий тизимини ажратиб кўрсатишган: трансцендентал (диний моҳият нуқтаи назаридан қандайдир мутлақликка эга), ижтимоий йўналтирилган – социоцентрик (гуруҳий, умуминсоний, касбий, миллий ва ҳ.к.) ва антропоцентрик (индивидуал) [20,83].

М.А.Макаревич қадриятлар тизимини қуйидаги гуруҳларга ажратган: ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи (яхшилик, ёмонлик, бахт, фаровонлик), универсал (ҳаётий (витал), демократик, ижтимоий обрў-эътибор, шахсий ривожланиш, шахслараро муносабат), норасмий (анъанавий, диний ва урбанизацияга оид) ва жамоавий (ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва бирдамлик). Ҳаётий (витал) қадриятларга деганда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ва узайтиришга йўналтирилган бирламчи ва оддий эҳтиёжлар тушунилади. Ҳаёт мазмунини белгилаб брувчи қадриятлар эса мураккаб тузилишга эга бўлиб, бутун инсон ҳаётини мураккабликлари ва ғаройиботларга бойлигини ифода этади [21,609-610].

П.А.Сорокин қадриятлар тизимининг учта турини ажратиб кўрсатган:

– идеационал қадриятлар тизими. Мазкур тизимга доир қадриятлар ва идуаллар ўзгаришсиз ва доимий, мутлақ тавсифга эга бўлиб, уларни тушуниб етиш жараёнида юзага келадиган тўсиқларни енгиб ўтиш жараёнида инсонда ҳиссий қониқиш юзага келади;

– ҳиссий қадриятлар тизими. Мазкур тизимга хос қадриятлар мутлақ кўриниш касб этмайди, индивид иштирок этаётган вазият билан боғлиқликда амал қилади;

– идеал қадриятлар тизими. Идеационал ва ҳиссий қадриятларнинг умумлаштириш асосида таркиб топади [22,488-494].

Адабиётлар таҳлилига кўра, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш нуқтаи назаридан қадриятларнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин: терминал (психология-педагогик фанларида – мақсадли; маркетингда – пировард) ва инструментал (психология-педагогика фанларида – воситали; маркетингда – билвосита) қадриятлар. Терминал қадриятлар –ўқувчининг тадбиркорлик фаолиятига интиладиган мақсадлари ва ҳолатлари ҳақидаги фикрларидир (бахт, донишмандлик ва ҳ.к.). Инструментал қадриятлар эса терминал қадриятларга эришиш учун тадбиркорлик кўникмасини эгаллаш жараёнида ўқувчи қўллайдиган хулқ-атвор шакллари ҳақидаги тасаввурларига тааллуқлидир (бизнесда ҳалол бўлиш ёки ўз зиммасига мажбурият олиш).

Қадриятлар маданият воситасида қўлга киритилади, шу сабабли бирор жамиятнинг аъзолари бир хил қадриятларни турли даражада қўлга киритадилар. Шунинг учун ҳар бир қадриятнинг нисбий аҳамияти турли индивидлар учун турлича бўлади, бу фарқлардан эса бозорни сегментларга ажратиш мезони сифатида фойдаланиш мумкин.

Турли қадриятларнинг аҳамияти ҳам вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. М.Рокич (M.Rokeach) инсон эришган қадриятлар унчалик кўп эмас, деб ҳисоблайди. У ўз тажрибаларда ўн саккиз хилдаги терминал ва инструментал қадриятларни келтиради.

Сўнгги йилларда баъзи тадқиқотчилар қадриятларнинг маълум даражада баҳолаш мумкин бўлган қисқача рўйхатини ишлаб чиқдилар. Кайле (Kahle) терминал қадриятларнинг саккизтасини ажратиб кўрсатган: (1) ўз-ўзига ҳурмат; (2) хавфсизлик; (3) илиқ ўзаро муносабатлар; (4) мақсадга эришганлик ҳисси; (5) ўз-ўзидан қониқиш; (6) бошқалар томонидан ҳурмат; (7) мансублик ҳисси; (8) шодлик, лаззат, ёқимли ҳис. Ушбу қадриятлар истеъмолчи хулқ-атворининг ёки ижтимоий ўзгаришларининг турли жиҳатлари билан жуда яхши мос келиши тажрибаларида аниқланган.

Умуман олганда умумтаълим мактаби ва оила ҳамкорлигида ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш масаласи ҳамда унинг устувор жиҳатлари қуйидагилар орқали

https://buxdu.uz

янада ойдинлашади:

– биринчидан, барча тарихий даврларда меҳнат тўғрисидаги билимлар, илк иқтисодий тушунчалар шаклланиши, кўникма ва малакалар ривожланишининг дастлабки манбаи оила бўлган. Оиладаги тадбиркорлик муҳити болани меҳнатга, тежамкорликка ўргатиш, маънавий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш, ақлий ривожлантириш ва касбий йўналтириш имкониятини беради. Шунингдек, рақобатбардош, ишбилармон, танқидий фикрлаш қобилиятига эга, ижтимоий фаол тадбиркор шахсини шакллантиришда асос вазифасини ўтайди. Бу борада шаклланган кўникма ва малакалар мактабда дарс ва дарсдан ташқари ишларда янада такомиллаштириб борилса, тадбиркорликка оид янги ғояларни яратиш, муваффақиятларини кўра билиш, хушёрлик, ҳамкорларни танлай билиш каби алоҳида сифатлар шаклланишига ёрдам беради;

– иккинчидан, оилада катта авлод вакилларининг тажриба-синовидан ўтган ўгитлар, чин инсоний фазилатлар ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашнинг асоси – халоллик, ростгўйлик, ўзаро ҳурмат, меҳнат қилиш, ҳунар эгаллаш, меҳнатни қадрлаш, масъулиятли, ташаббускор бўлишга замин яратиб, унда ҳунар ўрганиш, халол ишлаб пул топиш устувор саналади. Оиланинг мана шундай тарбиявий таъсир имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш учун ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга, меҳнат фаолиятига тайёрлаш, унинг касбий йўналганлигини оптимал прогноз қилишда ёндашувларни аниқлаш ва қўллаш мақсадида умумтаълим мактаби ва оила ҳамкорлигини янгича бир концепция асосида ташкил этиш зарурати юзага келади. Чунки, келажак авлод бугун учун эмас келажак учун тайёрланади. Қўйилган муаммолар ечимининг йўналишларидан бири ўқувчиларнинг ишбилармонликка йўналганликларини фаоллаштириш, таълим жараёнида, оилада, оилавий корхоналар, ташкилотларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади;

– учинчидан, умумтаълим мактаби ва оила ҳамкорлигида ўқувчиларда фақатгина тадбиркорлик кўникмалари ривожлантирилибгина қолмай, у жамиятнинг тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Таълим-тарбия сифатининг ўсиши, ёш авлодни онгли равишда касбий ўз-ўзини аниқлашига кўмаклашади, ёшларнинг шахсий лаёқатлари ва қобилиятларини амалда синаб кўришларига имконият яратади;

– тўртинчидан, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаёт фаолияти шароитларига таъсирининг кўламини инобатга олиб, биз тадқиқ этаётган ҳамкорлик асосида ўқувчиларнинг давр талабига мослашувини баҳолаш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1.Алексеева, Е.С. Модель образовательной среды, развивающей предприимчивость учащихся // Вестник Костромского государственного университета им. НА Некрасова. – Серия: «Гуманитарные науки: Педагогика. Психология… – 2013. – №.3. – Т.19. – С. 7–11.; Лазарев, С. В. Развитие психологической готовности молодых авиаинженеров к военно-профессиональной деятельности: Дис.… канд. психол. наук: 19.00.14 / Лазарев Сергей Викторович. – М., 2000. – 240 с.; Левадняя, М. О. Оценка психологической готовности руководителя к управлению в условиях кризиса: Автореф. дис.…канд. психол. наук: 19.00.13/ Левадняя Майя Олеговна. – М., 2003. – 24 с.; Лежнина, Л. В. Готовность психолога образования к профессиональной деятельности: этапы, механизмы, технологии формирования: Дис. …док. психол. наук: 19.00.07 / Л.В. Лежнина. – М., 2010. – 473 с.

2.Гребнева, В. В. Психологическая готовность студентов к личностноцентрированному взаимодействию в процессе образования в вузе: Автореф. дис. …канд. психол.наук. – Курск, 2003. – 23 с.

3.Мухина, В. С. Детская психология. – М.: ЭКСМО-Пресс, 2000. – 352с.

https://buxdu.uz

Турғунбоева Азизахон Ғуломовна,
Наманган Давлат Университети Педагогика ва психология кафедраси таянч докторанти

ИЖТИМОИЙ- ПЕДАГОГИК ПЕРЦЕПЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЭМПАТИВЛИКНИ ТАШХИС ҚИЛИШ

Аннотация: *Ушбу мақолада ижтимоий педагогик перцепциянинг ўзига хос механизми бўлган эмпативлик даражасининг айрим психологик жихатлари кенг ёритилган*

Таянч сўзлар: *эмпатия, идентификация, касбий маҳорат, педагогик қобилият, тарбияси” қийин” ўсмирлар, эмпативлик қобилияти, рефлексив-перцептив малака, ижтимоий перцепция.*

Аннотация: *В данной статье описаны некоторые психологическое аспекты уровня эмпатии, которые являются характерным механизмом социально- педагогического восприятия*

Ключевые слова: *эмпатия, идентификация, профессиональное мастерство, педагогическая способность, “трудные” подростки, способность к эмаптии, рефлексивно-перцептивные умения, социальная перцепция.*

Abstract: *In the following article some certain psychological characteristics approaches of empathu degree which is partikular mechanism of social and pedagogical perception are described.*

Key words*: empathy, identification, professional skills, teaching ability, "difficult" teenagers, ability to empathy, reflexively-perceptual skills, social perception.*

Мавзунинг долзарблиги: Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг даражадаги ислоҳотлар ёшларимизнинг жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Янги шароитлардан келиб чиқиб 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш хозирги куннинг асосий вазифасидир.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, педагогик жараёндаги таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш учун ўқитиш сифатини тубдан янгилаш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги муносабатини йўлга қўйиш, ўзаро соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш ва янгича ёндашувларни амалиётга жорий этишимиз зарурдир. Педагогик жараёнда проекциялаш ва англанмаган идентификация ҳодисалари учраб туради. Бироқ педагогнинг ўқувчиларни билиш жараёнида уларнинг ёшига, ижтимоий мақоми ва ролларига кўра тафовутлар кўпроқ кузатилади. Мазкур тафовутлар объектив (масалан, педагогнинг ёшлиги) ва субъектив (тенг ҳуқуқлилик ёки ҳамкорлик) жиҳатдан унчалик аҳамиятли бўлмаса, проекциялаш механизми жуда кучли бўлиши мумкин.

Педагог томонидан ўқувчи шахсини билиш жараёнида эмпатия муҳим рол ўйнайди. Ҳамдардлик қобилияти “бошқалар”ни адекват идрок қилишнигина эмас, балки ўқувчи билан самарали, ижобий ўзаро муносабатларни ташкил этиш имконини беради. Бу икки томонлама таъминланган хусусиятдир. Биринчи томондан, ўқувчи шахсини нисбатан чуқурроқ ва адекват акс эттиришга асосланган педагогик қарорлар қабул қилиш ва тарбиявий жараён самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бошқа томондан, эмпатияни намоён этиш натижасида унга нисбатан ҳиссий жавобни вужудга келтиради ҳамда педагог ва ўқувчи ўртасида ижобий муносабатларнинг шаклланишига олиб келади.

Тарбияси “қийин” ўсмирлар билан олиб бориладиган ишларда эмпатия жуда муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик учун у қондирилмаган эҳтиёж сифатида қаралади. Ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимларида махсус ҳисобда

https://buxdu.uz

турадиган ўсмирларнинг 92,2 % ижобий эмоционал алоқага эга эмаслиги маълум бўлиб, улар ўз ўқув юртларида мунтазам равишда психологик "изоляция" шароитида бўлганлар. Л.М.Зюбинанинг таъкидлашича, 35 % қонунбузар ўсмирлар ота-она ва болалар ўртасида носоғлом муносабатлар мавжуд оилаларда тарбияланишган. Оиладаги ноқулай муҳитнинг бола шахсига салбий таъсири йилдан-йилга ортиб бормоқда. Р.Хичкок ўтказган тадқиқотларда аниқланишича, зўравонликка бўлган мойилликнинг ривожланиши ва шахснинг ҳаётий услуби сифатида мустаҳкамланиб бориши кўп жиҳатдан унинг ўзида ҳамда атрофидагиларда эмпатиянинг етишмаслиги билан боғлиқдир.

Педагогик амалиётда ҳам, оилавий муносабатларда ҳам аксарият вазиятларда бундай ўсмирларга ҳамдард бўлиш ўрнига кучлироқ босим ўтказилади. Баъзан касбий маҳоратнинг етишмаслиги, эмпативлик қобилиятининг пастлиги туфайли ўсмир шахсида салбий сифатлар шаклланишини чуқурлаштириб юбориш, ҳатто дидактоген касалликларни пайдо бўлишига қулай шароит вужудга келтириш мумкин Мазкур муаммо, аслида меҳрга, уни тушунишга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаганлиги сабабли юзага келади. Чикаго университети тиббиёт маркази мутахасислари ўз тадқиқотларида инсонга болалигидан етарлича эътибор қаратмаслик, у билан етарлича сухбатлашмаслик унда "мехр танқислиги синдромини"пайдо қилишини аниқлашган.

Эмпатия – бошқа бир одамнинг холатини хис қила олиш, унинг хис-туйғу ва кечинмаларини тушуна олишдир. Айрим психологик манбаларда эмпатияни ачиниш, ўзаро бир-бирини ёқтириш каби туйғулар билан қўшиб юборишади. Аслида бошқа одамнинг хиссий холатини тушуниш мумкин, лекин уни ёқтириш, унга ачиниш хисси бошдан кечирилмайди. Масалан, ўқувчи ўзи ёқтирмайдиган ўқитувчи дарсида атайлаб, намойишкорона унинг ғашига тегади, дарс ўтишига халақит беради. Чунки у, ўқитувчининг ўша вазиятда қандай хиссий холатга (аччиқланиш, жаҳл, ғазаб) тушишини англай олади. Биз товламачи, фирибгар деб атайдиган кишилар "эмпативлик" хиссини жуда ёрқин бўёқларда акс эттира оладилар ва бундан ўзларининг ғаразли мақсадалари йўлида унумли фойдаланадилар.

Бошқа кишиларнинг хиссий холатини тушуна олиш қобилияти сифатида гавдаланадиган эмпатия – инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланади ва сайқал топиб боради. Шунинг учун ҳам ёш улғайиб борган сари, эмпативлик хиссининг ортиб бориши кузатилади. Кишидаги эмпативлик хисси бошқалар(янги танишлар, янги касбдошлар, бегоналар)га нисбатан, ўз яқинлари(ота-онаси, фарзандлар, қариндош-уруғлари, дўстлари, севимли кишиси)га бўлган муносабатларида яққол намоён бўлади. Турли миллат ва маданиятга мансуб кишиларда ўзаро эмпативлик хисси кучсиз бўлиши мумкин.

Ушбу терминини фанга илк бор Т.Титченер киритган бўлиб, бу сўз билан у бошқа инсон ҳолатини интуитив даражада ҳис этишга кўмак берадиган ички фаолликни номлаган. Эмпатияга замонавий ёндашувлар ишида қуйидагиларини учратиш мумкин:

- Бошқа инсоннинг ички ҳолати, фикрлари ва ҳиссиётларидан хабардор бўлиш;
- Бошқа инсоннинг эмоционал ҳолатини бошдан кечириш;
- Ўзга инсоннинг ҳисларини тасаввур этиш, ўзганинг ўрнида бўлиб қолганда ўзини қандай тутиши ҳақида фикр юритиш;
- Ўзга инсоннинг қийналаётганидан азобланиш, хафа бўлиш.

Аниқланишича, эмпатиядаги энг муҳим ҳолат бу бошқа инсоннинг ролини қабул қилиш қобилияти бўлиб, бу бизга нафақат реал инсонларга нисбатан, балки ўйлаб топилган персонажлар (масалан, бадиий асар қаҳрамонлари)га нисбатан ҳам эмпатик муносабатда бўлиш имконини беради. Шунингдек эмпатик муносабатга мойиллик ҳаётий тажрибанинг ошиши билан ҳам боғлиқ экан.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича муқобил шарт-шароитлар эмпатик муносабатнинг шаклланишига ижобий таъсир этар экан. Масалан, агар оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ижобий бўлса у ҳолда бундай шароитда ўсган болаларнинг атрофдагиларга нисбатан эмпатик муносабатда бўлиш эҳтимоли акс шароитда улғайган болаларга нисбатан каттароқ бўлади.

Методика Тадқиқот ишида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эмпативлик қобилияти диагностика қилинганида олинган натижалар асосида эмпатияга қобилиятлиликнинг ички қонуниятларини аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлилга таянилди. Шахслар орасидаги

https://buxdu.uz

муносабат уларнинг атроф оламга, воқеа-ҳодисаларга, жонзотларга муносабатида қандай боғланиш ҳосил қила олганлиги ўрганилди. Чунки, ижтимоий-перцепциянинг тавсифига кўра шахснинг эмоционал ҳолати, унинг туйғу ва кечинмалари атроф оламни идрок этиш, у билан бирга ўзини ҳис эта олиши, атрофдаги кишиларнинг туйғуларини ўзида кечириши, уларнинг руҳиятидагини ўзида акс эттира олиши ва булар орқали уларга мурожаат этиш шубҳасиз эмпатиянинг мазмунида акс этади. Эмпатия шахснинг ўзга кишиларни чуқурроқ тушунишига, оламни кенгроқ идрок қилишига имкон беради. Эмпатия шахснинг ўзга инсонлардаги ҳиссий кечинмаларини англаш, уларни ўзида ҳис қилиши, уларнинг дардларига шерик ва ҳамдард бўла олиш туйғулари билан изоҳланади.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги эмпатиянинг даражасини баҳолаш

Эмпатияга мойиллик натижалари						
	Ота-онага эмпатия	Ҳайвонларга эмпатия	Кексаларга эмпатия	Болаларга эмпатия	Бадиий асар қаҳрамонларига эмпатия	**Нотаниш ва кам таниш кишиларга эмпатия**
Ота-онага эмпатия	0.451**	0.277*	0.378*	0.461**	0245*	**0323***
Ҳайвонларга эмпатия	0.228	0.199	0.211	0.164	0.162	**0.162**
Кексаларга эмпатия	0.613**	0.208	0.456*	0.361	0.227	**0.245***
Болаларга эмпатия	0.425**	0.327*	0.406**	0.541**	0.268*	**0.271***
Бадиий асар қаҳрамонларига эмпатия	0.177	0.242*	0.301*	0.158	0.147	**0.207**
Нотаниш ва кам таниш кишиларга эмпатия	**0.266***	**0.174**	**0.278***	**0.243**	**0.219**	**0.283***

Тадқиқот ишида ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатлари ўртасида йигирмага яқин ишончлилик корреляцион боғланишлар мавжудлиги кузатилди. Бундан кўринадики, устозлар ўз шогирдларига панд-ўгит бераётганларида биринчи ўринда диққат-эътиборларини инсон қадр-қиммати, атрофдагиларга ҳурмат туйғуси, инсонлар бошига муаммолар тушганда ёрдам бериш, уларни яхши тушуниш ва дардларига шерик бўлишни эътироф этар эканлар. Чунки миллий ва маданий анъаналаримизда ҳам инсон қадр- қимматини эъзозлаш, “Катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўзи билан қараш керак”-деган нақл доимо уқтириб келинади.

Аммо ўқувчилар ўз эмпатияларида бадиий асар қаҳрамонлари билан ҳайвонларга эмпатияда ($r=0.242$, $p<0.05$), бадиий асар қаҳрамонлари билан болаларга эмпатия ($r=0.268$, $p<0.05$) да боғланиш ҳосил қила олганлар. Ўқитувчиларнинг ҳайвонларга, бадиий асар қаҳрамонларига нисбатан эмпатияларни намоён қилиш бир меъёрда эмаслигини инобатга олишга тўғри келади. Аммо, эмпатияни ўрганиш натижалари ўқитувчи муносабатларини ўқувчи ижтимоий перцепциясига таъсири учун амалий ҳаракатлар муҳимлигини тақозо этди

https://buxdu.uz

Хулоса қилганимизда болалар ўртасидаги шахслараро муносабатлар эмпатиянинг шаклланишига ўзига хос тарзда таьсир кўрсатади яъни, болалардаги эмпативлик мураккаб аффектив-когнитив-хулқий табиатга эга шахс хусусияти ёки қобилиятидир.

Умуман олганда эмпатия бу шахснинг ижтимоий психологик хусусиятидир. У ўз ичига эмпатиянинг ҳам обьекти ҳам субьектига намоён бўладиган индивиднинг ижтимоий психологик қобилиятларини олади.

Бундай қобилиятларга:

- бошқа бировнинг кечинмаларига эмоционал реакция бера олиш қобилияти;
- бировнинг эмоционал ҳолатларини англаш қобилияти ва бировнинг ҳатти-ҳарактлари;
- фикр-ўйлари ва ҳиссиётларига хаёлан ўзини кўчира олиш;
- бошқа одамнинг дардларини енгиллатиш ва ўзаро муносабатларга киришиш усулларидан фойдалана олиш қобилиятлари киради.

Эмпатияни қўзғатувчи ёки сусайтирувчи шарт-шароитлар қуйидагича намоён бўлади: агар инсон бошқалардан ўзини олиб қочса, одамлар билан суҳбатлашишдан ўзини четга олса ва уларга беэътибор бўлса, бошқаларнинг муаммоларига бефарқ қараса, эмпатиянинг самарадорлиги камаяди.

Эмпативлик хусусиятини эгаллаш, ўзаро киришимли бўлиш қобилияти инсон учун муҳим бўлиб, унинг коммуникатив хусусиятлари одамларда эркинлик, ишонувчанлик ва меҳр-мурувват ҳиссини шакллантиради.

Бизга маълумки инсон бир умр эътиборга, ғамҳўрликка, меҳр-мурувватга ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади. Боланинг мақтов ва эътиборга, самимий мулоқотга, ўзаро ҳамкорликка, уни тинглашларига бўлган эҳтиёжлари доимо юқори бўлади. Айрим ота-оналар "болаларни тўла-тўкис таъминлаб қўйдим, хеч кимдан кам қилмадим – ота-оналик вазифасини бажардим" деган фикрда бўладилар. Лекин фарзандларида зарарли одатларга берилиш, серзардалик, тажанглик, бемеҳрлик, одамовилик каби салбий психологик ўзгаришлар кузатилганда эса, бунинг сабабини қидира бошлайдилар. Одам бошқаларнинг ички кечинмаларини тушуна олиши учун, унинг ўзи ҳам қачонлардир ушбу холатни бошдан ўтказган бўлиши шарт, аксинча бўлса, у хиссий кечинмаларнинг асл мохиятини тушуна олмайди. Халқимиз орасида кўп қўлланиладиган "Табиб – табиб эмас, бошдан ўтказган табиб" ибораси айнан шу вазиятни ифодалаб беради. Ҳаётда шундай зийрак, сезгир кишилар ҳам бор-ки, улар бошқаларнинг ички кечинмаларини бир қарашда илғаб оладилар. Ушбу шахсий-касбий фазилат айниқса, "инсон - инсон" тизимига кирувчи касблар(врач, ўқитувчи, психолог,...)да муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. Реан А.А. Коломинский П.Я. Социальная педагогическая психология – М. 2004 . – 234 с
2. Бодалев А.А. Личность и общение – М .1983.- 116 с.
3. Гамезо М., Петрова Е., Орлова Л. Возрастная и педагогическая психология. – М.2003. – 94с.
4. Кузьмина Н.В. Педагогик қобилиятларни шакллантириш. ЛГУ 1961.

https://buxdu.uz

Badritdinova Madina Baxromovna,
Namangan davlat universiteti pedagogika va psixologiya kafedrasi o'qituvchisi

KOGNITIV USLUB BILAN BOG'LIQ META USLUBLARNING RIVOJLANISHI

***Annotatsiya**: Ushbu maqolada ta'lim jarayonida kognitiv uslub shakllanishining o'ziga xos xususiyatlari haqida fikr yuritilgan. Maqola talabalar, pedagoglar, kognitiv uslub muammosi bilan shug'ullanuvchi mutaxassislar uchun mo'ljallangan.*

***Kalit so'zlar:** kognitiv uslub, kognitiv nazorat, kognitiv temp.*

***Аннотация**: В статье рассматривается о своеобразии формирования когнитивного метода в процессе учебной деятельности учащихся, его общего интеллекта. Статья предназначена для студентов, педагогов, специалистов занимающихся проблемами когнитивного метода.*

***Ключевые слова:** когнитивный стиль, когнитивный контроль, когнитивный темп.*

***Abstract:** The article deals with the formation of the cognitive method in the process of educational activity of students, its General intelligence. The article is intended for students, teachers, specialists dealing with the problems of cognitive method.*

***Key words**: cognitive style, cognitive control, cognitive pace.*

Mavzuning dolzarbligi: Hozirgi globallashuv jarayonlari va fan – texnika sohasidagi ilg'or tadqiqotlar ijtimoiy soha vakillarining zimmasiga shaxsning jamiyat talablari bilan uyg'un rivojlanishi va faol bilish motivatsiyasini qaror toptirish bilan bog'liq zaruriy vazifalarni yuklaydi. Respublikamizda ta'lim tizimi oldida turgan asosiy vazifalardan biri mustaqil qaror qabul qila oladigan va ijodiy fikrlaydigan yuksak malakali kadrlar tayyorlashdir. Zamonaviy ta'lim tizimi har bir pedagogdan kasbiy kompetentlikka ega bo'lishni, o'qitishning eng ilg'or texnologiyalarini o'zlashtirishni, fanning so'nggi yutuqlaridan xabardor bo'lishni, o'quvchilarning individual – psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda ular bilan ta'lim – tarbiya ishlarini olib borish malakasiga ega bo'lishni taqozo etmoqda. Ta'lim – tarbiya jarayonida har bir o'quvchining individual uslubini, shuningdek kasbiy faoliyat samaradorligini ta'minlashga yordam beruvchi kognitiv uslubini shakllantirishga erishishi lozim.

Ta'lim jarayonida o'quvchilarga o'qituvchi tomonidan bir xil ta'lim – tarbiya beriladi. Lekin o'quvchilarning o'zlashtirishlari va o'quv faoliyatini qabul qilishlari har xil. O`quvchining ta'lim jarayoniga munosabati o'quv faoliyatida diqqatini to'g'ri yo'naltira olishi, qiziqishida va qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun iroda kuchini sarflashga tayyor ekanligida namoyon bo'ladi. O`quvchilar tomonidan bilimlarni muvaffaqqiyatli o'zlashtirilishi ular diqqatining barqarorligi, tez va oson zarur ob'yektlar ustida to'planishi, to'g'ri taqsimlanishi, idrok qilishning aniqligi, tafakkur qilishning tezligi, izchilligi, mazmundorligi, mustaqilligi, chuqurligi, esda saqlashning mustahkamligi, qayta esga tushirishning aniqligi va boshqa xususiyatlarga bog'liq. Shuning uchun ham ta'lim jarayonida o'quvchilar kognitiv uslubini o'rganish va diagnostika qilish dolzarb vazifalardan biridir.

"Kognitiv uslub" tushunchasi psixologik adabiyotlarga ingliz tilidan kirib kelgan bo'lib, "*cognitive style*" so'zi tarjima qilinganda "bilish uslubi" degan ma'noni anglatadi. Biroq, "bilish" va "kognitiv" tushunchalari sinonim emas. "Bilish" – ob'yektiv voqealikni individual ongda aks ettirish jarayoniga tegishli bo'lib, u sensor, pertseptiv, mnemik, fikrlash shaklidagi bilish obrazlaridir. "Kognitiv" – tushunchasi turli darajadagi bilish obrazlarining shakllanishida ishtirok etadigan axborotlarni qayta ishlashning psixologik mexanizmiga taalluqlidir. Oddiy qilib aytganda, borliqni o'rganishning o'ziga xos individual uslubidir.

So'nggi paytlarda kognitiv uslub bilan bog'liq ko'plab metatushunchalar (metauslublar) vujudga kela boshladiki, ular mazkur vaziyatdagi aniq kognitiv uslublarni ifodalashda qo'llanilishi mumkin. Bular [5]:

– artikulirovanlik – globallik (Uitkin, Dik, Faterson, Gudenoug, Karp, 1974);
– analitiklik – sintetiklik (Kolga, 1976; SHkuratova,1974);
– obrazlilik – verballik va yaxlitlik – detallik (Riding,1997).

https://buxdu.uz

J.Byuffonnnig "Uslub – bu odam" iborasiga amal qilgan holda uslub tushunchasi psixik faollikning barcha sohalariga nisbatan tadbiq etila boshlandi. Psixologik adabiyotlarda "baholash uslubi" (Beznosov,1982), "Hissiy uslub" (Dorfman,1989), "pedagogik muloqot uslubi" (Korotaev, Tambovtseva, 1990), "maktabgacha yoshdagi bolalar psixik faoliyatining uslubi" (Stetsenko,1983), "shaxsning hayot uslubi" (Zlobina, 1982), "faollik uslubi" (Vyatkin,1992), "qiyin hayotiy vaziyatlarda o'zini tuta bilish uslubi" (Libina,1996), "faoliyatni boshqarish uslubi"(Morosanova, 1998) va hakazo.

Kognitiv uslub tushunchasi esa shaxs psixologiyasi va bilish psixologiyasining chegarasida shakllangan. Uslub so'zining qo'shilishi bilan u o'ziga xos tusga ega bo'lgan. SHaxs psixologiyasida uslubni individuallik namoyon bo'lishining eng yuqori darajasi sifatida ta'riflansa, bilish psixologiyasida esa intellektual faoliyatning rasmiy tabiatga ega ekanligini ta'kidlagan holda, uning psixik taraqqiyotning past yoki yuqori darajasiga aloqador emasligi e'tirof etiladi.

Uslubli yondashuvning shakllanishi bilish psixologiyasining predmetini transformatsiya qilinishiga olib keldi. Agar dastlab bilish psixologiyasi bilish faoliyatining umumiy qonuniyatlari haqidagi fan bo'lsa, hozirda kishilarning borliqni bilish uslubidagi individual farqlarning mexanizmlari haqidagi fanga aylandi. Har bir tushuncha o'ziga xos tarixga ega. Jumladan kognitiv uslub tushunchasining shakllanishini o'rganish uchun ko'plab nazariyalarni tahlil qilish zarur.

G.Uitkin ishlarida kognitiv uslub tushunchasi geshtal't psixologiyadagi maydon va maydondagi xulq – atvor haqidagi geshtal't psixologik tasavvurlar doirasida shakllandi. Har bir kishiga maydon (predmetli va ijtimoiy borliq) turlicha darajada ta'sir etadi. Ba'zilarning xulq – atvori ko'p jihatdan maydonga tobe (xulq – atvorning maydonga tobe tipi) bo'lsa, boshqalarniki ichki faollikka yo'naltirilgan (xulq – atvorning mustaqil tipi) bo'ladi.[1]

"Artikulyatsiyalangan" tushunchasi "analitik", "differentsiallashgan", "ma'lum tartibda tuzilgan" tushunchalariga sinonim hisoblanadi. Psixologik differentsiatsiyaning quyidagi to'rtta sohasi farqlanadi[2]:

1. Artikulyatsiyalashgan intellektual faoliyat ko'rsatish (bilish artikulyatsiyalarining me'yori). Dastlab maydonga tobelik – maydondan mustaqillik hodisasi pertseptiv faoliyat materiallari asosida tavsiflangan bo'lib, u murakkab pertseptiv obrazdagi oddiy qismlarni ajratib olishda namoyon bo'ladi.

Maydonga tobelik–maydondan mustaqillik kognitiv uslubi individual pertseptiv tajribaning artikulyatsiya qilish me'yorini ifodalaydi. Natijada idrokdagi analitik qobiliyat boshqa intellektual faoliyat sohasidani analiz qilish va ma'lum tartibda tuza olish qobiliyati bilan bir qatorda qaraladigan bo'ldi.

2. O'zining jismoniy tanasi haqidagi artikulyatsiyalangan tasavvurlar (o'zining jismoniy tanasi obrazining artikulyatsiya o'lchovi). Psixologik differentsiatsiya o'z tanasi haqidagi nisbiy global sub'yektiv qarashdan uning tarkibiy qismlari, o'zaro munosabati hamda chegaralarini aniq anglashgacha rivojlanib boradi.

3. SHaxsiy mansublik hissi (ijtimoiy muhitdan o'zining "Men" obrazini ajratib olish mezoni). Uitkinning fikricha, "Men" obrazining differentsiatsiya darajasi shaxslararo o'zaro ta'sir vaziyatida mustaqil va o'zini qanoatlantira oladigan darajada harakat qilishda ifodalanadi.

4. SHikast yetkazuvchi tajribadan maxsus himoyalanish va affektiv reaktsiyalarni nazorat qilish. Psixologik mexanizmlar ixtisoslashmagan (global tarzda tajribadan foydalanish) yoki ixtisoslashgan (tajriba dastlabki differentsiatsiya asosida jalb qilinadi) bo'lishi mumkin.

Ixtisoslashmagan himoya mexanizmlari negativizm va siqib chiqarishdan iborat bo'lib, ular shikast yetkazuvchi vaziyatni butunlay qabul qilmaslik yoki yoqimsiz tajribadan voz kechishda namoyon bo'ladi.

Ixtisoslashgan himoya mexanizmlari – izolyatsiya (ajratib qo'yish), intellektualizatsiya va proyektsiyadan iborat bo'lib, ularning har biri tajribaning alohida qismlaridan foydalanishni taqazo etadi. Bunda kognitiv nazorat ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Kognitiv nazorat tushunchasi psixoanalitik yo'nalishdagi olimlar; – J.Kleyn, P.Xoltsman, R.Gardner, G.SHlezinger va boshqalarning ishlarida rivojlantirilgan. Ularning fikricha, kognitiv nazorat – bu, birinchidan, affektiv qo'zg'atuvchilarga nisbatan "tuzilmali to'xtatish" (insonlar bir – birlaridan idrok qilinayotgan vaziyatni turlicha munosabatda bo'ladilar, unga nisbatan turli ehtiyoj va affektiv ta'sirlarni namoyon etadilar); ikkinchidan, individning psixik omillarni koordinatsiya qilish imkoniyati, vaziyat talablari ta'sirida adaptiv (moslashuvchanlik) tabiatiga ega xulq – atvor shakllanadi[3].

https://buxdu.uz

Fenomenologiyasiga ko'ra kognitiv nazorat sodir bo'layotgan voqea – hodisalarni individual o'ziga xos tarzda analiz qilish, tushunish va baholashdan iborat. Mazkur yo'nalishda kognitiv nazorat (zamonaviy terminologiyaga ko'ra kognitiv uslub)ning oltita turi ajaratib ko'rsatilgan. Bular; – ekvivalentlik diapozoni, kategoriyalar kengligi, rigid – egiluvchan nazorat, noreal tajribaga nisbatan bag'rikenglik, fokuslovchi yoki nusxa ko'chiruvchi nazorat, vaziyatni yumshatish va kuchaytirishdan iborat. R.Gardnerning fikricha, biror kognitiv nazorat tipiga ko'ra shaxs xususiyatlari haqida xulosa chiqarib bo'lmaydi. Asosiy e'tiborni "kognitiv uslub" deb nomlangan kognitiv nazorat kompleksiga qaratish lozim. Kognitiv uslub, birinchidan, mazkur shaxsning kognitiv uslubi kognitiv nazorat qiluvchi tamoyillarning o'ziga xos birikuvi (kombinatsiyasi)dan iborat bo'lganligi sababli, u turli maxsus vaziyat talablaridan xolidir; ikkinchidan, kognitiv uslubni tashkil etuvchi nazorat tamoyillari bir – biriga bog'liq bo'lmagan holda turli – tuman individual – ixtisoslashgan birikmalar shaklida namoyon bo'ladi. SHuning uchun ham kognitiv uslubga asoslangan holda insonlarning muayyan vaziyatdagi xulq – atvorini oldindan bashorat qilish mumkin[3].

Kognitiv uslub muammosiga bag'ishlangan nazariyalar ichida Dj.Kaganning kognitiv temp (tezlik) haqidagi qarashlari alohida o'rin tutadi.

Dastlab Dj.Kagan ob'yektlarni ikki usul yordamida toifalashtirishdagi inrdividual farqlarni o'rgandi. Bolalarga yaxshi tanish bo'lgan uchtadan predmet tavsiya etilib, ulardan ikkita bir – biriga o'xshash bo'lganlarini topish vazifasi berildi. So'ngra insonlar suratlarini ajratish topshirildi.

Dj.Kagan tomonidan ob'ektlarning o'xshashligiga qarab birlashtirishini o'rganish asosida toifalashning uchta usuli aniqlandi[4]:

- Analitik – tavsiflovchi (aniq belgilar asosida guruhlashtirish, masalan, "zebra va mayka – yo'l – yo'l chiziqlari bor" va hakozo);
- Tematik (vaziyat va funktsional aloqalarga asoslanib guruhlashtirish, masalan, kostryulka, stul – oshxona", erkak, ayol, bola – oila" va boshqalar) .
- Toifali – xulosalovchi (tanlangan ob'ektlarni umumlashtirilgan holda guruhlashtirish, masalan, "kiyim – kechak", "bir xil kasb egalari" va boshqalar).

Kognitiv temp omili muammolarni hal etishning faqatgina ayrim bosqichlaridagina namoyon bo'ladi. Bu bosqichlar quyidagilardan iborat:[4]

1) muammoli vaziyatni dekodlashtirish, tushunish;
2) muammoning yechimini topish uchun tayanish mumkin bo'lgan farazlarni yaratish;
3) dastlabki farazni asoslash uchun zarur harakatlarni bajarish;
4) uchinchi va to'rtinchi bosqichlarda hal etilgan muammolar yechimining to'g'riligini baholash;
5) javobni o'qituvchi yoki tekshiruvchiga ma'lum qilish.

Qaror qabul qilish tezligida namoyon bo'ladigan individual tafovutlarni Kagan shaxsning motivatsion – affektiv sohasi bilan bog'lab tushuntirgan[1].

O.Xarvi, D.Xant, G.SHroderlarning fikricha, vaziyatli ta'sir va shaxs xususiyatlari o'rtasida "kontsept" (tushuncha) vositachilik rolini bajaradi[2].

Kognitiv uslub muammosini rossiyalik tadqiqotchilardan I.N.Kozlova (1975), V.L.Kolga (1976), Y.T.Sokolova (1976), A.V.Solovyov (1977), M.S.Egorova (1979), M.A.Xolodnaya (2000) va boshqalar tomonidan keng o'rganila boshlangan.

O'smirlarda bilish faoliyatida namoyon bo'ladigan ikki kognitiv uslub; –maydonga tobe va maydondan mustaqil uslubining qaysi birini ustunligini aniqlash maqsadida Namangan shahridagi 52 – sonli va 58 – sonli 2 ta umumiy o'rta ta'lim maktabidan jami 52 nafar 16 yoshli o'smirlar ustida tajriba – sinov ishlari o'tkazildi. Tajribada "Gotshald shakllari" metodikasidan foydalanildi.[7] O'tkazilgan tajriba jarayonida erishilgan natijalar quyidagi jadvalda keltirilgan.

"Gotshald shakllari" metodikasi natijalari tahlili

Tajriba ob'yekti	Maydonga tobe uslub	Maydondan mustaqil uslub	Umimiy natijalar % hisobida
Namangan shahridagi 58-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilari natijalari (jami 25 nafar o'quvchi)	57%	43%	**100%**
Namangan shahridagi 52-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilari natijalari (jami 25 nafar o'quvchi)	**45%**	**55%**	**100%**

https://buxdu.uz

